ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE

ТОШКЕНТ-2021

**ЎТМИШГА НАЗАР / ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ / LOOK TO THE PAST**
№SI (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI

**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**
*тарих фанлари доктори,*
*профессор, академик,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон жаҳон тиллари*
*университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Кебадзе Мадонна**
*тарих фанлари доктори, Телави*
*давлат университети, Грузия*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Бурдиашвили Майя**
*тарих фанлари доктори, Телави*
*давлат университети, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**
*тарих фанлари доктори, доцент,*
*Хотин-қизлар давлат педагогика*
*университети, Қозоғистон*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**
*тарих фанлари доктори,*
*Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент.*
*Ўзбекистон давлат жаҳон*
*тиллари университети*

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**
*тарих фанлари номзоди, доцент*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Ғоффоров Шокир Сафарович**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Самарқанд давлат университети*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**
*Тарих фанлари доктори, профессор,*
*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт*
*институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**
*профессор, Телави давлат*
*университети, Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**
*тарих фанлари доктори, доцент*
*Нукус давлат педагогика институти*

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари доктори*
*Ўзбекистон Республикаси*
*Фанлар академияси*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**
*тарих фанлари номзоди, профессор,*
*Дипломатия академияси,*
*Қозоғистон Республикаси*

**Ширванова Тарана Амирага кызы**
*тарих фанлари номзоди, доцент*
*Азербайджон давлат*
*иқтисодиёт университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**
*тарих фанлари доктори, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давлятaлиевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Наманган давлат университети*

**Ковалев Борис Николаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Россия ФА, Санкт-Петербург*
*Тарих институти*

**Кобзева Ольга Петровна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Ауанасова Алима Мусировна**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Давлат тарихи институти, Қозоғистон*

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**
*фалсафа фанлари доктори, профессор*
*Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон*
*Миллий университети, Қозоғистон*

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Ўзбекистон миллий университети*

**Алиева Лале**
*тарих фанлари доктори,*
*Озарбайжон давлат университети*

**Исмаилова Алмаз**
*тарих фанлари доктори,*
*Доғистон мустақил университети*

**Талапов Бахриддин Алижанович**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Наманган давлат университети*

**Одилов Аброр Анварович**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT**

**1. Абира Амановна Ҳусейнова**
АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ..............................5

**2. Дилором Бобожонова**
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.................13

**3. Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов**
XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ........................................................................................23

**4. Шокир Сафарович Ғаффоров**
РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ (XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари)......................30

**5. Қобулжон Махамаджанович Насритдинов**
МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ЕРЛАРИНИНГ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИДАН................................38

**6. Анвар Яхшиев**
ЮНОН-БАҚТРИЯ ПОДШОЛИГИДА ҲУКМРОНЛИК ҚИЛГАН СУЛОЛАЛАР.................43

**7. Дилбар Тўраевна Абдурасулова**
МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АҲВОЛИ........................................................................................53

**8. Шахрух Раупович Абдурасилов**
ЎРТА АСРЛАРДА ТОШКЕНТНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ЭТНИК ТАРИХИ........................................................................................58

**9. Анваржон Орифжонович Алиев**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИНИНГ ФАОЛИЯТИ ДОИРАСИДА ЭЛЕКТРОН АРХИВНИ ЯРАТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УСУЛЛАРИ........................................................................................65

**10. Икром Нематович Жўраев**
ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ҲУДУДЛАРИДА ЮЗ БЕРГАН ЭТНОГЕНЕТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ..................................74

**11. Bobirjon Izzatullayevich Izzatullayev**
MARKAZIY OSIYODA AQSH STRATEGIK KOMMUNIKATSIYA SOHALARI...................81

**12. Shuxrat Suvonovich Norov**
O'ZBEKISTONDA MAHALLIY HOKIMIYAT ORGANLARI FAOLIYATIGA ASOSLANGAN HOLDA BANDLIKNI TA'MINLASHDA YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATINING TARIXIY TAJRIBASI (NAVOIY VILOYATI ARXIV MATERIALLARI ASOSIDA)........................................................................................88

**13. Go'zal Qodirovna Razzakova**
ВОҲА ТЎЙ МАРОСИМЛАРИДА ХАЛФАЧИЛИКНИНГ ЎРНИ..........................................96

**14. Лайло Қушманова**
ҚУРАМАЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЭТНИК ИЖТИМОИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ҲАЁТИ....................................................................................................103

**15. Shahzod Sayfiddin o'gli Luhmonov**
ISLOM HAMKORLIK TASHKILOTINING TURLI MINTAQALARDA OLIB BORAYOTGAN FAOLIYATINING USTUVOR YO'NALISHLARI XUSUSIDA.....................111

**16. Анвар Сайпуллаевич Турсунов**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ.........................................118

**17. Икромжон Ибрагимович Умаров**
ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА.................................................123

**18. Асадулло Олимжон ўғли Ҳасанов**
ФАРҒОНАНИНГ БИРИНЧИ ГУБЕРНАТОРИ....................................................................133

**19. Aziza Marksovna Aminova**
QIZILQUM MARKAZIDAGI TOSH SHAHARCHA…………………………………………...139

**ИНТЕРВЬЮ ВА СУҲБАТЛАР РУКНИ (ОҒЗАКИ ТАРИХ)**

**20. Бехруз Сайфуллаев**
ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН: ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ, АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧ АСОСИДА МУСТАҲКАМЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР…………………………………………………143

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Абира Амановна Ҳусейнова,**
Бухоро давлат университети профессори,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис
Сенати хотин-қизлар ва гендер тенглик
масалалари қўмитаси аъзоси

## АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

**For citation:** Abira A.Khuseynova. ROLE OF WOMEN IN SOCIAL AND POLITICAL LIFE OF SOCIETY. Look to the past. 2021, Special issue, pp.5-12

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-1

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни тадқиқ қилинган. Фалсафий таълимотлар тарихида гендер муносабатлари таҳлил қилиниб, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва жараёнларда аёлларга муносабат масаласи тадқиқ этилган. Шарқ ва Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурида аёлларнинг жамиятдаги ўрни хусусидаги фикрлар илмий тарзда ўрганилган. Мустақиллик йилларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ислоҳотлар мазмуни ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Гендер сиёсати, ижтимоий фаоллик, давлат бошқаруви, оила, фарзанд тарбияси, гендер тенглик.

---

**Абира Амановна Хусейнова,**
профессор Бухарского государственного университета,
Член комитета по вопросам женщин и гендерного равенства
Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан

## РОЛЬ ЖЕНЩИН В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА

**АННОТАЦИЯ**

В статье исследуется роль женщины в обществе. Анализируется гендерные отношения в истории философских учений и раскрыта проблема отношения к женщинам в социально-политических изменениях и процессах. Научно изучены мысли о роли женщин в обществе в восточной и западной социально-философской мысли. Изложено содержание реформ, направленных на повышение общественно-политической активности женщин за годы независимости.

**Ключевые слова:** Гендерная политика, социальная активность, государственное управление, семья, воспитание ребенка, гендерное равенство.

**Abira A. Khuseynova,**
Professor of the Bukhara State University,
Member of the Committee on Women and
Gender Equality of the Senate of the
Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

# ROLE OF WOMEN IN SOCIAL AND POLITICAL LIFE OF SOCIETY

**ABSTRACT**

The article examines the role of women in society. Gender relations in the history of philosophical doctrines are analyzed and the problem of attitudes towards women in socio-political changes and processes is revealed. The ideas about the role of women in society in Eastern and Western socio-philosophical thought have been scientifically studied. The content of the reforms aimed at increasing the social and political activity of women during the years of independence is stated.

**Index Terms:** Gender policy, social activity, public administration, family, child-rearing, gender equality.

---

**1.Долзарблиги:**

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари дадил қадам қўйиб бормоқдамиз. Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму - фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётганлиги айниқса, эътиборлидир.

Тарихдан маълумки, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланган. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос хусусиятдир. Демократия аёл ҳуқуқи – инсон ҳуқуқи, инсон муаммоси – аёл муаммоси эканлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида аёллар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш учун зарур сиёсий-ҳуқуқий база яратилди. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил давомида ушбу масалада янада чуқур ва изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**2. Методлар:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, жараёнларга давр нуқтаи назаридан баҳо бериш тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни масаласи ёритилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Конституциямизнинг 46-моддасида белгилаб қўйилган «хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деган ғоя ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. “Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик”[6]. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари аъзолигидаги хотин-қизларнинг улуши ҳам ўтган йилларга нисбатан ортганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоларининг 29 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг 28 фоизи, Ўзбекистон Экологик партия аъзоларининг 22 фоизи, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоларининг 21 фоизи ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг 20 фоизини хотин-қизлар ташкил қилмоқда.

Фалсафий таълимотлар тарихи гендер муносабатлари фалсафий тафаккурнинг доимий баҳс мавзуси бўлганлигини тасдиқлайди. «Гендер» тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмида илмий муомалага киритилган бўлса-да, унинг мазмуни қадимийдир. Икки жинс, яъни эркак ва аёл муносабатлари антик давр фалсафаси, ўрта асрлар фалсафаси, Уйғониш даври фалсафаси, янги давр фалсафасида ўз ифодасини топганлиги ушбу фикр тасдиғидир.

Демак, «гендер муносабатлари» бугунги замон фанининг кашфиёти эмас, балки қадимдан илмий тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этиб келинади.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фанларда аёл ва эркак муносабатлари тарихини матриархат ва патриархат даврларга бўлиш, оила, хусусий мулк ва давлатнинг пайдо бўлиши билан мавжуд ижтимоий муносабатлар тизими ўзгариб, «патриархат» даври бошлангани фанда эътироф этилган [7]. Ибтидоий муносабатларни, оилани сақлаш ва мустаҳкамлаш зарурлигини аёл инстинктив ҳис қилган. Ҳар бир йўқотиш қабила учун қимматга тушган, шунинг учун илк босқичда босқинчи аёллар учрамайди. Бироқ матриархат давридаги аёллар ўз кучи, сеҳри ва қобилиятига ишонганлар. Шунинг учун ҳам илк худолар аёл тимсолида тасвирланган.

Бугун дунёда кечаётган глобал аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва жараёнлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларни қарор топтириш ва умумсайёравий жаҳон миқёсида фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар аёллар масаласига ҳам янгича ёндашишни тақозо этади. Илк феминизм сифатида матриархат давридаги жамоанинг, уруғнинг, қабиланинг аёллар томонидан бошқарилиши назарда тутилади. Ушбу даврда аёлларнинг жамоа ҳаётидаги роли юқори бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, матриархат даврида оналик ҳуқуқи ҳукм сурган, қабилалар ҳаётига тааллуқли барча масалаларни аёллар кенгаши ёки аёл-йўлбошчи ҳал қилган. Геродотнинг ёзишича, скиф ва массагет аёллари нафақат жангларда қатнашганлар, балки жангни давом эттириш ёки тўхтатиш масаласини ҳам ҳал этганлар [8].

Тарихий тараққиётдан маълумки, кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида аёлларнинг ўз ўрни бўлган. Шунингдек, мазкур даврларда яратилган тарихий манбаларда турли хил жараёнларда эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам фаол иштирок этганликлари хусусида маълумотлар бор. Жумладан, Ўрта Осиё аёлларининг қадимги тарихий даврлардаги ижтимоий мавқеи ва уларнинг ҳаёт тарзи ҳақидаги баъзи бир маълумотлар қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География”, Абу Райҳон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотут турк” асарларида учратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, “Авесто”да ҳам аёл, оила, фарзанд тарбияси билан боғлиқ жуда кўп фикрлар учрайди.

Ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табаррук оналар аждодларимиз маънавий меросида улуғланган. Муқаддас манбаларда, мутафаккирларимиз томонидан “Жаннат оналар оёғи остидадир” деган мазмундаги ҳикматли сўзларда ҳам муқаддас она эъзозланади. “Авесто”да мадҳ этилган аёл Ашада эса, одамларнинг ана шу истаклари гавдаланган. Муқаддас китобда Ашага берилган таъриф ўзига хослиги билан ажралиб туради: “Эъзозлаймиз ва ардоқлаймиз Парвардигор Мазда қизини, Барҳаёт Валийлар синглисини Нажоткорлар дониши бирлан Нажот сари элтадир Аша Ким чорлайди уни йироқдан, Ким чорлайди уни ёвуқдан, Саҳий-ла айлайдир инъом” [9].

Инсоният наздида Аша нажоткорлик тимсоли, қийинчиликларни даф этувчи нажоткор. У доимо ҳар жойда, ҳамиша одамларга эзгуликлар инъом этади. Ашанинг ниятлари пок, орзу истаклари пок. У фақат яхшиликни ўйлайди, тўғриликни сўзлайди, қиладиган амаллари ҳам фойдалидир. Шунинг учун одамлар уни улуғлайди, унга сажда қилади. Илоҳий Аша шарофатлилик тимсоли сифатида одамлар қалбида яшайди. Аёл талқинида берилган илоҳий хилқат барча эзгуликларнинг бунёдкори, яхшиликларнинг ҳимоячисидир. Ҳосилнинг мўллиги, чорванинг тўқлиги, еру кўкнинг яшнаши у туфайли. Муқаддас манбада қайд этилишича, у ерни яшнатади, яйловларни гуллатади. Шунинг учун одамлар унга талпинади, ҳамду санолар ўқиб ардоқлайди. “Авесто”да эзгу қисмат ва эътиқод маъбудаси тимсоли Аша улуғланиб, барча шодликлар, осудалик, эзгулик унинг

номи билан боғланиб талқин этилган. Шунингдек, у илоҳий фаришта сифатида авлодларни ва насл-насабларни асрагувчи, эҳтиёт қилувчидир. У инсонийликнинг буюк тимсолидир. Оила масаласи ҳам мазкур муқаддас манбада ўз аксини топган. Зардуштийликда никоҳ бир умрга муҳрланган. Оила моногам бўлган. Эр-хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ лаънатланган. “Авесто”нинг асосан насрий баёнларидан иборат “Вендидат” қисмида оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, никоҳнинг бекор қилиниш сабаблари хусусида қуйидаги фикрлар айтиб ўтилган: “Эй, оила қураётган йигит-қизлар, Сизларни огоҳлантириб шуни айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида ғайрат қилингиз. Ҳар бирингиз яхши хулқ ва амал билан ўз оилангизнинг мустаҳкам, саодатли бўлишига эришинг!”. Зардушт аёл ҳуқуқини таҳқир этмоқ – ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир” дейди. Зардуштийлик дини жамиятда, оилада аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқли бўлишига интилган.

Аёлларга хос ишчанлик, лидерлик, тадбиркорлик белгилари тўғрисида хитойлик файласуф аёл Цзинь-Нин Цуннинг фикрлари эътиборга лойиқдир. Жумладан, у “аёл – гўзаллик ижодкоридир” деб таъкидлайди. Ҳаёт аёлнинг қўлларига муҳтождир. Унинг фикрича, аёллар лидерлиги ва тадбиркорлиги шарқона анъаналарга, хусусан, Дао фалсафасига мос келади. Шарқ аёли қандай фаолият билан шуғулланмасин, деб уқтиради бу доно аёл, у гўзалликни тарғиб этувчи, ахлоқий идеалларни ўзида ифода қилувчи тимсол бўлиб қолади. Цзинь-Нин Цун наздида “аёл – инсонийликни асровчидир”, яъни бу фикрда аёлнинг азалдан оилапарварлиги, фарзандсевар хилқат бўлиб келгани мадҳ этилади [10].

Г.Плосснинг ёзишича, ведалардан олдинги даврларда Ҳиндистонда аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлганлар, ижтимоий ҳаётда ва жангларда қатнашганлар. Браҳмонизм ва мутаассиб коҳинлар даврида аёллар эркакларга, тузумга тобе бўлиб қолганлар [11]. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин [12].

Юнон цивилизацияси ва фалсафаси тарихида гетера (юнонча Etaira ёки Ethes) – дўст, ўртоқ)лар сезиларли из қолдирган. Улар чиройли ташқи кўринишга эга эркин аёллар бўлганлар. Гетералар рақс тушиш, мусиқа чалиш, нотиқлик, адабиёт ва фалсафани яхши билишган, давлат арбоблари, аслзодалар билан суҳбат қуриб, уларни ром эта олганлар. «Ўзларининг бетакрорлиги, ҳусни-жамоли ва нозик ақли билан улар атрофида гўзаллик ва муҳаббат бобида ким ўзди муҳитини яратганлар, дидни нафислаштириб, қалбда севги оловини ёндирганлар, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланишига ёрдам берганлар... Гетералар гўзаллигига шоирлар, файласуфлар, довюрак лашкарбошилар, ҳатто шоҳлар ҳам дош беролмаганлар» [13]. Сукрот, Платон, Эпикур, Александр Македонский, Периклларнинг ҳам гетералари бўлгани тарихдан маълум. Македониялик Александр гетералари билан давлат ишлари тўғрисида маслаҳатлашиб турган» [14].

Инсоният тарихининг барча даврларида ўзининг ўткир ақли, қобилияти ва билими билан эркаклардан қолишмайдиган аёллар кўп бўлган. Улардан айримларининг кашфиётлари бугунгача ўз қимматини йўқотмаган. Масалан, александриялик Ипатия (IV аср) – математика, астрономия, астрология, нотиқлик санъатини яхши билган. Унинг математикадаги ғоялари асосида гипербола, парабола ва эллипс кашф этилган; Хитой империясининг маликаси Ши Дун ёрдамчиси билан бирга тут дарахтининг ёғочидан олинадиган биринчи қоғозни ихтиро қилган; Хильдегард фон Бинген XII аср рассоми ва мусиқачиси бўлган. Мария Винкельман XVII аср атоқли немис астрономи бўлиб, янги комета кашф этган, аммо ўз ихтиросини эрининг номига ўтказишга мажбур бўлган. Инглиз физиги Мария Соммервиль Пьер Лапласнинг само механикаси тўғрисидаги машҳур асарини таржима қилган ва шарҳлаган. Бу китоб юз йил давомида Кембридж университети талабалари учун дарслик бўлиб хизмат қилган. Аммо дарслик муаллифи ушбу билим даргоҳига на ўқишга ва на ишга қабул қилинган.

Амир Темур Шарқ аёлларидаги тенгсиз нафосат, матонат ва инсоний фазилатларни ўз вақтида пайқаб олган. Шунинг учун ҳам уларга барча имкониятлар яратиб берилган. Амир Темур давлати идораларини мустаҳкамлашда ва уни бошқаришда, ободонлаштириш, темурий шаҳзодаларни тарбиялашда “унинг хотинлардан энг муқаддами ва баркамоли Катта Малика (Сарой Мулк хоним)” Бибихонимнинг хизматлари чексиз бўлган. Соҳибқирон бу

оқила аёлга набиралари, Шоҳруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо, Ҳалил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзоларни тарбиялаш вазифасини ишониб топширган. У ўзининг мафтункор латофати, ёрга садоқати, доно ва ҳозиржавоблиги, чексиз инсоний фазилатларга эга бўлганлиги билан бошқа маликалардан ажралиб турган, шунинг учун ҳам Сароймулкхоним Амир Темурнинг самимий ҳурмати, садоқатига сазовор бўлган.

Соҳибқирон 1399 йил Ҳиндистон сафаридан қайтганидан сўнг Бибихоним шарафига мачит ва мадраса қуришга буйруқ беради. Ҳозир ҳам бу муҳташам бино Самарқанд кўркига кўрк қўшиб турибди.

Амир Темур ўғиллари ва невараларига келин танлашда ўзи иштирок этган. Бўлажак келинни оиласи, насл-насаби ва таълим – тарбиясига жиддий эътибор берган. Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темурнинг аёлга, оилага муқаддас деб қараганини исботловчи фикрлари мавжуд: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насибаси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим».

Манбаларга кўра, Темурийлар даврида хотин-қизлар учун алоҳида мактаблар очилган. Бу ерда отинбибилар ўқитувчилик қилганлар. Оддий халқнинг қизларига таълим берадиган мактаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар маҳаллаларда ташкил этилган. Махсус таълим олган отинбибилар бу мактабларда қизларга сабоқ берганлар. Мазкур фикрлардан айтиш мумкинки, ўша давр аёлларининг садоқатли, оқила ва маънавиятли бўлганлиги сабабли уларга бўлган муносабат ҳам юксак бўлган.

Ризоуддин ибн Фахриддин "Оила" номли асарида аёллар ҳақида шундай ёзади: "Агарда оила кемага ўхшатилса, хотун кеманинг қуйруғи ҳукмида бўлур. Дарёда катта қувватга эга бўлган кема қуйруқ ҳаракатига эргашиб юргани каби, мамлакат мисолида бўлган оилаларда оила ичида бўлган хотун ҳаракатига эргашурлар. Хотунлари тарбияли бўлган халқ – тарбияли-ю, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ – тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор иродали бўлган халқ – бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир" [15].

Юқорида келтирилган баъзи бир манбалардаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аёллар масаласи жамият тараққиётида жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Д. Алимованинг ёзишича, «аёллар масаласини ҳал этишда фан реал вазиятдан ажратилмаган ҳолда, тадқиқотлар эса ижтимоий борлиқни назарда тутган ҳолда олиб борилиши керак... Айниқса аёллар масаласининг фалсафий ва ҳуқуқий томонларини ўрганиш мақсадга йўналтирилган ва янада чуқур тадқиқотларни тақозо этади» [16].

Маълумки, XX асрнинг 80-йилларида БМТ ташаббуси билан «Гендер ва тараққиёт» дастури ишлаб чиқилиб, жаҳон миқёсида амалга ошириш учун тавсия этилди. «Гендер» тушунчаси «жинс» маъносини англатади. Илмий адабиётларда «гендер» тушунчасига берилган бир қанча таърифларни учратиш мумкин. Жумладан, О.В.Рябовнинг фикрича, «гендер эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар тизимидир» [17]. Н.М.Муравьёва эса, «Гендер фақатгина аёллар муаммосини эмас, балки жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш калити ҳисобланади» [18], – деб ёзади.

Мустақиллик Ўзбекистон аёлларини жамиятнинг том маънодаги тенг ҳуқуқли аъзосига, жумладан, сиёсат субъектига айлантирди. Мустақиллик туфайли аёллар давлат ва жамият бошқарувида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу – Ўзбекистон халқининг, жумладан, аёлларимизнинг тарихий ютуғидир. Албатта, бу ютуқ ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Мустақил Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётида «сиёсат – эркакларнинг иши», деган ҳукмрон дунёқарашга барҳам берилди. БМТ томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»да [1] ифодаланган «Аёллар барча сайловларда эркаклар билан тенг шароитлар асосида, ҳеч бир камситишларсиз овоз бериш ҳуқуқига эга» (1-модда); «Аёллар миллий қонун билан

белгиланган, ошкора сайловларни талаб этадиган барча муассасаларга эркаклар билан тенг шароитлар асосида, ҳеч бир камситишларсиз сайланишлари мумкин» (2-модда); «Аёллар эркаклар билан тенг шароитлар асосида жамоат-давлат хизматида лавозимни эгаллаш ва миллий қонунда белгиланган барча жамоат-давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга» (3-модда) – барча талаблари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги кунда хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ролини оширишга, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, 02.09.2019 йилда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни [3] қабул қилинди. Қонун билан илк бор миллий қонунчилигимизда “гендер” тушунчасига таъриф берилиб, давлат хизмати, сайлов жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий, таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун давлат томонидан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилиши кафолатланди. Гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгашлари ташкил этилди.

Соҳага оид қонунларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2030 йилларда гендер тенгликни таъминлаш стратегияси лойиҳаси тайёрланди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [2]да белгиланган устувор вазифалар ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар [5] ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилди. “Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2030 йилларда гендер тенгликни таъминлаш стратегияси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида [4]ҳам айнан хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги кенг иштирокини таъминлаш масаласига жуда катта эътибор қаратилган.

**4. Хулосалар:**

Таъкидлаш лозимки, Гендер тенгликни таъминлаш стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мамлакатда инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат билан қарашни шакллантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш имконини беради. Гендер стратегиясини ишлаб чиқишдан асосий мақсад – ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат. Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, гендер тенгликка эришиш стратегияси қуйидаги 6 та устувор йўналишларни қамраб олди:

Биринчи устувор йўналиш - давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

Иккинчи устувор йўналиш - сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

Учинчи устувор йўналиш - ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

Тўртинчи устувор йўналиш - оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

Бешинчи устувор йўналиш - таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

Олтинчи устувор йўналиш - гендер тенгликни таъминлаш тадбирларини ҳисобга олган ҳолда давлат дастурларини бюджетлаштириш ва молиялаштириш.

2020-2030 йилларда Гендер тенгликка эришиш стартегиясини амалга ошириш орқали бир қатор натижаларга эришиш кўзда тутилган. Булар:

Биринчидан, давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиётини кенгайтириш;

Иккинчидан, хотин-қизларни сайлов жараёнларига кенг жалб қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш;

Учинчидан, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш;

Тўртинчидан, оилавий ажримларнинг олдини олиш, уй меҳнатига нисбатан жамиятда шаклланган қарашлар ва муносабатни ўзгартириш, уни амалга оширишда жинс бўйича камситишнинг олдини олиш;

Бешинчидан, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар ва эркакларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш;

Олтинчидан, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, тиббиёт ҳамда эркаклар улуши кам бўлган бошқа соҳаларга эркакларни жалб қилиш;

Еттинчидан, "Гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш" тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва бошқалар.

Гендер тенгликка эришиш стратегияси 10 йиллик муддатни қамраб олганлигига қарамай, жамиятдаги сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий қарашлар, стратегияни аҳолининг турли қатламларига бирдай татбиқ этишнинг ўзига хосликларини инобатга олиб, уни амалга ошириш қисқа муддатларда босқичма-босқич олиб борилади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, уларни рози қилиш – барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало, инсоний бурчидир".

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» (БМТ томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган). (Konventsiya o politicheskikh pravakh zhenshchin (prinyata OON 20 dekabrya 1952 g.).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. (Ukaz Prezidenta Respubliki Uzbekistan ot 7 fevralya 2017 goda № PF-4947 «O Strategii deystviy po dal'neyshemu razvitiyu Respubliki Uzbekistan»)
3. "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўиқғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-562-сон 02.09.2019) (Zakon Respubliki Uzbekistan «O garantiyakh ravnykh prav i vozmozhnostey zhenshchin i muzhchin» (ZRU-562 № 02.09.2019).
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2021 йил ПФ-6155-сонли Фармони. (Ukaz Prezidenta Respubliki Uzbekistan № PF-6155 ot 03.02.2021 «O Gosudarstvennoy programme realizatsii Strategii deystviy po pyati prioritetnym napravleniyam razvitiya Respubliki Uzbekistan na 2017-2021 gody v «God podderzhki i zdorov'ya molodezhi»).
5. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2018 йил 841-сон Қарори. (Postanovleniye Kabineta

Ministrov Respubliki Uzbekistan ot 20.10.2018 № 841 «O merakh po realizatsii natsional'nykh tseley i zadach v oblasti ustoychivogo razvitiya do 2030 goda»).

6. 6.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //2020 йил 7 март (Vystupleniye Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoeva na torzhestvennoy tseremonii, posvyashchennoy Mezhdunarodnomu zhenskomu dnyu // 7 marta 2020 g.)
7. Бебель А. Женщина и социализм. – М.: Политиздат, 1959. – С. 68–96. (Bebel' A. Zhenshchina i sotsializm. – M.: Politizdat, 1959. - s. 68–96).
8. Геродот. История. – М.: Олма-Пресс, 2004. – С. 181. (Gerodot. Istoriya. – M.: Olma-Press, 2004. – S. 181.)
9. "Авесто" тарихий-адабий ёдгорлик. Асқад Маҳкам таржимаси. – Т., Шарқ, 2001. (Avestoning tarixiy va adabiy yodgorligi. Asqad Mahkam tomonidan tarjima qilingan. - T., Shark, 2001 yil.)
10. Цзинь-Нин Цун. Искусство войны. Древнекитайская мудрость Сунь-Цзы для женщин, стремящихся к успеху. – Москва: ЭКСМО, 2008. -С.114. (TSzin'-Nin Tsun. Iskusstvo voyny. Drevnekitayskaya mudrost' Sun'-TSzy dlya zhenshchin, stremyashchikhsya k uspekhu. – Moskva: EKSMO, 2008. -S.114).
11. Плоссь Г. Женщина в естествоведении и народоведении. – Сыктывкар-Киров: Вятка, 1995. – С. 282. (Ploss' G. Zhenshchina v yestestvovedenii i narodovedenii. – Syktyvkar-Kirov: Vyatka, 1995. – S. 282).
12. История древнего Востока / Под ред. В.И.Кудищина. – М.: Высш. шк., 2005; Массон В.М. Средняя Азия и Древный Восток. – М.-Л., 1964; Шетенко А.Я. Первобытный Индистан. – Л.: Наука, 1979 (Istoriya drevnego Vostoka / Pod red. V.I.Kudishchina. – M.: Vyssh. shk., 2005; Masson V.M. Srednyaya Aziya i Drevnyy Vostok. – M.-L., 1964; Shetenko A.YA. Pervobytnyy Indistan. – L.: Nauka, 1979).
13. 13.Дюпун Е. Проституция в древности. – Кишинев: Логос, 1991. – С. 83. (Dyupun Ye. Prostitutsiya v drevnosti. – Kishinev: Logos, 1991. – S. 83).
14. 14.Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 32. (Safayeva S. Problema zhenshchin: sotsial'nyye i natsional'nyye aspekty. – Tashkent: Uzbekistan, 2003. – B.32).
15. 15.Ризоуддин ибн Фахриддин. Оила. Т.: Меҳнат-1991. 9-бет (Rizouddin ibn Faksriddin. Oila. T .: Mekhnat-1991. Str.9).
16. 16. Алимова Д. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 19. (Alimova D. Issledovaniye i zadachi zhenshchin v sotsial'nykh naukakh Uzbekistana // Rol' zhenshchiny i gendernyye voprosy v postroyenii sem'i, gosudarstva i obshchestva v Uzbekistane. - Tashkent: Fan, 1999. - B. 19).
17. 17. Практическое руководство по внедрению гендерных подходов. ИПОР. – Нью-Йорк, 2002.– С. 17–19. (Prakticheskoye rukovodstvo po vnedreniyu gendernyx podkhodov. IPOR. - N'yu-York, 2002. - s. 17–19).
18. 18.Муравьёва Н. Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий мақомини юксалтириш. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2004. – Б.49. (Murav'yeva N. Povysheniye sotsial'nogo statusa zhenshchin v Uzbekistane. - Tashkent: Izdatel'stvo Natsional'noy biblioteki Uzbekistana, 2004. – B. 49).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Дилором Бобожонова,**
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
профессори, тарих фанлари доктори

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**For citation:** Dilorom Babajanova. WOMEN'S CONTRIBUTION TO INCREASING THE SPIRITUALITY OF YOUTH, TO SCIENTIFIC PROGRESS AND INNOVATIVE DEVELOPMENT. Look to the past. 2021, Special issue, pp. 13-22

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-2

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақола ўзбек олималарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш, мамлакат илм-фани тараққиёти ва инновацион ривожланишга қўшган улкан ҳиссасини маълумотлар, факт ва рақамлар асосида ёритишга бағишланган. Ўзбекистонлик олималарнинг мамлакат ёшларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларнинг илмий-ижодий фаолияти ҳамда инновацион ривожланишга қўшган ҳиссалари билан илмга ташна ёшларни таништириш, таниқли олималар ҳаётидан ибрат олиш ва сабоқ чиқаришга ундаш ҳамда уларни илмий ишлар билан шуғулланишга йўналтириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар маънавияти, ғурур, маданият, жамият, адабиёт, санъат, салоҳият, илм-фан тараққиёти, хотин-қизлар, маънавий камолот, фидойи, жонкуяр, жамоат арбоби, истеъдодли олима, жозиба, етук олима, инновацион ривожланиш.

---

**Дилором Бабаджанова**,
доктор исторических наук, профессор
Узбекского государственного университета мировых языков

## ВКЛАД ЖЕНЩИН В ПОВЫШЕНИЕ ДУХОВНОСТИ МОЛОДЕЖИ, В НАУЧНЫЙ ПРОГРЕСС И ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ

**АННОТАЦИЯ**

Данная статья посвящена освещению огромного вклада узбекских ученых женщин в повышение духовности молодежи, в научный прогресс и инновационное развитие страны на основе данных, фактов и цифр. Основная цель – ознакомить интересующихся наукой молодых людей с научной и творческой деятельностью и вкладом ученых женщин Узбекистана в инновационное развитие, повышение интеллектуального и духовного потенциала молодежи, побудить их учиться и извлекать уроки на жизненном опыте ученых женщин, а также направить их к научной работе.

**Ключевые слова:** духовность молодежи, гордость, культура, общество, литература, искусство, потенциал, научный прогресс, женщины, духовная зрелость, самоотверженный,

преданный, общественный деятель, талантливая ученая, обаяние, зрелый ученый, инновационное развитие.

---

**Dilorom Babajanova,**
Doctor of Historical Sciences, Professor
Uzbek State University of World Languages

## WOMEN'S CONTRIBUTION TO INCREASING THE SPIRITUALITY OF YOUTH, TO SCIENTIFIC PROGRESS AND INNOVATIVE DEVELOPMENT

**ABSTRACT**

This article is devoted to highlighting the huge contribution of Uzbek women scientists to improving the spirituality of youth, to scientific progress and innovative development of the country based on data, facts and figures. The main goal is to familiarize young people interested in science with scientific and creative activities and the contribution of women scientists of Uzbekistan to innovative development, increasing the intellectual and spiritual potential of young people, encouraging them to learn and learn from the life experience of women scientists, as well as direct them to scientific work.

**Index Terms:** spirituality of youth, pride, culture, society, literature, art, potential, scientific progress, women, spiritual maturity, selfless, devoted, public figure, talented scientist, charm, mature scientist, innovative development.

---

**1.Долзарблиги:**

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг мамлакат илм-фани тараққиётига ва иновацион ривожланишга қўшган улкан ҳиссаларини тарғиб-ташвиқ қилиш, уларни муносиб тақдирлаш, шунингдек, уларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини, хусусан, маънавиятини шакллантиришда энг аввало, беқиёс таъсир кучига эга бўлган интеллектуал салоҳиятининг ўрни каттадир. Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга бўлган мамлакатдир. Миллий-маънавий қадриятларимизнинг илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитилиб борилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг замон талабларига мос равишда ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бугун ана шу вазифалар, келажак режалари ҳақида фикр юритар эканмиз, илм-фан ва унинг тараққиёти, демократик ислоҳотлар муваффақияти, асосан, унда хотин-қизлар, жумладан, олималар ҳам қанчалик даражада иштирок этишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: “Энг катта бойлик–бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос–бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик–бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эхтиёжга айланиши керак”[1], деб таъкидлаган эди. Айниқса, янгиланаётган Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт йўлида халқнинг энг катта бойлиги бўлган улкан интеллектуал ва маънавий салоҳият эгаларидан бўлмиш хотин-қизларнинг илмий фаолияти, инновацион ғоялари, уларнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни янада муҳим аҳамият касб этади.

**2. Методлар:**

Бугунги кунда хотин-қизларнинг илм-фан ва таълим тизимида ҳам тўлақонли иштирок этиши, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, давлат хавфсизлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларида фаол иштирок этиши оддий бир ҳолга айланиб бормоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, жамият томонидан уларнинг қўллаб-қувватланишига қараб мазкур давлатнинг илғорлиги, тараққий этганлиги даражаси ва тутган мавқеини аниқлаш мумкин. Ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида мамлакат

хотин-қизларининг илм-фанни тараққий эттиришдаги ҳаракатлари, ижтимоий ҳаётдаги иштироки ва фаолиятлари билан боғлиқ қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган, мазкур тадқиқотлар хотин-қизлар масалаларини ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий мақола муайян даражада хизмат қилади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар меҳнатининг халқ хўжалиги турли соҳалари бўйича тақсимланиши, хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётидаги ўрни ҳамда уни тараққий эттириш масалалари илмий-тадқиқотларда”[2.24-25], акс эттирилган. Шунингдек, тарих йўналишидаги тадқиқотларда аёллар бандлиги, уларнинг иқтисодий ислоҳотлардаги иштироки, давлат бошқаруви ва оилада аёллар мавқеи, гендер тенглиги каби муаммолар ҳужжатли материаллар асосида очиб берилган”[3.17-23].

Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқларининг миллий ва халқаро жиҳатлари ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий куч сифатида шаклланиш жараёнларига бағишланган кўплаб тадқиқот ишлари мавжуд”[4.41]. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомини ошириш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадқиқотларда хотин-қизлар фаоллиги тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган, фақат мазкур муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар чоп этилган”[5.15].

Ана шу жиҳатдан олганда, мамлакат тарихида ўзининг ноёб иқтидори, чуқур билими, савияси ва зукколиги билан ном қолдирган ҳамда мустақил дунёқарашга, фалсафий мушоҳадага эга юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида ўрнига эга юзлаб фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари орасида ўз билими ва истеъдоди билан Ватан равнақига астойдил хизмат қилиб келган олималар бор.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини, хусусан, маънавиятини шакллантиришда энг аввало, беқиёс таъсир кучига эга бўлган интеллектуал салоҳиятининг ўрни каттадир. Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга бўлган мамлакатдир. Бу ҳақиқатни чуқур англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: ”Бу салоҳиятни яратиш ва янада кўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда қадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганликларини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз”[6.144], деб таъкидлади.

Маънавий қадриятларимизнинг илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитилиб борилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг жаҳон талабларига мос равишда ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бугун ана шу вазифалар, келажак режалари ҳақида фикр юритар эканмиз, фан ва унинг тараққиёти, демократик ислоҳотлар муваффақияти, асосан, унда олимларимиз қанчалик даражада иштирок этишига боғлиқ. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда,“бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир”[7]. Бу жараёнда хотин-қизларнинг илмий ва маънавий салоҳияти янада муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида тарихий воқеликларни ёритишда янгича ёндашув ва қарашларга кенг йўл очиб берди, айниқса, хотин-қизларга бўлган муносабатдаги тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имконияти туғилди.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Хотин-қизларнинг илм-фан билан шуғулланишлари уларнинг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғи ва бутун миллатнинг билимли, маданиятли бўлиши учун мустаҳкам замин ҳисобланади. Буюклар таъкидланганидек, "Эркак илмли бўлса, нари борса бир киши илмли бўлади, аёл илмли бўлса–миллат илмли бўлади". Айтиш мумкин-ки, азалдан аёлларнинг илмли, маърифатли, оқила ва фозила бўлишларидан жамият ҳамиша манфаатдор бўлган.

Сўнгги йилларда хотин-қизларга бўлган муносабат ва эьтибор янада кучайди. Буни уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги фаолликларини янада кенгайтиришга қаратилган амалий ишларда кузатиш мумкин. Масалан, олима аёллар ҳаётидаги ўзгаришлар бунга мисол бўла олади. Жумладан, 2018 йилда мамлакатимизда фаолият юритаётган илмий ходимларнинг 150 мингдан ортиғини аёллар ташкил этган бўлса, уларнинг 8 нафари академик, 616 нафари фан доктори, 4780 нафари фан номзодлари эдилар[8.6-7].

Бугунги кунда хотин-қизларнинг илм-фан ва таълим тизимида ҳам тўлақонли иштирок этиши, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, давлат хавфсизлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларида фаол иштирок этиши оддий бир ҳолга айланиб бормоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, жамият томонидан уларнинг қўллаб-қувватланишига қараб мазкур давлатнинг илғорлиги, тараққий этганлиги даражаси ва тутган мавқеини аниқлаш мумкин. Ана шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз тарихида ўзининг ноёб иқтидори, билими, савияси ва зукколиги билан ном қолдирган ҳамда мустақил дунёқарашга, фалсафий мушоҳадага эга юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида ўрнига эга "ўнлаб опа-сингилларимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони, "Ўзбекистон фан арбоби", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ шоири, "Ўзбекистон халқ артисти" сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда"[9].

Хотин-қизлар масаласи эндиликда, XXI асрга келиб, янада долзарб тус олди, чунки ҳеч қачон ҳозиргидек, муҳим ва улкан ўзгаришлар содир этилган эмас. Бу борада шундай фикрлар бор: ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади. Зеро, бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишдан иборатдир. Бу сўзлар шунчаки қуруқ гап эмас, у нафақат маънавиятга, балки илмий-амалий ишларга ҳам тааллуқлидир.

Мамлакатимиз илм-фан, маърифат ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган олималарнинг ўрни ҳам беқиёс эканлигини таъкидлаш жоиз. Ана шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз тарихида ўзининг ноёб иқтидори, билими, савияси ва зукколиги билан ном қолдирган ҳамда мустақил дунёқарашга, фалсафий мушоҳадага эга юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида ўрнига эга ўнлаб аёллар номини келтириш мумкин. Шулардан Ватанимизда етишиб, фаолият юритган таниқли олималар – Ҳадича Сулаймонова, Зарифа Саидносирова, Галина Пугаченкова, Суюма Ғаниева, Сабоҳат Азимжонова, Фозила Сулаймонова, Мазлума Асқарова, Раъно Ражабова, Раҳима Аминова каби олималар олиб борган тадқиқот ишлари ва уларнинг ҳаёти ва фаолияти бугунги ёшлар учун ибрат ва ўрнакдир. Улар орасидан тарих фанининг зукко билимдони, фидойи, жонкуяр ва заҳматкаш инсонлардан бири – Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Раҳима Аминова олиб борган илмий тадқиқот ишларининг ғоятда муҳим ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Табиатан камтар, ҳалол, покиза, иродали, комиллик йўлини танлаб, ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган, илмни ўз ҳаёт йўли мазмунига айлантирган Раҳима Аминова тарих фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлган биринчи ўзбек аёли, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги бўлган илк аёллардан бўлиб, йирик олима сифатида жаҳон илмий жамоатчилигига яхши танилди. Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихига оид кўплаб тадқиқотлар муаллифи, етук жамоат арбоби, истеъдодли олима бағри кенг, илм ва зиё таратиб келган, ҳаётининг ҳар бир дақиқасини мазмунли ва самарали ўтказган ноёб иқтидор эгаси эканлигини барча инсоний фазилатлар билан уйғунликда жонбозлик, ташаббускорлик, фидойилик унинг иш жараёни моҳияти эканлигини опани билган, таниган инсонларнинг барчаси бир овоздан эътироф этадилар.

Илмга ташналик Раҳима Аминовани таваллуд топган Қўқон шаҳридан Тошкентга етаклайди. Бу ерда олий маълумотга эга бўлгач, иқтидорли мутахассис сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган олима қирқ йилдан ортиқ, мазкур даргоҳда умрининг охирига қадар сидқидилдан хизмат қилиб келган. У ҳеч қачон мансаб, обрў талашмаган, катта лавозимларга ҳам қизиқмаган. Боиси, илм-фанни эгаллашни у ўзи учун энг катта лавозим, энг юқори мансаб деб билди. Ана шу интилиш, изланишлар натижасида олима йирик илмий асарлар ярата олди. У ўзбек тарихшунослик фанида ўз илмий мактабини яратган етук олима ҳисобланади. Нашр қилинган асарлари 300 дан ортиқ номда бўлиб, шундан 15 таси йирик монографик тадқиқот эканлиги олиманинг илмий қизиқиши доираси кенглиги, ижодий истеъдоди кўп қирралилигидан далолат беради.

Ўзбекистон тарихи фани ютуқларининг толмас тарғиботчиси Раҳима Ҳодиевна нафақат мамлакатимизда, балки собиқ Иттифоқ ҳатто, бир қанча хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилиги ўртасида ўзининг чуқур билими, тафаккури, иқтидори, теран фикри ҳамда илмий салоҳияти билан ном қозонган эди. Олиманинг ўндан ортиқ хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуманларда қилган муаммоли, долзарб мавзулардаги кенг қамровли, илмий теран ва юксак даражадаги маърузаларининг инглиз тилида равон, нотиқлик қобилияти билан баён этилиши, шарқона одоб ва маданият доирасида ўзини тутиши жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Бу билан ўзбек миллати орасида миллатнинг гули, фахри ва ғурури бўлишга арзигулик инсонлар борлигини дунёга яна бир бор намойиш қилди.

Раҳима Аминова 1978 йилда Швециянинг Упсала шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон социологлари конгрессида Ўзбекистон хотин-қизлари масаласига бағишланган маърузасини инглиз тилида қилди[10.16]. Бу маъруза анжуман иштирокчилари томонидан юқори баҳоланиб, Упсала шаҳрида чиқариладиган газетада ҳам босилиб чиққанлиги олиманинг катта ютуғи бўлди. Шундан кейинги йилларда ҳам Раҳима Ҳодиевна кўпгина хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий анжуманларда ўз маърузалари билан фаол иштирок этди. Жумладан, 1986 йилда тарихчиларнинг АҚШда ўтказилган халқаро илмий конференциясида қилган маърузаси юзасидан қатнашчиларнинг Ўзбекистон бугуни ва ўтмишига, шунингдек, хотин-қизлар ҳаётига доир кўплаб саволлар берганлиги, жаҳон илмий жамоатчилиги республикамиз тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли мамлакатимизга бўлган қизиқишнинг кучлилиги ва берилган саволларга Раҳима Аминова томонидан соф инглиз тилида, донолик билан дадил туриб, жавоб берилганлиги ўзбек аёлининг катта иқтидор эгаси эканлигини кўрсатди.

Ижодкор инсонгагина хос бўлган энг олий фазилат – меҳнат қилиш ва ўзини бунёдкорликда кўрсата билишдир. Меҳнат – инсоннинг ижодий имкониятларини ифода қиладиган, камолотга етаклаб борадиган ягона воситадир. Олима бутун умри давомида шу ақидаларга амал қилиб келди. Меҳнатга, илм-фанга бўлган фидойиликни у кишидан ўрганса арзийди. Кишиларга яхшилик қилишни ўзига шиор қилиб олган баркамол инсон бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, ёшларга нисбатан эътибор, муҳтожларга ёрдам бериш каби фазилатларнинг барчаси Раҳима Ҳодиевнада мужассам эди. Ниҳоятда камтарин, оддий ва камсуқум, хушмуомала бўлганлиги учун ҳам ёшлар ҳамиша бемалол мурожаат қила

олардилар. Шу боисдан ҳам, олиманинг шогирдлари сони тобора ортиб бораверди. Раҳима Ҳодиевна иқтидорли ёш тадқиқотчиларнинг катта гуруҳи – 15 нафар фан доктори ва 60 нафардан ортиқ фан номзодларини етиштирдилар. Олиманинг шогирдлари бугунги кунда республика тараққиёти учун астойдил меҳнат қилмоқдалар, улар илмий-тадқиқот масканларида, олий ўқув юртларида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар, айримлари юқори даражадаги давлат арбоблари вазифаларида, кафедралар, бўлимларга раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ўзлари ҳам илмий кадрлар етиштириб, устоз даражасига эришиб, илмий фаолиятларини самарали давом эттирмоқдалар.

Раҳима опадаги фанга бўлган фидойилик, қилаётган ишига бўлган масъулият, тиришқоқлик, ироданинг кучлилиги ҳамкасблари ва илмий жамоатчиликни ҳайратга соларди. Кўплаб талаба-ёшлар Раҳима Аминовага ихлос қўйган эдилар. У кишига хавас билан қарашар, олимадан ибрат, сабоқ олишга интилишар эдилар. Айниқса,Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тарих факультетида дарс берадиган тарих фани профессор-ўқитувчиларининг айримлари Раҳима Аминовадек йирик ва машҳур олима билан ёнма-ён ишлаганидан фахрланиб, ҳатто мақтаниб гапиришар, у киши билан бир бора бўлса-да, учрашиш ҳам катта бахт дея, барчада унга нисбатан ҳавас уйғотган эдилар.

Р.Ҳ.Аминова нафақат етук олима сифатида, балки илм-фан, жамоатчилик ишлари билан шуғулланиш билан бирга инсон ҳаётидаги энг олийжаноб бурч – фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашди. Тотув ва зиёли оилада тарбия топган фарзандлар ҳам бугунги кунда худди меҳрибон ота-оналари сингари республикамизнинг етук, тарбияли, билимдон, обрўли ва фидойи кишилари бўлиб етишдилар.

Раҳима Аминова билан бўлган суҳбатларда кўпинча устозлари тўғрисида гап кетарди. “Устозларим бўлган Иброҳим Мўминов, Яҳё Ғуломов, Хадича Сулаймоновалар тўғрисида кўп ўйлайман. Уларнинг менга кўрсатган йўл-йўриқлари, берган маслаҳатлари кейинги ҳаёт йўлимда муҳим ўрин тутди. Уларнинг ҳар биттаси бир дунё, бир олам эди. Афсуски, улар мустақиллигимизни кўрмасдан, уни орзу қилиб, армон билан оламдан ўтиб кетдилар. Айниқса, Иброҳим Мўминов бу кунни ниҳоятда орзиқиб кутди, миллат учун, унинг топталган ғурурини тиклаш учун курашиб ўтди. Мен шундай инсонлар руҳи олдида бош эгаман. Бундай буюк инсонларни унутиб бўладими? Мен ҳам ана шундай инсонлардек бўлишга интиламан. Токи, биздан келажак авлодларга яхши ишларимиз, аъмолимиз, камолимиз, китобларимиз, қобил фарзандлару шогирдларимиз қолсин!”, деб эслар эдилар. Раҳима Аминова сингари яқин ўтмишда яшаб ўтган етук тарих фанлари докторлари Розия Муқминова ва Раъно Ражапова каби тарихчи олималар қолдирган бой меросдан бугунги кунда илм аҳли баҳраманд бўлмоқдалар. Уларнинг фидойилик билан олиб борган эзгу ишлари ҳар биримиз учун улкан намунадир.

Бугунги кунда давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши кераклиги уқтирилган Президент Мурожаатномасида шунингдек, “мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим”, деган энг долзарб масала кўтарилди[11]. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ватанпарвар, серғайрат, илм-фанини тараққий эттириш учун бугунги кунда астойдил тер тўкаётган олима аёллардек миллатнинг фахри, ғурури сифатида асрашга лойиқ, арзигулик, илм-фанда юзлаб фидойи олим ва олималари бор экан, бу юртнинг келажаги порлок, халқи эса бой, бадавлат бўлади, фаровон ҳаёт кечиради.

Халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шаклларининг интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш услубларини кучайтириш ҳамиша долзарб масалалардан бўлиб қолаверади.

Ўзбекистонлик олималарнинг қўшни мамлакатлар ҳамкасблари билан илм-фан ва технологиялардаги ҳамкорлиги йил сайин кучайиб бормоқда. Жумладан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ёшлар Иттифоқи ташаббуси билан “TechWomen” халқаро дастури доирасида илк бор амалга оширилаётган лойиҳада АҚШ, Буюк Британия ва қўшни республикалардан бир қатор IT-компаниялар вакиллари, хусусий инвесторлар, олиму тадқиқотчилар иштирок этдилар. Марказий Осиё аёлларининг илмий ва технологик салоҳиятига баҳо бериш, улар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш мақсадида ҳафталикка Америка Қўшма Штатларидаги йирик илмий-ишбилармонлик маркази – Кремний водийсидан ҳам 20 нафар эксперт аёл таклиф қилингани, айниқса, эътиборли жиҳат[12]. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 26 февраль куни хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан селектор ўтказди. Унда расмий релизга кўра, бугунги кунда 1 400 га яқин аёл республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаётгани, талабаларнинг 48 фоизи – хотин-қизлар эканлиги, ўтган йили йўлга қўйилган тизимга мувофиқ, 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз ОТМга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлиги таъкидланди.

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг 80 мингининг муаммолари ҳал этилганлиги айтиб ўтилди. Йиғилишда аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам қамровини кенгайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш чоралари муҳокама қилинди. “Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб боряпти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Буни чуқур ҳис қилмаган одам раҳбар бўлиб ишлолмайди”, – деди Шавкат Мирзиёев”[13].

Бугунги ёшлар шароит ва янги имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломалар ва устозлардан ибрат олиб иш юритсалар, жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини тўлиқ эгаллайдилар, мамлакат тараққиёти, юксалиши учун етук ва малакали кадрлар бўлиб етишадилар. Президент таъкидлаганидек, “Ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш-барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур”[14.69]. Зеро, тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўяётган Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётган бир пайтда, аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазина эканлигини чуқур англанса, бу жараёнда хотин-қизлар қанчалик салоҳиятли, билимли бўлса, илм-фан янада тараққий этади. Бу борада ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлигини янада ошириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаларини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек, “уларни тарбиялашни замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда”[15].

**4. Хулосалар:**

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

олималарнинг илм-фанни тараққий эттириш, инновацион ғояларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаларини муносиб баҳолаш, уларни янада фаоллик билан жамият тараққиёти йўлидаги ишларини рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига айлантирилди;

мамлакатимизда бошланган эзгу ишларни давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида Президент Ш Мирзиёев 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном бериши жамият тараққиётида унинг

келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашдан иборат экан, "ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш–барчамиз учун устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади"[16.69], деб таъкидлагани айни ҳақиқатдир.

ёшлар жамиятнинг бир бўлаги, унинг узлуксиз таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ёшлар муаммоларига бутун жамият муаммолари сифатида қараш лозим.

Ўзбекистонда ёшлар муаммолари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу сабабли ҳам, мамлакатнинг барча соҳалардаги ислоҳотлар кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянилади.

ёшлар масаласи эътибор марказидан, кун тартибидан ўрин олганининг сабаби, аввало, аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган ёшлар миқдор жиҳатидан йирик қатлам, катта куч ҳисобланади. Шунингдек, ёшлар куч-қувватга тўла, ғайратли бўлгани учун улар бошқа гуруҳларга нисбатан фаол, янгиликларга очиқ, инноваторлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Шу боис, Президент, "биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим"[17], деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. 1.https://nrm.uz/contentf?doc=612866_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzieevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi(2020_yil_24_yanvar)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
2. 2.Тўқаева З. Ўзбекистон хотин-қизлари қишлоқ хўжалигида. – Тошкент, 1991 – 22 б.; Ирисова М. Занятность женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс…канд. экон. наук.–Ташкент, 1995–23 с.; Убайдуллаева Р. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.–Тошкент: 1995.–№9.–Б.24-25. (Tokayeva Z. Zhenshchiny Uzbekistana v sel'skom khozyaystve. - Tashkent, 1991 g. - 22 s .; Irisova M. Zanyatnost' zhenshchin Uzbekistana v usloviyakh perekhoda k rynochnym otnosheniyam. Avtoref. diss… kand. ekon. nauk. - Tashkent, 1995–23 s.; Ubaydullayeva R. Uzbekistan: zhenshchiny v protsesse perekhoda k rynochnym otnosheniyam // Obshchestvennyye nauki v Uzbekistane. - Tashkent: 1995. - №9. - S.24-25. )
3. Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Абу Райҳон Беруний номидаги ТДТУ, 1995.– 37 б.; Ўша муаллиф. Миллат ғурурига айланган аёл //Фан ва турмуш.–Тошкент: 1996.–№ 1.–Б.14; Алимова Д. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари/Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари.–Тошкент:Фан, 1999. – Б. 16-20; Рашидова С. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш муаммолари //Ўзбекистонда "Гендер ва ривожланиш" хабарномаси, 1999.– № 2. – Б. 17-23. (Bobodzhonova D. Trudoustroystvo i obucheniye natsional'nykh rabochikh. - Tashkent: TGU im. Abu Raykhona Beruni, 1995. - 37 s .; Etot avtor. Zhenshchina, stavshaya gordost'yu natsii // Nauka i zhizn'. - Tashkent: 1996. - № 1. - S.14; Alimova D. Issledovaniye i zadachi zhenshchin v sotsial'nykh naukakh Uzbekistana / Rol' zhenshchiny i gendernyye voprosy v postroyenii sem'i, gosudarstva i obshchestva v Uzbekistane. - Tashkent: Nauka, 1999. - B. 16-20; Rashidova S. Problemy uluchsheniya

polozheniya zhenshchin v Uzbekistane // Byulleten' «Gender i razvitiye» v Uzbekistane, 1999.– №2. - B. 17-23.)

4. Мусурмонова О. Аёлларга давлат ғамхўрлиги. Аёлга эҳтиром – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 320 б.; Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фал. фан. номз. дисс... –Тошкент, 2002.–186 б.; Маткаримова Г. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс. доктора юрид.наук. – Ташкент, 2002.–41 с. (Musurmonova O. Gosudarstvennaya zabota o zhenshchinakh. Uvazheniye k zhenshchinam - Tashkent: Uzbekistan, 1999. - 320 s .; Safayeva S. Problema zhenshchin: sotsial'nyye i natsional'nyye aspekty. Fal. poklonnik. nomz. diss ... - Tashkent, 2002. - 186 s .; Matkarimova G. Gendernyye i reproduktivnyye prava zhenshchin v mezhdunarodnom i natsional'nom prave. Avtoref. disk. doktora yurid.nauk. - Tashkent, 2002. - 41 s.)
5. 5.Муравьёва Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. – Тошкент, 2004. – 121 б.; Холматова М. Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари: муаммо ва ечимлар //Фуқаролик жамияти. – Тошкент: 2004. №1. – Б. 15. (. Murav'yeva N. Povysheniye sotsial'nogo statusa zhenshchin v Uzbekistane. - Tashkent, 2004. - 121 s .; Ksolmatova M. Zhenskiye NPO: problemy i resheniya // Grazhdanskoye obshchestvo. - Tashkent: 2004. №1. - B. 15.)
6. 6.Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.144. (Shavkat Mirziyoev. My reshitel'no prodolzhim nash put' natsional'nogo razvitiya i podnimem yego na novyy uroven'. Tom 1 - Tashkent: Uzbekistan, 2017. - S.144.)
7. 7.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи// XXI ASR, 2016 йил 15 декабрь. (Vmeste s nashim otvazhnym i blagorodnym narodom my postroim svobodnoye, protsvetayushcheye, demokraticheskoye gosudarstvo Uzbekistan. Vystupleniye Shavkata Mirziyoeva na sovmestnom zasedanii palat Oliy Mazhlisa, posvyashchennom tseremonii inauguratsii Prezidenta Respubliki Uzbekistan // XXI ASR, 15 dekabrya 2016 g.)
8. Муртазаева Р. Ўзбекистоннинг оила нуфузини оширишга қаратилган давлат сиёсати//Аёл ва жамият тараққиётининг янги поғонасида. – Тошкент, 2018. – Б.6-7. (Murtazayeva R. Gosudarstvennaya politika Uzbekistana napravlena na povysheniye prestizha sem'i // Zhenshchiny i obshchestvo na novom etape razvitiya. - Tashkent, 2018. - S.6-7.)
9. 9.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи// Халқ сўзи, 2018 йил 8 март. 10(748)-сон. (Vystupleniye Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoeva na mitinge, posvyashchennom Mezhdunarodnomu zhenskomu dnyu // Narodnoye vystupleniye, 8 marta 2018 goda. № 10 (748).)
10. Бобожонова Д. Миллат ғурурига айланган аёл//Фан ва турмуш. –Тошкент, 1996, №1. – Б.16. (Bobozhonova D. Zhenshchina, stavshaya gordost'yu natsii // Nauka i zhizn'. –Tashkent, 1996, №1. - V.16.)
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.https://president.uz/uz/lists/view/4057 (Poslaniye Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoeva Oliy Mazhlisu ot 29 dekabrya 2020 goda // Narodnoye vystupleniye, 29 dekabrya 2020 goda. Https://president.uz/ru/lists/view/4057)
12. Баҳодирова Н. Бир-биридан ўзар аёллар/// https//www.yoshlarovozi.uz./ category/jamiyat/. (Bakhodirova N. Zhenshchiny vzaimodeystvuyut drug s drugom /// https // www.yoshlarovozi.uz./category/society/.)

13. https://kun.uz/news/2021/02/26/xotin-qizlarga-har-tomonlama-komaklashish-boyicha-vazifalar-belgilandi
14. Янги Ўзбекистон–янгича дунёқараш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси асосида. Рисола. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент, 2021. – Б.69. (Noviy Uzbekistan - novoye mirovozzreniye. Na osnovanii Poslaniya Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoeva Oliy Mazhlisu ot 29 dekabrya 2020 goda. Risola. Kollektiv avtorov. - Tashkent, 2021. - V.69.)
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарори// https://www.lex.uz/docs/4676839 (Postanovleniye Kabineta Ministrov Respubliki Uzbekistan ot 31 dekabrya 2019 goda № 1059 «Ob utverzhdenii Kontseptsii nepreryvnogo dukhovnogo obrazovaniya i mer po yeye realizatsii» // https://www.lex.uz/docs/ 4676839)
16. 16.Янги Ўзбекистон–янгича дунёқараш//Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси асосида.–Тошкент, 2021.–Б.69. (Noviy Uzbekistan - novoye mirovozzreniye // Na osnove Poslaniya Prezidenta Respubliki Uzbekistan SH. Mirziyoeva Oliy Mazhlisu ot 29 dekabrya 2020 g. - Tashkent, 2021. - S.69.)
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://president.uz/uz/lists/view/4057 (Poslaniye Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoeva Oliy Mazhlisu https://president.uz/ru/lists/view/4057)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов,**
Тарих фанлари доктори, профессор,
Термиз давлат университетининг
“Жаҳон тарихи” кафедрасининг мудири
tursunovsafullo12@mail.ru

## XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**For citation:** Saypulla N.Tursunov. DEVELOPMENT OF THE IRRIGATION SYSTEM IN THE SURKHAN OASIS IN THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Look to the past. Special issue, pp. 23-29

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3**

**АННОТАЦИЯ**

Сурхон-Шеробод воҳаси пахтачиликни ривожлантириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Аммо сув чиқариш қийин бўлганлиги боис пахтачилик асосан Сурхон дарёсининг юқори ҳавзаси ҳамда воҳанинг тоғли ҳудудларидагина ривожланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида воҳанинг сув манбаларини ўрганган рус муҳандислари замонавий техникадан фойдаланган ҳолда Сурхон дарёсидан сув чиқариб, пахтачиликни ривожлантириш мумкинлигини асослаб беришган. Ушбу мақолада архив материаллари ва илмий адабиётлар асосида Бухоро амирлиги ва чор Россиясининг Сурхон-Шеробод воҳасида пахтачилик ва суғориш тизимини ривожлантириш учун амалга оширган ишлари ёритилади.

**Калит сўзлар:** ирригация, кориз, Мирзо Салимбек, Ананьев, Кастальский, «Шеробод» акционерлик жамияти, пахтачилик.

---

**Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов,**
Доктор исторических наук, профессор,
заведующий кафедрой Всемирной истории
Термезского государственного университета

## РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ОРОШЕНИЯ В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

**АННОТАЦИЯ**

Сурхан-Шерабадский оазис является благоприятным районом для развития хлопководства. Однако из-за сложности добычи воды хлопководство в основном развивалась в верхнем бассейне реки Сурхандарьи и в горных районах оазиса. В конце XIX - начале XX веков русские инженеры, изучавшие водные ресурсы оазиса, обосновали, что можно развивать хлопководство, добывая воду из реки Сурхандарьи с использованием современной техники. В данной статье на основе архивных материалов и научной литературы

описывается работа Бухарского эмирата и царской России по развитию хлопководства и ирригации в Сурхан-Шерабадском оазисе.

**Ключевые слова:** ирригация, кяриз, Мирзо Салимбек, Ананьев, Кастальский, акционерное общество «Шерабад», хлопководство.

---

**Saypulla N. Tursunov,**
Doctor of Historical Sciences, Professor,
Head of the Department of World History,
Termez State University.

# DEVELOPMENT OF THE IRRIGATION SYSTEM IN THE SURKHAN OASIS IN THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

**ABSTRACT**

The Surkhan-Sherabad oasis is a favorable area for the development of cotton growing. However, due to the complexity of water extraction, cotton growing mainly developed in the upper basin of the Surkhandarya River and in the mountainous regions of the oasis. In the late 19th - early 20th centuries, Russian engineers who studied the water resources of the oasis proved that it is possible to develop cotton growing by extracting water from the Surkhandarya River using modern technology. This article, based on archival materials and scientific literature, describes the work of the Bukhara Emirate and Tsarist Russia on the development of cotton growing and irrigation in the Surkhan-Sherabad oasis.

**Index Terms:** irrigation, kariz, Mirzo Salimbek, Ananyev, Kastalsky, joint-stock company «Sherabad», cotton growing.

---

**1. Долзарблиги:**

Сурхон воҳаси қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга асосланган. Шу боис қадим замонлардан бошлаб ўлкада суғориш иншоотлари қурилишига алоҳида эътибор бериб келинган. Айниқса, рус мустамлакачилиги даврида ирригация иншоотларини қуриш давлат сиёсати даражасигача кўтарилган эди. Негаки, чор Россиясининг пахта хом ашёсига тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кўплаб суғориладиган ер майдонлари зарур эди. Шу мақсадда воҳада йирик сув иншоотлари барпо этишга киришилди. Бу эса, рус мустамлакачилари томонидан ўтказилган сиёсатни реал фактлар асосида ёритиш долзарб вазифага айланиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақолани ёритишда қиёсий таҳлил, ҳудудий ёндошув, хронологик изчиллик, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди. Унда XX аср бошларида Сурхон воҳасида пахтачилик ва суғориш тизимининг ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар очиб берилади.

Сурхон воҳасида суғориш иншоотларининг қуриш бўйича дастлабки тадқиқотлар 1912-1918 йилларда амалга оширилган. Бунга Мирзо Салимбек [1] ва А.Г.Ананьевнинг [2] асарлари киради. Совет даврида янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва пахтачиликнинг ривожланиши билан боғлиқ тадқиқотлар М.Истомин [3] ва Х. Холиёров [4] томонидан бажарилган.

Мустақиллик йилларида А.Рўзиев [5], С.Турсунов, Э.Қобулов, И.Умаров [6, 7] сингари тадқиқотчилар ўз асарларида Сурхон-Шеробод воҳасида суғориш иншоотларининг барпо этилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, пахта яккаҳукмронлигининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари ҳақида маълумот бериб ўтадилар. Сўнгги йилларда, архив материаллари ва бошқа тарихий манбаларни ўрганиш жараёнида янгидан-янги маълумотлар қўлга киритилди. Бу эса, ушбу мавзу ҳанузга қадар ўз долзарблигини йўқотмаганлигига далолат беради.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Сурхон-Шеробод воҳасининг ўзига хос табиий шароитлари мавжуд. Бу ерда ижобий ҳароратнинг йиғиндиси 6 минг даражадан ортиқ, пахта учун ижобий таъсир кўрсатадиган

ҳарорат йиғиндиси эса 3200 даражага яқин. Ўртача кунлик температурали кунларнинг йиллик миқдори – 10 (даража) дан юқориси 261 кун, 5 (даража) дан юқориси 44 кун бўлиб, нолдан пасти бир кун ҳам йўқ. Булутсиз кунлар ва қуёшли соатларнинг миқдори Бирлашган Араб Республикасидагига нисбатан бу ерда кўп. Дастлабки кўсакларнинг очила бошлаганидан то кузги совуқлар тушгангача яна 120 кун иссиқ вақт бўлиб, бу даврда барча кўсаклар очилиб улгуради. Май ва сентябрь ойларининг температура шароитлари бир хил; «қиш» деган нарса бўлмайди, минимал ўртача кунлик иссиқлик температура бутун қиш бўйи плюс икки градус (даража)дан паст тушмайди. Ёғингарчиликлар жуда кам бўлади. Шеробод ва Термизда улар йил мобайнида 150 миллиметрдан ошмайди, шу жумладан декабрдан то май ойигача 90 миллиметрни ташкил этади. Ҳавонинг нисбий намлик даражаси жуда ҳам оз бўлиб, Ўрта Осиёнинг пахта етиштириладиган бирорта минтақасида учрамайди; бир йилнинг 200 кунида ҳавонинг нисбий ҳаво нами 30 фоиздан кам бўлади, ёз ойларида эса у 18-20 фоизгача пасаяди, жануби-ғарбдан эсадиган гармсел ҳавонинг нисбий намлиги 13-16 фоиз бўлади [8].

Шеробод чўли Амударё билан Кўҳитангтоғ ва Боботоғ оралиғидаги катта текисликдан иборат. Чўлнинг шимоли-шарқий қисми Қизириқдара бўлиб, айрим жойлари чуқур жарликлардан иборат жой ҳисобланади. Чўл массивининг умумий майдони 3100 км2. Унинг 25 % майдони Ховдаг ва Бошхотин тизмаси тепаликларидан иборат.

Хуллас, Шеробод чўли ўзининг тупроқ ва иқлим хусусиятларига кўра, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачиликни ривожлантириш учун жуда қулай жой ҳисобланади. Аммо ҳудудда сув кам бўлганлигидан деҳқончилик қилиш анча қийин. Рельефига кўра, Шеробод чўлидаги 50 минг гектар ер горизонтал, ўзи оқар сувлар билан таъминланган. Қолган 130 минг гектар ерни сувни механик кўтариш йўли билан суғориш мумкин. Шу сабабли Сурхон-Шеробод водийсининг жуда катта ер массивларидан, унинг иқлим шароитлари қанчалик қулай бўлишига қарамасдан, жуда кам фойдаланилган. Ваҳоланки Сурхон суви билан мазкур бой ўлкани жонлантириб юбориш мумкин эди.

XIX аср охирида Сурхон воҳасидаги деҳқончилик асосан, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги сой бўйларида, шунингдек, Сурхон дарёси ҳавзасидагина амалга оширилган. Денов ва Сарижўй бекликлари унча катта бўлмаган ариқлар ёрдамида ўз ерларини сувлашган. Рус ҳарбий зобити Бош штаб капитани Стеткевичнинг хабарига кўра, Миршодидан Сариқамишга қадар бўлган Оққапчиғай дараси яқинида кичик ариқлар ва пахта майдонлари бўлган [9].

Тоғли ҳудудларда сув чиқиши қийин бўлган жойларда коризлар ёрдамида сувланган. Ана шундай коризлар Шерободдарё ҳавзасидаги Лайлаган ҳамда Кўҳитанг тоғидаги Коризот гуруҳ қишлоқларидагина мавжуд бўлган [10; 11]. Шеробод беклиги фақат Бойсун вилоятидаги тўғондан сув ичар, лекин унинг суви зўрға Гиламбоб, Таллашқон, Сайидобод ва Майдариқ амлокдорликларига етар эди. Сув учун кўпинча қишлоқлар аҳолиси урушиб қолишарди. Шеробод беклигида Сурхон дарёсидан фақат Жарқўрғон амлокдорлигина ариқлар ёрдамида суғорилган. Лекин у ҳам етарли эмас эди. Сурхон дарёсидаги эски ариқлар кўмилиб қолган эди.

Қақраб ётган ерларни сув билан таъминлаш мақсадида Шеробод беги Мирзо Салимбек 1908 йили ҳашар йўли билан Шеробод воҳасига Жарқўрғон йўналишидаги Занг қишлоғи яқинидан Сурхон дарёси сувини олиб келишни режалаштирди. Шуниси диққатга сазоворки, 1908 йил қурилиши бошланган Занг ариғи лойиҳасини Эшонбек исмли киши чизган бўлиб, 55-60 километрлик ариқнинг йўлини у от устида юриб кўрсатиб берган. Занг ариғини қазишда шахсан бекнинг ўзи бош бўлади, иш кечаю кундуз олиб борилиб, ҳашарда 4 мингдан ошиқ киши қатнашади. Канал 12 ариққа бўлинди. Уларнинг бири Мирзо Салимбек томонидан Бекариқ деб номланди. Жами 7500 таноб ерни суғориш имкони вужудга келди. Шундан сўнг бу ерда пахта ва кунжут экилди [12; 13].

Мирзо Салимбек бошлаган хайрли иш кейинги йилларда давом эттирилди. Шеробод аҳолиси Занг ариғини янада кенгайтириш мақсадида 1911 йил сентябрида Бухоро амирига мурожаатнома йўллашади ва амирдан ижобий жавоб олинади. Шеробод беги Мирзо Рабо

Хўжабий кўрсатмасига биноан 1912 йил мобайнида Занг ариғини кенгайтириш ишлари олиб борилади. Икки ой давомида 1-1,5 минг киши иштирокида ариқни Навшаҳарга қадар олиб борадилар, бу ариқнинг қазилиши натижасида кўплаб янги ерларни ўзлаштириш имконияти яратилди [14].

Рус қўшинлари жойлашган Термиз ҳарбий шаҳарчасини ва унинг атрофидаги қишлоқларни сув билан таъминлаш мақсадида подшо ҳукумати зарур бўлган чора-тадбирни кўрди. 1898 йилда инженер Б.Н.Кастальский томонидан Термизда ирригация тизимини ўрганиш ишлари олиб борилди. Изланишлар натижасида Кастальский қадимги суғориш иншоотларининг жойларини аниқлади. 1905 йилнинг кузида инженер Кастальскийнинг гидротехник лойиҳаси асосида Термизни ичимлик ва суғориш суви билан таъминлайдиган канал ишга туширилди ва Термиз истеҳкоми, Паттакесар, Мангузар шунингдек Солиҳобод қишлоқлари суғориладиган бўлди [15].

Амударё ва Сурхон ҳавзасидаги серҳосил ерлар рус ишбилармон доираларни ўзига жалб этади. Подшо ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хивада суғориш учун яроқли майдонларни ҳисоблашга киришди. 1910 йилда ер ва ер ишлари департаменти Давлат Думасига Бухорода 230 минг десятина ерни сувлаш имконияти борлигини маълум қилади [16].

Д.Н.Логофетнинг таъкидича, Амударёнинг юқори ҳавзасидаги унумдор ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида бу ҳудудга юз минглаб рус колонистларини кўчириб келиш имконияти вужудга келар эди [17].

Сурхон воҳаси ҳудудида пахтачиликни янада тараққий эттириш учун Термиз яқинидаги Арпапоя қишлоғидан 1 верст узоқликда, Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида 500 десятина ерда намунавий хўжалик ташкил этилади. Ишни ташкил этиш учун 60000 рубль ажратилади. Бундан ташқари, Бухородаги Россия сиёсий агентининг топшириғига кўра, Шербоддарё ва Сурхондарё сувларидан фойдаланиш, ҳудудда суғориш иншоотларини қуриш бўйича «Шарқий Бухоро» ширкати лойиҳалар ишлаб чиқди [18].

Бир неча йил давомида Термиз шаҳрида ҳарбий инженер бўлиб ишлаган капитан А.Г.Ананьев Сурхон дарёси бўйидаги унумдор ерларни эгаллаб олмоқчи бўлганида Шеробод беги Мирзо Салимбекнинг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Мирзо Салимбек халқ манфаатларини ўйлайдиган ватанпарвар бек эди. Русларнинг асл ниятини яхши билганлиги учун уларнинг ер бериш ҳақидаги таклифларига ҳамиша рад жавобини бериб келган. Ҳатто рус ишбилармонлари Бухоро амири қўшбегиси Остонақулбийдан рухсат олиб келишганларида ҳам Мирзо Салимбек русларга умуман ер бермади [19].

Мирзо Салимбек бошқа бекликка ишга ўтказилгандан сўнг А.Г.Ананьев 1910 йилда Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилиб, Сурхон воҳасини ўзлаштиришнинг истиқболларини асослаб берди. 1910 йилнинг сентябрида Туркистон генерал-губернатори муҳандиснинг хатини Россиянинг Бухоро амирлигидаги сиёсий агенти А.А.Извольскийга йўллаб, Шеробод ва Бойсун бекликларидаги ерларнинг ўзлаштирилиши нафақат иқтисодий, балки ҳарбий-сиёсий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади.

Рус маъмурлари томонидан қўллаб-қувватланган А.Г.Ананьев 1912 йил 23 февралда Бухоро амири Саййид Олимхон билан 17 моддадан иборат шартнома тузди. Унга асосан Бухоро амири Шеробод ва Бойсун бекликларининг суғорилмайдиган амлок ерларидан 72,5 минг десятина (1 десятина 1,09 га тенг) ерни 99 йилга ижарага бериш ҳақидаги концессияни (ердан фойдаланиш ҳақида давлат билан айрим капиталист ёки фирма ўртасида тузиладиган шартнома) Ананьевга топширди. Ананьевга Сурхондарёнинг хоҳлаган еридан тўғон қуриш орқали канал чиқариш ҳуқуқи берилди [20].

Шартномада ҳамма иш бажарилгандан сўнг концессия ерларини суғориш учун ҳар йили 1 мартдан 1 октябргача секундига 10 куб саржин (1 саржин уч газга ёки 2,134 метрга тенг узунлик ўлчови) ва бошқа вақтларда тўрт саржин сув чиқариш рухсат этилган эди [21].

Шартномада концессияни саккиз ярим йил мобайнида ижара солиғидан озод қилиш кўрсатилганди. Шу муҳлатдан сўнг у амир хазинасига йилига 100 минг сўм миқдорида ижара ҳақи тўлаши керак эди. Ананьев шартномада кўрсатилган ерни суғориш учун Сурхон

дарёсидан канал қазилиши лозим эди. Аммо Бухоро амирининг суғориш ишларига оид етарли маълумоти бўлмаганлигидан шартнома концессиячига катта қулайликлар туғдирди. Агар шартномада кўрсатилган 72 минг десятина ернинг 33 минг десятинаси бўш бўлиб, қолгани олдиндан суғориладиган ерлар эканлиги назарда тутилса, Ананьев саккиз ярим йилдан сўнг амир ҳукуматига ҳар десятинасига атиги 3 рублдан ижара ҳақи тўлаши, шу билан бирга ушбу муддат ичида суғориладиган ерларни деҳқонларга ижарага бериш ва пахтачилик орқасидан улкан даромад олиши маълум бўлади. Кўп миқдордаги сувнинг Ананьевга берилиши Сурхон дарёси бўйида яшовчи деҳқонлар манфаатига зарар келтирди. Бу эса, табиийки, маҳаллий деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлди.

1913 йили Ананьев «Шеробод» акционерлик жамиятини таъсис этди. Сўнгра унинг раиси вазифасига Ильин тайинланади. «Шеробод» жамиятини Рус савдо-саноат банки молиялаштирди. Жамиятнинг назорат пакети ҳам ушбу банкнинг қўлида эди. Мазкур банк инглиз молия капитали билан алоқадор бўлган. Жамият томонидан Шеробод воҳасини суғориш лойиҳасида концессия ерларида янги маъмурий-саноат шаҳри – Навшаҳарнинг вужудга келишини кўзда тутар, бу шаҳардаги заводларда пахтага бирламчи ишлов берилиши лозим эди [22].

Шу тариқа, рус концессиячиларига ер жуда имтиёзли ва ўта паст ижара ҳақи эвазига берилди. Бу масалада рус буржуазияси ва чор ҳукуматининг Бухоро амирлигига нисбатан мустамлакачилик сиёсати намоён бўларди. Чор ҳукуматига қарам бўлган Бухоро амири ўз мамлакати манфаатини ҳимоя қилолмас, чор ҳукумати томонидан таклиф этилган шартларни бажаришга мажбур эди. Айни вақтда маҳаллий йирик ер эгалари деҳқонларга ижарага берган ерларидан жуда қиммат нархда ҳақ олардилар.

Концессия учун катта маблағ ажратилди. Акционерлик жамиятининг асосий капитали 18 миллион сўм қилиб белгиланиб, у 12 миллион сўмлик 120 000 акциядан ва 6 миллион сўмлик 60 000 дивиденд гувоҳномасидан иборат эди. Биргина 1913 йилда фақат «Шеробод» акционерлик жамияти концессия ишларига 2,5 миллион сўм сарфлади [23]. Шунга қарамай, рус ишбилармонлари каналини чиқара олмадилар, бир десятина ҳам ер суғорилмади.

1916 йилнинг 12 мартида рус маъмурларининг тазйиқи билан амир янги шартномага қўл қўйишга мажбур бўлди. Унга кўра, концессия майдонида жойлашган хўжаликлар жамият билан шартнома тузишлари керак эди. Занг ариғини ўз кучи билан қурган, ундан фойдаланадиган, лекин концессия майдонига кирмаган хўжаликларнинг ерлари жамият таркибига кириши ёки сувдан маҳрум қилиниши керак эди. Шартнома эълон қилинганидан кейин аҳоли ўртасида норозилик кучайди. Амир томонидан шартнома бўйича берилган 72500 десятина ердан фойдаланмоқчи бўлган концессиячилардан норози деҳқонлар А.Г.Ананьевга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. 1916 йилнинг 23 мартида Жарқўрғонда мингдан ошиқ деҳқонлар карвонсаройда тўхтаган концессия ходимларига ҳужум қилдилар. Халқ концессия ходимларидан ер ва сувнинг тортиб олинмаслиги тўғрисидаги ҳужжатни талаб қилиб олдилар. Қолаверса, беклик томонидан концессия учун мажбуран ишга юборилган минглаб деҳқонлар ҳам Ананьев учун ишлашдан бош тортдилар. Қўзғолондан ташвишланган Термиздаги рус губернатори аскар жўнатиб «исёнкорлар яшайдиган» учта қишлоқни ёндиради. Кўп одамларни Сибирга, каторгага жўнатди [24]. Бу тўқнашувни таҳлил қилган девонбеги Шеробод беги раҳбарлигидаги амин ва оқсоқолларни айбдор қилди.

Шеробод воқеаси чор ҳукуматини ташвишга солди. Шербодликларнинг рус мустамлакачилик сиёсатига қарши ҳаракатини тўхтатиш мақсадида 1916 йилда чор ҳукумати маслаҳатчиси Леонтьев, сўнгра 1917 йил январида Туркистон генерал-губернатори Куропаткин, чор ҳукуматининг Бухородаги сиёсий вакили Миллер билан бирга Шербодга келдилар [25]. Уларнинг аралашуви туфайли Шеробод можароси бартараф этилди. Концессиячилар тортиб олган ерлар эгаларига қайтариб берилди.

Маҳаллий деҳқонларга нисбатан одилона иш тутмаганликлари оқибатида рус ишбилармонлари мағлубиятга учради [26]. Нотўғри сиёсат рус ишбилармонлари ва маҳаллий деҳқонлар ўртасида низо туғдирди, ҳатто тўқнашувларга олиб келди.

1916 йилдан «Шерobod» жамияти концессия ҳудудида кенг қурилиш ишларини бошлаб юборди. 1917 йилда Термиздан 20 верст узоқликда омборхоналар, устахоналар ва бошқа иншоотлар қурилди. Концессия қисман ишлатила бошланди. Жамият концессияга 5363 минг рубль сарфлади. Аммо 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан сўнг жамият қулади. 1918 йилнинг март ойида шерободлик деҳқонлар концессиячилар томонидан қурилган иншоотларни бузиб ташлашади. Бу билан улар ўзларининг собиқ эзувчиларига бўлган нафратларини кўрсатишган эди.

**4. Хулоса:**

Хулоса қиладиган бўлсак, чор Россияси Сурхон воҳасига асосан арзон хом ашё етказиб берувчи базаси сифатида қараган. Шу мақсадда ўлкада пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган барча чораларни кўрди. Аммо аҳоли қўлидаги ерларни тортиб олиш сиёсати маҳаллий деҳқонларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Шунга қарамай, чор ҳукуматининг Шерobod воҳасини Сурхон суви билан суғориш лойиҳаси унутилмади. Ушбу лойиҳалар кейинчалик совет даврида тўла амалга оширилди. Натижада Сурхон воҳаси йирик пахтачилик марказига айлантирилди. Ўлкада пахта монополиясининг қарор топиши бу ҳудуднинг кейинги тараққиётида салбий роль ўйнади.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. Мирза Салимбек. Тарихи Салими (источник по истории Бухарского эмирата). – Ташкент: Akademiya, 2009. (Mirza Salimbek. Tarihi Salimi (source on the history of the Bukhara Emirate). – Tashkent: «Akademiya». 2009.)
2. Ананьев А.Г. Ширабадская долина. СПб, 1914. (Ananiev A.G. Shirabad valley. SPb, 1914.)
3. Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. №12. –Тошкент, 1969. (Istomin M.S. Agrotechnics for obtaining a high yield from fine-staple cotton in Surkhandarya. №12. – Tashkent, 1969.)
4. Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. – Ташкент, 1974. (Khaliyarov X., Bychkov D., Blinnikov A. Surkhandarya region. – Tashkent, 1974.)
5. Рўзиев А. Сурхондарё вилояти. –Термиз: «Жайхун», 1996. (Ro'ziev A. Surkhandarya region. –Термиз: «Jayhun», 1996.)
6. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., Пардаев Т.Р., Муртазаев З.М. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: «Шарқ», 2001. (Tursunov S.N., Qobilov E.O. ,Pardaev T.R., Murtazaev Z.M. Surkhandarya in the mirror of history. – Tashkent: «Sharq», 2001.)
7. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент. «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти», 2014. (Umarov I., Rakhmonov H., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhandarya oasis (on the example of the xataki tribe). – Tashkent. «Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi», 2014.)
8. Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 3. (Istomin M.S. Agrotechnics for obtaining a high yield from fine-staple cotton in Surkhandarya. –P. 3.)
9. Бассейн Каратагдарьи. Военно-статистический очерк 1889 г. Составил Генерального штаба капитан Стеткевич // В сборнике географических, топографических, статистических материалов по Азии, выпуск LVII, Военная типография. –СПб, 1894. – С. 279. (The Karatagdarya basin. Military statistical essay 1889 by the General Staff Captain Stetkevich // In the collection of geographical, topographic, statistical materials on Asia, issue LVII. Military typography. –SPb. 1894. –P. 279. )
10. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. 5. –СПб, 1879. –С. 165, 306, 310. (Materials for statistics of the Turkestan region. Issue 5. –SPb, 1879. –pp. 165, 306, 310)

11. Васильев. Маршрутное описание дороги от Шерабада до города Байсун в 1889 г. // В сборнике географических, топографических, статистических материалов по Азии, выпуск LVII, СПб, 1894. –С. 405. (Vasiliev. Route description of the road from Sherabad to the city of Boysun in 1889. // In the collection of geographical, topographic, statistical materials on Asia, issue LVII. Military typography. –SPb, 1894. –P. 405.)
12. Мирза Салимбек. Тарихи Салими (источник по истории Бухарского эмирата). – Ташкент: «Akademiya», 2009. –С.122-124. (Mirza Salimbek. Tarihi Salimi (source on the history of the Bukhara Emirate). – Tashkent: «Akademiya». 2009. –P.122-124.)
13. Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi nashr, 2014. –Б. 127.( Tursunov S., Tursunov A., Togaeva M. Excerpts from the history of Sherabad. –Tashkent: Yangi nashr, 2014. –P. 127.)
14. Бўриев С.Д. XX асрда Сурхон-Шеробод воҳасининг суғорилиш тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2008. –Б. 56. (Bo'riev S.D. History of irrigation of Surkhan-Sherabad oasis in the XX century. Dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences. –Tashkent, 2008. –P. 56.)
15. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 125. (Tursunov S.N., and others. Surkhandarya in the mirror of history. –P. 125.)
16. Рябинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма // Историк-марксист. –№ 4, 1941. – С. 7-8. (Ryabinsky A. Tsarist Russia and Bukhara in the era of imperialism // Istorik-marksist. –№ 4, 1941. – P. 7-8.)
17. Логофет Д.Н. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. –С. 174-176. (Logofet D.N. The land of lawlessness. Bukhara Khanate and its current state. –SPb., 1909. –P. 174-176.)
18. Кабулов Э.А. Развитие хлопководства в Сурханской долине // Вопросы науки и образования. 2019 год. № 32 (82). –С. 18-19.( E.A. Kabulov Development of cotton growing in the Surkhan Valley // Voprosy nauki i obrazovaniye. 2019 год. № 32 (82). –С. 18-19.)
19. Мирза Салимбек. Тарихи Салими –С.117-120. (Mirza Salimbek. Tarihi Salimi. –P.117-120.)
20. Ананьев А.Г. Ширабадская долина. –С. 5. (Ananiev A.G. Shirabad valley. –P. 5.)
21. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, И-3 фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 36–42 варақлар. (National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund -И-3, list. 1, file 678, p. 36-42.)
22. Рябинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма // Историк-марксист, № 4, 1941. –С. 8-9. (Ryabinsky A. Tsarist Russia and Bukhara in the era of imperialism // Istorik-marksist. –№ 4, 1941. – P. 8-9.)
23. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, И-3 фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 146-варақ. (National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund -И-3, list. 1, file 678, p. 146.)
24. Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. Москва: Мысль,1982. –С. 58. (Molozhavenko V. Hot sun of Surkhan. Moscow: Mysl, 1982. –P. 58.)
25. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, И-1 фонд, 17-рўйхат, 119-иш, 1, 14-варақлар; И-3 фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 213–219, 259 варақлар. (National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund -И-1, list.17, file 119, pp. 1, 14; fund И-3, list. 1, file 678, pp. 213–219, 259.)
26. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, И-3 фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 206, 213–219 варақлар; И-2 фонд, 1-рўйхат, 350-иш, 154-варақ; И-1-фонд, 17-рўйхат, 1129-иш, 4-16 варақлар. (National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund И-3, list. 1, file 678, pp. 206, 213–219; fond-И-2, list. 1, file 350, pp. 154; fond-И-1, list. 17, file 1129, pp. 4-16.)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Шокир Сафарович Ғаффоров,**
Самарқанд давлат университети
профессори, тарих фанлари доктори,

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ (XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари)

**For citation:** Shokir S.Gaffarov. RESETTLEMENT POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN TURKESTAN (second half of the XIX century and the beginning of the XX century). Look to the past. Special issue, pp. 30-37

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-4

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада Россия империяси томонидан Туркистонни мустамлакага айлантирилишида амалга оширилган аҳолини кўчириб келтириш сиёсатининг ўрни, бу жараённинг тадқиқ этилиши билан чоризмнинг ўлкада амалга оширмоқчи бўлган стратегик мақсадлари ва кўчирувчилик сиёсатининг мустамлакачилик тарихшунослиги очиб берилган. Шунингдек, кўп сонли архив материаллари асосида чоризмнинг Англия ва бир қатор ғарбий давлатларининг Россиянинг Марказий Осиёни истило қилишига, айниқса, Бухоро, Хива ва Афғонистон чегараларига қараб илгарилашига қарши муқаррар равишда салбий муносабатини ҳисобга олиб, ўзининг ҳарбий ва сиёсий мақсадлардаги интилишларини пухта яширганлиги очиб берилган. Тадқиқот материаллари шуни кўрсатадики, руслаштириш сиёсатининг маънавий соҳадаги қатор йўналишларида мустамлакачилик маъмурияти белгиланган вазифаларни қисман ҳал қила олган. Миллий менталитетнинг кучлилиги, маҳаллий халқларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга қатъий содиқлиги туфайли маҳаллий аҳоли чор Россиясининг мустамлакачилик интилишларига фаол қарши турдилар.

**Калит сўзлар:** Россия империяси, Туркистон, мустамлака, Марказий Осиё, истило, ҳарбий, сиёсат, давлат, руслаштириш, маҳаллий, чегара.

---

**Шокир Сафарович Гаффаров,**
доктор исторических наук, профессор
Самаркандского государственного университета

## ПЕРЕСЕЛЕНЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В ТУРКЕСТАНЕ (вторая половина XIX столетия и начала XX столетия)

**АННОТАЦИЯ**

В статье раскрывается роль переселенческой политики, проводимой Российской империей в колонизации Туркестана, исследование этого процесса, стратегические цели царизма в стране и колониальная историография переселенческой политики.

Многочисленные архивные материалы свидетельствуют о том, что царизм, учитывая неизбежную отрицательную реакцию Англии и ряда западноевропейских государств на

продвижение России в глубь Центральной Азии, особенно в сторону Бухары, Хивы и границ Афганистана, тщательно скрывал свои военно-политические устремления. Материалы исследования свидетельствуют, что по ряду направлений русификаторской политики в духовной сфере колониальная администрация смогла частично решить поставленные задачи. Но в целом, несмотря на создание разветвленной сети идеологического контроля, притеснение традиционной системы образования, официальную поддержку христианского миссионерства, а также использование иных великодержавных акций, претворить стратегические цели царизма по духовному подчинению широких масс Туркестана не удалось. В силу прочности национального менталитета, твердой приверженности коренных народов этическим и вековым духовно-нравственным ценностям местное население активно сопротивлялось колониальным устремлениям царского самодержавия.

**Ключевые слова:** Российская империя, Туркестан, колониализм, Средняя Азия, вторжение, военные, политика, государство, русификация, локальность, граница.

---

**Shokir S.Gaffarov,**
Doctor of Historical Sciences, Professor
Samarkand State University

## RESETTLEMENT POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN TURKESTAN (second half of the XIX century and the beginning of the XX century)

**ABSTRACT**

The article reveals the role of the resettlement policy pursued by the Russian Empire in the colonization of Turkestan, the study of this process, the strategic goals of tsarism in the country and the colonial historiography of resettlement policy.

Numerous archival materials indicate that tsarism, taking into account the inevitable negative reaction of England and a number of Western European states to Russia's advance deep into Central Asia, especially towards Bukhara, Khiva and the borders of Afghanistan, carefully concealed its military and political aspirations. The research materials show that in a number of directions of the Russification policy in the spiritual sphere, the colonial administration was able to partially solve the assigned tasks. But in general, despite the creation of a ramified network of ideological control, the oppression of the traditional education system, official support for Christian missionary work, as well as the use of other great-power actions, the strategic goals of tsarism in the spiritual subordination of the broad masses of Turkestan failed. Due to the strength of the national mentality, the firm commitment of the indigenous peoples to ethical and age-old spiritual and moral values, the local population actively resisted the colonial aspirations of the tsarist autocracy.

**Index Terms:** Russian Empire, Turkestan, colonialism, Central Asia, invasion, military, politics, state, Russification, locality, border.

---

### 1. Актуалность:

Сегодня очевидно, что до обретения Узбекистаном независимости именно данный период оказался предельно искажен. В официальной исторической науке колониального прошлого господствовала концепция об исключительной «цивилизаторской миссии» державной России, суть которой сводилась к тому, что насильственное удержание нашего края в составе царской, а затем советской империи имело долгосрочные позитивные последствия, окупавшие все издержки колонизации. Они виделись в ускоренном экономическом развитии, прорыве центральноазиатских народов от «вековой отсталости» к «вершинам исторического прогресса». Инерция подобных концептуальных подходов прослеживается и в части современной зарубежной историографии, к примеру, российской. Вследствие этого актуальным запросом времени выступает необходимость воссоздания объективной картины подневольной жизни колониального Туркестана. Важно с новых методологических позиций раскрыть содержательную суть всей совокупности

неоднозначных и внутренне противоречивых изменений, вызванных колонизацией края, четко определить соотношение объективно значимых перемен с негативными последствиями колониального господства.

И все же на этом участке исторической науки сохранилось еще немало вопросов, оставшихся все зоны современного исследования. В их числе сюжеты, связанные с переселенческой политикой царизма. Данная проблема до последнего времени еще не выступала в качестве самостоятельного объекта системного научного познания. Общественная же потребность в ее изучении чрезвычайно велика. Она определяется прежде всего тем, что переселенческая политика царизма составляла сердцевину стратегии колонизации среднеазиатского региона.

**2. Методы исследования:**

При исследовании использован комплекс научных методов, таких как методы наблюдения, сравнения, измерения, эксперимента, анализа, дедукции, интервью-опрос.

**3.Результаты исследования:**

Известно, что узбекский народ, как и другие центральноазиатские народы, в пространстве колониального времени последовательно подвергался обезличиванию, национальной дискриминации, отчуждению от своего тысячелетнего духовного наследия. Одним из звеньев этого стратегического курса выступала политика переселения русскоязычного населения, идеология которой, кроме решения проблемы избыточных людских ресурсов метрополии, была направлена на все более тесное привязывание региона к империи путем искусственного наращивания многонациональности состава населения края, целенаправленного «размывания» его тюрко-этнической однородности и сближения в этнокультурном отношении с Россией. Как, к примеру, писал видный царский чиновник, российский сенатор К.К. Пален: «...русского населения в Туркестане должно быть как можно больше для того, чтобы обеспечить господство империи в крае и навечно закрепить его за Россией»[1].

Многочисленные архивные материалы свидетельствуют о том, что царизм, учитывая неизбежную отрицательную реакцию Англии и ряда западноевропейских государств на продвижение России в глубь Центральной Азии, особенно в сторону Бухары, Хивы и границ Афганистана, тщательно скрывал свои военно-политические устремления. Так, заявляя о намерении ограничиться установлением своей власти только на пространстве от Семипалатинска до Ташкента, царизм в 1865 г. образовал Туркестанскую область и включил ее в состав Оренбургского генерал-губернаторства. Но одновременно шла подготовка к завоеванию остальной территории среднеазиатских ханств. К 1867 г. к Туркестанской области была «присоединена» значительная территория, входившая ранее в состав Бухарского эмирата, и в связи с этим было создано Туркестанское генерал-губернаторство, непосредственно подчиненное центральному правительству. Краевая администрация, возглавляемая К.П. Кауфманом, в соответствии со стратегическими планами царизма продолжило завоевательную политику. В 1876 г. было объявлено о «присоединении» Кокандского ханства к России и образовании на его месте Ферганской области. Бухарский эмират и Хивинское ханство оказались превращенными в вассальные Российской империи государства. Одновременно осуществлялась аннексия территорий казахов Среднего и Малого жузов, на базе которых в 1882 г. было образовано Степное генерал-губернаторство.

Правящие верхи России, хорошо знавшие о военно-стратегической значимости и ресурсных богатствах Центральной Азии, стремились основательно утвердить в регионе колониальное господство. А для этого, помимо сильной армии и разветвленной военно-административной системы управления важно было создать надежную опору в лице русского населения. По мнению вдохновителей и руководителей колонизации, это особенно необходимо было осуществить в Туркестане, коренное население которого, составлявшее около 5 млн. человек, явно враждебно относилось к новой власти.

Достаточно откровенно высказался о стратегических целях политики переселения части российского населения в край граф К.К. Пален, ревизовавший Туркестан в 1908 году.

Он, в частности, писал: «Если не считать мотивов политического характера, имевших значение для завоевания Туркестана, этот край с первых же дней присоединения его к России представлял для русского правительства двоякий интерес: 1) с точки зрения финансовой политики как источник государственных доходов и как новый рынок для продуктов внутреннего производства и 2) с точки зрения колониальной политики как новая область для перемещения избыточного населения из губерний»[2].

Стоит отметить, что тезис об «избыточности аграрного населения», оправдывающий колонизацию среднеазиатского региона, носил надуманный характер. Ведь почти три столетия у царской империи оставались малонаселенными огромные просторы Сибири и Дальнего Востока, нуждающиеся в хозяйственном освоении. Другой вопрос, что оно требовало колоссальных финансовых средств. Туркестан с его благоприятным климатом и развитой хозяйственной инфраструктурой выглядел в этом отношении гораздо предпочтительнее.

Именно на данном этапе сложился механизм интенсивного стимулирования имперской администрацией возрастающего увеличения потока переселенцев из метрополии, призванных, во-первых, содействовать укреплению колониального господства России в крае, а во-вторых, обеспечивать безопасность тыла российских войск и предупреждать волнения среди коренного населения. За два с лишним года существования Туркестанской области колониальные власти создали откровенно великодержавную военно-административную систему управления, а также довольно разветвленную сеть русских поселений и добились динамичного притока российских переселенцев, оседавших преимущественно в городах области.

Преобразование Туркестанской области в одноименное генерал-губернаторство, подчинение его Военному министерству и предоставление фон Кауфману прав царского наместника в крае ознаменовали начало второго этапа переселенческого движения из метрополии в Сырдарьинскую и Семиреченскую области[3].

Этот этап, охвативший 1867-1881 годы, отличался существенным расширением территориального простора для переселенцев, так как за счет вновь завоеванных районов были созданы Зарафшанский округ (1868 г.), Амударьинский отдел (1873 г.), Ферганская область (1876 г.). В последующем в целях казачьей колонизации и масштабного заселения русским населением туркменских территорий царизм передал образованную в 1881 г. Закаспийскую область в ведение Кавказского наместничества, в составе которого она оставалась до 1898 г. Но еще до этого, в 1873 г., правительство империи согласилось с предложением Туркестанского генерал-губернатора о первоочередном заселении русскими переселенцами территорий по линиям: 1) от Оренбурга до Ташкента и 2) от Ташкента через Чимкент, Аулие-Ата и Верный до Семипалатинска[4].

Последним этапом в переселенческой политике и практике царского самодержавия в Туркестане явились, 1897-1917 годы. Этот этап, как показывают материалы исследования, стал самым тяжелым для коренного населения не только Туркестанского края, но и Бухарского эмирата, Хивинского ханства, значительная часть территорий которых отторгалась колониальной администрацией для заселения переселенцами из метрополии, а с 1914 – и для размещения иностранных военнопленных[5].

Данному этапу были присущи стремительное увеличение численности переселенцев христианского вероисповедания, усиление притеснения местного населения, которое инициировалось как самими переселенцами, так и колониальными властями, а также было узаконено имперскими указами и постановлениями российского правительства. Среди этих документов можно назвать принятые Сенатом 10 июля 1903 г. «Правила о добровольном переселении сельских обывателей и мещан на казенные земли в области Сырдарьинскую, Ферганскую и Самаркандскую»[6], Закон от 1910 г. «Об изъятии из пользования кочевников Туркестана излишних для них земель в целях обращения их под переселенческие участки и другие государственные надобности»[7].

В геостратегическом плане, особенно в свете англо-русского соперничества, царское самодержавие предусматривало дальнейшую колониальную экспансию и укрепление имперских позиций в Центральной Азии и на Кавказе. В обеспечении данной задачи ответственная роль отводилась переселенческой политике. Свидетельством тому является активное переселение военизированного казачества, а также преимущественное заселение российских переселенцев в приграничных с Афганистаном, Турцией, Китаем (Восточный Туркестан), Северным Ираном районах. Показательно и другое. При наличии крупной регулярной армии вооружалось и почти все переселенческое русское население, что служило военно-политическому господству Российской империи. Однако для осуществления экспансионистских замыслов не было достаточных возможностей. Поэтому акцент в переселенческой политике все больше смещался в сторону использования переселенческого движения в целях колонизации захваченных территорий, в том числе Туркестана.

Материалы исследования отчетливо показывает, что уже на первом этапе колонизации Туркестана переселенческая политика царизма носила откровенно великодержавный характер и была подчинена не только военно-политическим, но и экономическим интересам метрополии. В связи с чем стала осуществляться масштабная конфискация земель коренного населения и объявление их собственностью российского государства. Эти акции способствовали созданию мощного земельного фонда для переселенцев из центральных районов метрополии и чиновников колониальных властей, которые наряду с военными подразделениями должны были стать прочным фундаментом колониального режима в крае.

Колониалистская сущность переселенческой политики проявлялась и в том, что устройство русских переселенцев осуществлялось, как правило, за счет социально-экономического притеснения коренных народов. Имперская практика социальной дискриминации местного населения находила идеологическое и правовое обеспечение в многочисленных указах, законах и постановлениях царского правительства, посвященных переселенческому вопросу.

Русская администрация стремилась с первых шагов переселенческой колонизации системно размещать переселенцев по всем областям завоеванного края. В связи с чем, особенно на начальном этапе, для российских переселенцев создавались льготные условия. Так, в 60-х – 70-х годах XIX в., до принятия первых официальных правил, регламентирующих порядок переселения и размещения крестьян и других категорий переселенцев, им предоставлялось от 7 до 10 десятин орошаемой земли. А в некоторых местностях Сырдарьинской и Семиреченской областей – и того больше: по 7-8 десятин на мужскую душу[8]. И это при том, что в расчете на семью местного сельского населения орошаемой земли приходилось всего от 0,4 до 0,7 десятины. Кроме того, русские сельские переселенцы на 15 лет освобождались от налогов, денежных податей, а мужчины – от воинской службы[9]. Правда, поскольку в ряде районов, например, в Ферганской и Самаркандской областях, ощущалось острое малоземелье и конфискация земель у коренного населения вызывала особенно мощное сопротивление, русским крестьянам в них предоставлялись меньшие земельные участки. Но зато они получали ссуды для дополнительной покупки земли.

Власти империи проявляли заинтересованность в том, чтобы русские в Туркестане в политическом, гражданском и хозяйственном отношении стояли выше коренного населения. И действительно, как указывалось в отчете К.П. Кауфмана, «... среди русских оседлостей здесь на первом плане выступают в настоящее время (отчет написан весной 1881 г. – Ш.Г.) не одни мелкие городки, населенные наполовину татарами (имеется в виду коренное население – Ш.Г.), и не одни редкие казачьи станицы с их сибирским полубродячим населением, а зажиточно на степном приволье благодатного края разрастающиеся крестьянские деревни и общины»[10].

В последующем царское правительство издавало все новые правовые акты, регулирующие переселенческие процессы. В их числе «Правила переселения» от 12 июня

1886 г.[11], Закон от 13 июля 1889 г., а также Закон принятый 10 июня 1903 г.[12], который был специально нацелен на заселение русскими основных земледельческих и экономически богатых областей края. Он назывался «Правила о добровольном переселении сельских обывателей и мещан на казенные земли в области Сырдарьинскую, Ферганскую и Самаркандскую»[13].

Опираясь на эти документы, царское правительство и краевая колониальная администрация, несмотря на непрекращающееся сопротивление коренного населения (холерный бунт 1892 г. в Ташкенте, Андижанское восстание 1898 г. и другие акции национально-освободительного движения), целенаправленно проводили линию на динамичное увеличение численности российских переселенцев и использования их в качестве одного из инструментов максимальной эксплуатации природных и людских ресурсов среднеазиатского региона.

Так, к 1900 г. количество российского населения, прибывшего в Закаспийскую и Самаркандскую области после прокладки железной дороги, превысило 40 тыс. человек. Но особенно заметно возрастало число русских переселенцев и их поселков в Ферганской и Сырдарьинской областях. Например, к началу XX в. в Сырдарьинской области возникло 48 переселенческих поселков[14]. В Ферганском регионе в течение 1882-1900 гг. было образовано более 20 таких поселений[15]. Причем, наряду с заселением сельской местности, значительная часть переселенцев осела в городах, вблизи нефтепромыслов, угольных рудников и т.д. В последующие 15 лет количество переселенческих сел составило в Ферганской области свыше 60, в Самаркандской – 14, а в Сырдарьинской – 147[16].

Потребность в расширении переселенческого потока обуславливалась также необходимостью экономического освоения подневольного края. Приоритетное значение в этом отношении придавалось регионам возделывания хлопчатника и богатых минеральным сырьем. Вследствие чего царская администрация стала прибегать с начала XX в. к методам дифференцированного заселения, стимулируя прежде всего массовое переселение российских мигрантов в Сырдарьинскую, Самаркандскую и Ферганскую области.

Чтобы придать целенаправленный характер данной акции, императором были утверждены 10 июня 1903 г. «Правила о добровольном переселении сельских обывателей и мещан на казенные земли в области Сырдарьинскую, Ферганскую и Самаркандскую». Правда, в отличие от прежней практики, учитывая явную недостаточность земель в этих густонаселенных районах, предусматривалось предоставление орошаемой земли здесь не свыше 3 дес. намужскую душу в переселенческой семье. В то же время продолжалось переселение русских крестьян в Закаспийскую, Семиреченскую области, на контролируемые российскими властями территории Бухарского эмирата, Хивинского ханства.

**4.Выводы:**

В заключении доклада подведены основные итоги исследования, сделаны обобщающие выводы по изучаемой проблеме. Они сводятся к следующему.

Учитывая тюрко-этническое единство коренных народов Средней Азии, обладающих глубокими историческими корнями, высоким уровнем социальной организации, объединяющую роль ислама, а также богатые природные ресурсы края, царизм еще до завоевания Туркестана рассматривал фактор переселения в новую колонию значительного по численности и политически благонадежного российского населения в качестве важного условия утверждения здесь имперского господства России. В соответствии в чем царское самодержавие придавало огромное значение созданию в ходе колонизации Туркестана широкой сети полувоенных казачьих поселений, военных гарнизонов и поселков, преимущественно заселенных русскими крестьянами, торговцами, предпринимателями и т.д.

Стратегическим целям системной колонизации края, усилению позиций метрополии в Туркестане служила переселенческая политика царского самодержавия.

Переселенческий процесс протекал в разных формах и хронологически распадался на ряд этапов. В ходе эволюции, инспирированного властями переселенческого движения, смещались отдельные идеологические акценты в практической деятельности по его

развертыванию. Неоднозначными были и долгосрочные последствия интенсивного заселения Туркестана российскими переселенцами. Однако базовые парадигмы стратегии и философии переселенческой политики царизма в принципе оставались неизменными. Они определяли создание из многочисленной армии переселенцев прочной опоры колониального строя, использование массового переселенческого потока в целях системной эксплуатации природных богатств и сырьевых ресурсов завоеванного региона, обеспечение масштабных задач по воздвижению «русского Туркестана».

Колонизация Туркестана, переплетаясь с военно-административной системой управления и последовательно расширяющимся переселенческим движением из метрополии, оказала заметное воздействие на характер изменений в экономике края и социальном положении местного населения.

В логике имперской экспансии преобразования в экономике были нацелены на превращение Туркестана в рынок сбыта и основной источник сырья для развивающейся промышленности России. В сельском хозяйстве внедрялась губительная хлопковая монокультура, вызывавшая опасное сокращение посевов продовольственных культур и установление зерновой зависимости от метрополии. Резко уменьшались масштабы традиционного ремесленного производства как в городе, так и на селе, особенно после прокладки железных дорог. Растущая конкуренция со стороны более дешевых промышленных товаров, покровительственная политика царизма российским предпринимателям определили вытеснение многих видов местной ремесленной продукции, тенденцию ослабления национальных промыслов, исконно ориентированных на удовлетворение повседневных нужд коренного населения.

Материалы исследования свидетельствуют, что по ряду направлений русификаторской политики в духовной сфере колониальная администрация смогла частично решить поставленные задачи. Но в целом, несмотря на создание разветвленной сети идеологического контроля, притеснение традиционной системы образования, официальную поддержку христианского миссионерства, а также использование иных великодержавных акций, претворить стратегические цели царизма по духовному подчинению широких масс Туркестана не удалось. В силу прочности национального менталитета, твердой приверженности коренных народов этическим и вековым духовно-нравственным ценностям местное население активно сопротивлялось колониальным устремлениям царского самодержавия. В частности, оно всемерно поддерживало классическое мусульманское образование. В результате количество традиционных мактабов не только не сократилось, но и существенно возросло.

**Иқтибослар /Сноски/ References:**


1. Пален К.К. Приложение к отчету ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. Ч. 1, отд. 4. – СПб., 1911. – С. 408, 504. (Palen K.K. Appendix to the audit report of the Turkestan Territory. Materials for the characterization of the national economy of Turkestan. Part 1, dep. 4. - SPb., 1911. – P. 408, 504.)
2. Пален К.К. Приложение к отчету ревизии... С. 496. .( Palen K.K. Appendix to the audit report ... p. 496.)
3. Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарьинской областях. – СПб., 1867. (Draft regulation on management in Semirechensk and Syrdarya regions. - SPb., 1867.)
4. Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М., 1991. – С. 30. (Ginzburg A.I. Russian population in Turkestan. - M., 1991. - P. 30.)
5. Национальный Архив Республики Узбекистан, Ф. И.-16, оп. 1, д. 711, лл. 1-2 об. (National Archives of the Republic of Uzbekistan, F.I.-16, op. 1, d.711, ll. 1-2 vol.)

6. Закон Правительствующего Сената Российской империи от 10 июля 1903 года. – СПб., 1903. (Law of the Governing Senate of the Russian Empire dated July 10, 1903. - SPb., 1903.)
7. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане. – Т., 1997. – С. 117. (Iskhakov F. National policy of tsarism in Turkestan. - T., 1997. - P. 117.)
8. Национальный Архив Республики Узбекистан, ф. И-1, оп. 9, д. 604, л. 17-18. National Archives of the Republic of Uzbekistan, f. I-1, op. 9, d. 604, l. 17-18.
9. Там же, л. 19 (на немцев из России и мусульманских беженцев из Восточного Туркестана никакие льготы не распространялись). Ibid, fol. 19 (no benefits were extended to Germans from Russia and Muslim refugees from East Turkestan).
10. 10.Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П.Кауфмана 1-го по гражданскому управлению и устройству областях Туркестанского-генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 – 25 марта 1881 г.- Спб., 1885. - С. 186. (Kaufman K.P. Draft of the most submissive report of Adjutant General KP Kaufman 1st on civil administration and organization of the regions of the Turkestan-General Governorship. November 7, 1867 - March 25, 1881 - St. Petersburg, 1885. - P. 186.)
11. Национальный Архив Республики Узбекистан, ф. И-1, оп. 11, д. 703, л. 161-163. (National Archives of the Republic of Uzbekistan, f. I-1, op. 11, d. 703, l. 161-163.)
12. Там же, оп. 13, д. 504, л. 17-20. (. Ibid, op. 13, d.504, l. 17-20.)
13. Полное собрание законов Российской империи. Собр. 3-е, Т. XXIII. – СПб., 1905. – С. 742-743. (Complete collection of laws of the Russian Empire. Sobr. 3rd, T. XXIII. - SPb., 1905. - P. 742-743).
14. Там же, л. 115. (Ibid, fol. 115.)
15. Государственный архив Ферганского вилоята. Ф. 276, оп. 1, д. 131, л. 19-20. (State archive of the Fergana region. F. 276, op. 1, d. 131, l. 19-20.)
16. Национальный Архив Республики Узбекистан, ф. И-18, оп. 2, д. 118, л. 114. (National Archives of the Republic of Uzbekistan, f. I-18, op. 2, d.118, l. 114.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Қобулжон Махамаджанович Насритдинов,**
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
"Гуманитар фанлар" кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди
nasritdinov. kabuljon.60@ mail.ru

## МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ЕРЛАРИНИНГ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИДАН

**For citation:** Kobulzhon M. Nasritdinov. FROM THE HISTORY OF LAND IRRIGATION IN CENTRAL FERGANA. Look to the past. Special issue, pp. 38-42

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-5

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада муаллиф Фарғона водийси суғорма деҳқончилиги тарихига оид муқаддам илмий истеъмолга олиб кирилмаган архив ҳужжатлари ва илмий тарихий манбалар асосида XX асрнинг 40-50 йилларида Ўзбекистоннинг асосий пахта хом-ашёсини етказиб берувчи минтақаси ҳисобланган водийнинг тарихий-географик манбаларда "Қорақалпоқ чўли" деб зикр этилган марказий чўл ҳудуди ерларини суғорилиш тарихи илмий тадқиқ этилган.

Мақолада шунингдек, тадқиқ қилинган даврда совет ҳукумати томонидан аграр соҳадаги экстенсив тараққиёт йўлининг асоси миқдор натижаларига қаратилганлиги учун Фарғона водийси ерларининг шўрланиш даражаси ортиши мелиоратив ҳолати кескин ёмонлашуви сабаблари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, ирригация, мелиорация, сизот сув, канал, дренаж, кетмон, тупроқ, суғорма деҳқончилик, сув ташламаси, колхоз, бригада, акведук, чўл, суғориш, қамиш, бархан, коллектор, шўр.

---

**Кобулжон Махамаджанович Насритдинов,**
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии,
доцент кафедры гуманитарных наук, кандидат исторических наук.
nasritdinov. kabuljon.60@ mail.ru

## ИЗ ИСТОРИИ ОРОШЕНИЯ ЗЕМЛИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ФЕРГАНЫ

**АННОТАЦИЯ**

Автор статьи на основе архивных документов и научно-исторических источников изучает историю начало орошение и освоения земель Центральной Ферганы 40-50 годы XX века, В изученном периоде Ферганская долина была основной хлопководческой базой и освоенная территория в исторических источниках получила название "Каракалпакская степь".

В статье также перечислены причины резкого ухудшения мелиоративного состояния земель Ферганской долины из-за увеличения засоления, поскольку в основе экстенсивного

пути развития аграрного сектора Советским правительством в исследуемый период лежали на количественные результаты.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, орошение, мелиорация, грунтовые воды, канал, дренаж, кетмень, почва, орошаемое земледелие, водосбрось, колхоз, бригада, акведук, пустыня, орошение, тростник, бархан, коллектор, солончак.

---

**Kobulzhon M. Nasritdinov,**
Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology
Associate Professor of the Department of Humanities,
Candidate of Historical Sciences.
nasritdinov. kabuljon.60 @ mail.ru

# FROM THE HISTORY OF LAND IRRIGATION IN CENTRAL FERGANA

**ABSTRACT**

The author of the article, on the basis of archival documents and scientific and historical sources, studies the history of the beginning of irrigation and land development in Central Fergana in the 40-50s of the 20th century. In the studied period, the Fergana Valley was the main cotton-growing base and the developed territory in historical sources was called “Karakalpak Steppe”.

The article also lists the reasons for a sharp deterioration in the land reclamation state of the Fergana Valley due to an increase in salinity, since the extensive path of development of the agricultural sector by the Soviet government during the study period was based on quantitative results.

**Index Terms:** Fergana Valley, irrigation, reclamation, groundwater, canal, drainage, ketmen, soil, irrigated agriculture, spillway, collective farm, brigade, aqueduct, desert, irrigation, reed, sand dune, collector, salt marsh.

---

**1.Долзарблиги:**

XX асрнинг 40-50 йилларида Ўзбекистоннинг асосий пахта хом-ашёсини етказиб берувчи минтақаси ҳисобланган водийнинг тарихий-географик манбаларда “Қорақалпоқ чўли” деб зикр этилган марказий чўл ҳудуди ерлари суғорилиш тарихининг муқаддам илмий истеъмолга олиб кирилмаган архив ҳужжатлари ва илмий тарихий манбалар асосида илмий тадқиқ этилганлиги Фарғона водийси суғорма деҳқончилиги тарихини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

**2.Методлар:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, манбаларга танқидий ёндашув, жараёнларга давр нуқтаи назаридан баҳо бериш тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда марказий Фарғона ерларининг суғорилиш тарихи ёритилган. Шунингдек, совет ҳукумати томонидан аграр соҳадаги экстенсив тараққиёт йўлининг асоси миқдор натижаларига қаратилганлиги учун Фарғона водийси ерларининг шўрланиш даражаси ортиши мелиоратив ҳолати кескин ёмонлашуви сабаблари кўрсатилган.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Фарғона водийсининг марказий қисмида тарихий-географик манбаларда, шунингдек эски хариталарда “Қорақалпоқ чўли” деб аталиб келинган ҳудуд мавжуд бўлиб, ушбу географик жиҳатидан ҳозирги Марказий Фарғонани ташкил этади[1.10]. Марказий Фарғона географик жиҳатидан шимолда Сирдарё, жанубда Катта Фарғона канали, ғарбда Қўқон ва шарқда Андижон воҳалари билан чегараланиб, территорияси шарқдан ғарбга 90 км, шимолдан жанубга эса 50 км.га чўзилган. Марказий Фарғона водийнинг энг пастки ҳудуди ҳисобланади[2.10].

Фарғона водийси қадимдан Ўрта Осиёнинг зироатчилик ривожланган минтақаларидан бири бўлиб, XX асрнинг биринчи ярмида ҳам Собиқ иттифоқнинг енгил саноат учун пахта

хом ашёсини етказиб берувчи асосий марказлардан бири ҳисобланган. Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг аграр сиёсати экстенсив тараққиёт асосида амалга оширилганлиги учун суғорма деҳқончилик соҳасида ҳам асосий эътибор янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига минтақада пахта хом-ашёсини миқдор жиҳатидан кўпайтиришга қаратилган эди[3.54]. Фарғона водийси суғорма деҳқончилигида қадимдан ўзига хос хусусиятга эга бўлган панжаотган (веер) суғориш усули қўлланилиб келинганлиги, ушбу суғориш усули XX асрнинг 30 йилларида қўпол равишда инкор қилиниб, ўрнига "зовурсиз суғориш" кенг қўлланилинганлиги оқибатида илк маротаба деҳқончилик ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, пахта ҳосилдорлигининг пасайиши кузатилинган эди[4.65].

Шунинг учун ҳам Совет ҳукумати кўрсатмасига асосан 1933 йили Фарғона водийсининг суғориш бўйича бош ишчи режаси тузилди[5.190]. Бу ишчи режага кўра, водийда кенг кўламда лойиҳа қидирув ва қурилиш ишлари амалга оширила бошланди. Водий тоғларидан бош олувчи дарёларнинг сувларини тартибга солиш ва улардан имкон қадар кўпроқ қишлоқ хўжалиги учун фойдаланишнинг техник томонларини ишлаб чиқиш, водийнинг марказий қисмидаги ерларни суғориш учун Катта Фарғона каналини ҳамда ушбу ҳуддаги ер ости сизот сувларини сатҳини пасайтириш ҳамда деҳқончиликда ортиқча сувларни яна табиий сув манбаларига оқизиб юбориш учун Сариқжўга, Ёзёвон, Файзабод, Бағдод каби сув ташламаларини бунёд этиш ишларини амалга оширилиши билан марказий Фарғонани 200 минг гектар қўриқ ерлари ўзлаштирилишига эришиш лозим эди[6.163].

Ушбу қабул қилинган режага биноан биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган вазифа Шаҳрихонсонинг қиш мавсумида ортиқча сувларини Қорадарёга оқизиш бу билан чўлда қиш мавсумида тўпланадиган сизот сувлар сатҳини камайтиришга эришиш, ёз мавсумида бўладиган сув тошқинини олдини олиш мақсадида 1934-1936 йилларда Асака сув ташламаси қурилиб ишга туширилди.Бу сув ташламасини ишга туширилиши билан Шаҳрихонсой, Оқбўра, Аравон суғориш тармоқларидаги қишки, кузги ва баҳор ойлари ёғингарчилик мавсумидаги ортиқча сувлар Қорадарёга оқизиб ташланишига ва Марказий Фарғонанинг шимоли-шарқий ҳудудидаги ер ости сувларининг сатҳини камайтирилишига имконият яратилди.

Тарихий манбаларнинг илмий таснифий шундаан далолат берадики, XIX асрнинг иккинчи ярмида Шахрихонсойнинг этагида жойлашган ҳозирги Бўз тумани ерларининг шарқий қисмида жойлашган Насриддинбек, Солимахсум каби қишлоқлар худуди махаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, қишлоқ аҳолиси ушбу ҳудудларда зироатчилик, чорвачилик, буйрачилик билан шуғилланганлар. Ушбу қишлоқларни сув билан таъминлаш мақсадида Мазгилсой ва Хонариқ суғориш тармоқлари Қўқон хонлиги аҳолиси томонидан "ҳашар" йўли билан бунёд этилган. [7.4].

Ушбу ҳудудда 1935-1936 йилларда маллий саноатга қарашли буйрачилар артели тузилди. Артел аъзолари бўлган бўйрачилар ёз ойларида чўлнинг шарқий чеккаларида бўйра-бордон тўқиш билан шуғилланганлар. 1939 йили Шаҳрихонсой-Сариқжўга ташламаси қурилиши бошланди. Бу ташламани бунёд этилиши эса Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш учун имконни янада яхшилар эди.

1939 йил май ойида Фарғона вилояти маркази Фарғона шаҳрида вилоят сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, бригадирлари иштирокида Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинган йиғилиш бўлиб ўтди[8.40]. Ушбу йиғилишда қабул қилинган қарорда водийдаги ҳар бир туман олдига маълум миқдордаги чўл ерларини ўзлаштириш ва экинзорларга айлантириш вазифаси қўйилди. 1940 йил август ойида Бўз туманида Андижон, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Олтинкўл, Избоскан тумани раҳбарлари ва колхоз раислари иштирокида йиғилиш бўлиб, унда ҳар бир тумандаги колхознинг катта-кичиклиги, ишчи кучи ва молиявий имкониятларига қараб 20 гектардан 150 гектаргача қўриқ ерларни ўзлаштириш реа асосида тақсимлаб берилди. Жумладан, Избоскан туманига 350 гектар ер ўлчаб берилган[8.119].

1940 йил баҳорида Марказий Фарғона даштига Андижон туманидан 33 та, Қўрғонтепа туманидан 23 та, Олтинкўл туманидан 17 та жамоа хўжаликларидан кўчма бригадалар чўлга

кели қўриқ ерларни суғориб деҳқончилик қилиш ишларини бошлаб юбордилар. Лекин колхозлар учун чўлни ўзлаштириб, ушбу ерларда деҳқончилик қилиш жуда оғир шароитларда олиб борилди. Бунинг асосий сабаблари колхозларнинг кам қувватлиги, асосий ишчи кучини катта суғориш иншоотларини қуришга жалб этилганлиги, ўзлаштирилган ерлардаги сизот сувларни ер юзасига яқинлиги, ерларни ҳаддан ташқари шўрхоклиги, ерларни ўзлаштирувчиларнинг қийин меҳнат шароитлари эди.

1941 йил уруш Фашистик Германияни Совет иттифоқига уруш бошланганлиги туфайли Марказий Фарғона ерларни ўзлаштириш анча қийинлашди. Лекин, мавжуд имкониятлардан фойдаланилганлиги эвазига асосан, аёллар, кекса қариялар. Ўсмир болаларнинг меҳнати туфайли 1942-1943 йилларида Яйпан ва Айриддин ариқлари хашар йўли билан чопиқ қилиниб лойқадан тозаланди. Ушбу ариқлардан 1944 йилга келиб жамоа хўжаликлар ерларини суғориш учун суғориш тармоқларини чиқаришга рухсат берилди.

Иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан якунланганидан сўнг Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати 1947 йил 15 мартда қабул қилган қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди[9.277-280].

Ушбу қабул қилинган қарорда чўлга мажбурий кўчириб келтирилган аҳоли 5 йилгача қишлоқ хўжалиги солиғи ва бошқа тўловлардан тўла озод этилиши, чорва моллари ва уй анжомларини сотиб олишлари учун имтиёзли кредит ҳамда қайтариб берилмаслик шарти билан ёрдам пуллари бериш, кўчиб келган чўлқуварлар учун уй-жой қуриб бериш лозимлиши кўрсатилган. Бундан ташқари, чўлга кўчиб келган оила бошлиқларига 200 сўм, ҳар оила аъзоларига 150 сўм, оилага уй хайвони сотиб олшлари учун 2 минг сўм, уй анжомларини сотиб олишлари учун эса 5000 сўм пул берилган. Шунингдек, ҳар бир хонадонга 150 килограмм буғдой, томарқа учун эса ҳар бир оилага 40 сотихдан ер ажратиб берилган[7.11].

Бу ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор Марказий Фарғона ерларни суғориш бўйича ҳукумат даражасидаги биринчи қарор бўлиб, у Марказий Фарғона ерларини суғориб ўзлаштириш борасидаги келгусида амалга оширилган чора тадбирларга асос бўлиб хизмат қилди.

Урушдан кейинги беш йиллик даврида 1939 йил қурилиши бошланган 120 минг гектар суғориладиган ерларнимелиоратив ҳолатини яхшилаш учун мўлжалланган Сариқжўга сув ташламасининг (коллектори) қурилиши 1945 йил охирида, 108 минг гектар ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашган мўлжалланган Шимолий Бағдод коллекторлар системаси 1947 йилда қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу чора-тадбирларнинг натижаси ўларок 1946-1948 йилларда Андижон вилоятида жами 21,4 минг гектар[10.25]. Фарғона водийси вилоятлари бўйича жами 52 минг гектар янги ер ўзлаштирилди[5.190].

**4.Хулосалар:**

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Марказий Фарғона ерларининг ўзлаштирилиш масаласини XX асрнинг 40-50 йилларида кун тартибига қўйилиши мустабид тузум даврида марказ енгил саноати учун зарур бўлган пахта хом-ашёсини етказиб беришни миқдор жиҳатидан кўпайтиришга эришиш эди.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. Акрамов З.М. Фарғона водийси . –Ташкент: “Фан”, 1957.-Б.88. (Akramov Z.M. Fergana Valley. –Tashkent: “Fan”, 1957. – P.88.)
2. Насритдинов Қ.М. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи (XIX аср иккинчи-XX аср биринчи ярми).-Ташкент: “Янги аср авлоди”, 2009. – Б.224. (Nasritdinov Q.M. History of irrigation of the Fergana valley (the second half of the XIX century - the first half of the XX century) .- Tashkent: "Yangi asr avlodi", 2009. – P.224.)
3. Насритдинов Қ.М. Суғорма деҳқончиликда экстенсив тараққиёт йўлининг шаклланиш тарихидан. // Тамаддун Нури.-Тошкент: 2019. № 4. –Б.54-57. (Nasritdinov Q.M. From the

history of the formation of the path of extensive development in irrigated agriculture. // Tamaddun Nuri.-Tashkent: 2019. № 4. –P.54-57.)
4. Насритдинов Қ.М. Зовурсиз суғориш усули. // Жамият ва Бошқарув.-Тошкент: 2005.№ 4. –Б.65-67. (Nasritdinov Q.M. Irrigation method without drainage. // Society and Management.-Tashkent: 2005.№ 4. –P.65-67.)
5. Насритдинов К.М. Из истории народных строек 1940 года (на примере Ферганской долины).// РФ, Самарский научный вестник. – Самара: 2020. Т.9, № 1(30). -С. 189-192. (Nasritdinov K.M. From the history of folk construction in 1940 (on the example of the Fergana Valley). // RF, Samara Scientific Bulletin. - Samara: 2020. Vol. 9, No. 1 (30). - FROM. 189-192.)
6. Мамедов А.М. Развитие ирригации в Узбекистане.-Ташкент: “Фан”, 1967. -С.-298.(Mamedov A.M. Development of irrigation in Uzbekistan.-Tashkent: "Fan", 1967. – P.298.)
7. Ваҳобов А. Ярим асрни бўйлаган Бўзим (Бўз тарихидан лавҳалар).- Андижон: “Ҳаёт”, 2000. –Б. 32. (Vahobov A. Bozim (Excerpts from the history of Boz), which lasted for half a century. - Andijan: "Life", 2000. – P. 32.)
8. Тиллабоев А. Келажакка мактублар.-Тошкент: “Шарқ”, 2004. –Б.158. (Tillaboev A. Letters to the future.-Tashkent: "Sharq", 2004. –P.158.)
9. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. II. 1938-1959.-Ташкент: “Узбекистан”, 1988. –С. 912. (The Communist Party of Uzbekistan in resolutions and decisions of congresses and plenums of the Central Committee. T. II. 1938-1959.-Tashkent: "Uzbekistan", 1988. –P. 912.)
10. ЎзР.ПДА. 58-ф., 49-р., 21-иш, 9-варақ. (Archive of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan. 58-f., 49-r., 21-ish, 9-p.ZR.PDA. 58-f., 49-r., 21-ish, 9-varaқ.)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Анвар Яхшиев,**
тарих фанлари номзоди, доцент. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, anvarfavran@rambler.ru

## ЮНОН-БАҚТРИЯ ПОДШОЛИГИДА ҲУКМРОНЛИК ҚИЛГАН СУЛОЛАЛАР

**For citation:** Yakshiev Anvar. THE DYNASTIES THAT RULED IN THE GRECO-BACTRIAN KINGDOM. Look to the past. Special issue, pp. 43-52

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-6

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада муаллиф ёзма манбалар маълумотлари ва тангашунослик материалари ўрганилиши натижаларига таянган ҳолда Юнон-Бақтрия подшолигида ҳукмронлик қилган сулолалар масаласининг таҳлилини амалга оширган. Ҳукмдорларнинг ўзаро қариндошлик алоқалари, тахтга қай тариқа келганликлари, ҳокимиятни эгаллаш ҳамда уни сақлаб қолиш йўлида қўллаган дипломатия ва тактикалари, уларнинг ҳукмронлик даври ҳамда тахтни бошқаришдаги кетма-кетлик масалаларига муайян ойдинлик киритган. Шу жараёнда Юнон-Бақтрия подшолигида кечган сиёсий жараёнлар ҳамда истилочилик юришлари масалалари ҳам мухтасар тарзда ўз таҳлилини топган.

**Калит сўзлар:** Юнон-Бақтрия, Салавкийлар, ҳукмронлик, сулола, манба, танга, тангашунослик, ноиб, туб аҳоли, бақтрийлар, аслзодалар, эллинлашув, маҳалийлашув, падаркуш, ҳимоя, қамал, истило, сулҳ, иттифоқ.

---

**Анвар Яхшиев,**
кандидат исторических наук, доцент. Ташкентский государственный экономический унивесрситет, anvarfavran@rambler.ru

## ДИНАСТИИ ПРАВИВШИЕ В ГРЕКО-БАКТРИЙСКОМ ЦАРСТВЕ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор на основе данных письменных источников и результатов изучения нумизматических материалов анализирует вопрос о династиях, правивших Греко-Бактрийским царством. Он разъясняет родство правителей, то, как они пришли на престол, дипломатию и тактику, которые они использовали для захвата и удержания власти, период их правления и вопросы преемственности в управлении, наследования престола. В ходе этого процесса вкратце проанализированы политические процессы в Греко-Бактрийском царстве и завоевательские походы правителей.

**Ключевые слова:** Греко-Бактрия, Селевкиды, господство, династия, источник, монета, нумизматика, наместник, коренные жители, бактрийцы, аристократия, эллинизация, ассимиляция, отцеубийца, защита, осада, завоевание, перемирие, союз.

**Anvar Yakshiev,**
Candidate of Historical Sciences, docent,
Tashkent state economic university, anvarfavran@rambler.ru

# DYNASTIES RULING IN THE GRECO-BACTRIAN KINGDOM

**ABSTRACT**

In this article, the author analyzes the question of the dynasties that ruled the Greco-Bactrian kingdom on the basis of written sources and the results of studying numismatic materials. He explains the kinship of the rulers, how they came to the throne, diplomacy and tactics that they used to seize and retain power, the period of their reign and issues of succession in government, succession to the throne. In the course of this process, the political processes in the Greco-Bactrian kingdom and the conquest campaigns of the rulers were briefly analyzed.

**Index Terms:** Greco-Bactria, Seleucids, domination, dynasty, source, coin, numismatics, governor, indigenous people, Bactrians, aristocracy, Hellenization, assimilation, patricide, protection, siege, conquest, armistice, union.

---

**1. Долзарблиги:**

Тарихга қизиқиш, уни ўрганиш ҳамда тарихий жараёнлар, ҳукмдорлар ва ҳукмрон сулолар, улар томонидан амлга оширилган бунёдкорлик ишлари ва вайронкорликлар, ҳарбий ҳаракатлар ва истилолар, бевосита жанглар тафсилотлари, уларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган саркардалар ва ботир жангчилар ҳақидаги маълумотларни келажак авлодларга етказиш инсоният учун азалдан муҳим ва мароқли иш ҳисобланган. Акс ҳолда "тарих отаси" Геродот шу қадар жон куйдириб, авлодларга бунақа катта асар ёзиб қолдирмаган бўларди. Ёзув пайдо бўлгунга қадар эса тарихий воқеалар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ҳикоя қилиб келинганлиги ва ана шу жараёнда ҳаққоний воқеалар асотирлар билан қўшилиб кетганлиги ҳам сир эмас.

Инсоният тарихни ўрганар экан, ундан фақат ғурур, фахр-ифтихор туйиш мақсадини кўзламайди, негаки, ўтмиши фақат шонли воқеалар гирдобида кечган бирорта халқ мавжуд бўлмаганидек, тарихи фақат зулматдан, фожиа ва изтироблардан иборат бўлган халқ ҳам бу оламда мавжуд эмас. Шундай экан, қандай кечганлигидан қатъи назар, тарихни ҳаққоний ва холис ўрганиш, ундан сабоқ олиш, олис ва яқин аждодлар хотирасини ёд этиш, ўз аждодлари ўтмиши ва кечмишини хотирада жонлантиришга бўлган табиий иштиёқ инсониятнинг чуқур маънавий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги шубҳасиз.

Турли сабаларга кўра тарихий жараёнлар ҳақида ҳикоя қилувчи ёзма манбалар ниҳоятда тақчил ва борларидаги маълумотлар ҳам узуқ-юлуқ хабарлардан иборат бўлган даврлар тарихини ўрганиш эса янада муракаб ва мароқли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Юнон-Бақтрия подшолгида ҳукмронилк қилган сулолалар масаласини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гарчи, мазкур давлат таркибига ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларининг ҳам фақат бир қисмигина кирган, уни идора қилган сулолалар аслида босқинчиларнинг авлодлари бўлиб, маҳаллий аҳолига мутлақо алоқадор бўлмаса-да, ана шу сулолалар ҳукмронлиги остида бевосита аждодларимиз умргузаронлик қилган, тарихий кечмиш шуни тақозо этган, шу даврдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий жараёнларни бевосита бошдан кечирган. Ана шу нуқтаи назардан мазкур давр тарихининг муайян қирраларига манбаларда сақланиб қолган узуқ-юлуқ маълумотлар ҳамда тангашунослик маълумотлари таҳлили натижаларига таянган ҳолда аниқлик киритиш, тарихнинг қисқа бир парчасини тўлақонли бўлмаса-да, тиклаш, уни кенг ўқувчилар омаси ва келгуси авлодларга етказиш ҳамиша аҳамиятли масалалар сирасига киради ва долзарблик касб этади, дейиш мумкин.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, манбаларга танқидий ёндашув, жараёнларга давр нуқтаи назаридан баҳо бериш тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда тарихни асл манбаларга

таянган ҳолда ўрганиш ва яратиш, холислик ва тарихийлик анъаналарига асосланган янги услубий ёндашувларга устувор аҳамият қаратилган. Тадқиқ этилган масаланинг назарий-услубий йўналишлари замонавий тарихий-методологик талаблардан келиб чиққан ҳамда мавзунинг таҳлили жараёнида цивилизацион ёндашувга риоя қилинган.

Мавзуни ўрганиш XIX асрдан бошланган бўлиб, ҳозирга қадар қизғин давом этиб келмоқда. Аср ўрталаридан бошлаб Қадимги Бақтриянинг турли ҳудудларида археологик тадқиқотлар йўлга қўйилди ва бу жараёнда ҳозирга қадар юзлаб тадқиқотчилар иштирок этди, кўплаб илмий нашрлар эълон қилиндики, уларни санайдиган бўлсак, битта мақола ҳажми учун жуда катта жойни эгаллайди. Мазкур тадқиқотлар, топилган тангалар, уларнинг таҳлили ва талқинини истисно қилганда, ҳукмрон сулолалар ва Юнон-Бақтриянинг сиёсий тарихи масалаларига бевосита ва узил-кесил ойдинлик киртган, деб айтиш қийин. Ушбу тадқиқотлар тарихий-география, чегаралар, кечувлар, моддий маданият ва ҳукмдорлар томонидан зарб этилган тангаларнинг тарқалиш географияси сингари бир қатор муҳим ва мавзуни ўрганишда аҳамиятли масалаларни очиб берганлиги билан қимматли ҳисобланади.

Мавзуга доир маълумотлар, гарчи тўлақонли бўлмаса-да, ёзма манбалар, асосан Страбон, Юстин ва Полибий асарлари орқали етиб келган [1]. Мазкур ёзма манбалар маълумотларини археологик тадқиқотлар натижалари ҳамда тангашунослик маълумотлари билан қиёслаб, бир гуруҳ олимлар томонидан турли даврларда Юнон-Бақтрия давлатида кечган сиёсий жараёнлар манзарасини тиклаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган [2]. Бу борада бевосита тангашунослик маълумотлари таҳлилига бағишланган ишлар билан бир қаторда, хорижий олимлар ва тадқиқотчилар томонидан узоқ йиллар мобайнида амалга оширилган туркум тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларнинг натижалари чоп этилган нашрлардан мазкур ишда фойдаланилганлари хусусида тадқиқот натижалари баёни давомида ҳаволалар келтириб ўтилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Юнон-Бақтрия подшолигида ҳукмронлик қилган сулолар муаммоси мазкур давлат сиёсий тарихининг узвий ва муҳим жиҳатини ташкил этади. Ушбу давлатнинг сиёсий тарихи муаммоси эса, юқорида қайд этилганидек, турли давр олимларининг мақола ва асарларида ўз аксини топган. Салавкийлардан ажралгандан кейин Юнон-Бақтрия подшолигида кечган воқеалар хусусида ёзма манбаларда жуда кам маълумот сақланиб қолган.

Юстин маълумотларига асосланадиган бўлсак, Бақтриянинг Салавкийлардан ажралиб чиқиши мил.авв. 256 йилда рўй берган. Бу даврда Диодот Салавкийларнинг Бақтриядаги ноиби, “минг шаҳарли Бақтрия” ҳукмдори эди. Унинг ҳукмронлиги мил.авв. 268 йилдан бошланган. Афтидан, мил.авв. 256 йилга келганда Диодот ноиб сифатида ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга эришган. Нафақат қўшин, балки Бақтриянинг иқтисодий захиралари ҳам унинг ихтиёрига ўтган [3].

Тангашунослик маълумотларига кўра, Антиох II га бўйсунишдан бош тортган Диодотнинг ҳаракатларида икки босқични кузатиш мумкин. Дастлаб у тангаларнинг олд ва орқа тарафларини ўзгартирса-да, ҳали шоҳ рутбасини қабул қилмайди ва/ёки буни ҳали эълон қилмайди ва ҳатто Антиох номини тангаларда сақлаб қолади. Ўз ҳокимиятни мустаҳкамлагач, Диодот тангалардаги Антиох номи ўрнига ўз номини ёздиради ҳамда ўзини шоҳ деб эълон қилади. Ўша давр нуқтаи назаридан тангалардаги иккинчи ҳолат очиқ исённи англатади [4]. Шу ўринда Диодот туб аҳоли – бақтрийларга таяниши мумкинмиди? – деган ҳақли савол туғилади. Аслида Бақтрия аслзодаларини эллинлаштириш мил.авв. IV асрнинг охирги чорагидаёқ бошланган эди. Юнон-македон келгиндиларининг Бақтрия аслзодаларининг қизларига уйланиши ҳар томонлама рағбатлантирилади ва мил.авв. III аср ўрталарига келиб бу жараён Бақтрия зодагонлари ўртасида эллин-македон тили, маданияти ҳамда турмуш тарзининг кенг ёйилишига сабаб бўлиши баробарида, бир вақтнинг ўзида босқинчиларнинг маҳаллийлашуви жараёни ҳам содир бўлади. Бақтрия аслзодалари юнон-македон босқинчиларининг юқори қатлами билан бирикиб кетади ва эндиликда у Салавкийлар ноибининг шуҳратпарастликларига қаршилик кўрсата оладиган мустақил кучни ташкил қила олмас эди [5].

Е.В.Зеймаль фикрига кўра, Диодот мил.авв. 247 йилда ёки ундан сал кейинроқ шоҳлик рутбасини қабул қилади. Антиох II нинг вафоти ҳам мил.авв. 247-246 йилларга тўғри келади [6]. Лекин шундан кейин Юнон-Бақтрия подшолигининг ички ва ташқи сиёсатида бирор ўзгариш бўлганлиги хусусида ёзма манбалар бизга ҳеч қандай маълумот бермайди. Салавкийлар билан бўлган қарама-қаршилик давом этади, Парфия ҳукмдори Андрагор билан иттифоқ сақланиб қолади ва янада мустаҳкамланади. Андрагор ўлдирилгандан сўнг (мил.авв. 238-236 йиллар орасида) Аршак ҳаммадан кўпроқ Диодотнинг ўч олишидан хавфсираганлиги бежиз эмас. Лекин уни маҳв этиш ва Парфия билан иттифоқни тиклаш учун Диодотга нима халақит берганлиги бизга номаълум. Юстиннинг хабарига кўра, Аршак “улкан қўшин тўплаган” [7].

Диодотдан кейин Юнон-Бақтрия тахтини унинг ўғли Диодот II эгаллайди. Юстин маълумотларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Диодот I нинг вафоти ва Диодот II нинг тахтга келиши воқеаси тахминан мил.авв. 230 йиллар атрофида содир бўлган. Шундан келиб чиқадики, Диодот I Бақтрияда мил.авв. 268 йилдан 230 йилга қадар ҳукмронлик қилган. Диодот II нинг ҳукмронлиши эса қисқа вақт давом этган. Бу ҳақда ёзма манбаларда бошқа маълумотлар сақланмаган. Бу борадаги тангашунослик маълумотлари ҳам анча мавҳум бўлиб, ота ва ўғилнинг тангаларини бир-биридан аниқ фарқловчи мезонларга эга эмасмиз. Полибий маълумотларига кўра, Антиох III Юнон-Бақтрия шоҳи Эвтидемни қамалда ушлаб туриб, у билан воситачи орқали музокара олиб боради. Эвтидем Салавкийлар шоҳига қуйидагиларни етказишни воситачидан сўрайди: “Антиох уни тахтдан маҳрум қилишга уриниб ноҳақ ҳаракат қилмоқда. Биринчи бўлиб шоҳга (Салавкийларга – Я.А.) қарши курашган мен эмас, – дея давом этади Эвтидем, – аксинча, мен бошқа бир неча хоинларнинг авлодларини йўқ қилиш орқали Бақтрия ҳукмронлигига эришдим” [8]. Маълумки, “биринчи бўлиб шоҳга қарши курашган” Диодот I, Эвтидем томонидан йўқ қилинган “бошқа бир неча хониларнинг авлодлари”га эса сўзсиз Диодот II ҳам киради. Диодот II нинг ўлими ва Эвтидемнинг ҳокимият тепасига келиши санасини мутахассислар мил.авв. III асрнинг 20-йиллари билан белгилайдилар [9].

Нима сабабдан айнан “хонилар”ни жазолаш вазифаси Эвтидемнинг зиммасига тушганлиги ҳақида бизгача маълумотлар етиб келмаган. Унинг Бақтрияда ҳокимиятни эгаллаши Антиох III нинг ҳарбий қудрати тазйиқи остидагина “салавкийпараст” тус олган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Полибийнинг ёзишича, Эвтидем Кичик Осиёдаги Магнесия шаҳридан келиб чиққан [10]. На Диодотга, на салавкийлар сулоласига қариндошлиги бўлмаган Эвтидем Юнон-Бақтрия тахтини куч билан эгаллаган. Тангалардаги кекса Эвтидем тасвири ҳақида мулоҳаза юритган инглиз тадқиқотчиси В.Тарн шундай хулосага келади: “Нега у тахтга эгалик қилганлигини кўриш учун унинг қиёфасига разм солишнинг ўзи кифоя: у бошқаришни истаган, чунки у бунга қодир эди” [11]. Шундай қилиб, Юнон-Бақтрия шоҳи Эвтидем мил.авв. III асрнинг 20-йилларида қонуний шоҳ Диодот II ни ўлдириб, бошқа бир неча “хонилар”нинг авлодларини қириб ташлаб, зўравонлик йўли билан ҳокимият тепасига келган [12].

Антик манбалардаги Эвтидем ҳукмронлиги даврига оид яна бир маълумот Антиох III нинг Шарқда Салавкийлардан ажралиб чиққан ўлкаларга (Парфия, Бақтрия, Ҳиндистон, Даранғиёнав, Арахозия ва бошқа вилоятлар халқларига) қарши катта юриши воқеаси билан боғлиқ ҳолда келтирилади. Эвтидемнинг кечувни муҳофаза қилиш учун юборган ўн минг кишилик отлиқ қўшинлари ҳам, кейинчалик ўзи қўшинлари билан яширинган пойтахт қалъасининг мустаҳкам деворлари ҳам уни ҳимоя қила олмайди. Эвтидемнинг қамалга олиниши мил.авв. 208 йилда бошланади ва жанг билан эмас, балки мил.авв. мил.авв. 206 йилга қадар узоқ давоми этган музокара билан якун топади [13]. Ҳарбий мағлубият Эвтидемга жиддий сиёсий муваффақият келтиради. Юнон-Бақтрия шоҳига қарашли ҳарбий филлар ва қўшин учун тўпланган озуқа захираларини қўлга киритган Антиох III Ҳиндистонни янгидан истило қилиш сари юрар экан, энди у Бақтрияда ўзбошимча зўравонни

эмас, балки ўзи тан олган қонуний шоҳ Эвтидемни, у билан қасамга таянган иттифоқ ва ёзма шартнома тузган ҳолда, қолдириб кетаётган эди.

Мутахассислар фикрига кўра, Юнон-Бақтрия подшолиги Эвтидемдан кейин унинг ўғли Деметрийга ўтади. У ҳақдаги дастлабки, нисбатан батафсил маълумотлар унинг мил.авв. 2006 йилда Антиох III билан сулҳ ва иттифоқ тузилиши жараёнида иштирок этиши воқеаси билан боғлиқ. Ўшанда Эвтидем эҳтиёткорлик қилиб Антиох III билан бевосита учрашмайди ва миузокараларни охирига етказиш учун ўз ўғли Деметрийни юборади. Антиох III уни очиқ чеҳра билан қабул қилади ҳамда унинг ташқи қиёфаси ва оқилона муомаласидан шоҳлик тахтига лойиқ ўспирин эканлигини илғайди. У Деметрийга ўзининг қизларидан бирини никоҳлаб беришга ва отасининг шоҳлик рутбасини сақлаб қолишга ваъда беради. Шу тариқа бошқа шартлар ёзма аҳдномага киритилди ва қасамга таянган иттифоқ қарор топди [14].

Полибий томонидан келтирилган ушбу маълумотлар Деметрийнинг ёшини аниқлашга имкон беради. Бу ерда келтирилган “ўспирин” ибораси ўша пайтда Деметрий 14-16 ёшларда бўлганлигини англатади ва айтиш мумкинки, у мил.авв. 220 йиллар атрофида туғилган. Антиох III билан шартнома тузилган пайтда Бақтриянинг қонуний ҳукмдори Эвтидем бўлган ва Деметрий тахтни отаси вафотидан кейин, тахминан мил.авв. II аср 90-йилларининг охири – 80-йилларининг бошларида эгаллаганлиги тарихий ҳақиқатга зид эмас.

Деметрийнинг номини дастлаб Страбон (Аполлодор ва Артемидга таянган ҳолда) гўёки “Александрдан кўра ҳам кўпроқ халқларни истило қилган” Юнон-Бақтрия шоҳларининг истилолари ҳақида ҳикоя қила туриб эслатади [15]. Ундан кейин Юстин бошқа бир Юнон-Бақтрия шоҳи Эвкратиднинг Ҳиндистондаги истилоларини баён қилар экан, уни “Ҳиндлар шоҳи Деметрий”нинг душмани деб атайди [16].

Ушбу қисқа ва тўлиқ бўлмаган маълумотлар мутахассисларнинг Деметрийни “Ҳиндистон фотиҳи” деб аташларига саба бўлди. Шунга кўра, Сирдарёдан Ҳинд океанига қадар ва Эрон даштларидан Ганг дарёсининг ўрта оқимига қадар бўлган ҳудудлар Арахозия, Даранғиёна, Гандҳар (шимоли-ғарбий Ҳиндистон) ҳамда Ҳинд водийсидаги вилоятлар билан биргаликда унинг мулклари ҳисобланган. Агар Деметрий Ҳиндистонни эгаллаган бўлса, бу ҳол мил.авв. 185 йиллар атрофида, яъни Маурлар сулоласининг заиф ҳукумдори Брихандратх даврида содир бўлган бўлиши мумкин [17]. Лекин Деметрийнинг Ҳиндистондаги ҳарбий ҳаракатларидан далолат берувчи аниқ далилларга асосланган маълумотларга эга эмасмиз.

Деметрий хусусидаги ёзма манбалар маълумотларини тангашунослик маълумотлари билан таққослаш масалага бир қатор ойдинликлар киритиш имконини беради. Деметрийнинг тангаларидаги ёзувларнинг аксарияти юнон хатида битилган ва асосан Бақтрияда фойдаланиш учун мўлжалланган [18].

Лекин шу билан бирга олд тарафида юнон ёзуви, орқа тарафида харошти ёзувидаги ҳинд хати битилган тангалар ҳам мавжуд. Ушбу тангалар Ҳиндикушдан жанубда муомалада бўлган ва шу мақсадда зарб этилганлиги шубҳасиз. Юнон-Бақтрияга мўлжаллаб чиқарилган тангаларнинг икки хил шакли мавжуд. Биринчисида шоҳнинг сочи лента – диадема билан бойланган, иккинчисида эса шоҳнинг боши филнинг хартуми шаклидаги бош кийим (шлем)да тасвирланган. Бундан ташқари, лента – диадема билан тасвирланган тангаларда Деметрий ўсмир қиёфасида тасвирланган бўлса, “фил шлеми” билан тасвирланган тангаларда у ўрта яшар эркак қиёфасида гавдаланади. Икки тилда ёзувлар битилган тангалардаги шоҳ тасвири эса янада бошқачароқ. Бу тангаларда Деметрий бошига кавсия (юпқа қалпоқча) кийган ҳолда тасвирланган ва унинг остидан диадеманинг учлари кўриниб турибди. Юз қиёфасига кўра, унинг ёши “фил шлеми”да тасвирланган қиёфадаги ёшига мос келади.

Э.В.Ртвеладзенинг фикрига кўра, Деметрий сочида диадема билан тасвирланган тангаларнинг зарб қилиниши мил.авв. 206 йил (Антиох III билан музокара олиб борган даври) ёки ундан сал кейинги даврга тўғри келади [19]. Бу даврда у Бақтриядаги бирор вилоятнинг ноиби бўлган бўлиши ва отасининг рухсати билан тангалар чиқарган бўлиши

мумкин. Ушбу тангаларнинг сифати ҳам уларнинг бирор вилоятда зарб қилинганлигидан далолат беради. Агар тангалардаги шоҳ ёшини у туғилган мил.авв. 220 йил билан таққосласак, дастлабки тангаларнинг зарб қилиниши мил.авв. II асрнинг 90-йиллари охири – 80-йиллари бошларига келиб, яъни Эвтидемнинг вафоти билан ниҳоясига етади.

Мутахассислар фикрига кўра, иккинчи даврга оид Деметрий тангалари (шоҳ “фил шлеми”да тасвирланган тангалар) Эвтидем тангалари зарб қилинган зарбхонада сўқилган [20]. Бу ҳол Деметрейнинг тўла ҳукмронликка эришганлигини тасдиқлайди. Икинчи даврга оид тангаларнинг давомийлиги нисбатан мавҳум бўлиб, уларнинг зарб қилиниши мил.авв. II асрнинг 80-70-йилларидан кейин ҳам давом этган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Деметрий томонидан чиқарилган ва Ҳиндикушдан жанубда муомалада юрган икки тилли тангалар алоҳида изоҳ талаб қилади. Улар Аполлодор ва Артемиднинг (Страбонда) “Бақтрия шоҳи Эвтидемнинг ўғли Деметрийнинг Ҳиндистонда қандайдир истилоларни амалга оширганлиги” ҳақидаги хабарини тасдиқлабгина қолмасдан, Юстин томонидан Эвкратиднинг душмани сифатида эслатилган “ҳиндлар шоҳи” Деметрий билан биринчи ва иккинчи даврларга оид тангалар зарб қилган Юнон-Бақтрия шоҳи бир одам эканлигини ҳам кўрсатади. Аммо Деметрийнинг икки тилли тангалари жуда кам миқдорда топилган ва улар унинг Ҳиндистондаги истилолари ҳамда унинг чегаралари масаласини ойдинлаштириш учун ҳозирча етарли эмас.

Деметрийнинг Ҳиндистонга юриши қачон бошланганлигини аниқлашда унинг мил.авв. 206 йили Антиох III билан тузилган ва Деметрий ўз қасами билан мустаҳкамлаган шартномасини эътиборда тутиш лозим. Шундан кейин Антиох III Ҳиндистонга йўл олади ва Салавкийлар шоҳи бошқа маҳаллий ҳукмдорлар билан ҳам шундай шартномалар тузган бўлиши тайин. Антиох III тирик экан (у мил.авв. 187 йилнинг ёзида ўлдирилади) ушбу барча шартномалар амалда бўлган. Деметрийнинг ҳинд манбалари асосида аниқланган Ҳиндистонга юриш қилган тахминий даври мил.авв 185 йиллар атрофида рўй берган ва бу пайтга келиб у йигирма йил аввал ичган қасамидан ўзини озод ҳис қилиши мумкин эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади [21].

В.М.Массон фикрига кўра, Деметрий ҳукмронлиги йилларида юнонларнинг Бақтриядан Ҳиндистонга кетиши ва Юнон-Бақтрия шоҳларининг Ҳинд-Юнон шоҳларига айланиши жараёни бошланади [22]. Кейинчалик бу жараённи Осиёнинг ичкари қисмидан келган кўчманчи қабилалар тезлаширадилар. Аммо бир вақтнинг ўзида Юнон-Бақтрия подшолигида юнонларнинг ўзларининг орасида ҳокимият учун кураш ҳам бошланган кўринади. Ўз ҳукмронлигининг сўнгги йиларида Деметрий Юстин Деметрийнинг душмани сифатида қайд қилган Эвкратид томонидан ўзининг Бақтрия мулкларидан сиқиб чиқарилган ва унчалик катта бўлмаган Ҳинд мулкларида ҳукмронлик қилган дейиш учун муайян асослар мавжуд [23]. У зарб қилдирган икки тилли тангаларнинг чиқарилиши ҳам айнан шу даврда рўй берган. Лекин Эвкратид уни Ҳинд мулкларидан ҳам қувишга қодир эди. Ушбу масалаларга аниқлик киритувчи маълумотлар эса ҳануз мавжуд эмас. Нима бўлганда ҳам мил.авв. II асрнинг 50-йилларига келганда, агар Деметрий тирик бўлса, унинг ёши етмишдан ошган эди.

Юнон-Бақтриянинг ёзма манбаларда қайд қилинганлардан ташқари ҳам шоҳлари бўлганки, бизга уларнинг номлари фақат тангалар орқалигина маълум. Қачонлардир бу улкан давлат унинг таркибига кирувчи майда-майда мулклар ҳукмдорлари томонидан бошқарилган ва уларнинг ҳар бири ўз номидан тангалар чиқарган. Масалан, ёзма манбаларда қайд қилинган Деметрий ва Эвкратиддан ташқари, яна бешта шоҳ – Эвтидем II, Анитимах, Панталеон, Агафокл ва Гелиокл ҳам мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагида ҳукмронлиқ қилганлар тоифасига мансуб эканлигини қайд этиш мумкин [24].

Эвтидем II ўзининг кумуш тангаларида ёш йигит қиёфасида тасвирланган ва бу тангалар Бақтрия ҳудудида муомалада юришга мўлжалланган, тангалардаги ёзувларнинг фақат юнон хатида битилганлиги шундай хулосага асос беради. Ушбу тангаларнинг таҳлили улар қисқа вақт зарб қилинганлигини (2-3 йилдан ортиқ эмас) ва Эвтидем II Деметрийнинг ўғли ҳамда Эвтидем I нинг набираси эканлигини тасдиқламоқда.

Антимах ўзининг кумуш тангаларида юпқа шапкача – кавсияда тасвирланган ва ёзувга уни шарафловчи “Худо” эпитети қўшилган. Ушбу тангалар таҳлили шуни кўрсатадики, Антимах Эвтидем I нинг ўғли ва Деметрийнинг укаси бўлган [25]. У Эвтидем II дан кейин сиёсий саҳнага чиқади ва тахт учун Агафокл ҳамда Эвкратид билан кураш олиб боради. Антимах ҳукмронлик қилган йилларни аниқ белгилаш мушкул, лекин бу давр тахминан мил.авв. II асрнинг 70-йиллари охири – 60-йилларига тўғри келади, дейиш мумкин.

Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагига тааллуқли яна иккита Юнон-Бақтрия шоҳи – Панталеон ва Агафокл эканлиги тангалар орқали англашилади. Уларнинг бақтрия ёзувидаги тангалари билан бирга икки тилли (харошти ва брахма хатидаги ҳинд ёзуви) тангалари ҳам мавжуд. Бундан хулоса қилиш мумкинки, демак, улар Бақтрияда ҳукмронлик қилиш билан бирга Ҳиндистонда ҳам ўз мулкларига эга бўлишган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Панталеон ва ундан кейин Агафокл Деметрийнинг Ҳиндистондаги мулкларини бошқаришган ҳамда Эвтидем II сингари улар улар ҳам Деметрийнинг фарзандлари бўлишлари эҳтимолдан йироқ эмас [26], гарчи буни тасдиқловчи ёхуд инкор этувчи узил-кесил далил ҳануз қўлга киритилмаган. Маълумки, Эвтидем II сиёсий саҳнадан тезда тушиб кетган ва ҳокимият учун курашда иштирок қилмаган. Бақтрия тахти учун курашда Агафоклнинг асосий рақиби Антимах бўлган. Эвтидем II нинг бевосита вориси қолмагач, Эвтидем I нинг ўғли ва Деметрийнинг укаси сифаатида Антимах шоҳлик тахтига даъво қилиши мумкин эди. Агафокл эса “Деметрий сулоласи”нинг бевосита вакили сифатида ушбу даъвога қарши ўз ҳуқуқларини илгари суриши мумкин эди. Тангашунослик маълумотларига асосланган ушбу тахминлар илмий мантиққа таянган фараз шаклида бўлиб, воқеаларнинг асл баёни эса бизгача етиб келган ёзма манбаларда ўз аксини топмаган. Шундай экан, бу борада ҳозирча ягона манба вазифасини ўтаб турган тангалардаги маълумотларга асосланмаслик ҳам мумкин эмас.

Юнон-Бақтрия подшолигида мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагида воқеалар жараёни янада муракаб кечган. Чунки бу жараёнда яна бир Юнон-Бақтрия шоҳи – Эвкратид ҳам фаол иштирок этган. Страбон маълумотларига кўра, Эвкратид Парфия подшоси Митридат I билан бир вақтда (тахм. мил.авв. 170 й.) ҳокимият тепасига келган. У суғдийлар, арахозияликлар, драиглар, арейлар, ҳиндлар ва парфияликлар билан олиб борилган тинимсиз урушлар туфайли ҳолдан тойган. Натижада, унинг даврида парфияликлар Юнон-Бақтрия давлати ғарбий вилоятларининг маълум қисмини эгаллайдилар [27]. Юстин маълумотларига кўра, Эвкратид ана шу тинимсиз жангларни ниҳоятда жасурлик билан олиб борган. Ана шундай ҳолдан тойган бир пайтида унинг ҳиндлар шоҳи Деметрийнинг ҳужумини қайтаришига тўғри тўғри келади. У уч юз кишилик қўшин билан олтмиш минг кишилик қўшин устидан ғалаба қозонади. Беш ойлик қамалдан кейин озодликка эришади ва Ҳиндистонни ўзига бўйсундиради [28]. Юстин хабарига кўра, Ҳиндистон юришидан қайтаётган Эвкратид тахт вориси бўлган ўз ўғли томонидан ўлдирилади. Падаркуш ўғил ўзининг бу қилмишини яширишга ҳам уринмайди. У худди ўз отасини эмас, гўёки душманини ўлдирган эди. Падаркуш жанг аравасида отасининг қонини топтаб ўтади ва унинг жасадини дафн этишни ман қилувчи буйруқ беради [29]. Жасур фотиҳнинг қисмати шу тариқа фожиали равишда якун топади.

Юстин ўз хабарларида Эвкратидни ўлдирган падаркушнинг исмини келтирмайди. Узоқ давр мобайнида мутахассислар айнан Гелиоклни Эвкратиднинг ўғли ва ўша машъум қотиллик сабабчиси деб ҳисоблаб келдилар. Лектн ҳозирги кунга келиб тангашунослик маълумотларининг таҳлили Гелиокл Эвкратиднинг ўғли эмас, аксинча, отаси бўлганлигини исботламоқда ва унинг бу қотилликка дахлдор эмаслиги ўз тасдиғини топди, дейиш мумкин [30]. Шу боисдан ҳозирги кунда падаркушлик айби Юнон-Бақтриянинг бошқа бир шоҳи Платонга тўнкалмоқда. Бизгача унинг фақат йигирма чоғлик тетрадрахмалари етиб келган, холос. Платон тангаларининг орқа тарфида жанг араваси тасвирланган. Баъзи мутахассислар тангалардаги тасвирни Юстин маълумотларидаги Эвкратид қони устидан босиб ўтган аравага ўхшатадилар [31]. Шу боисдан бўлса керак, Платондан кейинги Ҳинд-Юнон шоҳлари ўз тангаларида унинг тангаларидаги манзарани тасвирламайдилар. Бундан ташқари, Платон тангаларида “Шарафли шоҳ Платон” деган ёзув ҳам мавжуд. Кейинги шоҳлар эса

“Шарафли” ташбеҳини ўз тангаларида қўлламайдилар. Бунинг сабаби Платоннинг “шарафи” хайрли бўлмаганлиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Платон тангалари ва Эвкратиднинг ўлдирилиши воқеаси тахминан мил.авв. II асрнинг 40-йиллари ўрталарига тўғри келади. Тангалар таҳлилига кўра, Платон жуда қисқа вақт, тахминан 2 йиллар чамаси ҳукмронлик қилган ва у Бақтиряда шоҳлик қилган охирги юнон ҳукмдори сифатида тарихда қолганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилади [32].

Мил.авв. II асрнинг учинчи чорагига келиб, Юнон-Бақтрия давлатига Осиё кенгликларидан силжиб келаётган кўчманчи қабилалар жиддий хавф туғдиради. Ўзининг асосий эътиборини Ҳиндикушдан жанубдаги мулкларни истило қилишга қаратган ва ўзаро ички курашлар оқибатида заифлашиб қолган Юнон-Бақтрия подшолиги кўчманчиларга жиддий қаршилик кўрсата олмайди. Мил.авв. II асрнинг 30-йилларига келиб Юнон-Бақтрия мулклари кўчманчилар томонидан эгаллаб олинади. Ушбу хулосани тангашунослик маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Мил.авв. II асрнинг 30-йилларидан эътиборан Бақтрияда ҳукмронлик қилган ва ўз номидан тангалар зарб қилдирган бирорта юнон ҳукмдори ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Юнон-Бақтрия подшолигининг фаолияти шу тариқа ўз ниҳоясига етади.

**4. Хулосалар:**

Таҳлил натижаларига таянган ҳолда ўрганилган масала юзасидан қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

• Юнон-Бақтрия подшолигида ҳукмронлик қилган сулолалар масаласи узоқ йиллар давомида Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудуларида олиб борилган археологик изланишлар, манбашунослик ва тангашунослик тадқиқотлари натижаларининг қиёсий таҳлилига таянган ҳолда у ёки бу даражада ўз ечимини топган, аммо бу масалага узил-кесил нуқта қўйиш учун ҳали кўплаб изланишлар талаб этилади, жумбоқли масалалар борасида фақат уларнинг аслиятидан далолат берувчи манбалар қўлга киритилгандагина бир тўхтамга келиш мумкин;

• Юнон-Бақтрия подшолигида ҳукмронлик қилган сулолалар масаласига ойдинилк киритувчи манбаларнинг тақчиллиги бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ. Мазкур жараён кечган ҳудуднинг табиий-иқлими таъсирида кўплаб ёдгорлик ва манбалар йўқолиб кетганлиги объектив омиллар сирасига кирса, турли истилолар натижасида нодир манбаларнинг йўқ қилиниши ҳамда саводли аҳолининг қиличдан ўтказилиши, кўплаб нодир тангаларнинг эса хусусий коллекциялардан жой олганлиги ва уларни илмий муомалага киритиш деярли имконсиз эканлиги сингари субъектив омиллар оқибатида қадимги тарихнинг кўплаб оқ доғларини бартараф этиш амалда ҳал қилиниши имконисиз масалага айланиб қолмоқда;

• давлатнинг Юнон-Бақтрия номининг ўзи ҳам шартли бўлиб, мазкур шартли ном айни пайтда илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Мамлакат Бақтрия ҳудларини қамраб олиб, Салавкийлардан мустақилликка эришган давридан бошлаб то юэчжийлар истилосига қадар ушбу давлатни юнон-македон сулолалари вакиллари маҳаллий зодагонларнинг қўллаб-қуватлови остида идора этганликлари боисидан шундай шартли ва ясама ном пайдо бўлган. Аслида мазкур давлат аҳолисини ташкил этган маҳаллий халқ вакиллари ёхуд келгинди ҳукмдорларнинг ўзлари ушбу давлатни қандай ном билан атаганликлари масаласи тарих учун ҳозирча номаълумлигича қолмоқда;

• гарчи, таҳлилга тортилган ҳукмдорлар сулолалари маҳаллий халққа мансуб бўлмасдан, босқинчилар сулоласининг давомчилари бўлса-да, мазкур ҳукмронлик анчайин узоқ вақт давом этган ҳамда халқимизнинг муайян бир қисми аждодларининг тақдири мазкур ҳукмронлик остида кечганлиги боис, ушбу давр сиёсий тарихини ёритиш асносида, ҳукмрон сулолар масаласига аниқлик киритилиши тарихнинг ўқилмаган саҳифаларини ойдинлаштиришга хизмат қилиб, ўлканинг яхлит тарихининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим ва аҳамиятли эканлиги баробарида, минтақа ва жаҳон тарихини муайян маънода тўлдиришга ҳам хизмат қилади.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. Strabon. Geography: in 17 books / Translation by G.A.Stratanovsky. – L.: Nauka, 1964. – 943 p.; Justin. Epitome of the composition of Pompey Trog. «Historiae Philippicae» / Translation by A.A. Dekonsky, M.I. Rizhsky // Herald of ancient history. – 1954. – №1. – P. 199-243; – №2. – P. 203-252; – №3. – P. 193-251; – №4. – P. 187-239; Polybius. General history in forty books / Translated by F.G. Mishchenko. – M., 1980-1989. T. 1-3.
2. Rtveladze E.V., Pidaev Sh.R. Catalog of ancient coins of southern Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1981. – 120 p.; Gafurov B.G. Tajiks. The most ancient, ancient and medieval history. – Moscow: Nauka, 1972 . – 658 p.; Litvinsky B.A. History of the Tajik people. – M., 1963; Trever K.V. Monuments of Greco-Bactrian art. – M., – L.: Academy of Sciences of the USSR, 1940. – 182 p.; Masson V.M., Romodin V.A. History of Afghanistan. T. I. From ancient times to the beginning of the XVI century. – M.: Nauka, 1964. – 464 p.; Masson V.M. Demetrius of Bactria and the conquest of India // Herald of ancient history – 1961. – №2. – P. 39-45; Zeymal E.V. Ancient coins of Tajikistan. – Dushanbe: Donish, 1963. – 309 p.; Zeymal E.V. Greco-Bactria. Parthia (III-II centuries BC) // History of the Tajik people. T. I. The most ancient and ancient history. - Dushanbe: Donish, 1989. – P. 375-416; Yaxshiev A.J. History and culture of Northern Bactria. Candidate of Historical Sciences dissertation. – Tashkent, 2002. – 214 p. and others.
3. Zeymal E.V. Greco-Bactria. Parthia … – P. 346.
4. Trever K.V. Monuments of Greco-Bactrian art. – P. 114-115; Yaxshiev A. The dissertation presented ... – P. 104.
5. Yaxshiev A. The dissertation presented ... – P. 105.
6. Zeymal E.V. Greco-Bactria. Parthia … – P. 347.
7. Justin. Epitome of the composition of Pompey Trog ... – №4. XLI, 4, 8.
8. Polybius. General history … T. I, XI, 34.
9. Trever K.V. Monuments of Greco-Bactrian art. – P. 115-116; Tarn W. The Greeks in Baktria and India. Ed/ II. – Cambridge, 1951. – P. 74.
10. Polybius. General history ... – P. 39.
11. Tarn W. The Greeks ... – P. 71.
12. Yaxshiev A. The dissertation presented. – P. 107.
13. Yaxshiev A. On the problem of the political history of Greco-Bactria // Transoxiana-Maverannahr. Materials of scientific articles. – Tashkent, 2007. – P. 96-103.
14. Zeymal E.V. Greco-Bactria. Parthia ... – P. 351.
15. Strabon. Geography ... XI, 11, 1.
16. Justin. Epitome ... XI, 5, 7.
17. Gafurov B.G. Tajiks. ... – P. 109.
18. Pugachenkova G.A., Rtveladze E.V. On the circulation of Greco-Bactrian coins in Northern Bactria // ОНУ. – 1983. – №5. – P. 37.
19. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. – Ташкент: Изд.лит. и искусства, 1989. – P. 12.
20. Zeimal E.V., Vafaev G. Tetradrachm of Demetrius from the Zeravshan Valley // Social sciences in Uzbekistan. – 1982. – №5. – P. 40; eymal E.V. Ancient coins of Tajikistan ... – P. 53.
21. History of the Tajik people. – Dushanbe, 1998. T. I. – P. 354.
22. Masson V.M. Demetrius of Bactria and the conquest of India ... – P. 44.
23. Yaxshiev A.J. History and culture of Northern Bactria (based on the data of the Surkhandarya oasis III - IV centuries BC): Abstract of the dissertation of the candidate of historical sciences. – Tashkent, 2002. – P. 20.
24. Smirnova N.M. coinage of the Greco-Bactrian kingdom (during the reign of Eucratids): Abstract of the dissertation of the candidate of historical sciences. – M., 1987. – P. 27.

25. Pugachenkova G.A., Rtveladze E.V. Circulation of Greco-Bactrian coins in Northern Bactria ... – P. 35.
26. Masson V.M. Demetrius of Bactria and the conquest of India ... – P. 42.
27. Strabon. Geography ... – P. 152.
28. Justin. Epitome ... XLI, 6, 4.
29. Justin. Epitome ... XLI, 6, 5.
30. History of the Tajik people ... – P. 673.
31. Narain A.K. The Indo-Greks. – Oxfjrd, 1962. – P. 72.
32. Yaxshiev A.J. Specified abstract... – P. 20.

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Дилбар Тўраевна Абдурасулова,**
Жиззах давлат педагогика институти
Тарих факультети ўқитувчиси

## МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АҲВОЛИ

**For citation:** Dilbar T.Abdurasulova.THE POSITION OF EDUCATION IN JIZAK IN THE COLONIAL PERIOD. Look to the past. Special issue, pp. 53-57

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-7

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада тадқиқотчининг мустамлакачилик даврида Жиззах шаҳрида халқ таълимининг ривожланиши хусусидаги илмий мулоҳазалари баён қилинган. Унда Жиззах шаҳрида янги мактаблар қурилиши ва уларни малакали ўқитувчи кадрлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши кўриб чиқилади. Шунингдек, таълим даргоҳларида ўқувчилар сонининг йил сайин ўсиб бориши ҳамда мустабид тузум шароитида Жиззах халқининг эркинликка, тараққиётга интилиши ва истиқболга бўлган ишончи илмий адабиётлар ва архив материаллари асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** мустабид тузум, мустамлака, таълим, халқ, янги мактаблар, ўқитувчи, кадр, ўқув қуроллари, мустақиллик, тараққиёт, эркинлик.

---

**Дильбар Тураевна Абдурасулова,**
Преподаватель Джизакского
государственного педагогического института

## ПОЛОЖЕНИЕ ОБРАЗОВАНИЯ В ДЖИЗАКЕ В КОЛОНИАЛЬНЫЙ ПЕРИОД

**АННОТАЦИЯ**

В статье описаны научные взгляды исследователя на развитие народного образования в Джизаке в колониальный период. Он предусматривает строительство новых школ в Джизаке и реализацию мероприятий по обеспечению их квалифицированными педагогическими кадрами и учебными пособиями. Кроме того, на основе научной литературы и архивных материалов проанализированы рост числа студентов в учебных заведениях и стремление джизакцев к свободе, развитию и уверенности в будущем при диктаторском режиме.

**Ключевые слова:** авторитарный режим, тоталитаризм, колониализм, образование, люди, новые школы, учитель, кадры, учебные пособия, независимость, развитие, свобода.

**Dilbar T. Abdurasulova**,
Lecturer at Jizzakh State Pedagogical Institute

# THE POSITION OF EDUCATION IN JIZAK IN THE COLONIAL PERIOD

**ABSTRACT**

The article describes the scientific views of the researcher on the development of public education in Jizzakh during the colonial period. It provides for the construction of new schools in Jizzakh and the implementation of measures to provide them with qualified teaching staff and teaching aids. In addition, on the basis of scientific literature and archival materials, the growth in the number of students in educational institutions and the desire of Jizzakh residents for freedom, development and confidence in the future under a dictatorial regime are analyzed.

**Index Terms:** authoritarian regime, totalitarianism, colonialism, education, people, new schools, teacher, personnel, teaching aids, independence, development, freedom.

---

## 1.Долзарблиги:

Мавзунинг долзарблиги мустамлакачилик даврида Жиззах шаҳрида халқ таълимининг ривожланиши хусусидаги илмий мулоҳазаларни бойитишга хизмат қилади. Унда Жиззах шаҳрида янги мактаблар қурилиши ва уларни малакали ўқитувчи кадрлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши ҳақида кенг қамровли маълумотлар берилган. Шунингдек, таълим даргоҳларида ўқувчилар сонининг йил сайин ўсиб бориши ҳамда мустабид тузум шароитида Жиззах халқининг эркинликка, тараққиётга интилиши ва истиқболга бўлган ишончи илмий адабиётлар ва архив материаллари асосида таҳлил қилинганлиги мавзунинг илмий аҳамиятини янада бойитади.

## 2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбавий, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган.

## 3.Тадқиқот натижалари:

Маълумки, Жиззах Сангзор дарёси водийсида, Нурота тоғларининг шимолий этагида, Мирзачўлнинг жанубий қисмида, Тошкентдан жануби-ғарбдан 180 км, Самарқанддан шимоли-шарқдан 90 км узоқликда жойлашган. Шаҳар Жиззах вилоятининг Жиззах ва Ғаллаорол туманлари билан чегарадош. Ташкил топган санаси – 1926 йил 21 ноябрь, майдони - 0,1 минг кв.км (49 минг 640 га).Чегара узунлиги эса (49,5 км)ни ташкил этади. Аҳолиси – 179,9 минг киши. Миллий таркиби: ўзбеклар (85,6%), руслар (4,5%), тожиклар (2,0%), татарлар (1,2%), қозоқлар (1,8 %), қирғизлар (0,7%) ва бошқа миллат вакиллари (4,2%). Шаҳар иқтисодиёти озиқ-овқат, мева-сабзавот, енгил саноат, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, машинасозлик соҳаларига ихтисослашган [10].




Мустамлакачиликнинг дастлабки йилларида ҳукумат маъмурияти Жиззах шаҳрининг маданий ҳаёти, халқнинг урф-одатлари, халқ таълими аиъаналарига аралашмай, уни атрофлича ўрганиш билан чекланди. Жиззах шаҳрининг „Совунгарлик“, „Жиззахлик“, „Қассоблик“, „Ўратепа“, „Тошлоқ“ маҳаллаларида 1880—1888 йилларда ташкил килингаи 20 га яқин эски мактабларда, масжидларда маҳаллий

аҳоли болалари бошланғич таълим олгандан кейин, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, ҳаттотлик касбларини ўрганиб, мсҳнат қилганлар Эски мактабларда Жиззах шаҳрининг “Совунгарлик“ маҳалласида Очил қори, Бурхон қори, Эгамберди домла, Мулла Тошпўлат домла, „Ўратепалик“ маҳалласида Мирзо Содик, Зиё қорилар ўз замонасининг кўзга кўринган мактабдор домлалари сифатида ёшларга мусулмончилик ҳуқуқлари, шариат қонунчилиги, ислом динидан таълим беришган [1:5-6].




1 - расм. Жиззах шаҳри қалъаси 1866 йил. [2]

Жиззах шаҳридаги Ўрда қалъасининг шимоли-шарқий мавзесида „Тошкентлик", „Жиззахлик“ маҳаллаларида Садриддин Маҳсум, Муҳаммад қори, „Қаландархона” маҳалласида Мулла Собир домла, Мулла Ҳасан сингари зиёлилар томонидан очилган жадид янги усул мактабларида ўқувчиларга диний билимлар билан бир қаторда, дунёвий фанлардан ҳам машғулотлар ўтилган, дарслар ўртасида танаффуслар ташкил қилиниб, дунё хариталари, глобус ва бошқа кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Янги усул мактабларида ислом динини ўқитиш билан бир қаторда, дунёвий илмий билимларни ўргатишга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Жиззах шаҳрида 1910 йилда дастлаб янги усул мактабини очганлардаи бири тараққийпарвар Мирзиё қори Мирабдулла ўғли эди. У янги усул мактабини даставвал Жиззахнинг от бозори якинидаги масжидда очади. Бироқ ўқитишнинг бу усули у ерда таъқиб қилингач, ўз уйида давом эттиради. Мирзиё қори Самарқандда янги усул мактабини очган Абдулқодир Шукурий, Сиддиқий, Азжий ва айниқса, Самарқанд илғор вакилларидан бири шоир Васфий билан яқин алоқа боғлаб, улар ёрдами билан тилга оид китоб ҳам чоп килишга муваффак бўлган эди. Бу китоб янги усул мактабларида фойдаланишда ўша йиллари ниҳоятда қимматли ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилган [1:5-6]. 1883 йили Жиззахнинг Эски шаҳарида ҳам рус-тузем мактаби очилиб, 15 нафар талаба ўқишга қабул килинади [4:101].

Бу рус-тузем мактаби ҳозирги Шароф Рашидов номли мактабнинг илк негизи эди. Маълумотларга қараганда,1889 йилда мактабда 21 ўқувчи таҳсил олган. Мактаб учун бино бўлмагани сабабли ўқиш Соатбойнинг мсҳмонхонасида олиб борилган. 1889 йилнинг ноябрида рус-тузем мактаби учун 4 хонали бино қурилади. Бу шаҳардаги ягона оқланган бино бўлганлиги учун халқ уни „Оқ уй“ деб атай бошлаган. Бу даврда Жиззах шаҳрида 1 та рус-тузем мактаби, 11 та эски мактабда жами 122 нафар бола ўқиган эди [5:12-13].

Жиззах шаҳрида янги мактаблар қурилиши ва уларни малакали ўқитувчи кадрлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш талбирларининг амалга оширилиши, таълим даргоҳларида ўқувчилар сонининг йил сайин ўсиб боришига олиб келди. Шаҳарда 1918 йилда Жиззах уезд халқ маорифи бўлими ташкил қилинди.

Жиззах шаҳрида 1922—1923 ўқув йилларида 4 та умумтаълим мактабида 325 ўқувчи таҳсил олган бўлса, 1924—1925 ўқув йилида 15 та мактабда 1176 ўқувчи билим олди. 1931 — 1932 ўқув йилида эса ўқувчилар сони 3127 нафарга етди [6].

Жиззахда 1921/22 ўқув йилидан ташкил этила бошланган мактаблар дастлаб ўқувчиларга бошланғич таълим (ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш) берарди. 20- йиллар ўрталарида 7 йиллик мактаблар ташкил этилади. 1934 йилда эса умумий ўрта таълим мактаблари 10 йиллик мактаблар сифатида шакллантирилди. Мактаблар бошланғич (4 йиллик), тулиқсиз ўрта (7 йиллик) ва ўрта (10 йиллик) мактаб турларига ажратилди, бошланғич таълим олиш мажбурий қилиб қўйилди. 1938 йилдан эса умумий етти йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Мактаблар ва уларда таълим олувчи ўқувчилар сонининг ортиб бориши билан малакали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж кучайди. Шу боисдан 1929 йилда Жиззахда педагогика билим юрти ташкил этилди ва 1929/30 ўқув йилида унга 351 ўқувчи қабул қилинди.

Рус-тузем мактаби негизида ташкил топган Наримонов номли (ҳозирги Ш. Рашидов номли) бошланғич мактаб 1926 йили тўлиқсиз ўрта, кейинроқ ўрта мактабга айлантирилиб, шахар атрофидаги қишлоқ болалари ҳам ўқишга жалб этилди. 1928—1929 ўқув йилига келиб мактаб ўқувчилари сони 271 нафарга етиб, улар орасида маҳаллий қизлар сони кўпайиб борди. 1928 йил куз ойларида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев Жиззахга келганда, Наримонов номли мактаб таълим- тарбия ишлари билан танишди. Файзулла Хўжаевнинг топшириғига кўра, мактабга ўқув қуроллари сотиб олиш учун 10 минг сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ хисобига қўшимча синф хоналари, лаборатория хоналари қурилди. Кўргазмали қуроллар, адабиётлар, мусиқа асбоблари сотиб олинди [7:62-63].

1923 йилда эса „Ғиёс қози“ меҳмонхонасидаги мавжуд синфлар базасида „Намуна“ бошланғич мактаби очилиб, унга кўплаб ўзбек қизлари ўқишга жалб этилди.

1929 йилда минг йилдан ортиқ давр давомида фойдаланиб келинган араб имлоси асосидаги ўзбек ёзувидан логин графикасига ўтилиши, 1940 йилга келиб эса кирилл-рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосига ўтилиши Жиззах халқ таълимида кўплаб қийинчиликлар туғдирди. Натижада неча асрлар давомида халқ даҳоси, буюк бобокалонларимизнинг ақл- заковати билан яратилган бебаҳо манбалар, асарлар, рисолаларни ўқиш ва ўрганиш мушкуллашди.

Шаҳарда халқ таълимини ривожлантириш учун махаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар 1934 йили 103 минг сўм, янги мактаблар очиш учун 50 минг сўм ва таъмирлаш ишлари учун 10 минг сўм, ўқув қуроллари, турли хил жиҳозлар сотиб олиш учун 3500 сўм маблағ ажратилди [7: 65-66].

Жиззах вилоятида малакали ўқитувчиларга бўлган эхтиёжнинг ўсиб бориши инобатга олиниб, собик, Иттифок, Олий Совети Президиумининг 1974 йил августдаги қарорига мувофиқ, Жиззах давлат педагогика институтининг ташкил топиши вилоят учун ҳамда таълим соҳасида жуда катта воқеа бўлди.

Даставвал ўз фаолиятини 2 та факультет, 4 бўлим, 425 талаба ва 19 профессор ўқитув-чилар билан бошлаган институтнинг қисқа муддат ичида моддий-техника таъминоти мустаҳкамланиб, ўқув-тарбиявий, илмий ишларни яхшилашда жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

**4.Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда,чоризмнинг мустамлакачилиги даврида олиб борилган оғир зулм остида жуда катта йўқотишлар бўлишига қарамай, Жиззах шаҳри маҳаллий аҳолиси ўзлигини, миллий қадриятларипи, маънавиятини, маданиятини, урф-одатларини ва турмуш

тарзини сақлаб қолиш мақсадида халқ таълимини баҳоли қудрат ривожлантиришга муваффақ бўлдилар. Мустабид тузум шароитида ҳам Жиззах халқининг эркинликка, тараққиётга интилиши ва истикболга бўлган ишончи сўнмади. Шу боисдан ҳам Жиззахликлариинг қалбига теран ўрнашган истиқлол ва озодлик учун кураш туйғуси янада қудратли кучга айлана борди.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. 1.Шарипов Б., Пардаев А. Маърифат маскани. – Жиззах, 1987. (Sharipov B., Pardaev A. Place of enlightenment. - Djizak, 1987.)
2. 2.Носиров Ў.Н. «Жиззах» фотоальбом. – Тошкент: Тафаккур, 2010 й. (Nosirov O.N. Djizak's photo album. – Tashkent: Tafakkur, 2010.)
3. 3.Шарипов Б., Пардаев А. Маърифат маскани. – Жиззах, 1987. (Sharipov B., Pardaev A. Place of enlightenment. - Djizak, 1987.)
4. 4.Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд,1980. (Reference book of the Samarkand region. – Samarkand, 1980)
5. 5.Ражабов С. Ўзбекистонда совет мактабига доир. – Тошкент: Ўқитувчи, 1957. (Radjabov S. About the Soviet school in Uzbekistan. - Tashkent: Teacher, 1957.)
6. 6.Ўз Миллий Архиви, Жиззах вилоят архиви. 153-жамгарма, 4- руйхат, 9- иш, 152-варақ (National Archives of the Republic of Uzbekistan, Jizzakh Regional Archives. Fund 153, sheet 4, work 9, sheet 152).
7. Ўз Миллий Архиви, Жиззах вилоят архиви. 3-жамгарма, 1- руйхат, 339- иш, 62-63, 65-66 варақлар. (National Archives of the Republic of Uzbekistan, Jizzakh Regional Archives. Fund 3, list 1, work 339, sheets 62-63, 65-66.)
8. Филанович М.И. Тошкент. Зараждения и развитие города и городской культуры. – Ташкент: Фан, 1983 г. (Filanovich M.I. Toshkent. Contamination and development of the city and urban culture. - Tashkent: Fan, 1983)
9. Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шахрининг 2017-2019 йилларда ижтимоий иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисидаги ахборатномаси. (Information of the Department of Statistics of Jizzakh region on the state of socio-economic development of Jizzakh in 2017-2019.)
10. http://jizzax.uz/zhizzah-shaar.html

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Шахрух Раупович Абдурасилов,**
Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мустақил тадқиқотчиси
sh.abdurasil@mail.ru

## ЎРТА АСРЛАРДА ТОШКЕНТНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

**For citation:** Shakhrukh R.Abdurasilov. SOCIAL-POLITICAL AND ETHNIC HISTORY OF TASHKENT IN THE MIDDLE AGES. Look to the past. Special issue, pp. 58-64

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-8

**АННОТАЦИЯ**

Тошкент Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаб, кўп асрлик тарихий-тадрижий ривожланиши жараёнларига салмоқли ҳисса қўшиб келган. Бу жойда қадимги манзилгоҳлар харобалари, хусусан, ўрта асрларга оид меъморий обидалар ҳамда Тошкент шаҳрининг ўзида ва атрофида сақланиб қолган кўплаб тарихий, археологик ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Мақолада Тошкент ўрта асрларда Марказий Осиё халқлари тарихида, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, Буюк Ипак йўлининг ҳам аҳамиятга молик шаҳарларидан бири бўлганлиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** Қанғ, Шош, Илоқ, Тошкент, Бухоро, Темурийлар, Шайбонийлар, Юнусхон, Султон Маҳмудхон, Абдуллахон, Суюнчхожахон, Бароқхон, Кўкалдош, этнос, воҳа.

---

**Шахрух Раупович Абдурасилов,**
научный сотрудник кафедры “История Узбекистан” Национальный университет Узбекистана
sh.abdurasil@mail.ru

## СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ И ЭТНИЧЕСКАЯ ИСТОРИЯ ТАШКЕНТА В СРЕДНИЕ ВЕКА

**АННОТАЦИЯ**

Ташкент занимает особое место в социально-экономическом, культурном и духовном развитии Центральной Азии и внес значительный вклад в многовековые исторические и эволюционные процессы развития. В этом месте находятся руины поселений древних Кенгуру, в частности архитектурные памятники, построенные в Ташкенте в Средние века, а также многие исторические, археологические и культурные памятники, сохранившиеся в городе Ташкенте и его окрестностях. В статье говорится, что Ташкент - один из важных городов Великого Шелкового пути, занимающий важное место в истории, экономической, политической и культурной жизни народов Центральной Азии в Средние века.

**Ключевые слова:** Канка, Шаш, Илак, Ташкент, Бухара, Темуридов, Шейбанидов, Юнусхан, Султан Махмудхан, Абдуллахан, Суюнчходжахан, Баракхан, Кукалдаш, Этнос, Оазис.

---

**Shakhrukh R. Abdurasilov,**
Researcher at the Department of "History
of Uzbekistan" National University of Uzbekistan
sh.abdurasil@mail.ru

## SOCIAL-POLITICAL AND ETHNIC HISTORY OF TASHKENT IN THE MIDDLE AGES

**ABSTRACT**

Tashkent occupies a special place in the socio-economic, cultural and spiritual development of Central Asia and has made a significant contribution to the centuries-old historical and evolutionary processes of development. In this place there are ruins of ancient Kangaroo settlements, in particular architectural monuments built in Tashkent in the Middle Ages, as well as many historical, archaeological and cultural monuments preserved in the city of Tashkent and its surroundings. The article says that Tashkent is one of the important cities of the Great Silk Road, which occupies an important place in the history, economic, political and cultural life of the peoples of Central Asia in the Middle Ages.

**Index Terms:** Kanka, Shash, Ilak, Tashkent, Bukhara, Temuridov, Sheibanidov, Yunuskhan, Sultan Mahmudkhan, Abdullahan, Suyunchodjahan, Barakhan, Kukaldash, Ethnos, Oasis.

---

**1.Долзарблиги:**

Халқаро карвон савдоси ривожига кенг йўл ва қулай имкониятлар очган Буюк ипак йўлининг минтақа ҳудудлари бўйлаб ўтиши, шунингдек, Тошкент ҳам унинг муҳим чорраҳаларида жойлашганлиги ва кўплаб эллар билан туташганлиги бу шаҳарнинг ҳар томонлама юксалиб, савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг йирик марказларидан бири сифатидаги мавқеига ижобий туртки берганлиги жаҳон тарихидаги мавқеини белгилайди. Шу тарзда Тошкентнинг очиқ дунёга кенг юз тутиши, шарқу ғарб, шимолу жанубий ҳудудлари билан яқиндан борди-келди қилиши, савдо-сотиқ, мол-товар алмашиниши жараёнларида фаол иштирок этиши, бундан узлуксиз фойда, манфаат топиши унинг шухратига-шухрат қўшиб, ҳар тарафлама равнақ топиб бориши халқаро муносабатларга самарали таъсир кўрсатган.

Тошкент ҳамма замонларда ҳам минтақа ҳаётида, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган. "Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради" [1]. Шу сабабдан ҳам, Тошкент тарихи, воҳа ҳаётига оид манбаларни ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, унинг ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмаганини илмий жиҳатдан асосланган ҳолда кўрсатиб бериш долзарб вазифалардан саналади.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбавий, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган.

Мавзуни ўрганилганлик масаласида таъкидлаш жоизки, мавзуга бевосита ёки қисман алоқадор бўлган тадқиқотларни асосан қуйидагича тақсимлаш мумкин: Тошкент тарихига оид адабиётлар; археологик манбалар; ёзма манбалар; топонимларга оид тадқиқотлар; диншунослик ва этнологияга оид адабиётлар. Хусусан, Тошентнинг XVI асрдаги сиёсий

тарихига оид маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Ҳофиз Таниш Ал-Бухорийнинг Абдулланома (Шарафномаи шоҳий), Рузбехон Исфаҳонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарларида ёритилган. Шунингдек, тарихчи олимлар К.Шониёзовнинг “Қарлуқ давлати ва қарлуқлар”, А.Асқаровнинг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”, Ҳ.Бобобеков, М.Содиқов, М.Миркомиловларнинг “Тошкент тарихи”, А.Зиёнинг “Ўзбек дадлатчилиги тарихи”, З.Муқимовнинг “Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи” китобларида ҳамда О.Бўриевнинг “XIV–XV асрлар манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақида маълумотлар” мақоласида маълумотлар берилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммоларига оид тадқиқотлар - Н.Г.Маллицкийнинг “Тошкент маҳаллалари ва мавзелари”, Ш.Пўлатовнинг “Мавзелар XX-аср боши (карта-схема). – Тошкент”, Т.Нафасовнинг “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати”, С.Қораевнинг “Географик номлар маъносини биласизми?”, Х.Бўриеванинг “Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари” каби асарлари ҳам Тошкент шаҳрининг иқтисодий, маданий, сиёсий тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Шош (Тошкент) воҳаси ўрта асрларда Мовароуннаҳрдагина эмас, балки мусулмон оламида ҳам салоҳиятли ҳисобланган. Бу даврда Мовароуннаҳрнинг иқтисодий – ижтимоий ҳаёти ва аҳоли ўртасида содир бўлган этник жараёнлар Сирдарё соҳиллари ва мазкур дарёнинг шимолидаги ҳудудлари билан узвий боғлиқ бўлган. Чунки тарихий манбаларда турли даврларда Чоч, Шош ва Тошкент деб номланган воҳа Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Самарқанд, шунингдек Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини Еттисув ва Шарқий Туркистон шаҳарлари билан алоқаларида муҳим ўринда турган [2,166].

Хусусан, IX-X асрларда Шош Мовароуннаҳрнинг йирик иқтисодий ва маданий вилоятига айланган. Шош шаҳарлари дашт ва тоғ туманларига бориладиган транзит йўлларда жойлашган эди. Бу карвон йўллари Бухоро ва Самарқандни, Шош ва Илоқ марказларини Фарғона водийси билан боғлаган.

Бу даврда воҳанинг қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Шош воҳаси хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар ва йирик қишлоқлар аҳолиси ҳаётида ҳунармандчилик асосий ўринни эгаллаган. Шош ва Илоқ воҳаларида қадимдан ҳунармандчилик бирмунча ривожланган эди. Ўрта асрлар давомида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари (кулолчилик, темирчилик, заргарлик ва бошқ.) кенг тараққий этган. Ҳунармандчиликка керакли хомашёларнинг кўпчилиги Шош ва Илоқ воҳаларининг ўзида мавжуд бўлган.

Бу даврда Шош воҳасида ташқи савдонинг ривож топишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти жуда катта бўлган. Ипак йўлининг тармоқлари Шош ва Илоқ воҳаларидан ўтган. Бу йўл орқали маҳаллий аҳоли шарқда Хитой билан, шимоли – ғарбда Сирдарёнинг қуйи оқимлари, Орол денгизи ва Волга бўйларидаги халқлар билан, ғарбда эса Мовароуннаҳр орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Олд Осиёдаги барча йирик мамлакатлар билан доимий алоқада бўлишган [3,44].

Манбаларда Шош вилоятида 30 га яқин, Илоқда 13 та йирик шаҳар мавжудлиги қайд этилган. Араб географлари Шошда 25 ёки 27 та, Илоқда 13 та шаҳар мавжудлиги ҳақида маълумот беришган. Истаҳрий Шошда 27 та, Илоқда 14 та шаҳар борлигини қайд этган. Араб географи Ал-Муқаддасий (940-1000) эса Шошда 34 та, Илоқда 14 та шаҳар мавжудлигини таъкидлаган.

Воҳанинг қулай географик ва халқаро савдо йўллари кесишган ҳудудда жойлашганлиги унинг иқтисодий-маданий жиҳатдан гуллаб-яшнашига ёрдам берган. IX-XII асрдаги юксалиш кенг миқёсдаги савдо-иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очган [4,37].

X аср охири – XII аср ўрталарида Шош Қорахонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврдан бошлаб Шошда туркий тилнинг мавқеи анча ошган. XI асрдан бошлаб шаҳар яна бир янги ном билан – Тошкент деб аталган. Шаҳристон ва аркка эга бўлган бу шаҳар IX-XII

асрларда нафақат воҳанинг маъмурий маркази, шу билан бирга Мовароуннаҳрнинг савдо – ҳунармандчилик ва маданий марказларидан бири сифатида ҳам ном қозонган эди.

Воҳа аҳолисининг этник хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, илк ўрта асрларда Чоч воҳасига туркий этник қабилаларнинг келиши, айниқса Чочнинг Турк ҳоқонлиги таркибида бўлиши, унинг маданияти ривожига катта таъсир кўрсатган. Бу жараён ушбу маконда турк-суғдий этномаданий ҳудуднинг шаклланишига олиб келган. Чоч эроний тилли аҳолининг туркийлашиш жараёни жадал кечган масканга айланади. Бу жараёнлар айниқса археологик материалларда яхши кузатилади ва ёзма манбалар орқали ҳам тасдиқланади.

Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда маҳаллий суғдий ва туркий (ху, ди, рунг, ҳунн, туро қабилалари) аҳолидан ташқари VI-VIII асрларда келиб ўрнашган туркий этник гуруҳлар шунчалар кўп эдики, уларнинг номлари ёзма манбаларда аз, уз, арғун, тухси, яғмо, дуғлат, қарлуқ, чиғил, халач, туркаш, қанғли, қипчоқ, ўғуз ва бошқалар кўрсатилган. Уларга қадар ҳам, масалан, хиёнийлар билан бирга ҳунн, аз, уз, тухси, турк, калтатой, мусобозори каби туркий қабилалар кириб келишган. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган ҳудудларига жойлашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшашган [5,128].

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган Шош, Тошкент воҳасида ўзига хос, ниҳоятда қизғин этник жараёнлар содир бўлиб, туркий тилли ва форсийзабон турғун аҳоли ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи тарзда яшаб, ўзбек элатининг шаклланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб, ўзбек халқининг этник таркибидаги энг асосий компонентлар сифатида салоҳиятли ўринга эга бўлишган.

Чингизхон империяси таназзулга учраб, Чиғатой давлати вужудга келгач, уни ҳарбий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун ҳар бири минг уйли турк-мўғуллар қабилалари Ўрта Осиё ҳудудларига келишган. Улар барлос, жалойир, қовчин ва орлот қабилалари эди. Жумладан, жалойирлар Тошкент воҳасининг Ангрен ҳавзасига келиб ўрнашишган [6,112].

XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда бошқарув тизими Амир Темурнинг бошқа ўғли Мироншоҳ авлодлари, аникроғи Султон Абусаид ва унинг ўғиллари ҳукмига ўтади. Унда Тошкент вилояти дастлаб Султон Абусаид, унинг вафотидан кейин, аввалига катта ўғли Султон Аҳмад мирзо (ваф.1494), сўнгра кичик ўғли, яъни Фарғона ҳукмдори Умаршайх мирзо (ваф.1494) тасарруфида эди.

Худди шу даврда Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон зурриётидан бўлмиш Юнусхон (1468-1487) темурий ҳукмдор Султон Абусаиднинг саъй-ҳаракати билан Мўғулистонда хонлик тахтини эгаллади. Юнусхон учта қизини Абу Саиднинг учта ўғли – Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Умаршайх мирзога турмушга беради. Мўғулистон хони Юнусхон ва Темурийлар ўртасида 1485 йили Шоҳрухияда тузилган сулҳ шартига кўра Тошкент вилояти Юнусхонга берилади [7,296].

Тошкент вилояти ўша пайтдан бошлаб, то Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар Мўғулистон таркибига кирган. Уни дастлаб Юнусхон, вафотидан (1487) кейин эса ўғли Султон Маҳмудхон бошқарган. Тошкент шаҳри қисқа муддат, 1485–1503 йиллар оралиғида, хоннинг қароргоҳи шу ерда бўлгани учун, Мўғулистоннинг сиёсий-маъмурий пойтахти мақомини олди. 1501-1502 йилларда Заҳириддин Бобур Тошкентга улуғ хон тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига ёрдам олиш ниятида келган ва маълум вақт шу ерда яшаган [8,197].

Темурийлар хонадонидаги бошбошдоқлик авжига чиққач, Муҳаммад Шайбонийни 1499-1507 йилларда Мовароуннаҳрни тўла ўз қўлига киритди [9]. Заҳириддин Бобур 1511 йили охирги марта Мовароуннаҳрни олишга жазм қилиб, баҳорда Ҳисорни, ёзда Бухорони, октябрь бошида Самарқандни эгаллайди. Мазкур сиёсий ўзгаришларда Тошкент вилояти ҳам Бобур ихтиёрига ўтган ва у Тошкент шаҳрини бошқаришни амир Аҳмад Қосим кўҳбарга топширган. Бироқ 1512 йил Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади. Бобур Самарқанддан кетгач, шайбонийлар лашкари Тошкентни қамал қилади ва Бобур тарафдорлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўладилар [10,107].

Шайбонийлар давлатини қайтадан қўлга киритиб уни сақлаб қолган шахслардан бири Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни, аскарбоши ва давлат арбоби Муҳаммад Султон ўғли

Икки йил давомида очилган мозорлардан 76 та сопол идишлар топилган. Уларнинг кўпчилигини елка қисми нақшланган. Нақшлар идиш сирти бўйлаб солинган синиқ чизиқлар, ҳар хил кўринишдаги учбурчаклар ва меандр нақшлардан иборат. Сопол идишларнинг шакли ва нақшлари таркибига кўра, Кўкча 3 жамоалари андронова маданиятининг Фёдоров босқичи материалларини эслатади. Кўкча 3 комплекси таркибида турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган шакллари учрайди. Шунингдек, шакллар орасида бир неча аёл-терракота ҳайкалчалари ҳам борки, бу топилмалар тозабоғёб маданияти аҳолисининг жанубнинг қадимги деҳқончилик жамоалари билан алоқалари борлигини эслатади.

Кўкча 3 комплексида металлдан ишланган предметлар кам. Улар бир тиғли пичоқлар, бигиз, дастали бронза кўзгу, сирға ва билакузуклардан иборат. Билакузуклар сирти кесма чизиқчалар билан нақшланган, қайрилган учи илон бошини эслатади. Бундай билакузуклар Сруб ва Андронова маданиятлари ёдгорликларида тез-тез учраб туради.

Кўкча 3 қабристони одамларининг антропологик типи иккига ажралади. Биринчи тип одамларнинг бош чаноғи катта, долихокефалия-узун овал бошли, иккинчи тип одамларнинг боши кичикроқ, брахокефал-юмалоқ бошли, дашт одамларига хос протоевропоид, бронза даврининг андроноид типи. Улар (андроноидлар) узоқ вақт, то антик даврининг сўнгги босқичига қадар (милодий III-IV асрларигача) маҳаллий автохтон (ўрта ер денгизи типи) аҳолиси билан қоришуви натижасида янги антропологик тип, яъни “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи” шаклланди. Бу типга ҳозирги замон ўтроқ ўзбек халқи ва воҳа тожиклари киради.

Қадимги Хоразм бронза даври ёдгорликларини ўрганишда М.А. Итина устози С.П. Толстов тадқиқотларини давом эттириб, Тозабоғёб маданияти ёдгорликларини 3 та хронологик босқичларга бўлади. Тозабоғёб маданиятининг илк босқичининг типик ёдгорлиги сифатида Кўкча 15А манзилгоҳини кўрсатиб, унинг йил санасини мил.авв. XV-XIV асрларга тегишли эканини таъкидлайди. Ўрта босқич ёдгорликларига Кўкча 15, 16, Қават 3, Жонбос 30, 33, Байрам-Қазғон 2 ва Кўкча 3 қабристони тегишли эканлигини қайд қилиб, унинг йил санасини мил.авв. XIV- XIII асрлар билан белгилайди. Сўнгги босқич ёдгорликларига Ангқа 5, Жонбос 25, Кўкча 19 каби манзилгоҳларни тегишли топиб, унинг ёшини мил.авв. XIII-XI асрлар билан белгилайди [6, С.139].

**3. Тадқиқот натижалари:**

Демак, Тозабоғёб ёдгорликларининг қадимги Хоразм ҳудудларида пайдо бўлишини мил.авв. XIV-XIII асрлар билан белгилаш тўғирoқ бўлади. Бу санани тарихий ҳақиқатга яқин эканлиги ҳақида ўрта аср ёзма манбалари ҳам тасдиқлайди[1, С.47].

Таъкидлаш жоизки, Тозабоғёб маданиятининг керамикаси, меҳнат қуроллари ва зебу-зийнат буюмлари Андронова (унинг ғарбий Қозоғистон варианти) ва Сруб маданиятлари билан генетик жиҳатдан ўхшашлиги ва яқинлиги билан характерланади. Бу ўхшашлик уларнинг бошқа жиҳатлари, биринчи навбатда, уй-жой қурилиши, хўжалик ҳаёти ва дафн маросимларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Аммо, биз доимо таъкидлаб келганимиздек, дейди М.А. Итина,-“тозабоғёб маданияти аслида Сруб ёки андронова маданиятларининг варианти эмас, балки у мустақил равишда Жанубий Орол минтақасида келгиндиларнинг маҳаллий сувёрганликлар билан бевосита, кўп қиррали алоқалари ва бу алоқаларнинг этномаданий қоришуви даражасига кўтарилиши туфайли таркиб топган. Бу жараён илк бронза даврида бошланиб, натижада сувёрган маданияти аҳолисининг этномаданий анъаналари келгиндилар маданияти томонидан ютиб юборилди ва натижада уларнинг анъанавий турмуш тарзи уларнинг ҳарбий-сиёсий устунлиги туфайли ғолиб чиқиб, янги этномаданий бирлик, тозабоғёб маданияти шаклланди” [6, С.146]

М.А. Итинанинг ёзишича, тозабоғёб маданияти Сруб ва андронова маданиятларидан фарқли ўлароқ, уларнинг хўжалигида чорвачиликка нисбатан сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг роли катта бўлган [5, С.75-86]. Бироқ, тозабоғёблилар деҳқончилигининг характерини белгилашда М.А. Итина, Б.Н. Андрианов, С.П. Толстов фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки, келгиндиларнинг хўжалиги ва анъанавий турмуш тарзи, юқорида М.А. Итина таъкидлаганидек, қадимги деҳқончиликка мойил маҳаллий сувёрганликлар этномаданий анъаналарини сингдириб юбориб, дашт аҳолисига хос чорвачилик хўжалигини устувор йўналишга айланишига олиб келди. Ҳатто тозабоғёб маданиятининг сўнгги каунди босқичида ҳам қадимги Хоразм деҳқончилиги қоқ деҳқончилиги доирасидан чиқа олмаган эди.

Академик Я.Ғ. Ғуломовнинг кузатувларига кўра, Қадимги Хоразмда сўнгги бронза даврининг Амиробод маданияти даврида ҳам қуйи Амударёнинг кўп тармоқли ўзанлари ҳосил қилган қоқ ерларга дамбалар орқали сув чиқариб, мотига деҳқончилиги билан шуғулланганлар.

Тозабоғёб маданиятини шаклланишига олиб келган мураккаб этномаданий жараёнлар антропологик материалларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, андронова ва Сруб маданияти аҳолиси мутлақо протоевропоидлардан иборат. Тозабоғёб аҳолиси таркиби эса, андроноидлар ва ўрта ер денгизи типларининг қоришувидан ташкил топган [16, С.97-146]. Я.Ғ. Ғуломов Сувёрган маданиятининг келиб чиқиш тарихий илдизларини Калтаминор неолит ёдгорликлари билан боғлайди [3, С.51-54]. Унинг бу илмий қарашлари кейинги тадқиқотларда ўз таҳлил ва илмий талқинини топмоқда. Масалан, А.В. Виноградов калтаминор маданиятининг якунловчи босқичига оид Қават 7 манзилгоҳи материалларини Қамишли маконлари материаллари билан қиёсий солиштириш асосида Я.Ғ. Ғуломов қарашларини тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди [2, С.172-177]. Шунингдек, Қамишли комплексини таркиб топишида жанубнинг деҳқон жамоаларини маданий-хўжалик таъсири сезиларли бўлганлиги инкор этилмайди [4, С.658-661]. Сувёрган маданияти идишлари орасида қорни кенг, сиртига силлиқ жило берилган, қизғиш бўёқли, қисқа ва тор бўғизли идишларнинг пайдо бўлиши айнан жануб таъсирининг натижаси эди. Шундай идишлар Қават 7 манзилгоҳида ҳам кўплаб учратилган.

**4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, Тозабоғёб маданияти ёдгорликларининг ёши масаласи яъни ёдгорликнинг қуйи санаси анча баҳслилидир. Тозабоғёб маданиятининг керамика шакли ва нақши бўйича аниқ бир тўхтамга келиш анча мураккаб. Аммо, Алакўл даври металл предметларининг тозабоғёб ёдгорликларида учраши, уларнинг қиёсий таҳлил ва талқини Жанубий Орол ҳудудларида аралаш Алакўл-Сруб жамоаларининг илк бор пайдо бўлишини

мил.авв. XVI асргача қадимийлаштиришни тақозо этади. Масалан, Э.А. Фёдорова-Давидова Жанубий Уралнинг ғарбий қисмида Герасимовка 1 ва Новобелогорка қабристонларида олиб борган археологик изланишлари чоғида илк Сруб ва илк Алакўл керамика комплексларининг аралашган ҳолда учрашини кузатиб, бу комплексни мил.авв. XVI аср билан йил санасини белгилаган [17, С.149]. Сруб ва Алакўл жамоаларининг Тозабоғёб маданиятига таъсири ҳозирги кунда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Аммо, бу таъсир қачон юз берган, унинг йил санаси илк Сруб ва илк Алакўл давридами ёки Сруб ва Алакўл маданиятларининг ривожланган босқичи даврида юз бердими, бу масала бизнингча, баҳслидир.

Илк Сруб ва илк Алакўл босқичларини мутахассислар мил.авв. XVI-XV асрларга тегишли эканликларини қайд қиладилар [9, С.7; 10, С.21; 12, С.343; 13, С. 64-65]. М.А.Итина юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, бу икки маданият материалларини аралаш ҳолда Жанубий Орол ҳудудларида мил.авв. II-минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлади ва улар маҳаллий сувёрган жамоалари билан аралашиши ва қоришуви натижасида мил.авв. XV-XIV асрларда Тозабоғёб маданияти таркиб топади [6, С.140], деган хулосага келади. Тозабоғёб маданиятининг юқори санасини эса мил.авв. XI аср билан белгилайди.

Агар биз туркий тилли андронова қабилаларининг қадимги Хоразм ҳудудларида илк бор пайдо бўлиш санасини Беруний келтирган маълумот асосида белгилайдиган бўлсак, у ҳолда бу воқеалар мил.авв. XIV асрда юз берган бўлиб чиқади. Айнан шу асрдан бошлаб туркий тилли андронова жамоалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб нафақат қадимги Хоразмга, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларига кириб кела бошлайдилар.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. Беруний Абу Райхан. Памятники минувших поколений. Перевод с арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Т.1, –Ташкент, 1967.( Beruniy Abu Rayxan. Pamyatniki minuvshix pokoleniy. Perevod s arabskogo M.A. Sale. Izbrannie proizvedeniya. T.1, –Tashkent, 1967.)
2. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. МХЭ, №8, –М., 1968. (Vinogradov A.V. Neoliticheskie pamyatniki Xorezma. MXE, №8, –M., 1968.)
3. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. –Ташкент, 1957.( Gulyamov Ya.G. Istoriya orosheniya Xorezma s drevneyshix vremen do nashix dney. –Tashkent, 1957.)
4. Djurayev I. On the question of the relationship of the population of the steppes Eurasia and Central Asia in the bronze age. Theoretical & Applied Science. - 2019.№. 11. –C.658-661 (Djuraev I. Bronza davrida O'rta Osiyo va Evroosiyo dashtlari aholisining o'zaro munosabatlari. Nazariy va amaliy fan. -2019. №. 11. –S. 658-661)
5. Джураев И.Н. Арии-аристрократическая прослойка кочевников-скотоводов эпохи бронзы. Наука и образование в XXI веке. Сборник научных трудов по материалам. Международной научно-практической конференции. Часть 25. Россия, Тамбов 2013 г. (Djuraev I.N. Arii-aristrokraticheskaya prosloyka kochevnikov-skotovodov epoxi bronzi. Nauka i obrazovanie v XXI veke. Sbornik nauchnix trudov po materialam. Mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii. Chast 25. Rossiya, Tambov 2013 g)
6. История таджикского народа. Том 1, –М., 1963. (Istoriya tadjikskogo naroda. Tom 1, –M., 1963.)
7. Итина М.А. Древнехоразмийские земледельцы. Сб. «История, археология, и этнография Средней Азии. –М., 1968. (Itina M.A. Drevnexorazmiyskie zemledeltsi. Sb. «Istoriya, arxeologiya, i etnografiya Sredney Azii. –M., 1968.)
8. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. –М., 1977. (Itina M.A. Istoriya stepnix plemen Yujnogo Priaralya. –M., 1977.)
9. Итина М.А. Новые стоянки тазабагябской культуры ( работы 1956 г.) МХЭ, т.1, 1959. (Itina M.A. Novie stoyanki tazabagyabskoy kulturi ( raboto' 1956 g.) MXE, t.1, 1959.)

10. Итина М.А. Раскопки стоянки Тазабагябской культуры в 1957 г. МХЭ, №4, 1960. (Itina M.A. Raskopki stoyanki Tazabagyabskoy kulturi v 1957 g. MXE, №4, 1960.)
11. Кривцова–Гракова О.А. Степное Повольже и Причерноморье в эпоху поздней бронзы. // МИА, № 46, 1955. (Krivtsova–Grakova O.A. Stepnoe Povolje i Prichernomore v epoxu pozdney bronzo'. G'G' MIA, № 46, 1955.)
12. Мерперт Н.Я. Срубная культура Южной Чувашии. // МИА № 111, 1962. (Merpert N.Ya. Srubnaya kultura Yujnoy Chuvashii. G'G' MIA № 111, 1962.)
13. Могильник бронзового века Кукча 3. МХЭ, Вып. 5. –М., 1961. (Mogilnik bronzovogo veka Kukcha 3. MXE, Vo'p. 5. –M., 1961.)
14. Сальников К.В. Очерки древней истории Южного Ураля. –М., 1967. (Salnikov K.V. Ocherki drevney istorii Yujnogo Uralya. –M., 1967.)
15. Тереножкин А.И. Основы хронологии предского периода. // СА. № 1, 1965. Terenojkin A.I. Osnovi xronologii predskogo perioda. G'G' SA. № 1, 1965. ()
16. Толстов С.П. Древнехоразмийские памятники в Каракалпакии. ВДИ, 1939. №3. (Tolstov S.P. Drevnexorazmiyskie pamyatniki v Karakalpakii. VDI, 1939. №3.)
17. Толстов С.П. Древний Хоразм. –М., 1948.( Tolstov S.P. Drevniy Xorazm. –M., 1948.)
18. Трафимова Т.А. Черепа из могильника тазабагябской культуры Кокча 3. МХЭ, № 5, 1961. (Trafimova T.A. Cherepa iz mogilnika tazabagyabskoy kulturi Kokcha 3. MXE, № 5, 1961.)
19. Фёдорова–Давидова Э.А. К проблеме андроновской культуры. Сб. Проблемы археологии Урала и Сибири. –М., 1973. (Fyodorova–Davidova E.A. K probleme andronovskoy kulturi. Sb. Problemo' arxeologii Urala i Sibiri. –M., 1973.)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Bobirjon Izzatullayevich Izzatullayev,**
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti
3-bosqich tayanch doktoranti
izzatbobur@gmail.com

## MARKAZIY OSIYODA AQSH STRATEGIK KOMMUNIKATSIYA SOHALARI

**For citation:** Bobirzhon I.Izzatullaev. USA STRATEGIC COMMUNICATION AREAS IN CENTRAL ASIA. Look to the past. Special issue, pp. 81-87

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-11

**ANNOTATSIYA**

Bugungi kunda ko`plab davlatlar o`z tashqi siyosatini amalga oshirish instrumenti sifatida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishga katta e`tibor qaratishmoqda. Bu o`rinda ayniqsa Internet, ijtimoiy tarmoqlar, bloglar va boshqa kommunikatsiya kanallarning ahamiyati ortmoqda. Agarda so`nggi yillarda tashqi siyosatning samarali instrumenti sifatida “yumshoq kuch”, “aqlli kuch”, “raqamli diplomatiya”lar bo`lib kelgan bo`lsa, bugungi kunga kelib, olimlar va ekspertlar ularning barchasini birlashtiruvchi “Strategik kommunikatiya”ning yuzaga kelgani ta`kidlashmoqda. Axborot kommunikatsiya texnologiyalarining yangi imkoniyatlaridan foydalangan holda AQSH bugungi kunda Markaziy Osiyo bilan tashqi siyosiy aloqalarni amalga oshirishda strategik kommunikatsiyadan samarali foydalanmoqda.

**Kalit so`zlar:** AQSH, Markaziy Osiyo, Strategik kommunikatsiya, Raqamli diplomatiya, C5+1 format.

---

**Бобиржон Иззатуллаевич Иззатуллаев,**
Базовый докторант 3-курса
Университет мировой экономики и дипломатии
izzatbobur@gmail.com

## СТРАТЕГИЧЕСКИЕ СФЕРЫ КОММУНИКАЦИИ США В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**АННОТАЦИЯ**

Многие страны уделяют большое внимание использованию современных информационно-коммуникационных технологий как инструмента реализации своей внешней политики. При этом особенно возрастает значение интернета, социальных сетей, блогов и других каналов коммуникации. Если в последние годы появились “мягкая сила”, “умная сила”, “цифровая дипломатия”как эффективный инструмент внешней политики, то на сегодняшний день ученые и эксперты утверждают, что появление "стратегических коммуникаций", объединяющих их всех. Пользуясь новыми возможностями информационно-коммуникационных технологий, Соединенные Штаты сегодня эффективно

используют стратегические коммуникации в осуществлении внешнеполитических связей с Центральной Азией.

**Ключевые слова:** США, Центральная Азия, Стратегические коммуникации, цифровая дипломатия. Формат С5+1.

---

**Bobirzhon I. Izzatullaev,**
3-year basic doctoral student
University of World Economy and Diplomacy
izzatbobur@gmail.com

## USA STRATEGIC COMMUNICATION AREAS IN CENTRAL ASIA

**ABSTRACT**

In recent years, countries pay great attention to the use of modern information and communication technologies as an instrument for the implementation of their foreign policy. In this case, especially the importance of the Internet, social networks, blogs and other communication channels are growing. If in recent years there have been “soft power”, “smart power”, “digital diplomacy”as an effective instrument of foreign policy, then to date, scientists and experts claim that the emergence of “strategic communications” that unites all of them has been the case. Taking advantage of the new capabilities of information and communication technologies, the United States are effectively using strategic communications in the implementation of foreign political relations with Central Asia today.

**Index Terms:** USA, Central Asia, Strategic Communication, Digital Diplomacy. C5+1 format.

---

**1.Dolzarbligi:**

AQSH tashqi siyosatida strategik kommunikatsiyasi nafaqat axborot makoni, balki o`zaro muvofiqlashgan amaliy harakatlarlarni ham o`z ichiga oladi. AQSH tashqi siyosatida strategik kommunikatsiya davlatning tashqi siyosiy vazifalarini amalga oshirishda yordamchi vosita bo`lganligi sababli, bugungi kunda strategik kommunikatisiya mintaqada quyidagilar yo`nalishlarga qaratilgan:

- Markaziy Osiyo davlatlari va AQSH o`rtasida yirik hamkorlik loyihalarni qo`llab-quvvatlash;
- mintaqadagi alohida davlatlar va AQSH ishtirokida turli sohadagi loyihalarni rivojlantirish;
- Markaziy Osiyoga Rossiya va Xitoy ta`sirini kamaytirish;
- Demokratik qadriyatlarni targ`ib etish.

**2.Metodlar:**

Maqolani yozish jarayonida umummilliy metodlardan xususan, tizimli, tarkibli, funksional, qiyosiy tahlil va tarixiy yondashuvlaridan keng foydalanildi.

**3.Tadqiqot natijalari:**

Bugungi kunda AQSHning va Markaziy Osiyo davlatlari bilan iqtisodiy, xavfsizlik va boshqa ko`plab sohalarda birgalikdagi aloqalarni amalga oshiruvchi yagona yirik mexanizm C5+1 formati hisoblanadi. Ushbu formatni ishga tushurish bo`yicha 2015-yil sentyabr oyida Markaziy Osiyo tashqi ishlar vazirlarlarining o`sha paytdagi AQSH Davlat kotibi Jon Kerry bilan uchrashuvida bayon qilingan edi. Shundan so`ng, 2015-yil 1-noyabrda mintaqa tashqi ishlar vazirlari va AQSH Davlat kotibining Samarqandagi uchrashuvida C5+1 formati tashkil etilganligi rasmiy ravishda ma’qullandi.

2019-yil fevral oyida AQSH Davlat Departamentining Janubiy va Markaziy Osiyo bo`yicha Byurosi tomonidan “AQSHning Markaziy Osiyo bo`yicha 2019-2025 yillarga mo`ljallangan strategiyasi: suverenitetni mustahkamlash va iqtisodiy ravnaq” qabul qilindi.[1] Unga ko`ra AQSH “C5+1” formatini va uning doirasidagi loyihalarni qo`llab-quvvatlaydi. Shuningdek AQSH Markaziy Osiyoning alohida davlatlari bilan ikki tomonlama turli sohalarda aloqalarni o`rnatish va mustahlashni asosiy tashqi siyosiy vazifalardan biri deb biladi. AQSH uchun mintaqa eng asosiy

raqib davlatlar Rossiya va Xitoydir. Shu sababli AQSH ularning ta`sirini kamaytirishga intilib keladi.

2020-yil fevral oyida AQSH Davlat kotibi Mark Pompeoning Markaziy Osiyo mamlakatlariga safari ham aynan AQSH va mintaqa o`rtasida integratsion jarayonlarni kuchaytirish(C5+1), mintaqa alohida davlati bilan turli sohadagi aloqalarni yo`lga qo`yish, hamda asosiy raqibi Rossiya va Xitoyni ta`sirini mintaqada pasaytirishga qaratildi.

AQSH davlat departamentiga ko‘ra, “C5+1 Qo‘shma Shtatlar va Markaziy Osiyoning besh davlati duch kelayotgan umumiy muammolarni hal qilishga qaratilgan qo‘shma platforma va muloqot formatidir”. AQSH davlat kotibi Markaziy Osiyoning suveren va mustaqil bo‘lishi, Rossiya va Xitoyning iqtisodiy va harbiy hukmronligiga qarshi turishi kerakligini ta’kidladi. Bundan tashqari Pompeo Toshkentga tashrifi oldidan O‘zbekistonning neftga boy qo‘shnisi Qozog‘iston rahbariyati bilan uchrashdi va ushbu mamlakatga chegaradosh bo‘lgan Xitoyning Shinjon mintaqasidagi musulmon ozchiliklarga nisbatan shafqatsizliklariga chek qo‘yishga va bu yo‘lda barcha mamlakatlarni AQSHni qo‘llab-quvvatlashga chaqirdi. Mayk Pompeo Markaziy Osiyoning besh davlati tashqi ishlar vazirlari bilan muloqot qilib, AQSH mintaqa Rossiya va Xitoydek yirik va qudratli qo‘shnilarga tobe bo‘lib qolishini xohlamaydi deb ta`kidlagan edi.[2]

AQSH yuqorida ko`zlagan maqsadlarni amalga oshirishda raqamli diplomatiyadan tashqari quyidagi yo`nalishlarda ishlar olib boradi:

Markaziy Osiyo mintaqasida gumanitar sohasidagi ishtirok etish

Ommaviy axborot vositalari va jurnalistlarni qo`llab-quvvatlash, shuningdek turli grantlar taqdim etish va tadbirlar uyishtirish

Nodavlat va notijorat tashkilotlarning mintaqadi faol harakati

AQSHning mintaqada gumanitar sohasidagi faoliyati uning ijtimoiy diplomatiya va strategik kommunikatsiyaning bir qismidir. Bugungi kunda AQSH uch asosiy yo`nalishda: 1) Ta`lim. 2) Iqtisodiy. 3) Ijtimoiy-madaniy sohalarda faoliyat olib bormoqda.

AQSHning Markaziy Osiyo mintaqasida gumanitar soha faoliyati ishtiroki ichida ta`lim eng samarali vositalardan biri hisoblanadi. Bugunki AQSH mintaqada hamkorlikda universitetlarlar tashkil etish, axborot resurs markazlari, ta`lim standartlarini shakllantrish va turli almashinuv loyihalari orqali ta`lim sohasida faoliyat olib bormoqda.[3, S.73, 87]

AQSHning mintaqada uch universiteti faoliyat yuritmoqda: Markaziy Osiyo AQSH universiteti(AUCA, Bishkek); Qozog`iston-AQSH universiteti(KAU, Olmota); Qozog`iston tadbirkorlik va jahon iqtisodiyoti instituti(KIWEE, Olmota). Bishkekdagi Amerika universiteti Qirg`iziston fan va ta`lim vazirligiga tomonidan emas, balki amerikalik vasiylar kengashi orqali boshqariladi. 2019-yil may oyidan boshlab ushbu kengashni Andryu Kachins(Adrew Kuchins) boshqarmoqda.[4]

AQSH mintaqagi oliy ta`lim muassasalari bilan ko`p tarmoqli aloqalarni olib borish bo`yicha ham faoliyat olib boradi. Jumladan Qozog`iston-Amerika universiteti amerika kollej va universitetlar birlashmasi bilan ko`p tarmoqli (bolalar bog`chasi, maktab, bakalavr va magistratuta) aloqalar o`rnatilgan. Undan ko`zlangan maqsad mahalliy ta`limga dunyoning eng yaxshi standartlarini va innovatsiyalarini joriy etishdir. Oliy ta`lim muassalari bilan birgalikda AQSH mintaqada axborot-resurs markazlarini tashkil etgan. Ular universitet va kutubxonlar qoshida shakllantirilgan bo`lib, yildan yilga rivojlanib bormoqda. Ular nafaqat kitob o`qish yoki tekin internetga ulanish imkoniyati bermoqda, balki axborot-resurs qoshida turli kurs va to`garaklar tashkil etilmoqda. AQSHda o`qish uchun taklif etilayotgan ta`lim dasturlari ichida ayniqsa Fulbright, UGRAD va yozgi ta`tilda talabalarning ishlashi uchun Work and Travel dasturlari mintaqa talabalari orasida ommalashgan.

AQSH uchun ijobiy imidjni yaratishda mintaqaga ko`rsatilayotgan iqtisodiy yordamlar katta ahamiyatga ega. AQSH elchixonalari rasmiy veb va ijtimoiy tarmoq sahifalaridagi yangiliklarning aksariyati ham aynan AQSH ko`maklari haqida. Markaziy Osiyoga berilayotgan ko`maklari ko`pincha xalqaro rivojlanish uchun ko`mak agentligi(USAID) orqali amalga oshiriladi. 1992-2015-yillarda mintaqa davlatlari 7,5 mrld dollar miqdorda yordam olgan. [5. S, 248] Hozirgacha eng kam

moddiy yordam qabul qilgan davlat Turkmaniston bo`lsa, eng ko`p moddiy yordam Tojikistonga to`g`ri keladi.

AQSHning Markaziy Osiyo bo`yicha 2019-2024-yillar strategiyasida mintaqaga ko`rsatilgan yordamlar keltirib o`tiladi. Jumladan, unga ko`ra mintaqa davlari iqtisodiy o`sish, demokratik islohatlar, tinchlik va xavfsizlikni ta`minlash uchun 9 mrld dollar tog`ridan-to`g`ri investitsiya ko`rinishida taqdim etildi. Shuningdek, AQSH boshchiligida Jahon Banki, Xalqaro valyuta fondi, Yevropa tiklanishi va taraqqiyot banki, Osiyo taraqqiyot banki tomonidan mintaqaga kredit, zayom va texnik ko`mak ko`rinishida 50 mrld dollar ajratildi. AQSH mintaqadagi tijorat korxonalariga 31 mrld dollar investitsiya kiritib, minglab yangi ish o`rinlarini yaratdi. AQSH va Markaziy Osiyo bo`yicha yirik loyiha hisoblangan "C5+1" doirasida atrof-muhit, iqtisodiy aloqalar va xavfsizlik sohasiga 34 mln dollar ajratildi. Bundan tashqari AQSH tomonindan 40 ming o`quv va mutaxassislik almashunuvlari.[5. S, 248]

COVID-19 kasalligi bilan bog`liq Markaziy Osiyodagi vaziyat tufayli AQSH mintaqaga gumanitar ko`mak va iqtisodiy yordamlarini ko`rsatib kelmoqda. Jumladan, AQSH hukumati koronavirus pandemiyasi davrida Markaziy Osiyodagi migrantlarni himoya qilish uchun 2 million dollar ajratdi.[6]

AQSHning Markaziy Osiyoda ijtimoiy va madaniy soha faoliyatidagi ishtiroki uning iqtisodiy hamda ta`limdagi ishtiroki bilan uzviy bog`liqdir. AQSHning ijtimoiy-madaniy sohadagi gumanitar faoliyat harakatlari asosan mintaqa madaniyati, an`analari va urf-odatlari bilan yaqindan tanishish. Shunindek, AQSH to`g`risidagi tassurotlarini o`rganish va o`zaro madaniy almanishuvlarni o`z ichiga oladi. Bu sohada Tinchlik Korpusi(Peace Corps) mitaqada uzoq vaqt faoliyat olib borgan. Hozirda faqatgina Qirg`izistonda faoliyat olib bormoqda. O`zbekistonda 2005-yilda, Qozog`istonda 2011-yilda, Turkmanistonda 2012-yilda faoliyati to`xtilgan. Tojikistonda esa ochilmagan edi. Tinchlik Korpusi mintaqa davlatlariga turli ko`ngillarini yuborish, yoshlar uchun yozgi oromgohlar tashkil etish va ingliz tilini o`rganish bo`yicha klublari ochish bilan shug`ullanadi.

2019-yil fevral oyida AQSH davlat kotibining Janubiy va Markaziy Osiyo masalalari bo`yicha birinchi yordamchi o`rinbosari Elis Uells Toshkentdagi nutqida Tinchlik Korpusining O`zbekistonga qaytmoqchi ekanligini ta`kidladi. Unga ko`ra Tinchlik Korpusini qaytishi aloqalar rivojlanishi va ingliz tilining o`qitishiga kengayishiga katta xizmat qiladi.[7] AQSH madaniy sohadagi gumanitar ko`maklar ichida tarixiy yodgorliklariga ham alohida ahamiyat qaratadi. Jumladan, AQSH tomonindan Markaziy Osiyodagi 70 dan ortiq madaniy-tarixiy yodgorliklarni saqlanishi uchun moliyalashtirilgan.

AQSH Markaziy Osiyoda ommaviy axborot vositalarini qo`llab-quvvatlash, uning infrastrukturasini yaxshilash, mahalliy jurnalistlarni o`qitish uchun turli grantlar ajratishga alohida ahamiyat qaratadi. Chunki strategik kommunikatsiyani ommaviy axborot vositalarsiz amalga oshirib bo`lmaydi.

Mintaqada axborot kommunikatsiya sohasini moddiy va moliyaviy qo`llab-quvvatlashda AQSHning xalqaro rivojlanish bo`yicha agentligi(USAID) faol ishlar olib boradi. Jumladan, turli loyihalar orqali 1990-yillardan boshlab moliyaviy ko`mak berib kelmoqda. 2018-yil may oyida Markaziy Osiyoda mustaqil ommaviy axborot vositalarini rivojlantirish uchun 15 mln dollar ajratdi. Undan ko`zlangan maqsadlar quyidahilarni o`z ichiga oladi:[8]

Muhim siyosiy va aholi manfaatlariga daxldor ijtimoiy masalalarni yoritishda ommaviy axborot vositalarni xolis va ochiqligini ta`minlash;

Yoshlar va o`rta yoshlilar o`rtasida axborotni qabul qilish didini oshirish. Ularda tarqatilayotgan axborotga nisbatan tanqidiy qarashni shakllantirish;

Ommaviy axborot vositalari sohasidagi huquqiy asoslarni yaxshilash.

AQSH tomonidan Markaziy Osiyoda ommaviy axborot vositalarni qo`llab-quvvatlashning boshqa yo`llari bu ularni o`qitish, turli grantlar taqdim etish va turli tadbirlar uyishtirishdir. Bu sohada ayniqsa AQSHning Internews Network nodavlat-notijorat tashkiloti ayniqsa faoldir. Bugungi kundan Internews Network Qozog`iston, Qirg`iziston va Tojikistonda fiallariga ega bo`lib, ayniqsa mintaqada internet jurnalistika rivojlantrishga alohida ahamiyat qaratmoqda. Buning uchun

"Markaziy Osiyoda yangi mediani rivojlantirish", "Yangi reporter.org" va boshqa turli loyihalar ishlab chiqishgan.[8]

Mahalliy jurnalistlarni o`qitish maqsadida turli grantlar ham yo`lga qo`yildi. Jumladan, 2012-yilda boshlab Garvard Universiteti qoshidagi Berkman Markaziga bir yillik amaliyotni o`tash uchun mahalliy aholi imkoniyat yaratib berildi.

Bundan tashqari AQSHdan axborot texnologiyalar sohasidagi turli mutaxxassislar kelib, mahalliy jurnalistlar bilan turli seminarlar va konferensiyalar tashkil etiladi. Misol uchun Internews, Soros Fondi va AQSHning mintaqadagi elchixonlari ko`magida 2009-yilda buyon har yili BarCamp Central Asia konferensiyasi o`tkazilib kelinadi. Asosan doklad, trening, prezentatsiya taqdimoti va davra suhbatlari tashkil etilgan holda, yangi media, ijtimoiy tarmoqlar, bloglar, veb 2.0 va startaplar muhokama etiladi.

AQSH tomonidan Xitoyni Markaziy Osiyoga ta`sirini kamaytirish uchun uyg`urlar muammosi va Xitoyning mintaqaga iqtisodiy ekspansiya kabi masalar ko`tariladi. Ommaviy axborot vositalardan va ijtimoiy tarmoqlardan tashqari, "Xalqaro huquq tashabbusi"(Freedom House, Soros Fondi) va "Атажурт Ериктилери" kabi nodavat va notijorat tashkilotlari Xitoyning uyg`urlar siyosatini umumiy manzarasini Qozog`iston jamoatchilik yoritishda asosiy o`rinni egalladi. Ushbu ikki tashkilot Xitoyning ichki siyosatini tanqid qilib, u yerda etnik qirg`iz va qozoqlarga bo`layotgan jabrlarni qoralab Qozog`iston va Qirg`izistonda press-konferensiya va aksiyalar o`tkazadi. "Атажурт" AQSH tomonindan qo`llab-quvvatlanadigan loyiha bo`lib, asosan uyg`urlar mavzusini yoritadi. Ushbu nodavlat-notijorat tashkiloti faoliyatini Janubiy va Markaziy Osiyo bo`yicha AQSH davlat kotibining yordamchisi kuzatib boradi. 2018-yilda nodavlat-notijorat tashkiloti vakilasi va advokati shaxsan Melaniya Tramp tomonidan taqdirlandi. [10]

Mintaqadagi nodavlat va notijorat tashkilotlari samarali ta`sir etuvchi kuchga aylanib borayotganligini 2019-yilda Qozog`iston va Qirg`izistonda Xitoyning uyg`urlar siyosatiga qarshi namoyishlari tasdiqlamoqda. Chunki aynan ushbu namoyishlar nodavlat va notijorat tashkilot faollari tomonidan uyishtirilgan edi. AQSH tomonidan Markaziy Osiyodagi nodavlat va notijorat tashkilotlar turli grantlar sifatida moliyaviy yordam berib kelinadi. Misol uchun Tojikiston adliya vazirligining bergan axborotiga ko`ra 2018-yilda ushbu mamlakat NNTlari 58 mln dollar moliyaviy yodam olgan.

O`zbekistonda ham AQSH nodavlat tashkilotlari faoliyati yo`lga qo`yilmoqda. 2018-yil avgustda O`zbekiston Adliya vazirligi Vashingtondagi Amerika ta'lim dasturlari va butun dunyo bo'ylab almashuvlarini amalga oshiruvchi Xalqaro ta'lim bo'yicha Amerika Kengashlarining mahalliy filialini akkreditatsiyadan o'tkazdi. Ushbu tashkilot 2006-yilda buyon ilk ro`yhatga olingan ilk AQSHga qarashli nohukumat tashkilotdir.[11]

AQSH tomonidan mintaqadagi nodavlat va notijorat tashkilotlar, ommaviy axborot vositalari, mahalliy jurnalist va bloggerlarni qo`llab-quvvatlashi katta moliyaviy mablag`ni talab qiladi. Shu sababli ularni moliyalashtirish uchun turli yirik loyihalar ishlab chiqiladi. Misol uchun, 2017-yilda AQSH Kongresiga Markaziy Osiyoda demokratik loyihalar uchun 2,5 mrld dollarni o`z ichiga oladigan xorijiy ko`mak( Foriegn Operations, and Related Progrmas Appropriation Act) qonun loyiha kiritildi. Bundan tashqari mustaqil ommaviy axborot vositalari, nodavlat va notijorat tashkilotlar va sud tizimini mukammallashtirish uchun har yili moliyaviy mablag`lar ajratiladi. Ushbu sohadagi loyihalarni asosiy moliyalashtiruvchi hisoblangan AQSH xalqaro taraqqiyot agentligi(USAID) 2019-yilda o`z faoliyatini olib borishda Kongressdan 16,8 mrld dollar mablag` so`radi. Bu o`tgan yilga nisbatan 1,3 mrld dollar ko`p hisoblanadi.[12]

Mintaqadagi nodavlat va notijorat tashkilotlarining o`zining yo`nalishiga ega bo`lib, ma`lum sohaga ixtisoslashgan. Jumladan, eng tanilganlardan biri Freedom House inson huquqlari masalasi bo`yicha o`z xulosalarni ishlab chiqadi. Ko`pincha uning xulosalari bo`yicha mamlakatdagi inson huquqlari tog`risidagi xorijiy jamoatchilik fikri shakllanadi. Milliy demokratik institut(National Democracy Institute) siyosiy partiyalar bilan ishlaydi. Xalqaro notijorat huquq markazi(International Center for Not-for-Profit Law) nodavlat va notijorat tashkilotlarga huquqiy yordam ko`rsatadi. Internews mustaqil ommaviy axborot vositalari va jurnalistlarni qo`llab-quvvatlaydi.

**4. Xulosalar:**

AQSHning Markaziy Osiyodagi strategik kommunikatsiyaning asosiy vositalari hisoblangan gumanitar faoliyat, ommaviy axborot vositalari va jurnalistlarni, shuningdek nodavlat va notijorat tashkilotlar qo`llab-quvvatlash sohalardagi faoliyati bo`yicha quyidagicha xulosa qilish mumkin:

Birinchidan, AQSH yuqoridagi ta`kidlab o`tilgan sohalarni moliyalashtirishni yildan yilga oshirib bormoqda. USAID administratori Mark Grin jamoatchilik palatasi xorijiy ishlar qo`mitasi oldida chiqishida moliyalashtirilish oshishiga asosiy sabab Rossiya va Xitoyning turli mintaqalarda, shu jumladan Markaziy Osiyodagi oshib borayotgan salbiy ta`siri deb ta`kidladi.

Ikkinchidan, AQSH tomonidan mahalliy jurnalistlar uchun xorijiy malaka kurslari, talabalar uchun o`qish bepul dasturlar, shuningdek nodavlat va notijorat tashkilotlar uchun taqdim etiladigan imtiyozli grantlarning turlari oshirilib bormoqda. Misol uchun AQSHdagi O`zbekistonlik talabalar 2019-yilda o`tgan yilga nisbatan 12% oshgan. 2000-2017-yillarda xorijida ta`lim olgan Markaziy Osiyo talabalar soni 4,6 baravar oshib, 200 mingni tashkil etgan. Shunday bo`lsada chet elda ta`lim olishning 79% qismi Sharqiy Yevropa va MDH mamlakatlariga to`g`ri keladi.[13]

Uchinchidan, nodavlat va notijorat tashkilotlar orqali AQSH mintaqadagi asosiy raqiblaridan biri Xitoyni Markaziy Osiyoga ta`sirini kamaytirishga harakat qilmoqda. Ular asosan "Xalqaro huquq tashabbusi" va "Атажурт Ериктилери" kabi nodavat va notijorat tashkilotlardir bo`lib, Xitoydagi uyg`urlar bilan bog`liq muammolarni yoritadi.

To`rtinchidan, AQSH o`zining mintaqadagi ommaviy axborot vositalari, jurnalistlar, shuningdek, nodavlat va notijorat tashkilotlariga ko`rsatayotgan yordamlari yagona g`oyaga asoslanganligi ahamiyat qaratadi. Ya`ni islohotlar, erkinlik va inson huquqlari. Bu borada o`zining Markaziy Osiyo bo`yicha 2019-2024-yillar strategiyasida ham qayd etilib o`tilgan. Mintaqadagi 6 maqsadlardan birida demokratik saylovlar, fuqarolik jamiyati, mustaqil adliya, oshkoralik, qonun ustuvorligi kabi qadriyatlar olg'a suriladi.[1]

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. Report, United States Strategy for Central Asia 2019-2025: Advancing Sovereignty and Economic Prosperity (Overview) // BUREAU OF SOUTH AND CENTRAL ASIAN AFFAIRS // FEBRUARY 5, 2020 // https://www.state.gov/united-states-strategy-for-central-asia-2019-2025-advancing-sovereignty-and-economic-prosperity/
2. Pompeo stresses close ties with Central Asia during regional trip. https://central.asia-news.com/en_GB/articles/cnmi_ca/features/2020/02/03/feature-02
3. Фоминых А. Проецирование «мягкой силы»: публичная дипломатия США и России в постсоветской Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. 2010. Т. 13. №3. С. 73-87. (Fominykh A. Projection of "soft power": US and Russian public diplomacy in post-Soviet Central Asia // Central Asia and the Caucasus. 2010. T. 13.No. 3. -P. 73-87).
4. Анна Великая, Гуманитарное присутствие США в Центральной Азии: вовлечь регион в сферу своего влияния. 2019 // https://interaffairs.ru/jauthor/material/2244 (Anna the Great, US Humanitarian Presence in Central Asia: Engaging the Region in Its Sphere of Influence. 2019 // https://interaffairs.ru/jauthor/material/2244)
5. Содействие международному развитию как инструмент внешней политики: зарубежный опыт / Под ред. В.Г.Барановского, Ю.Д.Квашнина, Н.В.Тогановой. М.: ИМЭМО РАН, 2018. 248 с.(International Development Assistance as an Instrument of Foreign Policy: Foreign Experience / Ed. V.G. Baranovsky, Yu.D. Kvashnin, N.V. Toganova. Moscow: IMEMO RAN, 2018.248 p.)
6. AQSH COVID-19 virusidan jabrlangan Markaziy osiyolik migrantlarga 2 mln. dollar yordam puli ajratdi. https://central.asia-news.com (The United States has provided $ 2 million to Central Asian migrants infected with the COVID-19 virus. dollars in aid.)
7. Американский "Корпус мира" может вернуться в Узбекистан. 27 Февраля 2019. // https://podrobno.uz/cat/politic/amerikanskiy-korpusa-mira-mozhet-vernutsya-v-uzbekistan-/

(American Peace Corps may return to Uzbekistan. February 27, 2019. // https://podrobno.uz/cat/politic/amerikanskiy-korpusa-mira-mozhet-vernutsya-v-uzbekistan-/)
8. CENTRAL ASIA MEDIA PROGRAM. https://www.usaid.gov/central-asia-regional/fact-sheets/central-asia-media-program
9. Цифровая дипломатия США. https://riss.ru/analitycs/7003/ 2.12.2014 (USA Digital Diplomacy. https://riss.ru/analitycs/7003/ 2.12.2014)
10. США и антикитайские НПО в Центральной Азии. https://vpoanalytics.com/2019/11/22/ssha-i-antikitajskie-npo-v-tsentralnoj-azii/ (USA and anti-Chinese NGOs in Central Asia. https://vpoanalytics.com/2019/11/22/ssha-i-antikitajskie-npo-v-tsentralnoj-azii/
11. O'zbekistonda 10 yil ichida ilk bor AQSHning nodavlat tashkiloti akkreditatsiyadan o'tkazildi.( For the first time in 10 years, a US NGO has been accredited in Uzbekistan.) // https://central.asia-news.com/uz-Latn/articles/cnmi_ca/newsbriefs/2018/08/30/newsbrief-01
12. H.R.3362 – Department of State, Foreign Operations, and Related Programs Appropriations Act, 2018 -115th Congress // Congress. – 2017. – 24 July. https://www.congress.gov/
13. Testimony of USAID Administrator Mark Green before the House Foreign Affairs Committee // USAID. -2018. -21 March. https://www.usaid.gov
14. Миграция через образование (Migration through education). https://review.uz/ru/post/migracia-cerez-obrazovanie

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Shuxrat Suvonovich Norov,**
Navoiy davlat konchilik instituti
"Ijtimoiy gumanitar fanlar "
kafedrasi katta o'qituvchisi
shuxrat.suvonovich@mail.ru

## O’ZBEKISTONDA MAHALLIY HOKIMIYAT ORGANLARI FAOLIYATIGA ASOSLANGAN HOLDA BANDLIKNI TA’MINLASHDA YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATINING TARIXIY TAJRIBASI (NAVOIY VILOYATI ARXIV MATERIALLARI ASOSIDA)

**For citation:** Shukhrat S.Norov. HISTORICAL EXPERIENCE IN THE IMPLEMENTATION OF THE STATE YOUTH POLICY OF UZBEKISTAN IN THE SPHERE OF EMPLOYMENT, BASED ON THE ACTIVITIES OF LOCAL AUTHORITIES (USING ARCHIVAL MATERIALS NAVOI REGION). Look to the past. Special issue, pp. 88-95

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-12**

**ANNOTATSIYA**

Maqolada bandlik sohasida yoshlar siyosatining tarixiy roli va tajribasi o'rganilgan. Yoshlarni ish bilan ta'minlashni shakllantirishda davlat va mahalliy hokimiyat organlari qonunlari va qarorlari mohiyati. O'zbekiston mustaqilligi boshida yoshlarni ish bilan ta'minlash bo'yicha davlat va mahalliy dasturlarni amalga oshirish mexanizmlari. Mustaqillikning boshida va hozirgi davrda yoshlarni ish bilan ta'minlash muammolarini taqqoslash. O'g'il va qizlarni ish bilan ta'minlash bilan bog'liq ish bilan bog'liq muammolar. O'zbekistonda yoshlarni ish bilan ta'minlashning ayrim muammolarini hal qilish usullari.

**Kalit so’zlar:** davlat, yoshlar, bandlik, huquq, siyosat, tarix, ta'lim, ish bilan ta'minlash, mahalliy hokimiyat organlari.

---

**Шухрат Сувонович Норов,**
старший преподаватель кафедры
«Социально-гуманитарных дисциплин»
Навоийского государственного горного института,
shuxrat.suvonovich@mail.ru

## ИСТОРИЧЕСКИЙ ОПЫТ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЁЖНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА В СФЕРЕ ТРУДОУСТРОЙСТВА, НА ОСНОВАНИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ ВЛАСТИ (С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ АРХИВНЫХ МАТЕРИАЛОВ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ)

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассмотрено историческая роль и опыт молодёжной политики в сфере трудоустройства. Сущность законов и постановлений государственных и местных органов, в формирование занятости молодых людей. Механизмы реализации государственных и местных программ по трудоустройству молодежи в начале Независимости Узбекистана. Сопоставление проблем трудоустройства молодёжи в начала независимости и настоящее время. Проблемы занятости, связанные с трудоустройством юношей и девушек. Пути решения некоторых проблем по занятости молодёжи Узбекистана.

**Ключевые слова:** государство, молодёжь, занятость, закон, политика, история, образование, трудоустройство, местные органы.

---

**Shukhrat S.Norov,**
senior lecturer of the department
"Social and humanitarian disciplines"
Navoi State Mining Institute,
shuxrat.suvonovich@mail.ru

## HISTORICAL EXPERIENCE IN THE IMPLEMENTATION OF THE STATE YOUTH POLICY OF UZBEKISTAN IN THE SPHERE OF EMPLOYMENT, BASED ON THE ACTIVITIES OF LOCAL AUTHORITIES (USING ARCHIVAL MATERIALS NAVOI REGION)

**ABSTRACT**

The article examines the historical role and experience of youth policy in the field of employment. The essence of laws and regulations of state and local authorities, in the formation of employment of young people. Mechanisms for the implementation of state and local programs for youth employment at the beginning of Uzbekistan's independence. Comparison of the problems of youth employment at the beginning of independence and the present. Employment problems associated with the employment of boys and girls. Ways to solve some problems of youth employment in Uzbekistan.

**Index Terms:** state, youth, employment, law, politics, history, education, employment, local authorities.

---

**1.Актуальность:**

Исторический опыт реализации молодёжной политики в годы Независимости Узбекистана, очень многое раскрывает в плане эффективного формирования и воспитания молодёжи. В астности это относится своевременного трудоустройства молодёжи, выпускников высшего и среднего специального учебного заведения. В начале Независимости как в любом развивающемся государстве, следует отметить то, что существует определенные проблемы становления государство. В первую очередь это связанно с теми переменами и изменениями в обществе, где люди того или иного государство, не сразу адаптируется к масштабным развитиям в стране. Произошедшие исторические события в Узбекистане в начале Независимости, показали свои определенные действия, связанные с прогрессивным развитием государство. Отречение народа Узбекистана от стереотипов прошлого советского режима, заняло определённый исторический период. Чтобы достичь нужного курса своего развития, народу Узбекистана пришлось многое изменить для процветания своего общество. И здесь в историческом формировании граждан Узбекистана, роль молодёжи очень значительна. В своём выступлении Президент Республики Узбекистана Шавкат Мирзиёев в Послании Олий Мажлису и народу Узбекистана в конце декабря 2020 года отметил особенность отбора кадров для эффективного трудоустройства молодёжи. В частности он подчеркнул «Вместо изживших себя методов отбора будет внедрена открытая и прозрачная конкурсная система, позволяющая оценить интеллектуальный потенциал кандидата» [1].

**2.Степень изученности и методы:**

Теоретической и методологической основой статьи явился исторический и системный подход к процессам, протекающим в рамках молодежной политики в сфере трудоустройства и занятости молодых людей, Использовались методы логического и сравнительного анализа, балансовый метод.

Информационной базой исследования послужили Законы Республики Узбекистан, Указы и Постановления Президента страны, Конференции Международной организации труда – МОТ. Послание Президента Ш.М.Мирзиёева к Олий Мажлису Республики Узбекистан по итогам 2019 и 2020 года, Выступления Президента Ш.М.Мирзиёева на форуме молодёжи Узбекистана в декабре 2020 года. Материалы архива Навоийской области.

В статье получены следующие результаты, отражающие научную особенность:

- уточнено содержание понятия «занятость молодежи» как особой социально-экономической категории;

- выявлены факторы, обусловленные спецификой молодежи как группы трудовых ресурсов и определяющие причины молодежной безработицы в современном Узбекистане;

- обоснована необходимость усиления воздействия на занятость молодежи путем государственного регулирования рынка образовательных услуг, определения содержания и качественного уровня профессиональной подготовки, разработки и осуществления программ содействия трудоустройству и адаптации молодежи к требованиям рынка труда;

Использованы статьи связанные с трудоустройством «Современные проблемы трудоустройства молодежи: региональный и профессиональные аспекты» Статья Е.В.Слепцова [2].

**3. Результаты исследования:**

Трудоустройство молодёжи с первых лет Независимости и по сегодняшнее время является актуальной задачей правительство Узбекистана. Переход к рыночным отношениям в 1991-2000 года по трудоустройству и занятости в условиях развивающейся экономики привел к возникновению некоторым ситуациям в социально-трудовых отношениях. Особенно нелегкой эта ситуация оказалась для молодежи Узбекистана, которая в силу особенности социального духовного и психологического характера было недостаточно подготовленной к современным реальностям рынка труда. В свою очередь вопрос трудоустройства, требует от государства разработки и реализации особенной концептуальной грани, обеспечивающих не только предоставление тех или иных гарантий занятости для молодежи, но и оказание поддержки в адаптации данной группы населения к современной экономической системе общество. При этом представляется возможным обеспечить участие в адаптационных программах молодежи к рынку труда государственных органов, регулирующих занятость населения, государственных и негосударственных образовательных учреждений, предпринимателей и работодателей, органов местного самоуправления граждан - махалля. Создание механизмов взаимодействия всех участников трудовых отношений по вопросу стабильной занятости молодежи, оказания ей помощи в адаптации к рынку труда в начале Независимости представляла и представляет в настоящее время актуальной задачей общество. В выступление Президента Ш.М.Мирзиёева на форуме молодёжи Узбекистана в декабре 2020 года о закреплении за одним предпринимателем одного незанятого молодого человека по принципу «Предприниматель - опора для молодёжи». Эта инициатива с радостью была воспринята многими предпринимателями[3]. Необходимо отметить тот жизненный факт, что молодые работники изначально всегда очень энергичны и ответственны. В связи с этим предприниматели с готовностью, поприветствовали инициативу Президента страны по закрепление молодёжи за ними.

Одним из наиболее нежелательных последствий молодежной безработицы в начале Независимости являлась снижение трудовой мотивации, задержки в формировании образа жизни работающих людей у той молодёжи, чья трудовая жизнь начиналась с безработицы. Это было связано ещё с нехваткой высококвалифицированного получение образования у молодого поколения. В связи с этим необходимо на постоянной основе научная и

обоснованная политика регулирования молодежной занятости. К занятости необходимо создание для молодёжи качественных образовательных систем. В своих выступлениях, Президент Узбекистана Ш.М.Мирзиёев отмечал что - Великие мыслители Востока говорили: «Самое большое богатство – разум и наука, самое большое наследство – хорошее воспитание, самая большая нищета – отсутствие знаний». Стремление овладевать современными знаниями, быть просвещенными и обладать высокой культурой должно стать для всех нас жизненной потребностью[4].

Сущность деятельности реализации всех поставленных задач к регионам Узбекистана, со стороны законодательной и исполнительной власти, имеет определенные, своеобразные особенности. В каждой системе управления существуют свои рычаги реализации государственных программ связанных с развитием молодёжной политики Узбекистана. Региональная реализация поставленных задач по осуществлению государственной молодёжной политики Узбекистана с первых лет Независимости формировалась в соответствии Законов, Постановление и Указов Президента, Постановление и приказов Кабинета Министров Республики Узбекистан. В частности если возьмем как пример реализации молодёжной политики Узбекистана в годы Независимости Навоийскую область, то здесь следует отметить установленные правовые основы, которые были созданы для их выполнения. Постановление хокима Навоийской области за № К-01-/61 от 05.03.1993 года, О мерах реализации в области Закона «Об основах государственной молодёжной политики в Республики Узбекистан»[5], определяет основные задачи выполнения и осуществления Закона. В этом постановление предусмотрено следующие направления:

- социальная защита молодежи, реализация общественно полезных потребностей и интересов молодых людей, работа с подростками и молодежью по месту жительства;
- содействие здоровому образу жизни молодёжи, её духовному и физическому совершенствованию;
- развитие молодёжного предпринимательства, создание молодёжных малых и арендных предприятий, более полное использование не занятых рабочих мест предприятий области для трудоустройства студентов учащихся, молодых инвалидов и домохозяек;
- создания центров научно-технического и художественного творчества, культуры, ремесла, подростков и молодёжных клубов;
- правовое воспитание молодёжи;
- сочетание государственных и общественных форм работы с молодёжью[6];

На основе перечисленных направлений в Постановления хокима области, предусмотрены основные аспекты реализации молодёжной политики. Как ключевое направление следует отметить трудоустройство молодёжи. Программа, утвержденная Хокимом области, в соответствие с приложением №2, настоящего постановления предусматривало, занятость молодёжи и предпринимательств[7]. В настоящее время, как показывает история Независимости Узбекистана, стратегически важным вопросом молодёжи является трудоустройство и занятость молодых людей.

Программа охватывала систематический анализ численность молодёжи Узбекистана в возрасте от 17 до 30 лет[8]. Наличие у молодых людей данного возраста специальности и проблем по трудоустройству. Срок выполнения программы на основание постановление был утвержден на постоянной основе. Ответственными были первые лица городов и районов региона – хокимы. Создание Союза молодёжи Узбекистана, молодёжные биржи труда, при городах и районах Навоийской области.

Основная цель данной программы состояло в охвате и трудоустройстве определённо категории молодёжи – трудоспособных инвалидов детства, воинов-интернационалистов, не имеющих специальностей, рассмотреть вопрос их профессиональной подготовки и организации надомного труда. В плане предпринимательство в соответствие с Постановлением хокима области, городов и районов, было предусмотрено, создание для молодёжи малых предприятий, кооперативов на базе школ, ПТУ (профессиональных технических училищ), средних специальных учебных заведений, учебно-производственных

и внешкольных учреждениях, базовых предприятиях, организациях, хозяйствах. Здесь следует отметить некоторые основные проблемы трудоустройства молодёжи в годы Независимости.

Актуальность трудоустройства молодёжи первоначально следует рассмотреть на международном уровне так, как данный вопрос не только существует в Узбекистане, но и во всем мире. На мировом уровне, проблемой занятости молодёжи занимаются разные международные организации. Одна из таких организации является Международная организация труда - МОТ. По данным этой организации по проблеме трудоустройство молодёжи были сделаны некоторые исследования. В частности в Международной конференции труда на 101-й сессия в 2012 году, рассмотрены разные ситуаций связанные с проблемой занятости молодых людей. В данной Конференции проблема занятости молодёжи рассмотрена в плане кризиса. Кризис занятости молодежи представляет собой глобальную проблему, хотя его социальные и экономические особенности весьма различны с точки зрения их масштабов и характера в зависимости от страны и региона [9]. На основании Регионального распределения численности молодежи от 15 до 24 лет в 2012 году составляла 19 % в Восточной Азии из числа регионов по всему миру. Это в свою очередь показала в истории необходимость охвата занятости молодых людей.

В Узбекистане государственная политика по механизму решения занятости населения, основные принципы, цели, задачи которой были в начале 90-х гг. прошлого столетия, уже не являются актуальными и не отвечает современным требованиям. В тот исторический период, в условиях перехода к рыночным отношениям, основной целью государства было недопущение массовой безработицы, обеспечение занятостью работников, пострадавших от реорганизуемых, убыточных и обанкротившихся предприятий в стране.

Основная часть населения страны в течение последних двух десятилетий была занята в экономике, причем значительная часть занятости приходилась на занятость в неофициальном секторе экономики государство и внешнюю трудовую миграцию. Изъясняясь по другому, после обретения независимости в Узбекистане, с начала 1990-х годов прошлого столетия и до настоящего время, занятость и внешняя трудовая миграция является актуальным вопросом правительство страны.

С конца 2016 года Правительство Узбекистана начала предпринимать стратегические шаги по снижения безработицы в стране. В данном проекте важнейшим направлением развития социальной сферы в рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. является повышение уровня занятости населения за счет создания новых стабильных рабочих мест. Особенное значение в этом приобретает создание устойчивых рабочих мест для особенной категорий населения - женщин и молодежь.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг., утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4849 от 7 февраля 2017 года, стала новым импульсом совершенствования молодёжной политики в частности улучшения социального статуса молодёжи. В четвертом направлении Стратегии – «Развитие социальной сферы» – указывается реализацию мер по повышению занятости населения, совершенствование системы социальной защиты и охраны здоровья граждан, развитие и модернизацию дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктур, улучшение обеспечения населения электроэнергией, газом, качества социальной помощи уязвимым слоям населения, повышение статуса женщин в общественно-политической жизни, реформирование сферы здравоохранения, обеспечение доступности дошкольных образовательных учреждений, повышение качества и развитие общего среднего образования, среднего специального и высшего образования[10].

В целях решения задач, определенных в Стратегии действий, Министерство труда Указом Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 г. №УП-5052 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному

повышению эффективности деятельности органов по труду» было преобразовано в Министерство занятости и трудовых отношений[11].

На основании Стратегии своевременная реформа, нацеленная на внедрение новых подходов к реализации государственной политики в сфере занятости, совершенствования рынка труда, в том числе на основе государственно-частного партнерства, осуществление эффективных мер по трудоустройству незанятого населения, особенно молодежи. Главными целями и задачами заново образованного министерства заключалось в разработке новых рабочих мест. Так же основными задачами министерства является координация обеспечения трудоустройства выпускников высших и средних специальных, профессиональных образовательных учреждений. Указа нацелен на профессиональную подготовку и переподготовку незанятого населения, социальную защиту безработных, а также осуществлению контроля над исполнением, мониторинг за своевременной выплатой пособий и материальной помощи малообеспеченным семьям.

Проблемы молодежного рынка труда является всегда актуальным вопросом государственной политики. Соответственно нельзя с уверенностью сказать и о достаточном уровне их решения. В результате актуальность и социальная сторона проблемы занятости молодежи и её адаптации к рынку труда в современных условиях национальной экономики Узбекистана делают необходимым совершенствование методов регулирования молодежной занятости на всех уровнях государственного и общественного управления. В частности особенно в региональном и местном уровне.

Решение проблем трудоустройства молодежи, на мой взгляд, заключается в принципиальном изменении подходов к образованию. Приоритетом, безусловно, должно быть понимание и учет запросов рынка труда, причем планирование подготовки специалистов по разным профессиям необходимо осуществлять, основываясь на долгосрочных и среднесрочных прогнозах спроса на высококвалифицированных специалистов.

**4.Выводы:**

В работе по стабилизации молодежной занятости необходимо объединение усилий государственных структур, занимающихся проблемами занятости и социальной защиты на республиканском и местном уровнях, общественных объединений, предприятий и организаций, выступающих в качестве работодателей. При этом государственная структура должна иметь свои приоритеты в решении проблем занятости молодежи. В соответствии региональных постановлений, приказов и программ содействия занятости должно быть предусмотрено создание реальных предпосылок, обеспечивающих рост общего спроса на квалифицированные кадры и создавать им благоприятные условия для труда. К компетенции органов государственной учреждений и организации занятости на региональном уровне следует отнести разработку и реализацию программ профессиональной ориентации, трудовой адаптации, профессионального обучения и переподготовки, создание банков данных о состоянии рынка труда (в том числе молодежного) в регионе. Местные службы занятости населения должны активизировать деятельность по привлечению молодежи к общественным работам на условиях временной и сезонной занятости.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Спутник Узбекистана. [Электронный ресурс] // 29.12.2020 год. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису и народу Узбекистана Т.: 2020.– URL: https://uz.sputniknews.ru/politics /20201229/15696114/Poslanie-prezidenta-Uzbekistana - Shavkata-Mirzieva-obeim-palatam-Oliy-Mazhlisa.html (дата обращения 05.02.2021). (Satellite of Uzbekistan. [Electronic resource] // 12/29/2020. Message from the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis and the people of Uzbekistan T .: 2020.– URL: https://uz.sputniknews.ru/politics / 20201229/15696114 / Poslanie-prezidenta-Uzbekistana-Shavkata-Mirzieva-obeim-palatam-Oliy-Mazhlisa .html (date of treatment 02/05/2021).)

2. Правда Востока. [Электронный ресурс] // Выступление Президента Шавката Мирзиёева на молодёжном форуме Узбекистана. Т.: 2020 – URL: https://yuz.uz/ru/news/vstuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-forume-molodeji-uzbekistana (дата обращения 17.02.2021). (Truth of the East. [Electronic resource] // Speech by President Shavkat Mirziyoyev at the Youth Forum of Uzbekistan. T .: 2020 - URL: https://yuz.uz/ru/news/vstuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-forume-molodeji-uzbekistana (date of access 17.02.2021)
3. Мирзиёев Ш.М. Национальное информационное агентство Узбекистана [Электронный ресурс]// 25.01.2020г. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису Т.: 2020. – URL: http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020 (дата обращения 27.02.2021). (Mirziyoyev Sh.M. National Information Agency of Uzbekistan [Electronic resource] // 01/25/2020. Message from the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis T .: 2020. - URL: http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020 (date of treatment 02/27/2021)
1. 4.Материалы архива Навоийской области: фонд-100, опись-1, ед.34. //Постановление хокима Навоийской области, «Об основах государственной молодёжной политики в Республики Узбекистан» Навоий:.1993, С 191-1931 (Materials of the archive of the Navoi region: fund-100, inventory-1, item 34. // Resolution of the khokim of the Navoi region, "On the foundations of state youth policy in the Republic of Uzbekistan" Navoi: .1993, S 191-193)
2. 5.См. там же. -С.191.( 5.See in the same place. -P.191.)
3. 6.Материалы архива Навоийской области: фонд-100, опись-1, ед.34. // Приложение №2 к Постановлению хокима Навоийской области, «Об основах государственной молодёжной политики в Республики Узбекистан» Навоий:.1993,С-195.( Materials of the archive of the Navoi region: fund-100, inventory-1, item 34. // Appendix No. 2 to the Resolution of the Khokim of the Navoi region, "On the foundations of state youth policy in the Republic of Uzbekistan" Navoi: .1993, -P.195.)
4. 7. См. там же. -С.195. (See ibid. -P.195.)
5. 8. Доклад на Конференции Международной организации труда. [Электронный ресурс] // Кризис в сфере занятости молодежи: Время действовать. Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии – Москва: МОТ, 2012, С-9. - URL: https://www.ilo.org/moscow/information-resources/publications/WCMS_345399/ lang--ru/index.htm (дата обращения 28.02.2021). (Report to the Conference of the International Labor Organization. [Electronic resource] // Crisis in the sphere of youth employment: Time to act. Decent Work Technical Support Team and ILO Office for Eastern Europe and Central Asia - Moscow: MOT, 2012, P-9. - URL: https://www.ilo.org/moscow/information-resources/publications/WCMS_345399/ lang - ru / index.htm (date of access February 28, 2021)
6. 9.Сборник законодательство Республики Узбекистан [Электронный ресурс]//Указ Президента Рес.Уз. за №4947 от 07.02.2017г. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. № 6 (766) Т.: 2017. С-223 – URL: https://lex.uz/pdfs/3107042 (дата обращения 05.02.2021). (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan [Electronic resource] // Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. for No. 4947 dated 02/07/2017. On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan. No. 6 (766) T .: 2017. C-223 - URL: https://lex.uz/pdfs/3107042 (date of treatment 02/05/2021).)
7. 10.Сборник законодательство Республики Узбекистан [Электронный ресурс]//Указ Президента Рес.Уз. за №5052 от 24.05.2017г. О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду. № 21 (781) Т.: 2017. С-224 – URL: https://lex.uz/pdfs/3211751 (дата обращения 25.02.2021). (Collection of legislation

of the Republic of Uzbekistan [Electronic resource] // Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. for No. 5052 dated 05.24.2017 On measures to further improve the state policy in the field of employment and radically increase the efficiency of labor bodies. No. 21 (781) T .: 2017. C-224 - URL: https://lex.uz/pdfs/3211751 (date of treatment 02.25.2021)

11. Журнал «Экономика и бизнес», Современные проблемы трудоустройства молодежи: региональный и профессиональные аспектыfile: – Статья Е.В.Слепцова, 2019. C-169 URL: ///E:/%D0%97%D0%B0%D 0%B3%D1%80%D1%83% D0%B7%D0% BA%D0%B8/ sovremennye-problemy-trudoustroystva-molodezhi-regionalnyy-i-professionalnye-aspekty.pdf (Journal "Economics and Business", Modern Problems of Youth Employment: Regional and Professional Aspects file: - Article by E.V. Sleptsov, 2019. C-169 URL: /// E: /% D0% 97% D0% B0% D 0% B3% D1% 80% D1% 83% D0% B7% D0% BA% D0% B8 / sovremennye-problemy-trudoustroystva-molodezhi-regionalnyy-i-professionalnye-aspekty.pdf)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Go'zal Qodirovna Razzakova,**
Jizzax davlat pedagogika instituti,
Tarix fakulteti, tarixni o'qitish metodikasi
kafedrasi katta o'qituvchisi

## ВОҲА ТЎЙ МАРОСИМЛАРИДА ХАЛФАЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

**For citation:** Guzal K.Razzakova. THE ROLE OF THE HALFA IN WEDDING TRADITIONS IN THE OASIS OF KHOREZM. Look to the past. Special issue, pp. 96-102

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-13**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада сўз Хоразм воҳасидаги тўй маросимларида халфачиликнинг ўрни ва аҳамияти, тўй маросимига оид поэтик рамзлар ҳақида сўз юритилади. Халфачилик қадим аждодларимизнинг диний, оилавий-маиший маросимлари заминида вужудга келганлиги, вақтлар ўтиши билан такомиллашиб, унинг психологик, эстетик ва йўналтирувчанлик вазифалари ҳам муайян даврга монанд ҳамоҳанглик касб этиши бўйича илмий хулосалар берилган. Шунингдек, мақолада Хоразм воҳасида маҳаллий халқ оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи халфа-аёллар, тўй ва базмларда қўшиқлар ижро этувчи "сози халфа"ларнинг санъати ҳақида, шунингдек, бешик тўйи, суннат тўйи анъаналари ҳақида фикр-мулоҳазалар берилган.

**Калит сўзлар:** халфачилик, анъаналар, урф-одатлар, байрам ва маросимлар, аёл-халфалар, никоҳ тўйи, фарзанд, бешик тўйи.

---

**Гузаль Кадыровна Раззакова,**
старший преподаватель
Джизакского государственного педагогического
института, Исторического факультета,
кафедры методики преподавания истории

## РОЛЬ СКАЗИТЕЛЬНИЦЫ-ХАЛФЫ В СВАДЕБНЫХ ТРАДИЦИЯХ В ОАЗИСЕ ХОРЕЗМА

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается роль и значение сказительницы-халфы в свадебных традициях в Хорезмском оазисе, поэтических символов, связанных с свадебным обрядом. Был сделан научный вывод, что деятельности халфы возник на основе религиозных, семейных и бытовых ритуалов наших древних предков, со временем совершенствовался, а его психологические, эстетические и направляющие функции соответствовали определенному периоду. В статье также рассматривается искусство халфа-женщин, исполняющих местный фольклор в Хорезмском оазисе, искусство «сози халфа»,

исполняющее песни на свадьбах и вечеринках, а также традиции бешик туйи (о свадьбе в колыбели), суннат туйи. (традициях обрезания свадьбы).

**Ключевые слова:** традиции, обычаи, праздники и обряды, халфы, брак, ребенок, колыбельная свадьба, традициях обрезания свадьбы.

---

**Guzal K. Razzakova,**
senior lecturer at the Jizzakh State Pedagogical Institute,
Faculty of History, Department of History Teaching Methods

## THE ROLE OF THE HALFA IN WEDDING TRADITIONS IN THE OASIS OF KHOREZM

**ABSTRACT**

The article examines the role and significance of halfs in wedding traditions in the Khorezm oasis, poetic symbols associated with the wedding ceremony. The scientific conclusion was made that the caliphate arose on the basis of the religious, family and everyday rituals of our ancient ancestors, improved over time, and its psychological, aesthetic and guiding functions corresponded to a certain period. The article also examines the art of female halfa performing local folklore in the Khorezm oasis, the art of sozi khalfa performing songs at weddings and parties, as well as the traditions of beshik tuyi (about a wedding in a cradle), sunnat tuyi. (wedding circumcision traditions).

**Index Terms:** calfs, traditions, customs, holidays and rituals, marriage, child, lullaby wedding, wedding circumcision traditions.

---

**1.Долзарблиги:**

Тарихдан маълумки, халқимиз ҳамиша эзгуликка, тинч-тотув яшашга, бошқа халқлар вакиллари билан аҳил, биродар бўлишга интилган. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган урф-одатлар, байрам ва маросимлар, куй-қўшиқларда ҳам халқимизга хос бўлган инсоний фазилатлар яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қадриятларимизни қадрлашимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашимиз лозим. Хоразм халфачилик санъати ҳам ўзлигимизни ўзига хос йўсинда намоён қилувчи қадриятларимиздан биридир. Бу эса мавзунинг долзарблигини билдиради.

**2.Методлар:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбавий, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган бўлиб, унда воҳа тўй маросимларида халфачиликнинг ўрни, сози-халфаларнинг иштироки, уларнинг миллий-маънавий ва оилавий-анъанавий қадриятлар давомийлигини таъминлашга қўшаётган ҳиссаси илмий ёритилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Халфачилик қадим аждодларимизнинг диний, оилавий-маиший маросимлари заминида вужудга келган ва вақтлар ўтиши билан такомиллашиб борган бўлиб, унинг психологик, эстетик ва йўналтирувчанлик вазифалари ҳам муайян даврга монанд ҳамоҳанглик касб этади. Халфачиликнинг ибодат билан боғлиқ илк хусусияти қисман сақланган ҳолда янги жиҳатлар – дунёвий мотивдаги асарлар яратиш, куйлаш, тўй-тантана, мотам, байрам ва бошқа оммавий маросимлардаги иштироки кенгая борган.

Маълумки, Хоразм воҳасида халқ байрамларида оила маросимлари билан боғлиқ тўй ва томошаларда, урф-одатлар ва сайлларда мусиқа жўрлигида қўшиқ, рақслар ижро қилинган. Жумладан, уч минг йиллик тарихга эга муқаддас “Авесто китоби (хусусан унинг “Яшта” ва “Виспарт” бўлимларида)да ҳам қадимги Хоразм санъати, тўй ва маросимлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Халфалар – Хоразм воҳасида маҳаллий халқ оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёллар бўлиб, тўй ва базмларда қўшиқлар ижро этувчи халфалар "сози халфа" деб аталган. "Сози халфа"лар санъатида жўрнавозлик ва якка ижрочилик мавжуд бўлиб, ансамбль уч

кишидан таркиб топган: халфа (гармон чалади ва қўшиқ айтади), доирачи (қўшиқларга жўр бўлади, баъзан рақс тушади) ва ўйинчи (рақс тушади ва лапар айтади). Маълумки, бу йўналиш Хоразм қўшиқчилик санъатида муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, халфалар эпик асарларни, термалар ва лапарларни куйлаб келишган. Қўшиқчиликнинг бу йўналиши асосан аёллар орасида кенг тарқалган ва шу йўналишда қўшиқ айтадиганлар халфалар деб юритиб келинган. “Халфа” сўзи турли тарихий даврларда турлича шаклларга эга бўлиб, унинг луғавий маъноси “куйловчи”, “етакчи” маъносини билдиради. “Қалпа” сўзи Хоразм воҳаси лаҳжасида “халпа” яъни “халфа” шаклида оммалашган.

Хоразмда халфа аёллар фақат ашула ва лапарлар айтиш билан чекланмаганлар. Халфачилик санъатининг кўп турларидан хабардор бўлганлар. Халфачилик санъатини ўрганиш ҳам ўзига хос мактабга эга бўлган, устоз-шогирд анъанаси ҳозирги давргача сақланиб келмоқда. Устоз халфа ижрочиларининг ижро услуби, куйлаш йўли, репертуари шогирдлар томонидан пухта ўзлаштиргандан кейин улар мустақил ижод қилишган ва санъаткорлар орасида тан олинган.

Хоразмда маълум ва машҳур бўлиб келган халфа ижодкорлари XX асрнинг бошларигача фақат хотин-қизлар орасида куйлаб келишган ва халқ ҳурматини қозонганлар.

Халфаларнинг қўнғироқдек жарангдор ва майин овози пиёланинг нозик ва ўйноқи жаранги билан қўшилиб, ўзига хос мусиқийлик кашф этган. Улар маъракаларнинг файзи, қизлар мажлиси ва аёллар базмининг маликалари, тўй ва маъракаларда қувончга – қувонч қўшиб, ўйноқи куйлар, нафис рақслар, дилбар ашулалар билан қалбларда эзгу хис-туйғуларни шакллантирганлар.

Халфа ижодкорлари бу воҳадаги тўй, сайл ва аза маросимларида қатнашган, хотин-қизлар даврасини мазмунли, ибратли ва қувноқ ўтиши улар фаолияти билан боғлиқ бўлган.

Хусусан, 1994 йилдан бери халфачилик билан шуғулланиб, Хоразм халфачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ширин халфа устоз Ожиза халфа қўшиқларидан, достон йўлларидан ижро этиб, никоҳ тўй, фотиҳа тўй, суннат тўйларида иштирок этиб келмоқда. Лапарларда оғизга-оғизга ўтиб келаётган “Тоқатим йўқ”, Бир аллойим”, “Ўлгунча сизни дерман” (ожиза сўзи ва мусиқаси) қўшиқлар ижро этиб келинади.

Халфалар иштирокида ўтказиладиган оилавий маросимлар қаторидан ўрин олган бешик тўй боланинг туғилиши билан боғланади ва бола туғилганидан кейин 7-21 кун орасида ақиқа маросими ўтказилади. Ундан кейин бешик тўйи қилинади. Бешик тўйи янги туғилган фарзанднинг биринчи бешикка беланиши билан бошланади. Халқ қўшиқларида фарзанд тимсоли сифатида турли-туман нарса-предметлар, наботот ва ҳайвонот оламига мансуб образларга мурожаат этилади. Даставвал фарзанд рамзи сифатида бешик тилга олинади:

Мўраласак мўрингиздан тутун чиқар,
Бизга деган қатламангиз бутун чиқар.
Бутун чиқса, шу хонадон хайрли эшик,
Шу эшикка буюрсин тилла бешик. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, фольклор асарларида бешик тушунчаси тилга олинганда унга нисбатан “тилла”, “олтин” каби эпитетлар қўшилади:

Бу уйда ҳиммат тоғи дарпанади,
Тўрида олтин бешик дарпанади,
Ё Муҳаммад умматина, ё рамазон. Ушбу эпитетлар аслида бешикка эмас, балки унинг ичидаги фарзандга қарата айтилади. Чунки фарзанд олтиндан ҳам қимматли бўлган неъматдир. Албатта, бешик тасвирланган лавҳаларда болага алла айтиш одати ҳам ўз ифодасини топади. Айрим қўшиқларда зурриёт, фарзанд рамзи сифатида қушлар образига, хусусан, булбул тимсолига мурожаат этилади:

Томга сепдим седана,
Териб есин бедана,
Уйингиз–булбулхона,
Ҳар йили бўлсин тўйхона.

“Булбулхона” сўзи орқали ифодаланган объектнинг рамзий талқинида асосий урғу фарзанднинг йиғиси, кулгуси, шовқин-сурони каби турли қилиқ ва хосиятларига қаратилади. “Болалик уй бозор” мақоли ҳам ўша хусусиятларга анча мос келади. Фарзандга авлодни давом эттирувчи зот сифатида қаралганлиги сабабли унинг билан боғлиқ рамзлар оилага алоқадор рамзлар билан ёнма-ён келади. Масалан, “чироқ” рамзи қўшиқларда фарзанд ва оила тимсолларига уйқаш келади:

Қора гўззим қораси,
Қоронғи уйим чироси,
Хафа кўнглим биноси,
Алла, болам, аллаё.

Анъанага кўра, Хоразмда илгари бешик тўйига махсус айтувчилар воситасида хабар берилган. Бешик тўйи маросими ўтказилишини қўни-қўшни, қариндош-уруғларга билдириш учун чақалоқ туғилган уй дарвозасининг устига турли туман ширинлик (конфетлар) ва гуллар билан чиройли қилиб безатилган мевали дарахт шоҳини ўрнатиб қўядилар. Воҳада “Чаман” деб аталувчи ушбу шоҳча тўй тимсоли ҳисобланади. Уни тайёрлаб олиб келувчилар ва ўрнатувчилар “чаманчилар” деб юритилади. Чаман ва чаманчилар маросимга ўзгача файз бахш этиб, тўй иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлаган. Чунки чаманчи, раққос ва қўшиқчилар кўпинча бешик олиб келувчи аёллар билан биргаликда тўйхонага келишган. Улар бешик олиб келувчи томоннинг табрик ва қутловларини қўшиқ ва рақслар воситасида етказувчи вакил вазифасини ўтаб, қўшиқ айтиб, ўйинга тушганлар. Тўйнинг ушбу қисмида халфалар ўз ижоди билан халқнинг кўнглини хушлаган. Тўй бўлаётган хонадонга келган чаманчилар:

Эй ёронлар, қулоқ солинг сўзима,
Нур тўлмоқда манинг икки кўзима.
Бувак учун энди манга жўшасиз,
Ё бўлмаса қайтиб кетай изима

Деб қўшиқ айтиб кириб келишадилар. Хонадон эгалари ҳам чаманчиларга жавобан қўйидаги тўртлик билан жавоб берадилар:

Сан галибсан мани яхши кунима,
Тўра ўтгил, чаманингдан айнонин,
Ҳар олқишинг жойлашади кўнглима,
Ўзим сани галишиндан айнонин.

Келтирилган қўшиқдаги ушбу тўртликлар бешик тўйи эгаларига дадиллик, бардамлик тилаш билан баробарида маросимга алоҳида қувонч, шодлик бағишлайди. Мана шундан кейин тўй эгалари чаманчиларга пул қистиришиб, уларни ичкарига таклиф қилишган. Қариндошлардан бири бошида кўтариб келган бешикни бувасининг елкасига қўятуриб: “Бувак муборак, қуда бобо, узоқинан қувонтирсин, кўзингиз ойдин бўлсин” деган. Қудалар ховлига киришгач, халфалар ёки чамансчилар қўйидагича муборакбод қўшиқларини айтишган:

Бултур никох тўйи куни галвадик,
Давра қуриб, ўйнавадик, кулвадик,
Ният этиб, ўғил бўлсин дивадик,
Муборaклар бўлсин бешик тўйингиз.

Муборакбод тарзида айтилган қўшиқлар фарзанд кўришдан мамнунлик, туғилган чақалоққа тезроқ улғийиш, бахт-иқбол тилаш мақсадида айтилади:

Бу тўйлар шу бувакнинг бош тўйи,
Яна бўлар тиш-у суннат тўйи.
Ундан сўнг ҳар йили ёш тўйи,
Муборaклар бўлсин бешик тўйингиз.

Муборакбод қўшиқлари Хоразмда ранг-баранг вариантларда кенг тарқалган. Ва бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бироқ барча вариантлар ҳам ўн бир бўғинли бармоқ вазнида бўлиб, айрим чаманчи ёки халфалардан ёзиб олинган нусхалардагина

қофияланиш тартибида бироз ўзгачаликлар кўзга ташланади. Масалан, қўшиқнинг қуйидаги вариантидаги биринчи тўртлик а-б-а-б тарзида қофияланган бўлса, иккинчи, учинчи ва тўртинчи бандлар анъанвий а-а-а-б шаклда қофияланган.

Қўшиқ тўртлик шаклдаги анъанвий бандлар тарзида оммалашган бўлса ҳам, бироқ маълум даражада ижрочи халфалар имкон доирасида бадиҳагўйлик қиладилар. Ана шу ижрочилик анъаналари доирасида муборакбод қўшиғининг ҳажман тули хил вариантлари юзага келган. Анъанавий матнлар янги бандлар билан бойиб борилган. Масалан, хонқалик Ирода халфа Искандаровадан ёзиб олинган қўшиқнинг биринчи банди бадиҳагўйлик натижасида бевосита ижро жараёнида яратилган бўлса, иккинчи ва учинчи бандлар бутун Хоразм воҳаси учун анъанвий бўлган тўртликлардан ташкил топган:

Чақирибсиз бизни бешик тўйина,
Туғилибди миттигина бир бавак.
Тўй давраси кетсин Аму бўйина,
Қутлуғ бўлсин бешик тўйлар муборак.

Келтирилган тўртликда бевосита халфанинг кечинмалари ҳам ифодаланади. Яъни унда бешик тўйига таклиф этилгандан миннатдорлик, тўйнинг катта тантана билан ўтишига истак билдириш ҳамда бешик тўй ўтказувчилар ва унда иштирок этаётганларни муборак қилиш каби эзгу тилаклар билдирилган. Бу тўртлик Ирода халфанинг ўзи томонидан тўқилган бўлиб, муборакбод қўшиғининг бошқа турида деярли учрамайди.

Навбатдаги тўртлик бутун Хоразм воҳаси учун анъанавий бўлиб, унда бир йил олдин бўлиб ўтган никох тўйида қилинган яхши истакларнинг мустажоб бўлганлигидан мамнунлик мотиви бадиий талқин этилади. Мазкур анъанавий тўртлик Хоразм воҳаси муборакбод қўшиқлари учун леитмотив вазифасини ўтовчи “Қутлуғ бўлсин, бешик тўйлар муборак!” мисраси билан якунланади. Халфа қўшиқнинг навбатдаги бандини ижро этаётган вақтда бешик тўйи ўтказаётган хонадонда изма-из яна тўйлар бўлиши, янги оилалар ўғил-қизли бўлиши, тўй маросимининг булбули ҳисобланган халфалар эса ҳамиша хизмат қилишга шай эканликлари ифодаланган:

Майли тўйлар бўлаверсин изса-из,
Галинчаклар туғверсин уғил-қиз,
Ҳар йил галиб шод этали Сизни биз,
Қутлуғ бўлсин бешик туйлар муборак!

Қўшиқни ижро этган Ирода халфа ва унинг онаси Сафаргул халфалар нақоратдан олдин ўзларининг номларини ижро этилаётган қўшиқ матни ва унинг куйи бевосита уларнинг ўзлари томонидан яратилганлигини намойиш этишган:

Ушбу тўйлар миччининг бош тўйидир,
Бу кошона истиқболи уйидир,
Янграган бу Ироданинг куйидир,
Қутлуғ бўлсин, бешик тўйлар муборак!

Юқоридаги қисқача таҳлил шуни кўрсатадики, Хоразмда бешик тўйларини мадҳ этувчи муборакбод қўшиқларнинг икки типи мавжуд бўлиб, улардан биринчисида жамоавий (коллектив) ижод маҳсули бўлмиш соф халқона тўртликларни куйлаш билан бирга ўзлари ҳам бадиҳа қиладилар. Оқибатда, муборакбод қўшиқларнинг мазмуний қамрови ва поэтик имкониятлари кенгаяди. Бу эса ўз навбатида этнография ва фольклоршуносликда бешик тўйи маросими тизимидаги тўйга шодлик, хурсандлик, хуррамлик каби эстетик вазифасини кўрсатади. Мана шу далилларнинг ўзидан кўриниб турибдики, Хоразм воҳаси аҳолиси орасида ўтказиладиган бешик тўйларида халфалар ижроси оддий ижро жараёнидан иборат бўлибгина қолмай, балки бу анъана бевосита ижодийлик ва уларнинг бадиҳа иқтидорини ҳам қамраб олади.

Бундан ташқари шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хоразм воҳаси оилавий тўй маросимларидан бири ҳисобланган суннат тўйларни ҳам халфалар ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки халфалар қадимдан тўйларни ўзларининг дилрабо қўшиқ ва куйлари билан

қизитиб келганлар. Шу боис “Тўй муборак” қўшиқлари билан тўйни бошлаб берган халфалар тўй интихосига қадар иштирок этганлар.

Аввало, суннат тўйга келган мехмонларга турли хилдаги таомлар тортилган. Палов, барак, гумма, қорма каби овқатлар суннат туйининг анъанавий таомномасини ташкил этади. Илгари ана шу таом тарқатилганда ёки чаманчилар томонидан ҳар бир тортилган овқатга атаб, махсус қўшиқлар куйланган. Бугунги кунда бундай қўшиқлар матни жуда кам сақланиб қолган. Масалан, халфа томонидан айтиладиган қўшиқлар суннат тўйи дастурхонига у ёки бу таом тортилиш муносабати билан ижро этилган бўлса ҳам бироқ ҳар бир тўртлик тўй эгасининг бундай катта тантана билан муборакбод этиш мотивига асосланганлигини кўриш мумкин:

Меҳмонларга гумма, барак тортилсин,<br>
Ўрталардан палов, манти ортилсин,<br>
Ҳаммасини уй эгалари бор қилсин,<br>
Бошланган тўйингиз муборак бўлсин

Қўшиқлар матнига кўра, тўйга келган меҳмонларни сийлаш, тўй эгасини саҳоватига чорлаш каби мотивлар етакчилик қилади. Мана шу тариқа тўйда кун бўйи ўйин-кулгу қилинади. Кечқурун эса тўйхонада катта базм ўтказилади. Базмда ҳам катта ҳофизлар ёки халфалар гўзал раққосалар иштирокида турли мавзудаги қўшиқларни ижро этадилар.

Воҳа аҳолиси тўйларида достончи бахшилар эса “Бозиргон”, “Гўруғли”, “Юсуф Аҳмад”, “Ошиқ ғариб”, “Ошиқ ойдин” каби Хоразм достонларини куйлашиб ёҳуд ана шу достонлардан олинган айрим парчаларни қўшиқ қилиб айтиб, раққосалар бу қўшиқ оҳангига ўйнаб, базмга алоҳида шод-хуррамлик бағишлаганлар.

Шунингдек, тўйда халфалар томонидан ижро этиладиган “Олти халфа” қўшиғи халфалар ижодини улуғлаш, енгил ҳажв ва юморга бойлиги билан диққатга сазовордир:

Олти халфа-бири Ойша,<br>
Бармоқлари қўша-қоша,<br>
Қўшиқ айтар жўша-жўша,<br>
Эла балли, олти халфа.

Мазкур тўртликда олти халфанинг бири-Ойша ва унинг юксак ижрочилик маҳорати ва иштиёқ билан қўшиқ айтиши васф этилади.

Шундай қилиб, Хоразм аҳолиси орасида халфа-аёлларнинг анъанавий-оилавий маросимлардаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўзларининг миллий-маънавий қадриятлар давомийлигини таъминлашдаги ижрочилик маҳорати билан катта эътибор қозонишган.

**4.Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни миллий-маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашда халфачилик санъатини илмий ўрганиш ва уни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Хоразм вилоятининг Хива шаҳридаги Ичан қалъа мажмуасида 2016 йилнинг 3 июнь куни “Халфачилик: анъана ва замонавийлик жиҳатлари” мавзусида бўлиб ўтган республика илмий-амалий анжумани, яъни халфа қўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танловида илгари сурилган таклиф-тавсиялардан келиб чиқиб, халфачилик санъатини ўзига хос анъанавийлигини сақлаган ҳолда ривожлантириш учун зарур қўлланмалар яратиш, ўқув семинарлари, анжуманлар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш, Наврўз байрамлари учун халфаларнинг алоҳида дастурларини тайёрлаш муҳим вазифалар қаторига киради. Бу эса, халқ ижодиётининг, фольклор қўшиқчилигининг Хоразм воҳасидаги маҳаллий оғзаки ижод намуналаридан бири ҳисобланган халфачилик санъатини келажак авлодга асл ижрочилик анъанасини йўқотмаган ҳолда етказишга хизмат қилади.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Abdullaeva B.K. Xorazm hikoyachilari-yarmi repertuarining o'ziga xosligi / B. K. Abdullaeva. - Matn: to'g'ridan-to'g'ri // Yosh olim. - 2017. - No 3 (137). - S. 636-638. - URL: https://moluch.ru/archive/137/38588/ (kirish sanasi: 03/07/2021).
2. Razzakova G. (2020). Хоразм халфачилиги. Архив Научных Публикаций JSPI (Xorazm xalfachiligi. Ilmiy nashrlar arxivi), 1(84). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7369
3. Сабирова Н.Э. Хоразм тўй маросимлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Н.Э. Сабирова. - Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 46 (336). - С. 553-555. - URL: https://moluch.ru/archive/336/75046/ (дата обращения: 05.03.2021). (Sobirova N.E. Xorazm marosimlari haqida ba'zi mulohazalar / N.E. Sobirova. - Matn: to'g'ridan-to'g'ri // Yosh olim. - 2020. - No 46 (336). - S. 553-555. - URL: https://moluch.ru/archive/336/75046/ (kirish sanasi: 05.03.2021).)
4. Улуғ ой умидлари: «ё рамазон» қўшиқлари (тўплаб, нашрга тайёрловчилар ва сўз боши муаллифлари М.Жўраева, Ш.Шомусаров). - Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2001. (Ulug' oi umidlari: "yo ramazon" qo'shiqlari (nashrga tayyorlovchilar va so'z boshi mualliflari M.Juraeva, Sh.Shomusarov). - Toshkent: "Movarounnahr", 2001 yil.)
5. Хоразм оғзаки ижод дурдоналари (нашрга тайёрловчилар Й.Зоҳидов, П.Бобожонов). - Урганч: «Хоразм» нашриёти, 1993. (Xorazm oғzaki ijod durdonalari (nashrga tayyorlovchilar Y.Zohidov, P.Bobojonov). - Urganch: «Xorazm» nashriyoti, 1993 y.)
6. «Гўрўғли»: Хоразм достонлари (нашрга тайёрловчи С.Рўзимбоев). - Урганч, «Хоразм» нашриёти, 2004. («Gurg'li»: Xorazm dostonlari (nashrga tayyorlovchi S.Ro'zimboev). - Urganch, «Xorazm» nashriyoti, 2004 y.)
7. Хоразм оғзаки ижод дурдоналари (нашрга тайёрловчилар Й.Зоҳидов, П.Бобожонов). - Урганч: «Хоразм» нашриёти, 1993. 81-бет. (Xorazm ogzaki ijod durdonalari (nashrga tayyorlovchilar Y.Zohidov, P.Bobojonov). - Urganch: «Xorazm» nashriyoti, 1993. 81-bet.)
8. Снесарев Г. П. Традиция мужских союзов в её позднейшем варианте у народов Средней Азии // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг. (памятники средневекового времени этнографические работы). -М., 1963. (Snesarev G. P. Traditsiya muzhskikh soyuzov v yeyo pozdneyshem variante u narodov Sredney Azii // Polevyye issledovaniya Khorezmskoy ekspeditsii v 1958–1961 gg. (pamyatniki srednevekovogo vremeni etnograficheskiye raboty). - M., 1963.)
9. Беғубор қалб садоси (болалар фольклори). Нашрга тайёрловчи Ҳ.Рўзметов. - Урганч: «Университет», 2003. (Beg'ubor qalb sadosi (bolalar folklori). Nashrga tayerlovchi H.Ruzmetov. - Urganch: "Universitet", 2003 y.)
10. Хоразм хазинаси (нашрга тайёрловчи Собир Эҳсон Турк). - Урганч, «Хоразм», 1996. (Khorazm xazinasi (nashrga tayerlovchi Sobir Eson Turk). - Urganch, "Xorazm", 1996 y.)

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Лайло Қушманова,**
ЎзРФА Тарих институти мустақил тадқиқотчиси

## ҚУРАМАЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЭТНИК ИЖТИМОИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ҲАЁТИ

**For citation:** Laylo Kushmanova. ETHNIC, SOCIAL AND ETHNOCULTURAL LIFE OF KURAM AT THE PRESENT TIME. Look to the past. Special issue, pp. 103-110

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-14

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола ўзбек халқи таркибига кирувчи қурама элатининг келиб чиқиши, анъанавий уруғ-аймоқчилик муносабатларининг ҳозирги ҳолати, унинг ижтимоий, маданий, маиший ва маънавий ҳаётида сўнгги ўнйилликлардаги рўй берган ўзгаришлар таҳлилига бағишланган. Мақолада муаммонинг ўрганилиши билан боғлиқ қисқа историографик обзор берилган. Хусусан, Россия империяси мустамлакачилиги давридан бошлаб қурама элати тарихи, этнографик хусусиятлари, ижтимоий ҳаёти масалалари атрофлича ўрганила бошлаган. Масалан, унинг Юқори Оҳангарон табиати, тарихи ва маданияти асарида қурама тоғ тизмасининг Оқтов тармоғи ён бағрилари ва сойлари бўйлаб яшаб келаётган қурамаларнинг ижтимоий ҳаёти, машғулотлари, урф-одатлари, моддий маданияти, оғзаки ижодиёти, маросимлари ва ҳатто қурамаларнинг табиатига хос психологик хусусиятлари баёнини ҳам берган. Бу жараён совет даврида ҳам давом этган. Бироқ, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қурама элати билан боғлиқ тадқиқотларга эътибор камайгани таъкидланган.

Масаланинг тарихий асосларини кўрсатиш мақсадида ушбу мақолада қурама элатининг XIX аср бошларида Қўқон хонлигининг ташқи сиёсатида ўйнаган роли, ёзма манбаларда бу жараёнларда фаол қатнашган уруғ-қабила уюшмалари, уларнинг Қурама тоғлари ёнбағирлари бўйлаб тарқалиш манзиллари ҳақида маълумотлар берилади. Айниқса, Қўқон хонлигининг XIX аср бошларида Тошкент шаҳри, Авлиёоота, Чимкент, Туркистон, Қизилўрда ҳарбий юришларида қурамалардан иштирок этган уруғлар ҳақида маълумотлар берилган.

Мақолада XIX-XX аср давомида қурамаларнинг ўз этник идентиклигига муносабат масаласида муайян ўзгаришлар кузатилиши қайд этилади. Жумладан, ижтимоий муносабатлар қурамачиликда ўзини миллий мансублик жиҳатидан ўзбек деб аташга мойиллик XX аср ўрта ва сўнгги ўнйилликларида етакчи тенденцияга айланган эди.

Совет Иттифоқи парчаланиб, Ўзбекистон мустақил давлатга айланганидан кейин умумўзбек миллийлик туйғуси жонланиши баробарида қурамаларда ҳам этник ўзлик масаласига эътибор кучайгани кузатиламоқда. Бироқ, бу ҳолат қурамаларнинг ўзбек этномаданий ягоналиги томон интилиш тенденциясига таъсир этмаётгани кўрсатилади. Турли хил халқона маросимларнинг ташкилий шакллари ўзбекча, айниқса, Тошкент таомилларига яқинлашиб бораётгани қайд этилади.

**Калит сўзлар:** қурама, уруғ-аймоқ, Оқтов, Оҳангарон, ўзбек, этномаданий ягоналик, халқона.

---

**Лайло Кушманова,**
самостоятельный соискатель
Института истории АН Р Уз

## ЭТНИЧЕСКАЯ, СОЦИАЛЬНАЯ И ЭТНОКУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ КУРАМА НАСТОЯЩЕ ВРЕМЯ

**АННОТАЦИЯ**

Данная статья посвящена анализу происхождения родо-племенного объединения Курама в составе узбекского народа, современного состояния традиционных родоплеменных его отношений, изменений, произошедших в социальной, культурной, бытовой и духовной жизни кураминцев за последние десятилетия. В статье дается краткий историографический обзор изучения проблемы. В частности, начиная с колониального периода Российской Империи, подробно изучаются история, этнографические особенности, вопросы общественной жизни курама. Например, в своей работе о природе, истории и культуре Верхнего Ахангарана И.Ярматов описал общественную жизнь, занятия, обычаи, материальную культуру, фольклор, ритуалы и даже психологические характеристики кураминцев, живущих вдоль склонов Актовского хребта и по берегам ручьев. Этот процесс продолжался и в советское время. Однако было отмечено, что со второй половины двадцатого века исследования этноса пошли на убыль.

Для того, чтобы показать историческую основу вопроса, в данной статье представлены сведения о роли этноса курама во внешней политике Кокандского ханства в начале XIX века, о племенных объединениях, принимавших активное участие в этих процессах, их распространении по склонам гор Курама. В частности, приводятся сведения об участии кураминцев в военных походах Кокандского ханства в Ташкент, Авлиёта, Шымкент, Туркестан, Кызылорда в начале XIX века.

В статье отмечается, что на протяжении XIX – XX веков наблюдались определенные изменения в отношении кураминцев к своей этнической принадлежности. В частности, в XX веке в отношении этнической принадлежности кураминцев ведущей тенденцией стала называть себя узбеком.

Однако после распада Советского Союза, наряду с возрождением чувства национальной идентичности в независимом Узбекистане, наблюдается оживление чувства этнической идентичности также и у кураминцев. Однако эта ситуация не влияет на процессқ постпеноого слияния кураминцев в узбекскоое этнокультурное единство. Эта тенденция наблюдается в изменениях структуры различных обрядов, трансформированных семейных и общественных торжеств, религиозных праздников, которые все больше и больше ориентированы к нормам Ташкента, как главного культурного центра Республики.

**Ключевые слова:** курама, роде-племенного объединения, Актау, Ахангаран, узбек, этнокультурное единство, народное.

---

**Laylo Kushmanova,**
independent researcher for the Institute of History
of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

## ETHNIC, SOCIAL AND ETHNOCULTURAL LIFE OF KURAM AT THE PRESENT TIME

**ABSTRACT**

This article is devoted to analysis of the origin of the tribal unions of Kurama of the Uzbek nation, the current state of traditional tribal relations, changes in the social, cultural, personal and spiritual life karaminchev over the past decade. The article provides a brief historiographical

overview of the study of the problem. In particular, since the colonial period of the Russian Empire, the history, ethnographic features, and issues of the social life of the Kuram are studied in detail. For example, in his work on the nature, history and culture of the Upper Akhangaran, I. Yarmatov described the social life, occupations, customs, material culture, folklore, rituals, and even the psychological characteristics of the Kuramintsy living along the slopes of the Aktovsky Ridge and along the banks of streams. This process continued in the Soviet era. However, it was noted that since the second half of the twentieth century, studies of the ethnos have declined.

In order to show the historical basis of the issue, this article presents data on the role of ethnicity Kurama in the foreign policy of the Kokand khanate in the early nineteenth century, a tribal unions, took an active part in these processes, their distribution on the slopes of Kurama. In particular, information is given about the participation of Kuramintsy in the military campaigns of the Kokand Khanate in Tashkent, Avlieta, Shymkent, Turkestan, and Kyzylorda in the early XIX century.

The article notes that during the XIX – XX centuries, there were certain changes in the attitude of Kuramintsy to their ethnicity. In particular, in the twentieth century in relation to ethnicity karaminchev leading the trend began to call themselves Uzbeks.

However, after the collapse of the Soviet Union, along with the revival of a sense of national identity in independent Uzbekistan, there is also a revival of a sense of ethnic identity among Kuramintsy. However, this situation does not affect the process of the post-Peno merger of the Kuramins into the Uzbek ethno-cultural unity. This trend is observed in changes in the structure of various rituals, transformed family and social celebrations, religious holidays, which are increasingly oriented to the norms of Tashkent, as the main cultural center of the Republic.

**Index Terms:** Kurama, the race-tribal Association, Aktau, Akhangaran, Uzbek, ethnic and cultural community, people.

---

**1. Долзарблиги:**

Бугунги кунда ўзбек миллати таркибида ўзига хос ўринга эга қурама элатининг шаклланиш тарихи ўзига хос мураккаб илмий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу масала билан замонавий фан тарихида XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб бир қатор Россиялик олимлар шуғуллана бошлаган[5]. Совет даврида ҳам қурамалар тарихи, маданияти, тили каби масалалар бир қатор олимларни қизиқтирган. Жумладан, И.И.Зарубин ўзининг "Туркистон ўлкаси халқларининг рўйхати" ("Список народностей Туркестанской края") номли мақоласида қурамаларни алоҳида элат сифатида қайд этган[4]. Совет даврининг дастлабки йилларида Россия Федерацияси ҳамда унга тобе қилинган ўлкалар аҳолисини статистик рўйхатдан ўтказиш иши амалга оширилган. Шу муносабат билан бир қатор статистик нашрларда Туркистон автоном Совет Республикаси аҳолиси ҳам ҳисобга олинган. Бу рўйхатларда ўлканинг айрим вилоятлари аҳолиси, хусусан, Фарғона вилояти ва бошқа вилоятлар аҳолиси рўйхати эълон қилинган[6]. Бироқ ушбу рўйхатларда қурама элатининг жойлашуви, ижтимоий таркиби, демографик ҳолати, маданияти, тил хусусиятлари каби муҳим масалалар ушбу рўйхатларда деярли акс этмаган.

XX асрнинг ўрталарида қурамалар масаласига қизиқишнинг янги босқичи кузатилади. Жумладан, йирик тилшунос олим В.В.Решетов Оҳангарон водийси, ўзбек шеваларини ўрганиш муносабати билан қурамаларнинг тил хусусиятлари масаласига алоҳида эътибор қаратган[11]. Шу билан бирга В.В.Решетов, "қурама" этник атамасининг маъноси масаласига ҳам алоҳида тўхталган ва элатнинг шаклланишида полиэтник аралашув мавжудлиги асосида хулоса чиқарган[12]. Ниҳоят қурамаларнинг этник таркиби, этнографик ҳолати ҳақида махсус тадқиқотлар даври ўтган асрнинг 50-60 йилларида бир қадар жонлангандек бўлди. Шунинг натижаси сифатида Т.Файзиевнинг бир қатор мақолалари ва номзодлик диссертацияси юзага келди[13]. Шундай қилиб, қурама элати унинг ҳаёти билан боғлиқ турли жиҳатлар, статистик, демографик маълумотлар билан бевосита боғлиқ ишлар мазкур муаллиф Т.Файзиевнинг фаолиятидан кейин бир муддат эътибор марказида турмаган.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, зеро Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзбек халқининг ўз тарихига, ўзлигига, маданияти, тили, бой маънавий мероси масалаларига қизиқиш ҳақли равишда жонланганини таъкидлаш жоиз. Шу жараёнда қурама этник бирлиги масаласи атрофида янги кузатувлар, баъзан жиддий, баъзан эса оммабоп хусусиятли бир қатор нашрлар пайдо бўла бошлади. Ушбу нашрларнинг айримларида қурамаларнинг этник ҳолати, уруғ-аймоқчилик тизимлари, яшаб турган манзилларининг умумий тавсифи каби маълумотлар йўлакай бошқа умумий масалалар қаторида қайд этиб борилган. Филология фанлари доктори, профессор И.Ёрматов ўзининг бир қатор асарларида қурамаларнинг тарихи ва маданиятига оид маълумотларни ўзига хос билимдонлик ва маҳорат билан баён этади. Масалан, унинг Юқори Оҳангарон табиати, тарихи ва маданияти асарида қурама тоғ тизмасининг Оқтов тармоғи ён бағрилари ва сойлари бўйлаб яшаб келаётган қурамаларнинг ижтимоий ҳаёти, машғулотлари, урф-одатлари, моддий маданияти, оғзаки ижодиёти, маросимлари ва ҳатто қурамаларнинг табиатига хос психологик хусусиятлари баёнини ҳам берган[14]. Шу муаллифнинг “Қорасувёқа” номли илмий оммабоп рисоласида ҳам қурамалар, уларнинг ҳаёт тарзи, мустамлакачилик ва совет даврларида бу элатнинг бошига тушган ташвишлар, шунга қарамай, ўз руҳиятини йўқотмаган эл таърифи баён этилган[15].

Исомиддин Ёрматовнинг “Илоқ тарихи” номли номли моноргафик тадқиқоти ҳам диққатга лойиқ. Унда Илоқ ўлкасининг олиб борилган археологик, геологик, этнографик, тилшунослик, фольклористика ва бошқа соҳалардаги тадқиқотлар натижалари умумлаштирилган. Илоқнинг ибтидоий даврларидан бошлаб, ҳозирги ҳаётигача тарихий узвийликда яхлит ифодасини топган. Монографияда ҳам, аввалга асарларидаги каби қурамалар билан боғлиқ қатор этнографик лавҳалар, ўз юртининг фарзанди сифатида вазият моҳиятининг ичида туриб ўзига хос иштиёқ билан таъриф ва талқин қилинган[16].

Исомиддин Ёрматовнинг ўзбек халқи оғзаки ижоди бўйича изланишлари қатори тарихчи, адабиётшунос, табиатшунос, ўлкашунос, сифатидаги фаолияти ҳам биз ўрганаётган мавзу учун тарихнавислик аҳамиятига эга. Зеро, ушбу илмий ўлкашунослик монографиясида ҳам муаллиф қурамаларнинг кечаги ва бугунги ижтимоий, маданий, маънавий оламини таҳлил қилишга ўрин ажратган[17].

Мазкур тарихшунослик тафсилотлари қаторида этнограф олима С.С.Губаева амалга оширган Фарғона водийси аҳолиси ҳақидаги илмий ишларнинг ўрни алоҳида. Муаллиф водий кўламида аҳоли, унинг этник қатламлари, ҳудудий жойлашуви, этник бирликлар номлари асосида шаклланган топонимлар каби бой материал асосида ишлар экан, водий бўйлаб қурамалар диаспорасининг тарқалиш ва жойлашувига ҳам эътибор қаратган[3]. Жумладан, С.С.Губаева Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган қурамаларнинг қатор уруғ номлари (этнонимлари) маҳаллий топономикада сақланиб қолганлигини кўрсатган. Хусусан, кереит, жапалоқ, турайғир, тупар, қорачапон, чувалдоқ, жастабон, чубаланчи, олчин, абиз, бешкал, кўрпа, қорақўйли, қорасийрак, унғут, абжаз, ўроқли, болғали, ғишлик ва ҳакозолар[3]. Шу маълумотларга таянган ҳолда У.Абдуллаев ўзининг монографиясида водий қурамалари ҳақида айрим қўшимча маълумотларни келтиради[1]. Қурамаларнинг келиб чиқиши ва Фарғона водийсига кириб келиши ҳақидаги фикрлардан бирини У.Абдуллаев қуйидагича келтиради: “Фарғона водийси ҳудудига қурамалар XVIII асрнинг охири - XX асрнинг бошлари оралиғида бир неча босқичда кўчиб ўтади. Асосан, Ангрен воҳасида жойлашган Телов, Хонобод, Жалойир, Обжаз, Қорахитой каби қишлоқларида яшовчи қурамалар Фарғона водийсига Қурама тоғ тизмасидаги Қорақия, Кендировон, Саримсоқлик довонлари оша кириб келганлар. Уларнинг бир қисми Қурама тоғ этакларида қоладилар, бошқа қисми эса водийнинг ичкари томонига силжиб, бўш яйловлар қидириб, юқорида кўрсатилган қишлоқлар ҳудудига бориб жойлашганлар”[1]. Муаллифнинг бу мулоҳазалари умумий тусда берилган ва қурамаларнинг ўтиш йўлларини фикран тоғ тизмаларидаги маълум ўтиш довонларига боғлашга ҳаракат қилган. Водий томонда “тоғ этакларида қолган” қурамаларга келсак, уларнинг бундай қарори анъанавий равишда тоғ билан боғлиқ хўжалик

укладини сақлаб қолишга уриниш деб баҳоланиши мумкин. Бинобарин, водийнинг ичкарисига кўчган қурамалар маҳаллий аҳоли билан яқинлашиш ёки қоришиб кетишга мойил эдилар. У.Абдуллаев, Г.Валихоновалар шу ўринда С.С.Губаева маълумотларига таянган ҳолда биз юқорида келтирган қурама уруғларининг яшаш жойлари топонимлари орқали уруғ рўйхатларини қайд этадиларр[1]. Шу ўринда қурамаларнинг водий шароитида этник, этномаданий транцформацион жараёнларни бошдан кечирганликлари ва уларнинг кўпчилигида қурамалик ўзлик туйғуси ҳам сўна борганини тўғри белгилайдилар ва ёзадилар. “... юқорида санаб ўтилган уруғларнинг кўпчилиги XIX асрнинг охирларига келиб, этноним сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эди. ... ярим ўтроқ қурама уруғлари батамом ўтроқлашар эканлар, ўзларининг аввалги этнонимларини унута бордилар”[1]. Демак, уларнинг тарихан мавжуд бўлганларига фақатгина уларнинг яшаган қишлоқлари номлари гувоҳлик беради, холос.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Термиз, Бойсун, Денов, Шеробод, Жарқўрғон каби шаҳарлар атрофи кўҳна маданият, нодир санъат, гўзал меъморчилик, шеърият ва адабиёт манбаларига бой ҳудуд ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Сурхондарё вилоятида маданий-оқартув муасасалари фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш бўйича 358-сонли қарорни қабул қилди. Қарордан келиб чиқиб, вилоятда маданият соҳасида катта ижобий ишлар қилинди. Масалан, Бойсун шаҳрида 14 та оммавий ва болалар кутубхонаси, 12 та клуб муасасалари, 1 та маданият уйи, 400 ўринли кинотеатр, «Алпомиш» спорт мажмуаси, замонавий асосда қурилган теннис корти, санъат музейи, «Шалола» ашула ва рақс халқ ансамбли, «Бойсун» фольклор-этнографик болалар ансамбли, «Ширушакар» фольклор-этнографик ансамбли, йигирма беш гектар майдонда «Алпомиш боғи» барпо

этилди. «Бойсун баҳори» фольклор фестивали ҳар йили май ойида муваффақиятли ўтказилади.

Сурхондарё вилоятидаги ёдгорликлар ўзининг қадимийлиги билан машҳур. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан 2001-2010 йилларда Термиз, Шеробод шаҳарларидаги бир қанча тарихий обидалар ва археологик ёдгорликларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Термиз шаҳрида 2002 йил апрелидан фаолият кўрсата бошлаган Археология музейи Ўрта Осиёдаги энг йирик маданий масканлардан бири бўлиб, унинг 9 та асосий залларида 72 минг Сурхондарё вилояти ёдгорликлари ва санъат намуналарини юксак дид билан жиҳозланган [14]. 2019 йилда Сурхондарё тарихи ва маданияти музейи ўз фаолиятини бошлади. Унда археология, халқ ҳунармандчилиги ва табиатга оид нодир намуналар сақланмоқда. Бундан ташқари, Термиз шаҳрида ҳайвонот боғи, Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри, ёшлар маркази, қўғирчоқ театри, 10 та ашула ва рақс дастаси, 6 та фольклор-этнографик халқ дастаси ва бошқа маданий муассасалар ишлаб турмоқда.

Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри турли тадбирлар ўтказиладиган марказга айланди. Жумладан, 1999 йил Термиз шаҳрида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Термиз шаҳрида 2019 йилнинг апрель ойида халқаро бахшичилик фестивали кенг миқёсда ўтказилди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли соғлигини сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, 1999 йилда 140 ўринли давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз бўлими ташкил этилиб, зарурий тиббий ва техник жиҳозлар билан таъминланди. Термиз шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ўз фаолиятида АҚШнинг Прожект Хоуп, Карелифт Интернейшнл, Каунтепарт Интернейшнл ташкилотлари билан узвий алоқалар боғлаган.

Вилоят шаҳарларида замонавий даволаш масканларини қуриш, қайта таъмирлаш, янги ўринларни яратиш учун катта амалий ишлар қилинди. Шаҳарлардаги даволаш муассасалари ва ўринлари сони 2010 йилда Денов шаҳридаги 4 та касалхонада 470 ўрин, Шўрчи шаҳридаги 2 та касалхонада 510 ўрин, Шербоддаги 2 та касалхонада 500 ўрин, Қумқўрғонда 3 та касалхонада 520 ўрин, Жарқўрғон шаҳрида 3 та касалхонада 545 ўрин бор эди [15].

Мустақиллик йилларида республикада спортнинг турли хилларини ривожлантиришга ҳам эришилди, бунинг самаралари жаҳон миқёсида ўтказиладиган теннис, кураш ва шахмат мусобақаларида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон спортчилари маънавий ва жисмоний баркамолликнинг юқори натижаларига эришиб, қадимий спорт удумлари, урф-одатларини қайта тикладилар. 1993 йилдан эътиборан Термиз шаҳрида буюк аллома Ал-Ҳаким Термизий хотирасига бағишлаб ўтказиладиган кураш мусобақалари спортнинг ушбу турини жаҳон миқёсида кўтарилишида муҳим аҳамият касб этди. Натижада ўзбек миллий кураши халқаро спорт турига айланди. Бу мусобақалар ҳар 2 йилда бир марта ўтказилмоқда. 1999 йилда Термизда ўтказилган халқаро кураш турнирига Осиё ўйинлари мақоми берилди [16].

2010 йилги маълумотларга кўра, Термиз шаҳрида 2 та стадион, 8 та футбол майдончаси, 3 та сузиш ҳавзаси, 2 та теннис корти, 14 та очиқ теннис, 19 та волейбол, 14 та баскетбол майдончалари ҳамда қўл тўпи бўйича 10 та майдонча ва бошқа спорт иншоотлари мавжуд. Шаҳарда 17 тур бўйича 8 та спорт мактаби иш олиб борди. Уларнинг секцияларига 5925 нафардан зиёд ўқувчи мунтазам қатнашди [17]. Шаҳарда 27 мингдан зиёд киши жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиб, 5 мингдан кўпроқ киши спорт секцияларига қатнашди. Бу ишда 200 профессионал мутахассислар бошчилик қилди.

4.Хулоса.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида жанубий шаҳарларнинг замонавий меъморчилиги шаклланди. Шаҳар аҳолисининг турмуш тарзи энг муҳими, соғлиқни сақлаш, аҳоли яшаши учун соғлом муҳитни яратиш борасида амалга оширилган ўз натижаларини бера бошлади. Шаҳарларда ўнлаб санъат саройлари, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, болалар майдончалари, фаолият кўрсатаётганлигини, бу фаолият самарали кечаётганлиги, шаҳарларнинг замонавий қиёфага кирганлигини англатади.

**Иқтибослар/Сноски/Reference:**


1. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. - Термиз: Жайхун, 1993. (Safarov Sh. Termez and Termizi. Termez: Jayhun, 1993.)
2. Азимов М. Термиз тарихи. - Қарши: Насаф, 2001. (Azimov M. History of Termez. Karshi: Nasaf, 2001.)
3. Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. - Тошкент, 2001. (Jaloliddin Mirzo. History of Termez. - Tashkent, 2001.)
4. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. (Tursunov S., Qobilov E., Murtazoev B., Pardaev T. History of Surkhandarya. – Tashkent: Sharq, 2004.)
5. Раҳимов С. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (Сурхондарё вилояти мисолида 1991-2018 йиллар) –Тошкент: Yangi nashr, 2019. (Rahimov S. Socio-economic and cultural life of Uzbekistan in the years of independence (1991-2018 on the example of Surkhandarya region) – Tashkent: Yangi nashr, 2019.)
6. Ўроқова Н.С. Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни (жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2004. (Uroqova N.S. The process of industrial reforms and changes in Uzbekistan during the period of independence (on the example of the southern regions). Candidate of Historical Sciences dissertation. – Tashkent, 2004.)
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1-фонд, 18-рўйхат, 1-иш, 41-варақ. (Surkhandarya regional state archive, fund 1, list 18, documant 1, page 41.)
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 313-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 33-варақ. (Surkhandarya regional state archive, fund 313, list 1, documant 12, page 33.)
9. Сурхондарё вилояти хокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 1-китоб, 1991-2002 йиллар. – Термиз, 2004. – Б. 18. (Surkhandarya region khokimiyat and general statistics department. Book 1, 1991-2002. – Termez, 2004. – P. 18.)
10. Сурхондарё вилоят хокимлигининг жорий архиви, 2011 йил январ, 1-баённома. –Б.15.
11. «Сурхон тонги» газетаси. 2006 йил, 23 феврал. № 7. –Б. 2. («Surkhan Tongi» newspaper. February 23, 2006. № 7. –P. 2.)
12. Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бошқармаси жорий архиви, 4-китоб. Термиз, 2006. – Б.114. (Current archive of the Department of Economy of Surkhandarya region, book 4. Termiz, 2006. –P.114.)
13. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 2011. –Термиз. –Б. 298. (Surkhandarya regional khokimiyat and general statistics department. 2011. – Termez. – P. 298.)
14. Ботиров Т., Аннаев.Т. Сурхондарё вилояти археология музейи (қисқача йўлланма). – Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 5. (Botirov T., Annaev.T. Surkhandarya Regional Museum of Archeology (short guide). –Tashkent: Sharq, 2002. –B. 5.)
15. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси. 2011 йил, 1-китоб, 1991-2011 йй. – Термиз. –Б. 69. (Surkhandarya region Main Department of Statistics. 2011. Book 1, 1991-2011. – Termez. –P. 69.)
16. Термиз – буюк йуллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.72. (Termez is an old and new city at the crossroads of great roads. –Tashkent: Sharq, 2001. –P.72.)
17. Термиз шаҳар ҳокимиятининг жорий архиви. 2011 йил, 3-баённома. –Б.18. (Current archive of Termez city administration. 2011, Protocol 3. –P.18.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Икромжон Ибрагимович Умаров,**
Термиз Давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
мустақил илмий тадқиқотчиси
lochin-umarov@mail.ru

# ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА

**For citation:** Ikromjon I. Umarov, ANCIENT BACTRIA BASED ON HISTORICAL SOURCES. Look to the past. Special issue, pp. 123-132

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-17

**АННОТАЦИЯ**

Ўзбек давлатчилигининг шаклланишида қадимги Бақтриянинг ўрни жуда каттадир. Бу ўлка илк шаҳарсозлик, давлатчилик асослари вужудга келган жой ҳисобланади. Қадимдан Бақтрияда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, маданият равнақ топган бўлиб, ҳанузга қадар жаҳон илмий жамоатчилигинининг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Ушбу мақолада юнон-рим манбалари асосида Қадимги Бақтрия тарихи, унинг аҳолиси, шаҳарлари ва тарихий вилоятлари ҳақида маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** Бақтрия, Зороастр, Нин, Семирамида, Геродот, Александр, Узундара, Тангидевон, Хориэн, Парейтака, Бубакена, массагет.

---

**Икромжон Ибрагимович Умаров,**
Научный соискатель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

# ДРЕВНЯЯ БАКТРИЯ НА ОСНОВЕ ИСТОРИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКОВ

**АННОТАЦИЯ**

Роль древней Бактрии в становлении узбекской государственности очень велика. Эта страна – место, где формировались основы градостроительства и государственности. С древних времен в Бактрии процветали ремесла, торговля и культура и до сих пор привлекают внимание мировой научной общественности. В данной статье представлена информация об истории Древней Бактрии, ее население, городов и исторических областей на основе греко-римских источников.

**Ключевые слова:** Бактрия, Зороастр, Нин, Семирамида, Геродот, Александр, Узундара, Тангидевон, Хориэн, Парейтака, Бубакена, массагет.

**Ikromjon I. Umarov,**
Independent researcher of
the Department of World History
Termez State University

# ANCIENT BACTRIA BASED ON HISTORICAL SOURCES

**ABSTRACT**

The role of ancient Bactria in the formation of the Uzbek statehood is very great. This country is the place where the foundations of urban planning and statehood were formed. Crafts, trade and culture flourished in Bactria since ancient times and still attract the attention of the world scientific community. This article provides information about the history of Ancient Bactria, its population, cities and historical regions based on Greco-Roman sources.

**Index Terms:** Baktria, Zoroaster, Nin, Semiramida, Herodotus, Alexander, Uzundara, Tangidevon, Horien, Paraitaka, Bubaken, massaget.

---

**1. Долзарблиги:**

Жаҳон тамаддунининг кўҳна бешикларидан бири бўлган Сурхон воҳаси қадимда Бақтрия подшолиги таркибида бўлган. Бу юрт Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳарсозлик анъаналари ва қадимги давлатчилик асослари барпо этилган жойдир. Тарихий манбаларда Қадимги Бақтриянинг аҳолиси, тарихий вилоятлари, шаҳарлари ва бойлиги ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилади. Шу боис Қадимги Бақтрия тарихи ва унинг ёдгорликлари доимий равишда жаҳон илмий жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бу эса, ушбу мавзунинг долзарб эканлигини кўрсатади.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Ушбу мақола тарихийлик, қиёсий-таҳлил ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ўрганилди. Унда юнон-рим тарихчиларининг қадимги Бақтрия ҳақида келтириб ўтган маълумотлари таҳлил қилинади.

Қадимги Бақтрия тарихи ва унинг ёдгорликларини ўрганиш XIX асрда, Европа олимлари томонидан бошланган эди. Жумладан, Бақтрия шаҳарларининг жойлашуви ва маъноси хусусида австриялик олим В.Томашекнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. XX аср иккинчи ярмида Қадимги Бақтрия бўйича европалик олимлардан В.Тарн, П.Бернар, И.Маркварт, Д.Шлюмберже ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу соҳада иш олиб борган рус ва совет олимларидан – М.Массон, В.Массон, В.Струве, С.П.Толстов, К.Тревер, М.Дьяконов, Б.Ставицкий, Б.Ғафуров, В.Лившиц сингари тадқиқотчиларни кўрсатишимиз мумкин. Ўзбекистон олимларидан Г.Пугаченкова, А.Асқаров, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, Л.Альбаум, Ш.Шайдуллаев каби олимлар Шимолий Бақтрияда шаҳарлар ва давлатчилик билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудуди қадимги Бақтрия таркибида бўлган. Географик жиҳатдан Бақтрия шимолда Ҳисор, шарқда Помир, жанубда Ҳиндикуш тоғлари ва ғарбда Мурғоб дарёси оралиғидаги тарихий ўлка ҳисобланади. Сиёсий маркази қадимги Бақтра (ҳозирги Балх) шаҳри бўлган.

Бақтрия турли манбаларда турлича аталган. Энг қадимги ёзма манба – «Авесто»нинг Видевдат китобида Ахурамазда томонидан яратилган 16 та мамлакатдан тўртинчи бўлиб, туғлари баланд кўтарилган гўзал мамлакат Бахди (авесточа Bāxδīm srīrąm ərəδβō. drafšąm) яратилганлиги айтилади. Беҳистон битикларида бу ўлка Бактриш, юнон-рим манбаларида Бактриана Βακτριανή номи билан тилга олинади.

Квинт Курций Руфнинг айтишича, Бақтриянинг пойтахти Бактра бўлган. Шаҳар Парапамис тоғлари этагида жойлашган. Унинг деворлари тагидан Бақтра дарёси оқиб ўтади. Мазкур дарё шаҳар ва вилоятга ном берган [1]. Арриан эса Бақтрадан ташқари Зариаспа деган шаҳар номини ҳам тилга олади. У Александр Македонскийнинг қароргоҳи бўлган [2].

Юнон географи Страбон бу масалага янада аниқлик киритади. Унинг ёзишича, шаҳар яна Зариаспа номи билан ҳам аталиб, унинг ёнидан Бактра дарёси оқиб ўтади [3]

Милодий IV асрдан бошлаб Бақтрия номи тарихий манбаларда деярли учрамайдиган бўлди. Унинг ўрнида Тохаристон номи қўлланила бошланди. Шундай бўлса-да, бу юрт маҳаллий аҳоли томонидан Бахтарзамин (Бохторзамин, яъни «Бахтар ери, юрти») деб аталган. Мазкур ном «Темур тузуклари»да ҳам қайд этилади [4].

Бақтрия бир қанча дарё воҳаларидаги бешта вилоятларни бирлаштирган. Булар: Сурхон, Балхоб, Кофирниҳон, Вахш, Кўкча-Қундуз воҳаларидир. Сурхон воҳасининг маркази Қизилтепа бўлган [5]. Ҳозирги пайтда Бақтрия ҳудудидан милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 зиёд уй қўрғонлар, шаҳар ва қалъалар топилган. Улардан Кучуктепа, Бешқўтон, Таллашқон, Жондавлат, Бандихон, Бўйрачи, Қизилча, Обишир ва Шўртепа кабилар Сурхон воҳасида жойлашган. Бу ёдгорликлар мудофаа деворлари, истеҳкомлар билан ўраб олинган, шаҳар қишлоқ ва минора, қалъа, уй-жойлардир. Қадимги аҳолининг деҳқончилик маданияти асосида қадимги Бақтриянинг моддий ва маънавий маданияти шаклланди.

Тарихий манбалар қадимги Бақтриянинг бой ва фаровон ўлка бўлганлиги, аҳолиси ватанпарвар ва жанговор эканлиги, бу юртда илм-фан тараққий этганлигини кўрсатади. Хусусан, қадимги рим тарихчиси Квинт Курций Руфнинг ёзишича, «Бақтриянинг табиати бой ва хилма-хилдир. Айрим жойларда мевали дарахтлар ва узумзорлардан сершарбат мўл-кўл ҳосил олинади, минглаб чашмалар бўлиқ ерларни суғоради. Тупроғи юмшоқ жойларга буғдой экилади, қолган ерлар яйловга қолдирилади... Тупроғи ҳосилдор ерларда одамлар ва отлар кўп бўлади» [6].

Милоддан аввалги VIII-VI асрлар Қадимги Бақтрия давлатининг ривожланган даври бўлиб, бу давлатнинг ҳудуди Мурғоб воҳаси, Ҳиндиқуш тизмаси, Бадахшон, Нурота тизмаси ва Бухоро воҳасига бориб тақалган бўлиши мумкин. Қадимги Бақтриянинг бойликлари қўшни давлатларнинг тажовузига сабабчи бўлган. Бу воқеалар қадимги юнон-рим манбаларида ҳам ўз аксини топган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Қадимги Бақтрия ерларини босиб олиш учун ҳаракат қилиб кўрган илк давлат Оссурия подшолиги бўлган. Милоддан аввалги V-IV асрларда форс шоҳлари саройида ишлаган юнон тарихчиси Ктесийнинг «Персика» («Persika») номли асарида Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга юриши ҳақидаги ҳикоясида Зороастр исмли Бақтрия ҳукмдори тилга олинади. Албатта Ктесийнинг ҳикояси бизгача етиб келган эмас. У бошқа юнон муаллифларининг асарлари орқали бизга маълум.

Ниннинг Бақтрияга юриши тўртта муаллифнинг асарида ёритилади. Диодорнинг парчасида Бақтрияда (Baktrianē) ҳукмронлик қилган Оксиарт (Oxyártēs) деб аталади. Қўлёзмаларда бу исм яна Exaórtēs, ho Xaórtēs, ho Zaórtēs шаклларида қайд этилади. Oxyartēs исми тикланган. Аммо айрим олимлар Диодорда Zōróastrēs номини тиклайдилар [7]. Бошқа парчада, яъни, Арнобийда у «бақтриялик сеҳргар Зороастр» (magus Zoroastres, Bactrianus) аталади. Кефалионнинг учинчи парчасида «сеҳргар Зороастр, Бақтрия шоҳи» деб қайд этилади. Тўғри унинг матни бизгача асл ҳолича эмас, балки Евсевий (арманча таржима) ва Синкелла орқали етиб келган. Евсевийда Zaravastes magus Bactrianorum rex, Синкеллада Zōróastrēs magos дейилган. Тўртинчи парчанинг муаллифи номаълум бўлиб, унда Зороастр ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Фақат «Семирамида Бақтрияни босиб олди» деган жумлалар учрайди [8].

Кўриб турганимиздек, Бақтрия ҳукмдори Диодорда Оксиарт, Арнобий ва Кефалионда Зороастр номлари билан тилга олинади. Юстинда ҳам Зороастр номи учрайди [9]. Кўпгина тарихчиларнинг фикрича, Ктесийнинг асарида айнан Зороастрнинг исми тилга олинган [10; 11; 12]. С.Якобининг фикрича, Диодор Ктесийнинг тарихини Александр Македонский тарихчиси – Клитархдан олган. Бақтриялик Оксиарт – Александр Македонскийнинг қайнотаси бўлиб, кўзга кўринган шахслардан бири эди. Ктесийнинг асаридаги «Бақтриялик Зороастр» ўрнига «Бақтриялик Оксиарт» (Oxyártēs ho Baktrianós) сўзи Александр

Македонский тарихчиларидан бири томонидан онгли равишда киритилган бўлиши мумкин [13]. Бу масалага қуйида тўхталиб ўтамиз.

Ктесийнинг ёзишича, Оссурия подшоси Нин Бобилдан чиқиб, Арманистонга юриш қилади. Арман подшоҳи Барзон қаршилик кўрсатиш бефойдалигини тушуниб, совға-саломлар билан унга пешвоз чиқади. Нин унга ҳокимиятини қолдиради. Фақат ўз қўшини учун таъминот ва ёрдамчи қўшин жўнатишини талаб қилади.

Ниннинг иши юришиб кетгач, у бутун Осиёни, Танаисдан то Нилгача бўлган ҳудудларни бўйсундириб олмоқчи бўлди. Шу сабаб Мидияда ўз дўстларидан бирини сатрап қилиб қўйиб юришга чиқди. 17 йил ичида бақтрияликлар ва ҳиндлардан бошқа барча халқларнинг ҳукмдорига айланди. У кадусийлар, тапирлар, гирканлар, дербиклар, карманийлар, хоромнийлар (хоразмийлар), борканийлар ва парфянлар ерини эгаллади. Бақтрияга бориш қийинлиги ҳамда аҳолиси жуда жанговор эканлигидан бир неча бор муваффақиятсиз уринишлардан сўнг у билан урушни тўхтатиб турди [14].

Ниневияга асос солгач, Нин... Бақтриянинг кўп сонли аҳоли ва олиб бўлмас қалъаларга эга эканлигини ҳисобга олиб, ўзига бўйсунган аҳолидан ғоят катта қўшин тўплайди. 210 минг отлиқ аскар ва 1600 та чодир, яхши қуролланган улкан қўшин билан Бақтрияга бостириб киради. Бақтриядаги йирик шаҳарлар орасида энг каттаси Бақтра бўлиб, Нин уни ололмайди. Бақтрада подшолик қилган Зороастр (бошқа нусхада Оксиарт) қурол кўтаришга қодир 400 минг одамни сафарбар этади. Қаттиқ жангдан сўнг бақтрияликлар ғолиб келиб душманни тоғ этагига қадар қувиб боради ва улардан юз мингини қириб ташлайди. Бақтрияликларнинг шижоати Нинни довдиратиб қўйди. Аммо у асосий қўшинни ишга солгач, бақтрияликлар чекинишади. Бақтра шаҳри қамал қилинади. Қамал узоқ вақт давом этади. Бу орада оссурияликларнинг Бақтрадаги қароргоҳига эркак кийимидаги Семирамида етиб келади ва ҳарбий ҳийла ишлатиш натижасида Бақтранинг олиб бўлмас аркини эгаллайди. Семирамиданинг жасоратига қойил қолган Нин унга ҳурмат бажо келтиради. Кўп ўтмай унга уйланади. Нин Бақтрия бойликларини талайди. Шундан сўнг, Семирамида Ҳиндистонга юриш қилади [15].

Бақтранинг оссурияликлар томонидан қамал қилиниши ҳақида милоддан олдинги V аср юнон тарихчи Ксенофонт ҳам хабар беради [16]. Александр Македонскийнинг сафдошлари Белужистонда бўлган вақтларида Семирамиданинг Ҳиндистон юриши ҳақида эшитишган эди [17].

Ниннинг Бақтрия уруши ҳақида рим тарихчиси Помпей Трог (Юстиннинг ҳикоясида) ҳам хабар беради [18]. Унда Диодордан фарқли равишда Семирамиданинг номи учрамайди. Бақтрия подшоси сифатида Зороастр тилга олинади.

Семирамида (Шаммурамат) тарихий шахс. Шамшиадад V вафотидан кейин 816-772 йилларда Оссурия маликаси бўлган. Шуни ҳисобга олиб, оссурияликларнинг Бақтрияга юриши милоддан олдинги IX аср охири – VIII аср бошларида содир бўлганлигини тахмин этишимиз мумкин.

Кўпчилик тарихчилар Ктесийнинг ҳикояси асоссиз, оссурияликларнинг Бақтрияга юриши уйдирма деб ҳисоблайдилар. Аммо уларнинг фикрини инкор этадиган бошқа манбалар ҳам бор. Хусусан, оссур манбаларида лаъл олиб келиш учун қайсидир бир ўлкага жўнатилган жосуснинг юборган хабари бизга қадар етиб келган. Унда айтилишича, жосус тоққа кўтарилиб, лаълни қўлга киритганида мамлакат аҳолиси унга қарши қўзғалган. Шу боис лаълни келтириш учун подшодан қўшин юборишларини сўраган [19].

Таъкидлаш жоизки, қадимда ва ўрта асрлар даврида лаъл (лазурит) қазиб олинадиган марказ Бақтрия ўлкаси бўлган. Лаъл Бадахшон тоғларидан олинган. Шундан лаъли Бадахшон номи келиб чиққан. Лаъл бугунги кунда ҳам афғон Бадахшонида қазиб олинади. Бақтрия лаъли билан Яқин Шарқ аҳолиси III-II минг йилликлардан буён таниш. XVIII – XVII асрлар оссур манбаларида лаъл ҳақида сўз юритилади. Миср фиръавни Тутанхамон мақбарасида (мил.ав. XIV аср) ҳам Бадахшон лаълидан ишланган безаклар учрайди.

Юқоридагиларни ҳисобга оладиган бўлсак, Ктесийнинг ҳикоясини тўлиғича уйдирма деб ҳисоблаб бўлмайди. Унда Қадимги Бақтрия подшолиги, унинг қудрати, бойликлари, ҳукмдори ҳамда оссурияликларнинг юриши тасвирланади.

Қадимги Бақтрия ерларини босиб олишга уринган яна бир давлат аҳамонийлар Эрони эди. Қадимги рим тарихчиси Помпей Трогнинг хабар беришича, форс шоҳи Кир II бутун Шарқда ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, скифлар устига қўшин тортади. Ўша вақтда скифлар ҳукмдори Тамирис (Тўмарис) исмли малика эди. Гарчи аёл бўлса-да, душман ҳужумидан қўрқмади. Гарчи Тўмарис душманнинг Окс дарёсидан кечиб ўтишига ҳалақит бериш имкони бўлса-да, уларнинг тинчгина ўтишига йўл берди. Сабаби ўз подшолигида жанг қилиш осонроқ, душман эса енгилган тақдирда чекиниш вақтида дарёдан ўтишга қийналишини ҳисобга олган эди. Кир ўз аскарларини дарёдан ўтказиб, Скифияга маълум масофага кириб боради ва қароргоҳ қуради. Эртаси куни у гўёки қўрқиб қочгандек бўлиб, қароргоҳни тарк этади. Қароргоҳда базм ўтказиш учун етарлича шароб ва егуликлар қолдиради. Бу ҳақда маликага хабар беришганда у ўз ўғлига қўшиннинг учдан бирини бериб душман қароргоҳига жўнатади. Қароргоҳга келган ёш йигит ҳушёрликни унутиб маишатга берилади ва мастлик скифларни қуролдан олдин мағлуб этади. Бундан хабардор бўлган Кир кечаси келиб қароргоҳдаги ожиз ётган скифларни маликанинг ўғли билан бирга қириб ташлайди. Қўшиннинг каттагина қисми ҳамда ягона ўғлидан ажралган Тўмарис ўғли учун ўч олишга тушади. Ўзини қочаётгандек қилиб кўрсатади ва Кирни бир дарага алдаб киритиб тузоққа туширади. Пистирмадан туриб душманнинг 200000 кишилик қўшинини ва шоҳнинг ўзининг ҳам ўлдиради. Бу ғалаба шуниси билан ҳам қизиққи, форсларга даҳшатли мағлубият ҳақида хабар берадиган бирорта хабарчи қолмади. Малика Кирнинг кесилган бошини мешни солишни буюрди ва унга қарата: «сен бир умрга қонга тўймадинг, энди қонга тўй»,- дейди [20].

Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг Кир II нинг ушбу юриши ҳақидаги ҳикояси янада аниқроқ. Унда скиф ўрнида массагет номи тилга олинади. Шунингдек, Кирнинг дарёдан бир кунлик йўл нарига бориб қароргоҳ курганлигини таъкидлайди [21].

Арман тарихчиси Мовсес Хоренаци Кир II билан тўқнашган массагетларни мазкут номи билан қайд қилади [22]. Византия тарихчиси Феофан Византийскийнинг хабарига кўра, Танаис дарёси шарқидаги турклар қадимда массагетлар деб аталган [23].

Салавкийлар давридаги Бобил коҳини Мардук Берос (аккадча исми Бел Уцур, мил. ав. 350-280) шоҳ Кир II нинг «Даха водийси»да ўз ажалини топганлигини ёзади [24]. Зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестода даха қабиласи тилга олинади. Ксерекснинг «Девларга қарши битиклар»ида ҳам даха қабиласининг номи учрайди [25]. Рим манбаларида мазкур қабила даха, юнонларда эса даи тарзида қайд этилади. Юнон тарихчиси Арриан Александр Македонскийнинг Сирдарёга юриши вақтида Сирдарё бўйларида яшовчи даи қабиласини тилга олади [26].

Страбон Ўрта Осиёда яшаган қабилалар ҳақида сўз юритар экан, қуйидагиларни ёзади: «Скифларнинг катта қисми Каспий денгизидан бошлаб даилар деб аталади. Ундан шарқда яшайдиганлари эса массагетлар ва саклар деб аталади». Бундан ташқари, Страбон Парфиядаги аршакий шоҳларининг келиб чиқиши хусусида «...Скифлардан бўлган Арсак Окс дарёси бўйида кўчиб юрувчи даиларнинг апарн деб аталувчи қабиласи билан бирга Парфияга ҳужум қилди ва уни босиб олди», дейди [27].

Мил. ав. 128-йилда Ўрта Осиёга келган хитой элчиси Чжан Цянь Дахя ўлкасини қайд этади. Унинг ёзишича, Дахя - Довон (Фарғона) дан жануби-ғарбда, Гуй-Шуй (Амударё) дарёсидан жанубда жойлашган [28]. Агар Дахянинг географик ўрнига эътибор берадиган бўлсак, бу ўлка қадимги Бақтрия ерларига тўғри келишига амин бўламиз.

Юқорида келтирилган тарихий манбаларга асосланиб, форс шоҳи Кир II ва массагет(даха)лар маликаси Тўмарис ўртасидаги тарихий жанг қадимги Бақтрия ерларида, аниқроғи, ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида, Кўҳитанг тоғининг ғарбий қисмлари, яъни, Тангидевон дараси ҳамда Хомкон атрофларида содир бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Негаки, Кўҳитанг тоғида фақат Тангидевондагина йирик кучларни жойлаштириш ҳамда душманни

тузоққа тушириш мумкин эди. Қолаверса, Амударёдаги Келиф кечувидан Хомконгача бўлган масофа бир кунлик йўл бўлган. Эътиборли томони, ушбу воқеалар халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топган [29].

Мил.авв. VI аср бошида Бақтрия Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган. Шу вақтдан бошлаб Бақтрия ўлкаси аҳамонийлар салтанатининг бутун сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлаган. Хусусан, Эсхилнинг «Форслар» трагедиясида бақтрия халқи деган ибора тилга олинади. Бу асар Афина театрларида милоддан аввалги 472 йилда саҳна асари сифатида ижро этилган. Асарда бақтриялик жасур жангчилар Тенагон ва Артам исмлари тилга олинган. Улар милоддан аввалги 480 йилда Саламин жангида ҳалок бўлишдилар ва шу оролда дафн этилдилар [30].

Аҳамонийларнинг Бақтриядаги ҳукмронлиги 200 йил давом этган. Милоддан аввалги 334 йилда Македония ҳукмдори Александр Македонский Шарқ мамлакатларини забт этиш учун ҳарбий сафарга чиқади. Юриш давомида аҳамонийлар Эрони таркибида бўлган Кичик Осиё, Фаластин, Сурия, Финикия, Миср, Бобил, Форс, Элам, Парфия сингари ўлкаларни забт этади. Милоддан аввалги 330 йилда у сўнгги аҳамоний Доро III ни таъқиб этиб Бақтрияга бостириб киради. Шу даврда Бақтрия сатрапи Бесс эди. У ўзининг аҳамонийлар сулоласидан эканлигидан фойдаланиб, Доро III ни хиёнаткорона равишда ўлдиради ҳамда Артаксеркс IV номи билан ўзини шоҳ деб эълон қилади. Юнон манбаларининг хабарига кўра, унинг ҳукмронлиги кўпга бормайди. Александр қўшинлари билан етиб келганлигини эшитган Бесс Бақтрани ташлаб Суғдиёна қочиб кетади. Александр Бақтрани эгаллади ва Доро III ни катта иззат-ҳурмат билан дафн этади. Кейин Окс (Амударё) дан ўтиб Бессни қўлга олади.

Александр Македонский милоддан аввалги 329-327 йилларда Ўрта Осиёни забт этиш учун кураш олиб борди. Унга қарши маҳаллий бақтрияликлар ва суғдийлар шиддатли қаршилик кўрсатдилар. Озодлик урушига жасур саркарда Спитамен бошчилик қилди. Милоддан аввалги 328 йилнинг кузида Спитамен ҳалок бўлгач, Александр Македонский Суғдиёна ва Жанубий Бақтриядаги қўзғолонларни бостиришга муваффақ бўлади.

Милоддан аввалги 327 йилнинг баҳорида Александр Ҳиндистонга юриш қилишга қарор қилди. Ундан олдин Шимолий Бақтриядаги бўйсундирилмаган вилоятларни забт этишга киришга киришди. Эрта баҳорда у Суғд қоясига келди. Сабаби, қалъага қўзғолон кўтарган кўпгина суғдийлар, шу жумладан, бақтриялик маҳаллий ҳоким Оксиарт хотини ва қизи билан бирга яширинишган эди. Агар қалъа олинса, суғдийлар сўнгги бошпанасидан маҳрум бўлишар эди. Шуни ҳисобга олган Александр нима қилиб бўлса ҳам қалъани олишга жазм этди.

Александр қояга келган вақтда у девордан ўтиб бўлмайдиган тик қояни кўрди. Маҳаллий аҳоли узоқ муддатли қамалга мўлжаллаб озуқа ғамлаб қўйган эди. Қалин қор ёғар, бу эса македонларнинг ҳужумини қийинлаштирар, мудофаачиларни мўл-кўл сув билан таъминлар эди. Шунга қарамай, Александр қалъани жанг билан олмоқчи бўлди. Александрнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифини улар кулгу билан қарши олишди. Шунда Александр кимда-ким қояга биринчи бўлиб чиқса 12 талант олтин мукофот олишини, иккинчи бўлиб чиққан иккинчи мукофотни, учинчи бўлган учинчи мукофотни ва шу тартибда олишларини айтди. Охирги чиққан 300 доройи олтин пул миқдорида мукофотни олиши белгиланди. Бу баёнот македонларни янада руҳлантирди. Қамал вақтида қояларда тирмашиб чиқадиган 300 кишини тўплашди. Қояга кўтарилган вақтда улардан 30 киши ҳалок бўлди. Қолганлар саҳар вақти қояга чиқиб қалъани ишғол қилишади. Буни кўрган мудофаачилар таслим бўлишдан ўзга чоралари қолмайди. Асирликка олинганлар орасида аёллар ва болалар кўп эди. Улар орасида Оксиартнинг хотини ва бўй етган қизи – Роксана ҳам бор эди. Александр жангчиларининг айтишича, Доронинг хотинидан кейин Осиёда бунданда гўзал қизни кўришмаган экан. Александр уни кўриб севиб қолади. У Роксанани асира сифатида ҳақорат қилишни истамайди ҳамда унга уйланишга қарор қилади. Бу хабарни эшитган Оксиарт анча руҳланди ва Александрнинг олдига келади. Александр уни яхши кутиб олди ва иззат-ҳурмат кўрсатди [31].

Сўғд қоясининг жойи аниқланмаган. Аммо Сўғдиёна билан чегарадош ҳудудда бўлганлигига қараганда, Кўҳитангтоғ ва Бойсунтоғ тизмалари туташган жойдаги тоғ қалъаларидан бирида жойлашганлигини тахмин қилиш мумкин. 2014 йили Кўҳитангтоғ шимолидаги Узундара қўрғонидан топилган икки дона бронза пайкон учи мил.ав. V-III аср бошларига хослиги аниқланган [32]. Қўрғоннинг табиий жойлашувидан келиб чиқиладиган бўлса, Сўғд қояси Узундара ўрнида бўлганлигини эҳтимолдан қочирмаслик лозим.

Александр Сўғд қоясини эгаллагач, паретакларга қарши юриш қилди. Парейтака – ҳозирги Бойсунтоғ ва Кўҳитангнинг тоғ олди ҳудудлари ҳамда Сурхондарё водийсида жойлашган қадимги ўлка номи [33]. Шу ном билан мазкур ҳудуд аҳолиси (парейтаклар) аталган. Бу ерда олиб бўлмас қалъа бўлиб, уни Хориен қалъаси деб аташган. Аррианда Хориен дейилганда қалъа бошлиғининг исми тушунилган [34]. Квинт Курций Руфда қалъа номи келтирилмайди, аммо унинг бошлиғи Сисимитр исмли қўмондон бўлганлиги қайд қилинади [35]. Худди шундай маълумот Страбонда ҳам келтирилади [36]. Диодор бу қалъани Аорн деб атаган [37]. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, Хориен ва Аорн қалъа номи, Сисимитра эса унинг қўмондони бўлганлигини тушуниш мумкин. Хориен қояси бу илк ўрта асрлар давридаги Аҳарун мулклигининг айнан ўзи бўлиб, Қоратоғдарё дарёси ҳавзасидаги ерлар, яъни ҳозирги Узун ва Сариосиё туманларининг тоғли шимолий қисмларини ўз ичига олади.

Александр қояни яхшилаб ўрганиб чиқди. Қоянинг баландлиги 20 стадий (бир юнон стадийси 178 метр), айланаси 60 стадий, ҳамма томондан тик бўлиб, унга фақат биттагина йўл бор эди, у ҳам бўлса тор ва ўтишга ноқулай эди. Қолаверса, қояни чуқур жар ўраб олган эди. Шунга қарамай, Александр уни олишга аҳд қилди. Аскарларни жардан ўтказиш учун тоғдаги баланд арчаларни кесиб, нарвон қилишни буюрди. Кундузи бу ишларга Александрнинг ўзи бошчилик қилар, кечалари тансоқчилари бўлмиш Пердикка, Леоннат ва Лаг ўғли Птолемей уни алмаштиришар эди. Қўшинини учга бўлди, ҳар бири навбати билан ишлар эди. Бутун қўшин ишласа ҳам кунига 20 тирсакдан ортиқ силжишолмаган. Шу тариқа, қоя устига чиқиб, қалъани камондан ўққа тута бошлашгач, Хориен Александр ҳузурига ўз чопарини жўнатди ва ундан ўз олдига Оксиартни жўнатишни сўради. Оксиарт олдига келиб, Хориенни таслим бўлишга кўндиради. Оксиартнинг сўзларига ишонган Хориен Александрнинг олдига келади ва унга қалъани топширади. Александр уни яхши қабул қилди. Қалъани кўрмоқ мақсадида 500 кишилик аскари билан у ерга кирди. Шундан сўнг Хориенга мазкур қалъани топширади.

Қамал вақтида Александрнинг аскарлари ноқулай об-ҳаво шароитлари (қор, совуқ, кучли шамол) ҳамда озиқ-овқат етишмовчилигидан қийналишган эди. Хориен қалъада тўпланган заҳирадан икки ойга етадиган озиқ-овқатни Александр аскарларига етказиб берди. Шунда у тўпланган заҳирадан ўндан бирини ҳам ишлатмаганини маълум қилди. Буни эшитган Александр уни янада ҳурмат қила бошлади. Негаки, Хориен мажбур бўлганидан эмас, балки ихтиёрий равишда қалъани топширган эди.

Бу ишлардан сўнг Александр Бақтрияга кетди. Кратер, Полиперхонт, Аттал ва Алкет исмли саркардаларини паретакларга қарши жўнатади. Паретакларга Катан ва Австан бошчилик қилиб, қуролини топширмаган сўнгги паретаклардан эди. Улар ўртасида жуда қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Катан жангда ҳалок бўлди. Паретаклардан 120 та отлиқ ва бир ярим минг пиёда ҳалок бўлди. Австанни асирликка олишиб Александрнинг олдига жўнатишди. Шундан кейин Кратер қўшин билан Бақтрияга йўл олади. Полиперхонт Бубакена ўлкасини забт этади [38]. Сўнгги тадқиқотларга кўра, бу ўлка Боботоғнинг ҳар икки томонидаги ҳудуд эканлиги аниқланган [39].

Александр Македонскийнинг босқини юртга катта талофат келтирди. Аҳолининг катта қисми қирилиб кетди. Кўпгина шаҳарлар вайрон этилиб, қайта тикланмади. Шунга қарамай, Александр босиб олинган ҳудудларда ўзига таянч пунктларни яратиш ҳамда эллин маданиятини ёйиш мақсадида шаҳарлар барпо эта бошлади. Уларга Юнонистондан кўчириб келтирилган аҳоли билан бир қаторда, юришга ярамай қолган аскарлар ва бошқа аҳоли жойлаштирилади. Македонский қурдирган шаҳарлар Александрия номи билан аталган.

Масалан, Александрия Эсхата (Сирдарё бўйида), Марғиёна Александрияси (Марв), Арея Алекандрияси (ҳозирги Ҳирот), Оксбўйи Александрияси ва бошқалар. Страбоннинг маълумотига кўра, Александр Бақтрия ва Сўғдиёнанинг ўзида 8 та шаҳар қурдирган [40]. Помпей Трогда эса, 7 та шаҳар қурилганлиги қайд этилади [41].

В.М.Массон ва В.А.Ромодиннинг таъкидлашича, Александрия номини олган шаҳарларнинг ҳаммасини ҳам Александр қурдирган эмас. Уларнинг кўпчилиги олдиндан мавжуд бўлган шаҳар ва қўрғонлар эди. Александр шунчаки уларнинг номини ўзгартирган [42]. Бундан кўринадики, Александр Македонский стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган қўрғонларни сақлаб қолган, уларнинг номини ўзгартириб, ўзига таянч пунктга айлантирган.

4. Хулоса:

Хулоса қиладиган бўлсак, Қадимги Бақтрия Ўрта Осиё ҳудудидаги энг қадимги давлат бирлашмаси ҳисобланади. Ёзма ва археологик маълумотларга асосан Қадимги Бақтрияда деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан ва шаҳарсозлик маданияти юксак даражада тараққий этганлигини кўриш мумкин. Бақтрия аҳолиси жуда бой ва ўзига хос маданиятни яратишга эриша олган. Бақтриянинг қудрати, бойлиги ва шон-шуҳрати қўшни ўлкаларга ҳам ёйилган эди. Шу сабаб бу ўлкани босиб олиш учун қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари бир неча бор ҳаракат қилиб кўришган. Уларнинг юришлари эса маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келган.

Албатта, Қадимги Бақтрия тарихи ҳақидаги манбалар анча тарқоқ. Лекин улар мазкур давлат тўғрисида тушунча ҳосил қилиш учун етарлидир. Қолаверса, Сурхон воҳасида Ўзбекистон ва чет эл олимлари томонидан ўтказилаётган илмий тадқиқотлар Қадимги Бақтрия тарихи бўйича кўпгина янгиликларни кашф этмоқда. Бу эса, ўлка тарихини янада чуқуррок ўрганиш имкониятини яратиб бермоқда.

**Иқтибослар/Сноски/Reference:**


1. Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. –Москва: Издательство МГУ, 1993. Книга VII, 4, 31. (Rufus Quintus Curtius. History of Alexander the Great. – Moscow: MGU, 1993. VII, 4, 31.)
2. Арриан. Поход Александра. –Москва: МИФ, 1993. книга III, 29, 1; книга IV, 16, 5-6. (Arrianus Flavius. Anabasis Alexandri. – Moscow: MIF, 1993. III, 29, 1; IV, 16, 5-6.)
3. Страбон. География. –Москва: Наука, 1964. Книга XI, 11, 2. (Strabon. Geographica. – Moscow: Nauka, 1964. XI, 11, 2.)
4. Темур тузуклари. Тошкент, 1991. –Б.24. (Temur's code. Tashkent, 1991. –P. 24.)
5. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). –Ташкент: Фан, 1990. –С. 29. (Pugachenkova G.A., Rtveladze E.V. Northern Bactria-Tokharistan. Essays on history and culture (antiquity and the Middle Ages). – Tashkent: Fan, 1990. –P. 29.)
6. Квинт, книга VII, 4, 26. (Quintus, VII, 4, 26.)
7. Krumbholz. Diodor's assyrische Geschichte, RhM, N. F., Bd. 41, 1886, c. 338.
8. Pyankov I.V. Ctesias about Zoroaster. Material culture of Tajikistan, vol. 1. Dushanbe, 1968. –P. 55-68. (Пьянков И. В. Ктесий о Зороастре. Материальная культура Таджикистана, вып. 1. Душанбе, 1968. –С. 55-68.)
9. Марк Юниан Юстин. Эпитома сочинения Помпея Трога «Historiae Philippicae». СПб. : Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2005. Книга I, 1, 9. (Marcus Junianus Justinus. Epitome of the Philippic History of Pompeius Trogus. SPb., 2005. I, 1, 9.)
10. Jacoby C. Ktesias und Diodor, eine Quellenuntersuchung von Diodor II, 1–34, RhM, N. F„ Bd. XXX, 1875, pp. 581–582.
11. Gilmore. The origin of the Semiramis legend, EHR, vol. II, 1887, pp. 731. (Gilmore. The origin of the Semiramis legend, EHR, vol. II, 1887, pp. 731.)

12. Дьяконов И. М. История Мидии. 1 книга, 2012, Баку: «Нагыл Еви». –С. 41-43, 60. (Dyakonov I. M. History of the Medes. 1 book, 2012. Baku: «Nagil Evi». –P. 41-43, 60.)
13. Jacoby C. Ktesias und Diodor, pp. 582–583.,
14. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э. — III в. н. э.). Ташкент, 1940. –С. 26-30. ( Ancient authors about Central Asia (VI century BC - III century AD). –Tashkent, 1940. –P. 26-30.)
15. Диодор Сицилийский. Историческая библиотека. –М. 2012, книга II, 2, 3. (Diodorus Siculus. The Library of History. – Moscow, 2012. II, 2, 3.)
16. Ксенофонт. Киропедия. –Москва: Наука, 1976. Книга I, 5, 2. (Xenophon. Cyropaedia. Moscow: Nauka, 1976. I, 5, 2.)
17. Арриан, VI, 24. (Arrian, VI, 24.)
18. Юстин, I, 1, 9–10. (Justinus, I, 1, 9–10.)
19. Дьяконов И. Ассиро-вавилонские источники по истории Урарту / Вестник древней истории, Москва, 1951, №2. –С. 335-336, NABL, №1240 (Dyakonov I. Assyrian-Babylonian sources on the history of Urartu // Vestnik drevney istorii. Moscow, 1951, №2. –P. 335-336, NABL, №1240)
20. Юстин, книга I, 8, 1-13. (Justinus, I, 8, 1-13.)
21. Геродот. История в девяти книгах. Ленинград: Наука, 1972. Книга 1, 205-214. (Herodotus. History in nine books. Leningrad: Nauka, 1972. I, 205-214.)
22. Мовсес Хоренаци. «История Армении» в трех частях рассказанная Мовсесом Хоренаци по просьбе Сахака Багратуни. Перевод с древнеармянского языка, введение и примечания Гагика Саркисяна. Ереван: Айастан, 1990, книга II, 13. (Movses Khorenatsi. «History of Armenia» in three parts narrated by Movses Khorenatsi at the request of Sahak Bagratuni. Translation from the ancient Armenian language, introduction and notes by Gagik Sargsyan. Yerevan: Ayastan, 1990, II, 13.)
23. Гафуров Б. Таджики. Том 1, Душанбе: Ирфон, 1989. –С. 261. (Gafurov B. Tajiks. Volume 1, Dushanbe: Irfon, 1989. –P. 261).
24. Тураев Б.А. История древнего Востока. Том II. Москва, 1935. –С. 118. (Turaev B.A. History of the Ancient East. Volume II. Moscow, 1935. –C. 118.)
25. Хрестоматия по истории древнего мира. Древний Восток, том 1, Москва, 1950. –С. 277. (Reader on the history of the ancient world. Ancient East, volume 1, Moscow, 1950. –P. 277.)
26. Арриан, книга III, 28, 8-10. (Arrian, III, 28, 8-10).
27. Страбон, книга XI, 8, 2; книга XI, 9, 2. (Strabon, XI, 8, 2; XI, 9, 2.)
28. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Изд. 2, Москва-Ленинград, том II, 1951. –С. 152. (Bichurin N. Ya. Collection of information about the peoples who lived in Central Asia in ancient times. Изд. 2, Moscow – Leningrad, volume II, 1951. –P. 152.)
29. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. Термиз: Сурхоннашр, 2018. –Б.104-105. (Umarov I. Badash: history and tradition. Termez: Surxonnashr, 2018. –P. 104-105.)
30. Эсхил. Трагедии. Москва: Искусство, 1978. –С. 306, 310. (Esxil. Tragedii. Moscow: Iskusstvo, 1978. –P. 306, 310).
31. Арриан, книга IV, 18, 19. (Arrian, IV, 18, 19).
32. Двуреченская Н.Д. Предварительные материалы археологических работ 2014 г. на крепости Узундара // Проблемы истории, культуры, филологии. №1. Издательство Магнитогорского Государственного Университета. 2015. –С. 132. (Dvurechenskaya N.D. Preliminary materials of archaeological work in 2014 at the Uzundara fortress // Problems of history, culture, philology. # 1. Magnitogorsk State University Publishing House. 2015. –P. 132.)
33. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. –С. 24. (Pugachenkova G.A., Rtveladze E.V. Northern Bactria-Tokharistan. –P. 24.)
34. Арриан, книга IV, 21, 1. (Arrian, 4, 21, 1)
35. Квинт Курций Руф, книга VIII, 2, 19-33 (Quintus, VIII, 2, 19-33)

36. Страбон, книга XI, 11, 4. (Strabon, XI, 11, 4.)
37. Диодор, книга XVII, LXXXV. (Diodor, XVII, LXXXV.)
38. Квинт Курций Руф, книга VIII, 5, 2. (Quintus, VIII, 5, 2.)
39. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1997. –Б. 33. (Annaev T., Shaydullaev Sh. Excerpts from the history of Surkhandarya. Tashkent, 1997. –P. 33.)
40. Страбон, книга XI, 11, 4. (Strabon, XI, 11, 4.)
41. Юстин, книга XII, 5, 13. (Justinus, XII, 5, 13.)
42. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том 1. Москва: Наука, 1964. –С. 91. (Masson V.M., Romodin V.A. History of Afghanistan. Volume 1. Moscow: Nauka, 1964. –P. 91.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Асадулло Олимжон ўғли Ҳасанов,**
НамДУ магистранти

## ФАРҒОНАНИНГ БИРИНЧИ ГУБЕРНАТОРИ

**For citation:** Asadullo O. Khasanov, THE FIRST GOVERNOR OF FERGANA. Look to the past. Special issue, pp. 133-138

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-18

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Фарғона губернаторлигининг биринчи губернатори М.Д. Скобелев мисолида Туркистондаги рус губернаторларнинг шахси ва фаолияти очиб беришга ҳаракат қилинган. М.Д. Скобелев шахсияти ривожида оилавий муҳитнинг роли, ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ғоя ва мафкуралари, таълим-тарбия ва бошқа омиллар илмий ва илмий-оммабоп манбалар ёрдамида таҳлил қилинган. М.Д. Скобелевнинг Ўрта Осиёда амалга оширган босқинчилик харакатлари ва унинг сирли ўлим тафсилотлари қиёсий солиштирилган.

**Калит сўзлар:** М.Д. Скобелев, “оқ генерал”, “Тарихи Азизий” асари, Скобелевлар оиласи, педагог Жерарде, босқинчи қўмондон.

---

**Асадулло Олимжанович Ҳасанов,**
Магистрант НамГУ

## ПЕРВЫЙ ГУБЕРНАТОР ФЕРГАНЫ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье делается попытка раскрыть личность и деятельность российских губернаторов в Туркестане на примере первого губернатора Ферганской губернаторской администрации М.Д. Скобелева. С использованием научных и популярных источников проанализированы роль семейного окружения в развитии личности Скобелева, социально-экономическая жизнь его времени, идеи и идеологии, образование и другие факторы. Сравниваются подробности агрессии Скобелева в Средней Азии и его загадочной смерти.

**Ключевые слова**: М.Д. Скобелев, “белый генерал”, книги “Тарихи Азизии”, семья Скобелевых, педагог Жерарде, агрессор.

---

**Asadullo O. Khasanov,**
Magistr of NamSU

## THE FIRST GOVERNOR OF FERGANA

**ABSTRACT**

This article tries to reveal the identity and activities of Russian governors in Turkestan on the example of the first governor of the Fergana governor's office, M.D Skobelev. The role of the family environment in the development of Skobelev's personality, socio-economic life of his time, ideas and ideologies, education and other factors were analyzed using scientific and popular

sources. Skobelev's aggression in Central Asia and the details of his mysterious death are compared.

**Index Terms:** M.D. Skobelev, "white general", the book "Tarixi Azizi", the Skobelev family, the teacher Gerard, the aggressor.

---

**1. Долзарблиги:**

1876-1917 йиллар мобайнида Фарғона вилоятини М.Д. Скобелев, А. Н. Абрамов, Н. А. Иванов, Н. И. Королков каби жами ўндан ортиқ губернаторлар томонидан бошқарилган. Уларнинг ҳар бири ўз даври учун лозим бўлган вазифасини сидқидилдан бажарган. Рус империяси манфаатларини таъминлашда жонбозлик кўрсатган. Маҳаллий аҳоли устидан диктаторлик ҳокимиятини амалга оширган. Озодлик ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостирган. Тарихимизда шу вақтга қадар уларнинг шахси ва фаолияти ҳақида ниҳоятда кам маълумотлар тақдим этилган. Айрим адабиётларда эса фақат бир томонлама босқинчи нуқтайи назаридан маълумотлар берилган, холос. Буни инкор этмаган ҳолда тарихийлик ва холислик нуқтайи назаридан Фарғонанинг биринчи губернатори мисолида ҳарбий губернаторлар ҳам ўз даврининг инсонлари бўлганлиги, уларнинг шахсияти ривожида оилавий муҳитнинг ўрни, ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ғоя ва мафкуралари таъсири мавжудлиги, улардаги босқинчилик кайфияти қай тарзда шаклланганлиги, Фарғона водийсидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий трансформацион ўзгаришларда уларнинг ҳиссаси нимадан иборат эканлигини ўрганиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Асосан рус ва хориж муаллифлари томонидан тадқиқ қилинган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Фарғона вилоятининг шаклланиши ва Қўқон хонлигини тугатишда жонбозлик кўрсатган рус босқинчи қўмондони Скобелев Михаил Дмитриевич (1843-1882) ҳақида турли хил манбаларда турлича фикрлар билдирилган. Рус манбаларида у "Оқ генерал", "Суворов тенглаштирилган қўмондон", "Скобелев – бу бутун армия!", "Ҳарбий даҳо" каби бир неча дабдабали номлар билан тилга олинган [1]. Шунингдек, уни "Миллий қаҳрамон", "Болгария халоскори" деб ҳам ҳисоблашади [2, Б. 179]. Лекин, унинг қиёфасига қараб "Исковулуб женерални Фарғона аҳли "Айрисоқол" дер эдилар" [3, Б. 334]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Скобелев рус халқи учун қанчалик қаҳрамон бўлса, Ўрта Осиё, хусусан ўзбек халқи учун шунчалик босқинчи бўлиб қолаверади. "Дунё славянларники, славянлар эса Россияники" дея таъкидлаган Скобелев ашаддий шовинист ва мустамлакачи сифатида Туркистондаги туб халқларга паст назар билан қараш орқали ўзига бу ерда "босқинчи ҳайкали"ни қўйди. Хусусан, 1876 йил Пўлатхон қўзғалонини бостириш давомида бир неча қишлоқларни кулини кўкка совурди. Андижонликлардан 20 минг одамни ўлдирди [4, Б. 44]. Хуршид Давроннинг у ҳақида келтирган қуйидаги маълумотлари ҳам унинг босқинчи қиёфасини кўрсатиб беришда муҳим манбадир. Унга кўра, "қонхўр генерал бошчилигидаги ёвуз гала ёндирилган, вайронага айлантирилган қишлоқларини ташлаб чиқиб, бошпана излаб юрган бир тўда тинч аҳолини учратиб қолади. Уларнинг қўлида яроқ йўқлигини, тўда асосан чоллар-у кампирлардан, аёллар-у болалардан иборат эканлигини кўра туриб, Скобелев қўл остидаги офицерлар — Наливкин билан Ионовга тинч аҳолини қириб ташлашни буюради. Шунда Наливкин бу қабиҳликдан бош тортиб: "Мен офицерман, курол ушлаган душман билан юзма-юз жанг қилишга ўрганганман. Тинч аҳолини қириш эса қўлимдан келмайди", деб жавоб беради. Ғазаби чиққан Скобелев Ионовни зуғумга олгач, у қўл остидаги саллотларни бошлаб, эмизукли болаларгача чопиб ташлайди. Мана шу воқеадан кейин Скобелев, "Наливкин ё жазога тортилсин ёки истеъфога чиқсин", деб туриб олади. Оқибатда, Наливкин истеъфога чиқишга мажбур бўлади" [4, Б. 44]. Скобелевнинг шафқатсизлиги ва жаллодлиги яна қуйидаги маълумотда ҳам кўринади. 1881 йил Кўктепа (Геоктепа) қалъаси ва

Денгилтепа рус аскарлари томонидан эгаллангач, Скобелевнинг буйруғи билан тирик қолган барча қалъа аҳолиси: 45000 киши (аёллар, қариялар, болалар) ёппасига қириб ташланган, уларнинг мол-мулки таланган ва Кўктепа ер билан яксон қилинган [5, Б. 670]. Умуман, Ўрта Осиёда у иштирок этган ҳар бир жангда ким бўлишидан қатъий назар албатта қирғин уюштириларди. Шунинг учун бизнинг тарихимизда ҳар доим унинг босқинчилик тарозиси бошқа хусусиятларига нисбатан оғир келаверади.

Тарихга зиддиятли шахс сифатида кирган М. Д. Скобелев 1843 йил 17 сентябрда Санк-Петербургда ҳарбийлар оиласида таваллуд топган. Отаси Дмитрий Иванович ва бобоси Иван Никитич Скобелевлар рус ҳарбий доираларида кўзга кўринган шахслардан бўлишган. Хусусан, бобоси Иван Никитич ўртамиёна оилада туғилиб, 14 ёшида аскарликка ёлланган [4, Б. 37]. 1812 йилги Ватан уруши қаҳрамони сифатида сержантлик рутбасидан генерал адютант даражасига етган. Кейинчалик Петропавлоск ҳарбий қалъасида инфантерия генерали унвони билан хизмат қилган [6, С. 74]. Отаси Дмитрий Иванович эса Қрим уруши (1853-1856) да кўрсатган жасоратлари учун “Авлиё Георгий” ордени 4-даражаси, “Анна” ордени 2-даражаси ва “Владимир” ордени 3-даражаси каби бир неча фахрли ҳарбий орденлар билан тақдирланган [7, С. 7]. Дмитрий Иванович нафақат ҳарбий сифатида, балки моҳир дипломат сифатида ҳам саройда яхши мавқега эга бўлган. Рус императори Александр II нинг шахсий қўриқчилари бошлиғи сифатида хизмат қилиб, подшога яқин кишилар даврасига кира олган [4, Б. 37]. М. Д. Скобелевнинг онаси Олга Николаевна ҳам ҳарбийлар оиласида тарбияланган аёл бўлган. Таркиби ана шундай ҳарбийлардан иборат оилада Михаилдан ташқари яна уч фарзанд мавжуд эди. Аммо уларнинг ҳаммаси қиз фарзанд бўлгани учун отаси Дмитрийнинг эътибори доимо ўғли Михаилда бўлар ва уни мард ва жасур қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратарди. Кичиклигида уйда қаттиққўл немис ўқитувчиси билан чиқиша олмаган Скобелев кейинчалик Париждаги Жерарде пансионатида таҳсил олди. Тажрибали педагог Жерарде ёш Скобелевни қалбига йўл топди. Париждаги 5 йиллик таҳсил давомида Скобелев 8 та европа тилида эркин сўзлаша оладиган даражага етди. Балзак, Г. Спенсер, Геймли каби европалик ёзувчилар асарларини ўқиди. Рус ёзувчиларидан Лермонтовга нисбатан ҳурмати анча баланд бўлди. Фортопиана чалиш санъатини ўрганди [7, С. 12]. Педагог Жерарде у ҳақидаги хотираларида қуйидаги маълумотларни эслаб ўтган: “Михаил Дмитриевич ҳақиқатан жуда ақлли, қўрқмас, қизиқувчан бола, ўз мустақил фикрига эга ва ўз истакларини амалга оширишга интилади”. Айни пайтда, Скобелевнинг ёвузликка нисбатан мойиллигини олдиндан сезган педагог Париждаги таҳсил ниҳоясида ўз фикрини “у ёмон тугатди, чунки у ақлдан озган” хулосаси билан якунлади [7, С. 13]. Демак, ундаги иқтидор салбий характер шаклланиши билан бирга давом этган. Улғайган сари психологияда юз берган инқироз аста-секин катталашган. Бу аввал қаттиққўл немис ўқитувчиси билан чиқиша олмасликда, кейин Париждаги таълим якунида кўзга ташланган. Унинг табиатида беқарорлик, шавқатсизлик устунлик кила бошлаган ва бу унинг кейинги хаёт йўлини белгилаб берган. Масалан, ўша давр воқеаларини ёритувчи маҳаллий манбалар “Ибратул-хавоқин” ва “Тарихи Азизий” асарларида Скобелевнинг шахси ва бошқарувдаги қаттиққўллик сиёсати ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд. “Тарихи Азизий”да ёзилишича, “…ниҳоятлик забту рафт (сиёсати) билан ҳар қандай иш тепасида ўзи турар эди. Бир даста отлиқ қозоқ ўрус бир туғли одам билан бирга юрадур. Шукуҳи рафтори мисли шамол гоҳ бу тарафга, гоҳо бошқа тарафга эсади. Гуноҳкор одамлар унинг сиёсатидан юраги садо қилиб туради ва ҳайбатидан амалдор ва фуқаро жонини қўлига олиб турарди” [8, Б. 42]. Бу маълумотдан унинг табиатидаги беқарорлик, яъни Жерарде таъбири билан айтганда, “ақлдан озганлик” сақланиб қолганлиги, бошқарувда асосан ҳарбий кучга таянганлиги ва маҳаллий аҳолини қўрқув остида ушлаб туриш орқали ўз ҳукмронлигини амалга ошириганлиги англашилади. Бир сўз билан айтганда, ёшликдаги оилавий ҳарбий муҳит ва самара бермаган таълим зиддиятли харбий шахсни етиштирди.

Скобелев 1861 йил Петербург университети математика факултетига имтиҳон топшириб, ўқишга кирди. Аммо бир ой ўтар-ўтмас, тўс-тўпалонда қатнашгани учун ўқишдан ҳайдалди [4, Б. 38]. Университет ҳаёти унга ҳеч нарса бермади. Ниҳоят, ўқишни ташлаб

хизматга киришга қарор қилди ва бунда отасининг таъсири ҳамда ёрдами унга жуда катта қўл келди. 1861 йил 22 ноябр куни ҳарбий хизматга кирар экан, у қуйидагича қасамёд қилди: "... бутун рус ерлари учун биз қон ва ҳаётимизни қурбон қиламиз" [7, С. 18]. Шу тариқа, Скобелевнинг бутун умр мазмунини белгилаб берган давр унинг ҳаётида шу куни бошланди. У ҳарбий хизмат пиллапояларидан аста-секин кўтарилиб борди. 1863 йил 20 ёшидаёқ Скобелев офицер унвонини олди. 1868 йил Бош штаб академиясини тугатган Скобелевни 1869 йилда Ўрта Осиёга ҳарбий ҳаракатлар учун юборишди. Ўрта Осиёга капитан унвони билан келган Скобелев 8 йил ичида генерал-маёр унвони билан Россияга қайтиб кетди [2, Б. 168-169]. Россия империясининг Туркистондаги босқинчилик урушларида фаол иштирок этган рус ҳарбий арбоби сифатида 1881 йил инфантерия генерали унвони билан тақдирланди [5, Б. 670]. Скобелев Хива хонлигини босиб олиш (1873) ва "Пўлатхон" қўзғолонини (1873-1876) бостиришда К. П. фон Кауфманнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири бўлди. Андижонни вайрон қилиб аҳолисига 3300 рубл товон тўлатди. Қўқон хонлиги тугатилгач, 1876 йил 19 февралда ташкил қилинган Фарғона вилоятининг биринчи ҳарбий губернатори қилиб тайинланди. 1876-1877 йилларда Фарғона ҳарбий губернатори сифатида ишлади. Туркистонда подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини жорий қилишда қатъий фаоллик кўрсатди. Скобелев ташаббуси билан вилоят маркази Қўқон шаҳридан Янги Марғилонга кўчириш таклифи илгари сурилди. Лекин, 1877-1878 йилларда Россия-Туркия уруши муносабати билан у Россияга қайтди. Уни ўрнини эгаллаган Самарқанд ҳарбий губернатори Абрамов Янги Марғилон қурилишига бошчилик қилиб, уни ниҳоясига етказди. "Скобелев иззатли яримподшо фармойишига мувофиқ ўрусия турадурган шаҳар қилмоқчи бўлиб, муносиб ерларни кўриб, тараддуд қилиб турган вақтда, генерал Скобелевни Истамбул урушига юбориш учун тилигром қилдилар. Шунда Самарқанд военний губернатори Абрамуф келгандан сўнгра Янги Марғилон шаҳрини бино қилдилар" [8, Б. 45].

Скобелевнинг ҳарбий муваффақиятлари шахсий ҳаёти билан доим ҳамоҳанг ривожланиб бормади. 1874 йил княгина Мария Николаевна билан оила қурган Скобелевнинг турмуши атиги 2 йил давом этди, холос. 1876 йил Туркистонни тарк этишдан олдин Скобелев аёли билан ажрашди. Бобосига ёзган хатида у "Менинг ҳаётим аёл киши учун эмас" [7, С. 21], дея тўғри эътироф этган эди. Скобелев 1882 йилда Санк-Петербургда фожиали ўлдирилди. Унинг ўлим сабаблари тўлиқ маълум эмас. Лекин, бунинг асосида янги ҳукмдор Александр III га қарши бўлганлиги ётиши мумкин. Хусусан, П. А. Кропоткин ўз хотираларида қуйидагиларни ёзган: "Лорис-Меликовни яқин дўстлари Лондонда эълон қилган ўлим қоғозидаги айрим маълумотларга кўра, Александр III тахтга чиқиб, маҳаллий сайловлар ўтказишни хоҳламагач, Скобелев Лорис-Меликов ва граф Игнатевга ҳукмдорни ҳибсга олиш ва конституция ҳақидаги манифестга имзо чекишга мажбур қилиш таклифини айтди. Кутилганидек, Игнатев бу ҳақида ҳукмдорни огоҳлантириб, эвазига ички ишлар вазири лавозимини олди" [9]. Шунингдек, яна бир тахминларга кўра, унинг ўлимида Германия агентюрасининг қўли борлигига ҳам ишора қилинади. Бу ҳақида ўша вақтда Франция бош вазири котиби бўлган Ж. Адам ўз ихтиёрида Скобелевни заҳарлаш учун Берлиндан юборилган икки суюқлик ҳужжатлари борлигини таъкидлайди [9]. Лекин, унинг ворислари архивдан бу ҳақида маълумотларни топа олишмаган. Шу маълумотлардан келиб чиқсак унинг ўлимида ҳам ички, ҳам ташқи кучлар маълум даражада рол ўйнаганлиги англашилади. Ички сиёсатда либерал қарашларни ёқлагани ёки янги императорга итоат этишни хоҳламагани учун, ташқи сиёсатда панславянизм ғоясини ҳимоя қилиб, немис сиёсатига қарши бўлгани учун у сиёсий қотиллик қурбони бўлган.

**4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, М.Д. Скобелевнинг ҳарбий фаолиятга қизиқиши ва ушбу соҳага кириб келиши унинг оилавий муҳити билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Ота-онасининг ҳарбийлар авлодидан эканлиги М.Д. Скобелевнинг ҳарбий соҳада юқори натижаларга эришишида асосий ўрин эгаллади. Париж таҳсили давомида бир қатор ижобий хислатлар шаклланиши кузатилди. Лекин, Париж таълимининг якуни ва кейинчалик университетда у ўзининг ҳарбийларга хос қаттиққўллик ва шафқатсизлик, исёнкорлик хислатларини намоён

қилди. Ҳарбий соҳага қалбан меҳр билан кириб келди. Панславянизм учун сидқидилдан хизмат қилди. Худди шу ғоя унинг славянлардан бошқа барча халқларга нисбатан паст назар билан қараш табиатини шакллантирди. Ўрта Осиёдаги маҳаллий аҳолини аёвсиз қирғин қилишига асос бўлди. Ҳарбий соҳа учун ҳатто шахсий ҳаётдан ҳам воз кечди. Барчасининг эвазига ҳарбийликда ўзи орзу қилган даражаларга кўтарилди. Лекин, охири фожиали ўлим топди. Умуман, салкам 40 йиллик умрини 19 йилини рус ҳарбий хизматига сафарбар этган Скобелев жами 70 та жангда иштирок этиб [10, С. 2], Россия тарихида қаҳрамон сифатида эсланадиган тарихий шахсга айланди. 1912 йилдаёқ Москвада унинг шарафига монументал ҳайкал ўрнатилди. Шу йили Фарғона вилоятининг Марғилон уездига ҳам Скобелев номи берилди, лекин кўп ҳолларда уезднинг эски номи қўлланилди [11, Б. 25]. Фарғона вилоятининг маъмурий маркази бўлган Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона) шаҳри 1907-1924 йилларда Скобелев номи билан аталди. Ҳозирги Россия Федерацияси ҳукуматининг ташаббуси билан унинг шарафига бир неча ёдгорлик мажмуалари барпо этилди. 2018 йилда Скобелевнинг 175 йиллик юбилейи Россия миқёсида кенг нишонланди.

Айни пайтда унинг босқинчилик юришларидаги харбийларга хос бўлмаган шавқатсизлиги тарихда унинг шахсига нисбатан ўзига хос доғ бўлиб тушди. Ватанимиз тарихида “босқинчи” номи билан қолишига сабаб бўлди. Унинг харбийлиги рус империалистларини нечоғлик мағрурлантирса, босқинчилиги мустамлакачи халқларни шу қадар ғазаблантиради. Ва албатта, уларнинг бунга тўла ҳаққи хам бор.

**Иқтибослар/ Сноски/ References:**

1. М. Д. Скобелев. Этюдь по характеристике нашего времени и его героевъ. –Санк-Петербургъ, 1884. (M.D. Skobelev. A study on the characteristics of our time and its heroes. Saint Petersburg, 1884); Скобелев Историческая справка. Из Энциклопедического словаря. Изд. Брокгауза и Ефрона. Т. 56, СПб., 1890. (Skobelev Historical reference. From the Encyclopedic Dictionary. ed. Brockhaus and Efron. Vol. 56, SPb.,1890); Костин Б. Скобелев. –Москва: “Патриот”, 1990. (Kostin B. Skobelev. -Moscow: “Patriot”, 1990); Шолохов А. Б. Генерал от инфантерии М. Д. Скобелев: “Силы не может быть вне народа” // Военно-исторический журнал. –Москва, 2018. -№9. (Sholokhov A. B. General of Infantry M. D. Skobelev: “There can be no power outside of the people” // Military-historical journal. –Moscow, 2018. -№9); Русин Э. В. Идеи генерала М.Д. Скобелева о России, политике, войне, армии и военном деле // Вестник адюнкта. –Москва, 2018. va boshqalar. (Rusin E. V. General M. D. Skobelev's ideas about Russia, politics, war, the army and military affairs // Bulletin of the adjunct. –Moscow, 2018) and others
2. Ўзбекистон тарихи 1-китоб / Содиқов Ҳ. ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2000. (History of Uzbekistan Vol.1 / by Sadikov H. and oth.) –Tashkent: Sharq, 2000.
3. Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул-хавоқин. –Тошкент, 2014. (Niyaz Muhammad Kokandi. Ibrat ul-khavokin. –Tashkent, 2014.)
4. Фитна санъати. 1-китоб –Т.: Фан, 1993. (The book Conspiracy art. Vol. 1 –Tashkent: Fan, 1993.)
5. Ўзбекистон Миллий Энсклопедияси. 7-жилд. –Т.: “Ўзбекистон Миллий Энсклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. (National Encyclopedia Of Uzbekistan Vol. 7 –Tashkent, 2004.)
6. Шолохов А. Б. Генерал от инфантерии М. Д. Скобелев: “Силы не может быть вне народа” // Военно-исторический журнал. –Москва, 2018. -№9 (Sholokhov A. B. General of Infantry M. D. Skobelev: “There can be no power outside of the people” // Military-historical journal. –Moscow, 2018. -№9)
7. Костин Б. Скобелев. –Москва: “Патриот”, 1990. (Kostin B. Skobelev. -Moscow: “Patriot”, 1990)
8. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. –Т.: Маънавият, 1999. (Muhammad Aziz Margilani. Tarixi Azizi. –Tashkent: Manaviyat, 1999.)

9. Шолохов А.Б. Загадка смерти генерала Скобелева. http://modernlib.m/books/sholohov_andrey_borisovich/zagadka_smerti_generala_skobeleva/read (Sholokhov A. B. The mystery of the death of General Skobelev. http://modernlib.m/books/sholohov_andrey_borisovich/zagadka_smerti_generala_skobeleva/read)
10. К 175-летию со дня рождения М.Д. Скобелева // Военно-исторический журнал. – Москва, 2018. -№9. (To the 175th anniversary of the birth of M. D. Skobelev // Military-historical journal. –Moscow, 2018. -№9)
11. Қурбанова Н. Н. Чоризмнинг Туркистондаги аграр сиёсати ва унга қарши кураш (Фарғона вилояти мисолида) т.ф.н. дисс… – Андижон, 2011. (Kurbanova N. N. The agrarian policy of csarism in Turkistan and the fight against it (on the example of Fergana region) Abstract. diss. ... cand. historical science. –Andijan, 2011. )

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**Aziza Marksovna Aminova,**
Navoiy davlat pedagogika instituti
тarix fanlari bo'yicha PhD
G-mail: aziza-marksovna@bk.ru

## QIZILQUM MARKAZIDAGI TOSH SHAHARCHA

**For citation:** Aziza M.Aminova, A STONE TOWN IN THE CENTER OF KYZYLKUM. Look to the past. Special issue, pp. 139-142

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-19**

**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada tabiiy resurslarga boy mintaqalarning iqtisodiy salohiyatini aniqlash va ular asosida yangi shaharlarni yaratishga, shuningdek, tabiiy resurslarga boy bo'lgan G'azgan shahrini yaratishga qaratilgan O'zbekistonning davlat siyosati ta'kidlangan. Manba materiallari asosida tarixiy o'tmishi, etnik tarkibi, iqtisodiy hayoti va mustaqillik davrida mamlakatning iqtisodiy rivojlanishida G'azgan marmarining o'rni to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** marmar, klaster, tojiklar, boyliklar, barq, metro, depozit, dekorativ, chorvachilik, sug'oriladigan dehqonchilik, konlar, hunarmandlar.

---

**Азиза Марксовна Аминова,**
Навоийский государственный педагогический институт
кандидат исторических наук
G-mail: aziza-marksovna@bk.ru

## КАМЕННЫЙ ГОРОД В ЦЕНТРЕ КЫЗЫЛКУМОВ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье освещена государственная политика Узбекистана, направленная на определение экономического потенциала богатых ресурсами регионов и создание на их основе новых городов, а также создании города Газган, одного из богатейших природными ресурсами районов. На основе источниковых материалов приведены сведения исторического прошлого, этнического состава, хозяйственной жизни и роли газганского мрамора в экономическом развитии страны в период независимости.

**Ключевые слова:** мрамор, кластер, таджики, ресурсы, курган, метро, месторождение, декоративное, животноводство, орошаемое земледелие, залежи, мастера.

---

**Aziza M. Aminova,**
Navoi state pedagogical institute
PhD of History
G-mail: aziza-marksovna@bk.ru

# A STONE TOWN IN THE CENTER OF KYZYLKUM

**ABSTRACT**

This article highlights the state policy of Uzbekistan's aimed at determining the economic potential of regions which are rich in resources and exploring new cities on their basis, as well as creating the city of Gazgan, one of the richest regions in natural resources , its historical past, ethnic composition, and economic life. Based on source materials, information is provided on the role of Gazgan marble in the economic development of the country during the period of independence.

**Index Terms:** marble, cluster, tajiks, resources, barrow, metro, deposit, decorative, animal husbandry, irrigated agriculture, deposits, craftsmen.

---

**1.Relevance:**

Small towns are a large category of urban settlements in modern Uzbekistan, and some of them occupy a stable position in the socio-economic development of the country, have a rich history. For a quarter of a century, Uzbekistan's strategic policy has focused primarily on large cities. With the adoption of the "Action Strategy" in 2017, tasks of primary importance were identified, including the adoption of systematic measures to improve the quality of rural infrastructure and bring the service sector to the most extreme corners of our country.

By the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-3301 of September 29, 2017, in order to ensure the comprehensive development and strengthening of economic potential, as well as further increase the level of Tamdyn, Uchkuduk, Kenimeh, Nurata districts and the city of Zarafshan of Navoi region, it was planned to create new competitive industries, develop the livestock industry, road transport, engineering, communication and social infrastructure, etc. in order to effectively use the natural, industrial and labor resources available in the region. Only in the field of industrial production, it was planned to create 144 enterprises, including construction ones with the involvement of foreign partners (1).

In March 2019, President of the country Shavkat Mirziyoyev, during a visit to Navoi region, proposed to conduct a railway junction in the village of Gazgan, a region rich in decorative marble stones, with further expansion of the infrastructure of the village to urban significance. By the resolution of the Oliy Majlis of May 2, 2019 No. 2491-III, and of May 3, 2019 No. PS-419-III, the urban-type settlement of Gazgan settlement of Nuratinsky district was transformed into a city and included in the category of cities of regional subordination. In September it was accepted by the Cabinet of Ministers on education Khokimiyat of the city of Gazgan (2).

**2. Methods:**

The theoretical and methodological base of the research was generally accepted principles of scientific and historical knowledge: first, the principle of historicism, which requires you to consider the events and facts in the historical development in the relationship; second, the principle of objectivity based on the unbiased study of historical processes.

**3.The results of the study:**

The history of the Gazgan area as part of the Nurata oasis dates back to the oldest period. The location of the territory on one of the branches of the Great Silk Road, opened up wide opportunities for the development of trade. The geographical location and historical background influenced the cultural and spiritual development of the region. The conquest of the region by Alexander the Great, the Turkic tribes, the Arab conquerors and the army of Genghis Khan had an impact on the ethnic formation of the population of the region.

For many centuries, ethnic groups were formed on the territory of the Nurata oasis, mainly from Tajiks, Turkmens and Uzbeks. Since the X century, the territory began to be developed by Turkmens, and later the Khorezm and Syrdarya Turkmens moved here.(3). The final stage in the formation of the ethnogenesis of the population of the Nurata oasis occurred in the IX-XI centuries, when the region became part of the Karakhanid state, and since the XVI century, Uzbek tribes began to move to the territory of the oasis: Mangyt, Naimans, Zhaloirs, Miroshkorov, Mingov, etc.

The characteristic of complex ethnic processes, as well as the economic life of the steppe regions of the Central Asian mesopotamia of the late XIX-early XX centuries, is given in his research by B. Kh.Karmysheva.(4)

For a long period of time, the resettled tribes led a semi-sedentary lifestyle, mainly engaged in animal husbandry. The inhabitants of the oasis maintained close trade relations with the nomadic Kazakhs and descendants of the Karakalpaks living in the Kyzylkum steppes, and later settled the territory of the Nurata oasis. The population of the Nuratinsky oasis formed specific farming practices only for this region with the use of river, flood, and wastewater. At the foot of the mountains and along the streams, the Uzbeks and Tajiks began farming for the first time using local irrigation. The semi-nomadic population of the region, mainly from Turkmens, Karakalpaks, and Kazakhs, was engaged in sheep and goat breeding in the steppe part of the oasis.

For many years, a clay mound built by human hands stood in the center of Gazgan, and, according to academician Yakhe Gulyamov, these mounds performed a protective role and in the event of an attack on the area on the surface of the mound, they lit a fire in order to warn about the invasion of enemies.

Located 36 kilometers from the center of Nurata, the area rich in marble deposits in the 30s was discovered by Petrov, and in 1939 the first marble factory was built. In 1975, Gazgan received the status of an urban-type settlement. Since 1970, quarries have been developed by the "Samarkand-Marble" software under the Ministry of Industrial Construction Materials of the Uzbek SSR. (5).During the Soviet era, high-quality marble was used in the construction of the Moscow Metro station, as well as metro stations in the cities of Leningrad, Kiev, Tbilisi, Baku, Yerevan, Minsk, Gorky, Sverdlovsk, Novosibirsk, and Tashkent. In the design of the Tretyakov Gallery in Moscow, the Tashkent Opera and Ballet Theater, etc. (6).

Gazgan marble decorated not only the walls of famous buildings and the metro, in the Middle Ages, Gazgan marble was used to make marble dishes that adorn the refectory tables of Bukhara emirs. Their value was also determined by the fact that they had antimicrobial properties. The Arka museums of Bukhara and the Sitorai Mokhi Khosa ensemble store up to 400 marble dishes, mainly from the Gazgan deposit.(7,42)

The Gazgan area is also famous for its famous skilled mountain craftsmen, Mahmud Gazganiy, usta Tukhtamurad, Usta Umr, usta Bobomurad, usta Rustam. Among them is master Abdurahimzhan, who became famous among the people during the Soviet era for his freedom-loving statements. His skillful hands and ardent temper attracted the attention of Fayzulla Khodzhayev, the leader of the Turkestan revolution. But after the announcement of F.Khodzhayev was an enemy of the people, and Abdurahimzhan was put in the Nurata prison and charged with treason against the Soviet government, just because he was close to Khodzhayev. (7,80).

During the years of independence, up to 20 deposits of marble, 15 of granite and gabbro were discovered in the republic. In terms of natural stone reserves, Uzbekistan ranks second among the CIS countries after Russia, and Gazgan marble occupies a special place among them. The growing demand for decorative stones, both in the domestic and foreign markets, has opened up great opportunities for the development of the region in recent years. In Gazgan, they began to produce marble with a wide range of color shades, including white, yellowish, gray-yellow, orange, reddish, a total of 35 colors. Over the years of actual marble production, the deposit has worked out barely 1/1000 of its reserves. In Gazgan on 6 hectares of steppe land for 10 billion rubles. Sumy was built a modern construction facility for the processing and production of high-quality marble slabs and on its basis the unitary enterprise "Marmarabad"was established. The company was equipped with foreign technology for 655.5 thousand dollars, which ensured the processing of 24 thousand square meters of granite per year.(9)

In March 2019, at the initiative of the President of the Republic Shavkat Mirziyoyev, in order to provide the domestic market with high-quality import-substituting products, a cluster for the extraction and processing of Gazgan marble is being created on 37 hectares of steppe land, including the implementation of 14 projects worth $ 52 million. The enterprise "Marmarabad" became the main link of this cluster. The annual capacity of the cluster includes the extraction of

natural stones up to 70 thousand cubic meters and processing up to 800 thousand square meters. As part of the cluster, 10 industrial buildings for entrepreneurs, training, service, small shopping centers, as well as centers for banking services were built. (10)

**4. Conclusion:**

The modification of the appearance of district areas and their inclusion in the city system are among the important public system works in modern Uzbekistan and are one of the key aspects of modernization. The state policy aimed at the development of the sectoral territorial structure of the economy, measures to increase the volume of construction of factories and factories, housing, roads and irrigation facilities and the use of modern high-quality building materials in the construction leads to the fact that the importance of areas rich in deposits of natural stones and mineral resources is growing. As a result, Gazgan was transformed into a city of regional subordination and joint ventures and clusters were created on its territory. The opening of new production facilities, social and production infrastructures allowed us to provide jobs for more than 900 people in a short period of time. The extensive production and sale of decorative stones in the domestic and foreign markets has had a significant impact on improving the well-being of the population not only of the Nurata oasis, but also of the entire Navoi region.

**Iqtiboslar/Сноски/References:**

1. National Database of Legislation, 30.09.2017, No. 07/17/3301/0040
2. Газета.uz.
3. Gundogdiev O. "Turkmens and peoples of the world" // Posted 31st July 2015 by Turkmen Taryh.
4. Karmysheva B. H. "Nomadic steppe" of Transoxiana and its population in the late XIX-early XX century.//Soviet Ethnography, 1980, No. 1, pp. 46-55.
5. Barsky A., Khodzhaev K. Natural facing stones of Uzbekistan. T., 1976. -107 p.
6. Mountain Encyclopedia/ / academic. ru
7. Asatov R. Gozgonnoma.T: Navruz,2003. - B. 42.
8. Salimov T. Nurota va Nurotaliklar. T.: Universitet, 2019. - B. 7.
9. uza.uz
10. Gregory Gleason. The Central Asian States. Discovering Independence. – Westview Press. Boulder, Colorado, 1997. – 480 p.

# ЎТМИШГА НАЗАР
# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
# LOOK TO THE PAST

**ИНТЕРВЬЮ ВА СУҲБАТЛАР РУКНИ (ОҒЗАКИ ТАРИХ)**

**Сайфуллаев Бехруз Дилшод ўғли**
Тошкент давлат транспорт унверситети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси
мустақил тадқиқотчиси

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН: ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ, АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧ АСОСИДА МУСТАҲКАМЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-20

Тошкент давлат транспорт унверситети “Ижтимоий фанлар” кафедрасида олиб борилаётган “Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи (1991-2019)” мавзусидаги докторлик диссертацияси (PhD) доирасида фахрий дипломатлардан бири, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги биринчи Фавқулодда ва Мухтор элчиси С.М.Мирқосимов билан суҳбат (интервью) ташкил қилинди.

**С.М.Мирқосимов ҳақида:**

С.М.Мирқосимов 1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1963 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Меҳнат фаолияти давомида Собиқ Иттифоқнинг Калькутта шаҳридаги Бош консулхонасида вице-консул лавозимида, Собиқ Иттифоқнинг Деҳли шаҳридаги элчихонасида икки муддат турли дипломатик лавозимларда, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар бўйича Ўзбекистон жамияти (кейинчалик Хорижий давлатлар билан маданий ва гуманитар алоқалар Ассоциация)да Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 1993-1997 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатида фаолият юритган. 1998-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Ташқи сиёсат ва дипломатия” кафедраси профессори в.б. лавозимида ишлади.

1998 йилдан 2019 йилгача Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлажак сиёсатшунос ва дипломатларга “Дипломатик протокол ва этикет”, “Дипломатия тарихи” ҳамда “Дипломатик музокаралар” фанларидан дарс бериб келган. Ҳозирда нафақада.

***(1) Савол: Ҳурматли, Суръат Мирхожиевич сиз, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги биринчи Фавқулотда ва Мухтор элчиси сифатида 1993-1997 йилларда фаолият юритдингиз. Бу давр оралиғида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар, туризм соҳаларда алоқаларнинг ривожланишига бевосита ҳисса қўшиб келгансиз. Марҳамат, элчилик йилларингиздаги Ҳиндистон билан боғлиқ хотираларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?***

**Жавоб:** Саволингиз жуда ҳам ўринли бўлиб, менга умримнинг мазмунли даврларини ёдга олишга ундади. Менинг дипломат бўлиш орзуйим талабалик давримда пайдо бўлган. Шарқшунос бўлишга, яъни ҳиндшунос бўлишга эса 1955-йил Жавахарлал Неру ва қизи

Индира Гандининг Совет Иттифоқига ташрифи сабаб бўлган. У вақтларда самолётлар узоқ вақт уча олмаганлиги сабабли улар 3 кун Ўзбекистонда бўлишган. Ўзбекистонга келишларининг биринчи кунида Жавахарлал Неру ўзининг расмий кийимида самолётдан тушганида Совет Иттифоқи ва ҳинд элининг журналистлари интервью олиш мақсадида кутиб туришганди. Шу вақтда Совет Иттифоқи журналисти Жавахарлал Неруга Ўзбекистонга сафарингиз тўғрисида таассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз, деганларида, Жавахарлал Неру: “Мен Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғулиб ўсган юртда турганлигимдан беҳад хурсандман”,- деб айтганди. Жавахарлал Нерунинг Бобур тўғрисидаги айтган фикрларидан сўнг, менда шарқшунос, ҳиндшунос бўлиш орзуси пайдо бўлган.

Мен бу янгиликлар билан илк бор кинотеатрда бадиий фильмларни намойиш этишдан олдин кўрсатиладиган “Ҳафта янгиликлари” ҳужжатли фильмлари орқали танишганман. 1957-йилда мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент давлат унверситети шарқшунослик факультетининг ҳиндшунослик кафедрасига ўқишга кирдим. Талабаликнинг 2-босқич йилларида шарқшунослик факультети декани, профессор, собиқ дипломат Латиф Мақсудов бизни Москвадан келган турли давлатларнинг элчилари билан учраштириб турардилар. Латиф Мақсудовнинг ўзлари унверситетдаги фаолятларидан олдин Совет Иттифоқининг Африка давлатлардаги элчиси бўлиб ишлаганлар. Кунларнинг бирида устозимиз бизни Ҳиндистон элчиси К.П.С. Менон жаноблари билан факультет залида бўладиган учрашга таклиф қилдилар. Бу воқеа, ўшанда, менда келажакда дипломат бўлиш, қолаверса, элчи даражасига кўтарилиш орзу-истагини уйғотди. Шунда ўз олдимга элчи бўлишни қатъий мақсад қилиб қўйдим.

Талабаликнинг 4-босқич даврида мен Покистонда Совет Иттифоқи ва Покистон ўртасида тузилган нефтъ ва газни излаш қўшма компаниясида  таржимон сифатида ишлаб келдим. Қайтиб келганимдан сўнг Тошкент радиосида чет элларга эшиттириш бўлимида муҳаррир сифатида 3 ой фаолият юритдим. Шундан сўнг, 1967-йилдан то 1969-йилгача “Чет давлатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти”да бўлим бошлиғи сифатида фаолият юритдим. 1969-йилдан Деҳлида 2 йил давомида элчихонанинг маданият бўлимида таржимон-ходим сифатида ишладим. 1971-йилдан Ҳиндистоннинг маданият шахри ҳисобланган Калкуттадаги Совет Иттифоқининг Бош консулхонасида маданий ишлар бўйича вице консул этиб тайинланиб, иккинчи даражали дипломат унвонида 4 йил хизмат қилдим. Ўзбекистонга қайтиб келгандан сўнг, “Чет давлатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти”да фаолиятимни давом эттирдим. Бу йилларда Германия, Кипр, Ироқ, Финландия ва Испания шаҳарларида Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилди.

У вақтларда Совет Иттифоқидаги давлатларнинг ташқи сиёсати билан фақат Москва шуғулланарди. Ўзбекистон-Ҳиндистон, Ўзбекистон-Покистон, Ўзбекистон-Америка каби дўстлик жамиятлари орқали давлатлар билан алоқалар қилиш мумкин эди. Давлатлардаги Маданий тадбирлар “Совет Иттифоқининг маданият кунлари Ўзбекистон мисолида” шиори остида ўтказиларди. 1979-йилда АҚШ нинг 9 та штатида Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилди. “Бахор” ансамбли қатнашувида ўтган маданият кунларининг очилиш маросими Нью-Йорк шаҳрида Жаҳон савдо маркази жойлашган 110 этажлик икки эгизак биноларнинг катта залида тантанали равишда ўтган. 1982-1985-йилларда 2 марта Совет Иттифоқининг Ҳиндистондаги элчихонасида 1-котиб лавозимида ишладим. Ўзбекистонга қайтиб келгандан сўнг, фаолятимни яна “Чет давлатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида” давом эттирдим.

1991-йил 31-августда мустақиллигимиз эълон қилинганидан кейин, 1991 йил 26-декабрда Ҳиндистон биринчилар қаторида Ўзбекистон суверенитетини эътироф этиб, 1992 йил 18-мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги 1993-йил 15-декабрь куни мени Ҳиндистонга элчи қилиб тайинлади. Шу йилнинг 20-декабрь куни Ҳиндистонга жўнаб кетдим ва Ўзбекистон Республикасининг элчиси сифатида фаолиятимни бошладим. Элчилик йилларимда ҳар йили ватанимиз, унинг тарихий шаҳарлари, муқаддас қадамжолари ҳақида оммавий ахборот воситаларида жуда кўп чиқишлар қилиб, интервюлар берардим. Элчилигимдаги асосий мақсад Ўзбекистонни, унинг иқтисодий, маданий, туризм, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги имконятлари юқорилигини ҳинд халқига таништириш эди. Фаолиятимнинг биринчи йилида 1000 та бизнесмен ва инвесторларга Ўзбекистонга келишлари учун имконият яратгандик. Саволингизга хулоса қилиб айтганда, элчилик фаолятим даврида энг аввало халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келдим. Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж. Неру айтганларидек, дипломатияда давлатлар ўртасидаги ҳар қандай соҳадаги муносабатларнинг ривожланишида улар ўртасидаги ишонч муҳим рол ўйнайди.



***(2) Савол: Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқаларининг ривожланиб боришига аввало иккала давлатнинг ташқи сиёсатидаги қарашларнинг бир-бирига ҳамоҳанг эканлиги асосий ўринни эгаллайди. Шу ўринда, Ҳиндистон ташқи сиёсатида 1955 йил Бандунг конференциясида қабул қилинган "Панча Шила"–тинч-тотув яшашнинг беш принципининг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз?***

**Жавоб:** 2019-йил 2-октябрда ҳинд халқининг буюк отаси Маҳатма Гандининг таваллуд топган кунининг 150 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу инсоннинг озодлик ҳаракати бошқарувидаги тамойили куч ишлатмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш эди. Ҳиндистон 1947-йил 15- августда Буюк Британя мустамлакачилигидан озод бўлиб, мустақил бўлгандан сўнг, Бош вазир Жаваҳарлал Неру Маҳатма Гандининг ғоялари асосида ташқи сиёсатда ўзининг "Панча Шила" дастурини ишлаб чиқди. Биринчи маротаба Панча Шила Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги Тибет ҳудудида савдо алоқларини ривожлантириш мақсадида 1954-йилда тузилган шартномада эълон қилинган эди. Панча Шила (Беш тамойилдан ) иборат Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асоси бўлиб, у қуйидаги тамойиллардан иборат:

1. Давлатларнинг ҳудудий бирлигини ҳурмат қилиш.
2. Бир-бирига ҳужум қилмаслик.
3. Давлатларнинг бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик.
4. Давлатлар ўртасида ўзаро тенглик ва ҳурмат.
5. Тинч-тотувлик яшаш ва ўзаро дўстона алоқаларниш.

Кейинчалик, бу принциплар Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг тарқалди. Жумладан, Индонезия Президенти Сукарно ҳам ўз ташқи сиёсатида ушбу принциплардан фойдаланган. 1955-йилда Ҳиндистон ва Индонезия давлат раҳбарлари ташаббуси билан ўтган Бандунг конференциясида 29 та мамлакат, кейинчалик 113 та давлатлар Панча Шилани принципларига асосланган декларатцияни қабул қилишган. Бу даврда СССР ва социалистик давлатлар Варшава иттифоқини, Америка ва Ғарб давлатлари НАТО ҳарбий блокларини тузиб, унга аъзо бўлишганди. Ҳиндистон эса, Панча Шила принципи асосида ҳарбий блокларга қўшилмасдан, ташқи давлатлар билан дўстона алоқларни ривожлантириб борди.

***(3) Савол:*** ***Биламизки, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар милоддан аввалги I мингйилликларга бориб тақалади. Дунё цвилизацияси тамаддунига ҳисса қўшган Буюк ипак йўлида икки мамлакат ўртасида муносабатлар ривожланиб борган ва тарихнинг ҳеч бир даврларида ушбу алоқалар тўхтаб қолмаган. Келинг, энди, мустақиллигимиздан кейинги икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз? Хусусан, элчилик йилларингизда Ҳиндистонда Ўзбекистонга бағишлаб қандай маданий тадбирлар ташкил этилган?***

**Жавоб:** Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида маданий-дипломатик алоқалар устувор аҳамият касб этади. Албатта, давлатларни бир-бирига яқинлаштирадиган, улар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайдиган куч маданиятларнинг муштараклиги ҳисобланади. Бевосита Ўзбекистон ва Ҳиндистон мисолида ҳам шундай муштаракликни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги биринчи элчиси сифатида ишлаб юрган давримда буюк шоирларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобурнинг ғазаллари, рубойилари тўпламлари урду, ҳинд тилларида китоб қилиб нашр этилди. Марказий ва маҳаллий телевидениелар орқали Ўзбекистонда яратилган ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш этилди. Жавҳарлал Неру университетида ўзбек тилини ўқитиш жорий қилинди. Ўзбекистоннинг университетларида таҳсил олган ҳинд олимларининг уюшмаси тузулди ва ушбу уюшма доирасида Республикамизнинг қатор олий таълим муассалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Шунингдек, 12 та олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларида Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонни илмий жиҳатдан ўрганиш, тадқиқот ишларини олиб бориш марказлари ташкил этилишига эришилди ва улар билан ҳамкорликда бир қатор илмий анжуманлар, семинарлар ўтказилди. Бизнинг элчихонамиз ҳам Ўзбекистоннинг Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий таълим вазирликлари ҳамда Фанлар Академияси билан келишган ҳолда Мустақиллик байрами, Конституция куни, Наврўз байрамларини тантанали нишонлаш мақсадида Ҳиндистонга хоразмлик, тошкентлик, фарғоналик ва бошқа вилоятлардан қўшиқчилар ва ошпазларни чақириб, маданий тадбирлар ўтказиб, ўзбекнинг миллий таомлари билан Ҳиндситон халқини меҳмон қилгандик. Бизнинг миллий таомлардан, айниқса, полов ҳиндларга жуда ёқарди. Лекин ҳиндларда сигир гўшти муқаддас бўлганлиги учун гўшт ўрнига қўзиқорин солиб ош дамланарди. Ушбу ва яна бошқа кўп сонли тадбирларни самарали ўтказиш билан мен икки давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига ўз ҳиссамни қўшганимдан беҳад хурсандман.



***(4.) Савол:*** ***Ҳиндистон дунёнинг иқтисодий жиҳатдан кучли давлатлардан эканлиги Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Икки мамлакат ўртасидаги амалга оширилаётган ҳамкорликнинг савдо-иқтисодий жиҳатлари тўғрисидаги фикрларингизни билмоқчи эдик?***

**Жавоб:** Икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 350 млн долларни ташкил этади. Лекин бу кўрсаткич икки мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ҳисобга олганда, жуда ҳам паст кўрсаткич ҳисобланади. Бунга сабаб иқтисодиётнинг асосий қон томирларидан ҳисобланган йўллар муаммосидир. Бобурийлар даврида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида 13 та савдо карвон йўллари бўлган.

Натижада халқларимиз ўртасида савдо-сотиқ алоқалари ривожланган. Аммо кейинчалик Афғонистонда вужудга келган терроризм мамкатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга ўз таъсирини ўтказди. Афғонистон стратегик жиҳатдан Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари учун транзит соҳасида асосий ўринда турувчи давлат ҳисобланади. Бугунги кунда Транс-афғон коридорини барпо этиш минтақада жойлашган

давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқднинг ривожланиришнинг асосий омили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-декабрдаги парламентга Мурожаатномасида ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва мазкур мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш йўлидаги глобал саъй-ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлаш, Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида аниқ манзилли тадбирларни амалга ошириш вазифаси алоҳида белгилаб ўтилди. Ўзбекистоннинг саъйи ҳаракатлари билан 2021-йилнинг 2-февралида Тошкентда Афғонистон ва Покистон ҳукумат раҳбарлари иштирокида “Мозори шариф-Кобул-Пешовар” темир йўлини қуриш бўйича якуний ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ҳеч шубҳасиз, ушбу лойиҳанинг амалга ошиши истиқболда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида иқтисодий муносабатлар ривожида катта ўрин эгаллайди.

***(5) Савол: Юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 30-сентабрь 2-октабрь кунлари Ҳиндистонга расмий сафари давомидаги нутқларидан бирида: “Ҳиндистон бугунги кунда жадал ривожланиб, жаҳон иқтисодиётидаги ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган глобал давлат. Сўнги тўрт йилда мазкур давлат билан икки томонлама муносабатлар янги босқичга олиб чиқилди”,– деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, сўнгги 4 йилда Ўзбекистон-Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар ривожланаётганлигини қайси соҳаларда кўришимиз мумкин?***

**Жавоб:** Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юритаётган очиқ прагматик сиёсатлари натижасида Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги сиёсий нуфузи янада ортиб бормоқда. Дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этди. Бундай баҳо барчамизга чексиз ғурур, ифтихор ва куч бағишлайди, янги марраларга руҳлантиради. Прездентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018-йилнинг 30-сентябрь - 1-октябрь кунлари Ҳиндистонга ташрифлари, 2019 йил 17-18-январь кунлари “Жўшқин-Гужарат 2019” халқаро саммитида ушбу давлатга иккинчи маротаба ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Мамлакатларимиз ўртасида фармацевтика, тиббиёт, таълим ва фан, ахборот техналогиялари, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида истиқболли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Биргина таълим соҳасидаги ҳамкорликда 2019 йилда Ҳиндистоннинг нуфузли олий таълим муассасаларидан Тошкентда Амити, Андижонда Шарда Унверситетлари, ўз навбатида Ҳиндистоннинг Ноида шахридаги халқаро унверситетида Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтини филиали ташкил этилди. Иқтисодий соҳадаги алоқаларимиз ҳам ривожланиб бориб, ҳинд инвесторлари иштирокида бугунги кунда юртимизда 200 дан ортиқ ҳинд компаниялари фаолият юритмоқда. Келгусида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. 2020-йил 29-декабрда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда устувор вазифалардан бири сифатида Ҳиндистон давлати билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлат билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарурлиги белгиланди.

***(7) Савол: Суръат Мирхожиевич, энди Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларини ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги таклифларингиз ҳамда келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни қайси йўналишларда ривожлантириш мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз?***

**Жавоб:** Таклифларим қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, икки давлат ўртасидаги бугунги кундаги муносабатларни сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтариш. Биринчи навбатда халқ дипломатясини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мамлакатларимиздаги дўстлик жамиятлари фаолиятини ислоҳ қилиб такомиллаштириш керак!

Ҳиндистонда йирик иқтисодий компаниялар мавжуд бўлиб, шулар орасида TATA компанияси ишлаб чиқаришда асосий ўринни эгаллайди. Ушбу компаниянинг

асосчиларининг аждодлари қадимги хоразмлик оташпарастлар, зардуштийлар ҳисобланади. Улар эрамиздан аввлги даврларда Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга босқини вақтида Хоразмдан Эронга, XVII асрда эса Ҳиндистонга кўчиб борганлар. Инглиз мустамлакачилиги даврида 1887-йилда тўқимачилик корхонасини, кейинчалик Бангалорда илм-фан институтини очишган. Йирик гидростанция ва металлургия заводларини қуришган. Бугунги кунда ушбу компания 90 дан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Менинг **иккинчи асосий таклифим шуки,** ТАТА компанияси билан алоқаларни ривожлантириш ва ушбу компания билан юртимизда қўшма корхоналар тузуш керак.

***Суръат Мирхожиевич, Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатлари тўғрисидаги мазмунли суҳбатингиз учун сизга ташаккур билдирамиз. Ўйлаймизки, сизнинг биз билан ўртоқлашган хотираларингиз, шунингдек, фикрларингиз, тавсияларингиз бўлажак дипломатларга, магистрларга, тадқиқотчиларга ўз фаолиятларида албатта асқотади.***

***Самимий суҳбат учуг Сизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик ва келгусидаги ишларингизда омадлар тилаймиз.***

Сизга ҳам раҳмат, саломат бўлинг!

**Мазкур суҳбатни**
**Тошкент давлат транспорт унверситети**
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси**
**мустақил тадқиқотчиси**
**Бехруз  Сайфуллаев олиб борди.**

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР
## МАХСУС СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
## СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР

# LOOK TO THE PAST
## SPECIAL ISSUE

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000